ЗУЛАЙХО
МАШАРИПОВА

ХАТО



XXI АСР ЎЗБЕК
ДЕТЕКТИВИ

Ж4
М-34
436/1
З. Макаренкова
Палата

84
М-34

ЗУЛАЙХО
МАШАРИПОВА

ХАТО



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2018

И38/2

УЎК:821.512.133-3
КБК: 84 (5Ўзб)7
М-34
Машарипова, Зулайҳо
Хато: детектив қиссалар ва ҳикоялар /Зулайҳо Машарипова. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2018. – 368 б.

ISBN 978-9943-27-938-4

Хато! Китоб номининг ўзиёқ ўқувчини жавобсиз ўйлар гирдобига тортади. Қандай хато, нега, нима учун? Ҳаётимиз қандай хатолардан иборат бўлиб қолмоқда, бу хатолар қанчалар яқинмиз ёки йироқ?..

Зулайҳо Машарипова қўлингиздаги китоб орқали ўзгалар хатосидан сабоқ олишга чорлайди барчамизни. Детектив қиссалар ва ҳикояларнинг кечмиши ҳаётийлиги ва тасвирларнинг ёрқинлиги билан ўқувчининг кўз ўнгида реал воқеаларни жонлантиради.

УЎК:821.512.133-3
КБК: 84 (5Ўзб)7

ISBN 978-9943-27-938-4
© Зулайҳо Машарипова, «Хато». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

INVENTAR № 1138/2
Зомишта АЛ

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН 6

«БЕЗОВТА РУҲ» 7

Ўз ҳузур-ҳаловатини деб Ҳадича эри Санжарни ўлдирмоқчи бўлдими? Уни кечалари келиб, ақлдан оздираётган Санжарнинг руҳими, ёки унинг ўзими? Ўглини ўлимдан сақлаб қолган-чи?

ШУБҲА 59

Ўзига ҳеч қачон битмас зарар етказган босқинчининг боласини асраб олган Ойгул қилган ишидан пушаймон бўлдими? Асранди бола вояга етганида тарбиялаб ўстирган ота-онасига ўхшадими, ёки газанда отасига ўхшадими? Наҳотки, у қотилликка қўл урган бўлса?

ХАЗИНА 102

Мираббоснинг ўлимига ким айбдор? Ёки уни ҳақиқатан ҳам жин чалганми? Келининг гапи рост бўлса-чи? Уларнинг уйига ярим кечада кириб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб, ҳеч қандай из қолдирмасдан кетаётган ажина-арвоҳми ёки уйдан ниманидир излаётган жиноятчими?

ХАТО 141

Хотинини ўлдириб, маст ҳолда ухлаб ётган эрига қотилликни тўнкашга эришгани учун, бегуноҳ йигитнинг умри қамоқда ўтмоқда эди, лекин ўн бир йилдан кейин худди шу кўринишдаги жиноятнинг бошқа оилада такроран содир қилинишига ишонасизми? Икки оилани йўқ қилмоқчи бўлган жиноятчининг мақсади нима эди?

Моҳир терговчи бир йўла иккита қотилликни қандай қилиб фош қилди? Омон ота қайси хатоси учун ўзини кечира олмади?

СЎНГГИ СЎЗ 206

Ичкиликка муккасидан кетиб, оиласидан воз кечган отанинг тубанлик даражаси борми? Оиласига хиёнат қилиб, бегуноҳ қизнинг номусини булғамоқчи бўлган кишининг-чи? Бир вақтлар кўчага ҳайдаган, энди ҳатто ўзи ҳам танимайдиган ўғли ҳаётини хатарга қўйиб отасини ҳимоя қилмоқчими?

Ҳазрат Навоийнинг «Садди Искандарий» асари билан терговчининг ишончи орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

ХИЁНАТ 253

Омонатга хиёнат қилиб, мақсадига етган борми? Ўғлининг ўлимида нима учун Бибигул опа ўзини айбдор деб, ҳисоблайди. Кичкина Бибигул хиёнатни кимдан ўрганган эди? Охир-оқибат ҳаммаси нима билан тугади?

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ 284

Ҳақиқатан ҳам афсоналар замирида ҳақиқат ётадими? Биз оналаримизнинг меҳрини суиистеъмол қилаётганимизни ўзимиз сезмай қоламизми? Беозор Ҳурматой опа ўз жонига қасд қилдими ёки унинг ўлимида келини Ҳаётнинг алоқаси борми?

НОТИНЧ ЎТГАН ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ 319

Янги йил кечаси келган қорбобо босқинчи бўлиб чиқиши мумкинми? Амирбекнинг ўғли Фарҳоднинг зийраклиги туфайли бутун оила ўлимдан қолди, лекин босқинчилар номаълумлигича қолаверди. Тажрибали терговчи уларни топишда қандай йўл тутди? Собиржоннинг, одам гиёҳвандлик касалига

чалинмайди, аксинча, у ўз қўллари билан пул бериб, бедаво дардни сотиб олади, деганда қанчалар ҳақ деб ўйлайсиз?

ҚАДИМИЙ ҚОЗОНЧА 351

Инсон ота-боболарининг ибратли ишларини айтиб фахрланиши аниқ, лекин уларнинг бой-бадавлат яшаганликларини исботлаш учун қотилликкача бориш шартмиди? Собиржоннинг, "менимча, инсон ўзининг аслзода эканини исботлашга ҳаракат қилиши шарт эмас, унинг барча хатти-ҳаракатлари, жамиятда тутган ўрни, теварак-атрофдаги одамларнинг унга берган баҳоси, унинг аждодларига ҳам тааллуқли бўлади", деган шахсий фалсафасига қандай қарайсиз?

МУАЛЛИФДАН

Учинчи китобимни қўлингизга олиб, варақлаётганингиздан бағоят хурсандман.

Қора ниятли жиноятчиларнинг изини топишда катта терговчи Собиржоннинг маҳорати янада ошиб бормоқда. Ушбу китобдан ўрин олган қиссаларни ўқиётганда воқеалар баёнидан қалблар титраши тайин, лекин эътибор берсангиз, Собиржон жиноятни очишга сал бошқачароқ ёндаша бошлаганлигини сезасиз.

Китобни ўқир экансиз, мундарижадаги кўрсатилган мавзулар доирасидаги саволларга бирин-кетин жавоб топа бошлайсиз, бироқ ҳар бир асарнинг ниҳояси сиз кутган эмас, сиз асло кутмаган ҳодиса билан тугашидан сира ажабланманг, чунки мен детектив жанрининг ҳайратланарли томони ҳам ана шунда, деб ҳисоблайман.

Китобни ўқиб бўлганингиздан кейин хаёлингизга, асарда айнан бир вилоятга хос бўлган шева ёки номлар учрамади, ўзи бу воқеалар қаерда содир бўлган экан, деган фикр келдими, ёки уларнинг содир бўлиш-бўлмаслиги, ҳар бир инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ-ку, деган хаёлга бордингизми?

Воқеаларнинг содир бўлган жойи унчалик муҳим эмас, ижобий фикримиз бир жойдан чиққанидан хурсандман. "Қиссадан ҳисса" чиқариш эса, албатта, ўзингизга ҳавола.

Ҳурматли китобхон, мен сизга олдиндан миннатдорчилик билдираман ва китобда йўл қўйилган хато, камчиликлар учун узр сўрайман.

«БЕЗОВТА РУҲ»

Июнь ойининг охири.

Қуёш қиздирганидан-қиздиряпти. Хадича ўғилчаси билан бозордан майда-чуйда, рўзғорга керакли нарсалар харид қилиб, уйга кетиш учун бекатга чиқди. У ёнгинасига келиб тўхтаган қора рангли "Нексия" машинасининг ҳайдовчисига эътибор бермасдан чиқаркан, киракаш деб ўйлаб:

– Ғафур Ғулом истироҳат боғи тарафга, – деди.

– Биламан, уйларингга бир марта борганман.

Хадича шофёрга ялт этиб қаради. Қўшнилари Марям опанинг ўғли Миршод жилмайиб қараб ўтирарди. У Хадичадан икки ёш катта бўлиб, бирга ўйнаб, талашиб-тортишиб ўсган эдилар.

– Вой, Миршод ака, ассалому алайкум, қарамабман, кечирасиз!

– Шунақа, қарамайсан-да, ёшликдаги дўстларингни, унутиб юборгансан, – деди Миршод машинани юргизаркан.

– Йўғ-э, унақа деманг, иссиқда чарчадим шекилли, шунга...

– Исминг нима полвон? – деди Миршод машинанинг кичик кўзгусидан, ойисига қисилиб, иссиқдан юзлари қизариб, терга бўкиб ўтирган Суҳробга қараб.

– Суҳроб.

– Жуда яхши, мен Миршод амакингман.

– Миршод ака, Марям опамлар, кеннойимлар ҳаммаси яхши юришибдими? – деб Хадича Миршоднинг уйидагиларни сўради.

Миршод қисқагина қилиб:

– Ҳаммаси яхши, – деб қўя қолди.

Ойимларникига борганимда Марям опамларни бир марта ҳам учратмабман, соғликлари жойидами?

– Ҳа, энди, қаричилик, юрибдилар.

– Ойимлар ҳам шу, ишқилиб тани-жонлари соғ бўлсин.

– Куёв бола қалай, яхши юрибдими? Нимага кун иссиқда ўзи бозор қилмай, сизларни қийнаб қўйибди?

– Ўн кунлик хизмат сафарига кетувдилар, шунга...

– Ҳа, ялло қилиб юрибди, дегин, – деб Миршод кўзгудан Хадичага қараб қўйди.

– Билмадим...

– Ҳазил.

– Бизникига қачон борувдингиз, Миршод ака?

– Мана бу полвоннинг бешик тўйида ойимларни олиб борувдим. Уйингни кўриб роса қойил қолганмиз. Қайнотанг анча пулдор киши, шекилли, ўғилларига шунақа уй-жой қилганидан кейин, нима ҳам дейиш мумкин?

– Ўзи, ўғиллари битта-ю.

– Шунақами, ундай бўлса, сизлар қайнотангникида тураркансизлар-да.

– Ўтган йили вафот этганлар.

– Худо раҳмат қилсин, – деб Миршод юзига фотиҳа тортиб қўйди.

Улар гап билан бўлиб, етиб келганларини ҳам сезмай қолишди. Хадича раҳмат айтиб, машинадан тушаётганида, Миршод Хадичага ўзининг телефон рақамини бериб:

– Эски дўстларингни эслаб қолсанг, қўнғирок қиларсан, – деди.

* * *

Хадича уйга кирганидан кейин нима учундир кайфияти тушиб кетди, қўшниси Миршод унга болалик даврларини эслатиб юборгани учунми, ёшлигини хотирлай бошлади.

Ўша пайтларида унинг орзулари бир олам эди. Шифокор бўлишни орзу қиларди, лекин олийгоҳга кира олмади. Кейинги йили эса, Санжар билан тўйлари бў

либ кетди. Уни ота-онаси турмушга чиқишга мажбур қилишмади. Буни Хадичанинг ўзи кўпроқ хоҳлади, чунки у Санжар билан биринчи учрашувга чиққандаёқ, Санжарнинг келишган йигит эканлигига, ундан ташқари унинг қимматбаҳо кийимлари-ю, «Мерседес» маркали машинасига қараб эси оғиб қолган эди.

Унинг турмушидан нолийдиган жойи йўқ эди. Санжар оиласига ғамхўр, ўғли Суҳробни жонидан ҳам яхши кўради. Рўзғорни бекаму кўст қилиб қўярди. Хадича келин бўлиб тушганидан бери у қайнона билан яшамаган, унинг ўгитларини олиб кўрмаган эди, чунки унинг қайнонаси анча олдин ўтиб кетган экан.

Хадичанинг ота-онасига, эрига нолийдигани кундузлари унинг битта ўзи тўрт девор орасида қолиб кетиши эди. Ўғли Суҳроб куни билан боғчада, эри ишда. Ҳайҳотдек ҳовлида битта ўзи шўппайиб юришни жуда ёмон кўрарди. Буни эрига айтса, у:

– Сенга тушуна олмайман, наҳотки шунча катта ҳовлининг супур-сидири, кир-чирию овқатидан, зерикишга вақт топа олсанг? – дерди.

– Санжар ака, сиз мени ҳеч қачон тушунмасангиз керак! Гап фақат ҳовлида иш кўплигида эмас-ку, ахир мен ёлғиз қолишни ёмон кўраман, тушуняпсизми?!

– Лекин, мен нима қилишим керак, бирор мутахассислигинг бўлса, мен сени ишга жойлаб қўйган бўлардим, лекин...

– Ха, сиз учун энг осони шу гап, ҳали ҳам кеч эмас-ку, бирор жойга кириб ўқишим мумкин.

– Масалан, қаерга?

– Агар хоҳласангиз ўзингиз топиб, киритардингиз!

– 26 ёшга кирган бўлсанг, қайси ўқишга киришинг мумкин ахир, ундан кўра, Суҳробга битта сингил туғиб берганинг яхши эмасми?

– Ўйлаб кўраман.

– Унинг нимасини ўйлайсан, ахир ўғлимиз янаги йил мактабга чиқади, синглиси бўлса қандай яхши.

– Менинг кайфиятимнинг сизга умуман қизиғи йўқ!

– Нимага энди қизиғи бўлмас экан, хафа бўлаверма-чи, мен сенга тўғри келадиган бирор иш қидириб кўраман.

Бу суҳбатнинг бўлиб ўтганигаям 4-5 ой бўлди, лекин Санжар ҳалигача бирор иш топганича йўқ. Хадича ичидан шуларни ўйлаб, эридан норози бўла бошлади.

Миршод ака айтганидек, Санжар аканинг ўзлари ялло қилиб юрибдилар, лекин менинг ота-онамникига тез-тез боришим ҳам у кишига ёқмайди. Кетаётганларида, мен сафардалигимда ҳеч қаёққа бормагин, келганимдан кейин бирга борамиз, деб тайинлаганларини-чи!

Қизиқ, ўзи Санжар ака мени озгина бўлса ҳам яхши кўрармикан? Менимча, йўқ! Агар заррача менга нисбатан меҳрлари бўлганида эди, менинг аҳволим, кайфиятим билан қизиқардилар... Уларга эса барибир, ёлғизликдан сиқиламанми, ўлиб кетаманми, парволарига ҳам келмайди!

Мен-чи, мен Санжар акани яхши кўраманми, ўзи?

Хадича бу саволга ўзида жавоб топа олмади, яна ўйлай бошлади. Наҳотки, мен эримни ёмон кўрсам? Ундай бўлса нима учун унга тегдим? Буни билиш жуда осон, қайси аҳмоқ шунча бойликлари, данғиллама уй-жойи бор йигитга тегмайман, дея оларди?! Менга айниқса ўша пайтда уйда қайнонанинг йўқлиги жуда ёққан эди. Маза қилиб, ўзим хоҳлаган ишни қилиб юраверайман, халақит қиладиган қайнонам ўлиб кетган, деб қанча хурсанд бўлган эдим-а. Ўшанда эрим ўнта қайнонадан ҳам баттар эканлигини қаердан ҳам билибман!

Ҳар бир қадамимни текширади-я. Озодаликни жуда яхши кўради, ҳатто ҳар бир идишнинг покизалигини кўздан кечиради, айрим ишларимни менга билдирмасдан зимдан кузатади, қуриб кетсин!

Хадича шундай ўйлар билан ором курсида орқага суянгача қанча вақт ўтириб қолганини ўзи ҳам билмайди. У ўғлининг:

– Ойи, қорним очиқиб кетди, қачон овқатланамиз? – деганидан кейин соатга қаради. Тушлик вақтидан анча ўтиб кетибди, энди бира тўла кечки овқатга уннай қоламан, деб ўйлади у.

– Суҳроб, телевизор кўриб ўтиргин, мен ҳозир овқат қиламан, – деди ўғлига.

– Телевизор кўраверіб зерикиб кетдим, энди кўрмайман! – деди болакай хархаша қилиб.

– Майли, бўлмаса мана бу печеньелар билан чой ичиб тур, – деб ўғлига ликобчага солинган ширинликлар тутқазди.

Суҳроб битта печеньени қўлига олиб, диванда ётганича ухлаб қолди.

Хадича ўғлининг ҳеч нарса емай ухлаб қолганига, ўзини койиб, тез-тез овқат пишира бошлади.

Хадича Санжар хизмат сафаридалигида нима учундир эрини ўйласа, юраги музлаб қолгандек туюларди. У вақт ўтказиш учун уззу кун дугоналари, таниш-билишлари билан телефонда гаплашарди.

Санжар қўнғироқ қилиб қолса, қисқагина гаплашиб, гўшакни қўярди.

– Хадича, ўн марта қўнғироқ қилдим-а! – деди Санжар жаҳли чиқиб, бир гал қўнғироқ қилганида.

– Уйдаман, ҳеч қаёққа чиққаним йўқ!

– Биламан, лекин телефон банд, ҳар замонда гўшакни қўйиб, нафасингни ростлаб олиб гаплашиш керак, деяпман!

– Нима, телефонда гаплашишниям таъқиқламоқчимисиз, ҳеч қаёққа чиқмасам, телефонда гаплашмасам, бира тўла ўлиб қўя қолай бўлмаса! Шунда сиз хурсанд бўласизми?!

– Сенга нима бўлди? Бу нима деганинг? Мен сизлардан хавотир олиб қўнғироқ қилсаму, сени қара-ю! Гўшакни Суҳробга бер!

Хадича гўшакни ўғлига бериб, эри билан хайр-хушни ҳам насия қилиб, ошхонага кириб кетди.

Кейин у онасига қўнғироқ қилиб:

– Ойи, бизникига келинг, сиқилиб кетдим, – деди.

– Қизим, ўзинг кела қол, мен кўчада, кун иссиғида сизларникига боришим осонми?

– Куёвингиз, ҳеч кимникига борма, деб тайинлаганлар.

– Келавермайсанми, у қаерданам билсин, уйда бўлмаса?

– Ойи, нималар деяпсиз, унинг қанақалигини билмайсиз-да!

– Хўш, қанақа экан?

– Ернинг тагида илон қимирласа билади, келганидан кейин балога қоламан-ку!

– Майли, ундай бўлса келмай кўя қол, кечга қараб ўзим сизларникига ўтаман.

– Хўп.

Иссиқда терлаб-пишиб келган Шодия опа қизи билан саломлашиб, дарров нима учун чақирганининг сабабини сўради.

Хадича кўзларига ёш олиб:

– Ойи, ростини айтсам, шу тўрт деворнинг ичида сиқилганимдан юрагим тарс ёрилиб кетай дейди. Сиз билан гаплашиб ўтириб, бир юрагимни ёзай дедим-да.

– Фақат шуми?

– Ҳа...

– Ундай бўлса, майлику-я, мен нима бўлди экан, деб қўрқиб келган эдим, – деди ҳалиям ҳансираётган Шодия опа ўзини анча хотиржам сезиб, оромкурсига ўтираркан.

– Нима, менинг сиқилиб ўтиришимнинг сизга фарқи йўқми? – деди Хадича кўз ёшларини артиб.

– Бор, албатта, лекин бу гапларни ҳамиша айтиб келгансан-ку, қизим.

– Лекин, энди бир қарорга келиб бўлдим!

– Қанақа қарор ҳақида гапиряпсан? – деди Шодия опа кўзларини катта очиб.

– Мен Санжар ака билан ҳаммасини узил-кесил ҳал қилмоқчиман.

– Нимани, тушунтириброқ гапирсанг-чи?

– Ортиқ бундай яшай олмайман! Агар мени бирор жойга ишга жойламаса, у билан ажрашаман, тамом-вассалом!

– Нималар деётганингни биласанми, ўғлинг-чи?!

– Уни ўзим ишлаб, пул топиб боқиб катта қиламан!

– Ишқилиб, ақлдан озиб қолмадингми?

– Агар шу ҳовлида куни билан яна шундай битта ўзим ёлғиз юраверсам, ақлдан озишим ҳам ҳеч гапмас!

– Шундай данғиллама ҳовлида-я?! Бу уй-жойни қанча қизлар ҳавас қилишини биласанми, аҳмоқ! Ўзи сенга нима етишмаяпти? Ҳамма нарсанг жойида бўлса, эрингнинг ишлари яхши, топиш-тутишига гап йўқ, сени урмаса, сўкмаса, нима керак сенга?

– Ойи, менга озодлик керак, мен қамоқдаман! Уй қамоғида, чиқсам, фақат эрим билан чиқаман! Ахир мен ҳам одамларга ўхшаб ишдан чарчаб келиб, оёқларимни узатиб ўтиришни хоҳлайман, тушунсангиз-чи! – деб Хадича ғиламга ўтириб олди.

– Тентак қиз, битта чарчаб ишлаб юрган катта опанг, Зумрадми? Сен шунга ҳавас қиласанми?! Олган маоши рўзғорига аранг етади. Поччангнинг топиш-тутишида барака йўқ, қаерданам барака бўлсин, топгани ўзининг ичадиган арағига зўрға етса! Кичик опанг Тўтихон эрталабдан кечгача бозорда, лекин бири икки бўлмайди, чунки эри ишламайди-да, саёқ юради, сенинг орзу қилганинг шуми?!

– Ойи, наҳотки сиз ҳам мени тушунмасангиз? Ҳаётим жуда зерикарли, мен ҳам ҳамма қатори кўча-куйда, одамлар орасида юришни хоҳлайман!

– Тушунаман, лекин сен бу уй-жойни, шунча бойликни ташлаб чиқиб кетсанг, бошқа бундай нарсаларни тушингда ҳам кўрмайсан, билиб қўй! Сен ҳали

пул топиш қандай қийин иш эканлигини хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Раҳматли қайнотанг сизларга ҳамма нарсани муҳайё қилиб кетган. Шунинг учун сизлар ҳеч нарсага қийналмасдан яшаб юрибсизлар.

– Ойижон, ҳаммасини биламан, лекин менга ҳам тушунинг-да, бирор маслаҳат беринг, илтимос!

– Қизим, биламан, куёвим жуда ақлли, лекин сен ҳам айёрроқ бўл-да, ахир!

– Қандай қилиб?

– Ёлғондан бўлса ҳам унинг кўнглини топишга ҳаракат қил, шунда балки сенга раҳми келиб, бирор иш-пиш топиб берадими, ким билади? Акс ҳолда сен ҳадеб қўполлик қилаверсанг, унинг сендан кўнгли қолиб, сенга баттар аҳамият бермай қўйса, унда нима қиласан?

– Ҳа, тўғри айтасиз, ойи, айёрроқ бўлишим керакка ўхшайди...

Шодия опа билан Хадича кечаси узоқ гаплашиб ётиб, тонг отганини ҳам сезмай қолишди.

***

Хадича Санжар хизмат сафаридан келганидан кейин онасининг маслаҳатига қулоқ солибми, ёки ўзи ўйлаб кўрдими, ишқилиб ўзгариб қолган эди. У эрига ёлғиз қолиши ҳақида гапирмас, ўзини ҳамма нарсадан хурсанд одамдек тутарди.

Бир куни Санжар:

– Хадича, ҳамма жойни қидириб, иш изладим, лекин сенга тўғри келадиган бирорта иш тополмадим, – деди.

– Майли, дадаси, қўяверинг, – деди Хадича ичидан зил кетса ҳам Санжарга билдирмай.

Санжар хотинининг ўзгариб қолганини унинг ёши улғайиб, кўникиб қолганга йўйди ва ичида қувониб қўйди.

...Энди Хадича эрининг унга раҳми келиб, бирор ишга жойлаштиришидан умидини узганди. У ўзи

ҳаракат қилишга қарор қилди, лекин қандай ҳаракат қилишни билмас эди. У стол тортмасидан бир нимани қидираётиб, кўзи қўшниси Миршоднинг телефон рақамига тушиб қолди.

Хадича уни қўлига олиб, қўнғироқ қилсаммикан, деб ўйлади, лекин нима дейман? Шуни ҳам ўйлаб ўтираманми, қўнғироқ қилгандан кейин гаплашишга мавзу топилиб қолар, деб ўйлади у.

Хадича Миршодга қўнғироқ қилди.

Миршод гўшакдан Хадичанинг овозини эшитиб, ҳайрон бўлди.

– Хадича, болаликдаги дўстингни эслаб қолибсан?

– Ҳа, кўзим телефон рақамингизга тушиб, сўрашиб қўяй дедим.

– Раҳмат, ўзинг яхши юрибсанми?

– Бир нави...

– Ҳа, шаштинг пастроқ, тинчликми?

– Уйда ёлғиз ўтираверіб, зерикиб кетдим.

– Шунақами, ҳозир менинг вақтим бемалолроқ эди, болаликдаги даврларни бир эсга олиб, музқаймоқхўрлик қилмаймизми?

– Билмадим, қандай бўларкан?

– Қандай бўларди, жуда яхши бўлади-да!

– Тўғри айтасиз, уйимизнинг олдидан ўтувчи катта йўлнинг нариги бетида, болалар кафеси бор. Ўша ерда зўр музқаймоқлар сотади.

– Ўн дақиқадан кейин чиқ, худди ўша сен айтган жойингда бўламан!

Хадича ўйланиб қолди. Санжар акам билиб қолса нима бўлади? Нима бўларди, йўлнинг нариги бетига ўтиб музқаймоқ ейишнинг нимаси ёмон экан? Аслида, ўзимни шу аҳволга тушиб қолишимга ўзим сабабчиман. Санжар акам нима деркан? Санжар акам нима деб ўйларкан? Санжар акамга нима қилсам ёқаркан ва ҳоказо. Нима, бу дунёда фақат Санжар ака учун яшайманми? Ахир ўзим ҳам одамман-ку! Ўзим учун қачон яшайман?!

Бўлди, бундан кейин кўнглим нимани тусаса шуни қиламан ва яна жуда айёр бўламан, керак бўлса ўша Санжар ака қанчалик ақлли бўлмасин, менинг қилаётган ишларимни асло била олмайди!

Хадича ўзи ўйлаган фикридан, нима учундир енгил тортгандай бўлди. Чунки Миршоднинг таклифи у турмуш қурганидан бери ўзи хоҳлаётган, лекин қила олмаётган иши эди.

У ўрнидан туриб тошойнага қаради. Ойнадан унга қорачадан келган, лекин кўҳликкина аёл жилмайиб қараб турарди. У анчадан бери ўзини бундай яхши кайфиятда кўрмагани учун, ҳозирги туриши ёқиб тушди. Хадича тошойна қаршисидан кетмай пардоз қила бошлади. Унга пардоздан кейинги кўриниши жуда чиройли кўринди, шекилли, овозини кўтариб:

– Жуда гўзалман! – деди.

Хадича, бир оз семирибман, лекин бу баланд бўйли бўлганим учун, унча билинмайди, деб ўйлади. У ўзини ойнага солиб анча туриб қолди.

У турмушга чиққанидан бери елкасидан бир нарса босиб турганга ўхшарди. Хадича етти йил Санжар билан бирга яшаган бўлса, етти йилдан бери ўзи хоҳлагандек эмас, эри хоҳлаганидек яшарди. У ўзини, шундай ҳаётга кўникишим керак, энди мен ўзимни оиламга бағишлашим, оилам хурсандчилиги менинг муваффақиятим, оилам инқирози эса менинг бахтсизлигим, деб қарашга ундай олмас эди...

Хадича кафега борганида унинг кўзи Миршодга тушиб:

– Ассалому алайкум, Миршод ака, дарров етиб келдингизми? – деди Хадича Миршод ўтирган стол ёнига бориб.

– Ҳа, қанот боғлаб учиб келдим, – деб Миршод Хадичани ўтиришга таклиф қилди.

– Қанотларим ҳам бор, денг, – деди Хадича Миршоднинг қаршисидаги стулга ўтираркан.

– Ҳа, мен дўстларим учун ҳамма нарса топаман!

– Шунақа денг, майли, кўрамиз нималар қила олишингизни.

– Хадича, ҳозир ҳам шоколадли музқаймоқни яхши кўрасанми?

– Менинг қанақа музқаймоқни яхши кўришим ҳалиям эсингизда бормиди?

– Ҳа, ҳаммаси эсимда, мен қаймоқлигини яхши кўрардим, – деб Миршод иккита музқаймоқ олиб келишни буюрди.

Улар музқаймоқ еб гаплашиб ўтирдилар.

– Суҳроб боғчада-да, бўлмаса у ҳам биз билан мазза қилиб музқаймоқ еярди, – деди Хадича ўғлини эслаб.

– Хадича, ҳарҳолда менинг ёшим сендан каттароқ, шунинг учун сенга бир маслаҳат бераман, майлими? – деди.

– Эшитаман, Миршод ака.

– Сенга айтсам, дўстлар даврасидами, ёки бошқа бирор жойда мириқиб дам олаётганингда, ёки меҳмондорчиликдами оилани, болани, рўзғор ташвишларини умуман ўйламаслик керак!

– Нимага?

– Нимага бўларди, улар дам олишингга халақит берадиган объектлар ҳисобланади, шунинг учун-да! – деди Миршод кулиб.

– Сиз шунақамисиз?

– Аввалларн унақа эмас эдим, ҳозир шунақа бўлиб қолдим.

– Нима сабабдан, билсам бўладими?

– Эҳ, Хадича, менинг бошимдан ўтган кунларни эсламоқчи эмасдим, агар рухсат берсанг, шу саволингга жавоб бермасам майлими?

– Йўқ, мени қизиқтириб қўйдингиз, ҳаммасини айтиб беринг, ундан кейин мен ҳам дардимни сизга тўкиб соламан.

– Ие, сенда дард нима қилади, кимсан фалончининг келини бўлсанг, эринг бойваччалардан бўлса, бу ёғи қизиқ бўлди-ку!

INVENTAR № 4981/2

– Миршод ака, турмушингиз тўғрисида гапириб беринг, бир дардлашайлик.

Миршод стакандаги коладан ҳўплаб, уҳ тортиб қўйди. У Хадичага бир қараб қўйиб, кейин сўз бошлади:

– Хадича, менинг кимга ўйланганимдан хабаринг бор эди. Эсингда бўлса, тўйимиз сенинг тўйинг арафасида бўлиб ўтган эди. Биз бир йилча ўзимизнинг уйда яшаганимиздан кейин қайнотам бизни қўярда-қўймай уйларига кўчириб олиб кетди.

– Нимага?

– Чунки менинг хотиним уларнинг ягона фарзандлари эди-да. Қариб қолдик, иссиқ-совуғимиздан хабар оладиган одамимиз йўқ, деб ялиниб, ёлборганларидан кейин, раҳмим келиб, рози бўлган эдим. Ўша қайнотамларникида яшашга рози бўлган кунимга минг лаънат бўлсин!

Миршод жимиб қолди.

– Кейин нима бўлди? – деди Хадича қизиқиб.

Мен ўзимни ўтга, чўққа уриб, уйим, болаларим деб югуриб елганим билан, уларга бир тийинлик қиммати йўқдек муомала қилишарди. Менга бегоналардек қарашар, ҳовли-жойни қайнотам кўзи очиқлигида ўғлимизнинг номига мерос қилиб қолдирди.

Бу менга ёмон таъсир қилди, ахир, ўзинг ўйлаб кўр, у менга ишонмаганидан неварасининг номига расмийлаштирди, тушуняпсанми?! Нима, мен унинг уйига зорманми?!

– Тўғри, ўзингизни босиб олинг, сувдан ичинг, – деб Хадича унга сув узатди.

– Улар менинг ҳар бир ҳаракатимга бошқача назар билан қарашар, тирноқ остидан кир қидиришар эди. Охир-оқибатда мен у уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

Ишонасанми, биз ажрашаётганимизда ўғлим ҳам, қизим ҳам онаси билан яшашни исташларини айтишди. Уларнинг биттаси ҳам мени танламади.

Ахир мен уларнинг отаси бўлсам, уларни жуда яхши кўрар эдим...

Миршоднинг кўзларидан ёш айланди.

Хадича унга раҳми келиб:

– Хафа бўлманг, Миршод ака, ўзи ҳаёт жуда бешафқат экан, – деди.

Орага жимлик чўкди.

– Миршод ака, ҳозир қаерда яшаяпсиз, нима билан шуғулланяпсиз? – деди.

– Мен савдо-сотиқ қиламан, Худога шукр, топиш-тутишимдан нолимайман.

Миршод нима учундир Хадичанинг, қаерда яшаяпсиз, деган саволига жавоб бермади, ёки ижарада яшаётганини айтгиси келмадими, ким билади?

– Нималар билан савдо қиласиз?

– Мен чет мамлакатлардан мол олиб келиб, бозорда ўтириб сотувчиларга кўтарасига бераман. Ишим яхши, ўзимга ёқади.

– Ҳа, маза қилиб чет элларни кўраркансиз...

– Сенинг қандай дардинг бор эди, гапир энди, – деди Миршод Хадичага қараб.

– Ростини айтсам, Миршод ака, дардларимиз ўхшаб кетар экан.

– Қанақасига? – ажабланиб сўради Миршод.

– Мен ҳам уйда эртадан кечгача куймаланиб, рўзғор юмушлари билан юраман, лекин эрим менинг меҳнатимни умуман қадрламайди. Менга худди чўридек муносабатда бўлади.

– Йўғ-э?

– Ҳа, шунақа, мен уйда зерикиб ўлиб кетаманми, сиқиламанми, у кишига барибир. Мени бирор ишга жойлаб қўйинг, деб айтавериб, чарчадим. У киши фақат, хўп, кўрамиз, дердилар. Яқинда менбоп ишни топа олмаганликларини узил-кесил айтдилар. Шундан бери ундан кўнглим қолди.

– Ҳа, ёмон бўлибди.

– Эсингиздами, ёшлигимизда кўчадан уйга киришни ўйламасдик ҳам. Ҳар куни кино, парк, кафе ва бошқаларда юрардик.

– Ҳа, жуда ажойиб вақтлар эди.

– Санжар ака бўлса, сен болалар тарбияси билан шуғулланган, ишни нима қиласан, деганлари-деган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз ёшлигимизда бизнинг тарбиямиз билан оналаримиз уйда ўтириб шуғулланганми?

– Йўқ, албатта!

– Ўлманг, Миршод ака, менинг ойим касалхонада ҳамшира эдилар, ҳатто кечалари ҳам навбатчиликка тушиб, 2-3 кунлаб ҳам кўришмасдик. Сизнинг ойингиз Марям опа эса, магазинда сотувчи эдилар, улар озиқ-овқат магазинида кечасиям ишлардилар. Улар иккаласи яхши ўртоқ эдилар, ишдан бўш вақтларида ҳам, ўтиришларга кетардилар. Сизлар ҳам худди биз каби ойимларни қачон кўрарканмиз, деб юрардинглар, тўғрими?

– Тўғри.

– Энди менга айтинг-чи, бизнинг тарбиямиз ёмонми? Биз кимдан каммиз?

– Ҳеч кимдан каммасмиз, жуда яхши тарбияланганмиз. Эринг бекорларнинг бештасини айтибди, уйда сиқилиб ўтиравермасдан кўчага чиқ. Ҳайронман, шу пайттача уйга қамалиб ўтиришга қандай чидадинг? Ахир сен кўчада юришга ўрганган қиз эдинг-ку!

– Ҳа, Миршод ака, қани энди, эрим ҳам мени сиздай тушуна олса...

Миршод Хадичага боқмаёқ кўз билан қаради. Унинг сал чўзинчоқ тулкиникига ўхшаган кўзлари сузилиб кетгандек бўлди. Хадичага унинг бу қараши ёқиб тушганидан, у ҳам Миршоддан кўзини уза олмай қолди...

* * *

Энди Хадича бутунлай ўзгарган эди. У Санжарга фақат ёлғон гапирар, мабодо рост гапириш тўғри келиб қолса ҳам, шуни ўзгартириб ёлғон айтарди.

Гоҳида бунга ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Уни ёмон кўрганим учун шундай қиляпман, деб ўйларди. Лекин Хадича, эримни нима учун ёмон кўраман, деб чуқурроқ ўйлаб кўришни истамас эди.

Хадичага аслида, Санжарнинг жуда синчков эканлиги ёқмасди. Санжар Хадичанинг усталик билан яширмоқчи бўлган ҳар қандай ҳаракатини билиб олар ва унга тўғри гапиришни маслаҳат берарди.

Хадича Санжарга йўлнинг нариги бетига ўтиб музқаймоқ еганини айтди, лекин ким билан ўтирганини яширди.

Миршод эса Хадичага тез-тез қўнғироқ қиладиган бўлиб қолди. Ҳатто Хадича Миршод қўнғироқ қилмаган куни Миршод акамга нима бўлди экан, қўнғироқ қилмаяпти, деб хавотирланадиган бўлган эди.

Бир куни Миршод Хадичага қўнғироқ қилиб, музқаймоқ кафесида ўтирганини, агар вақти бўлса келишини таклиф қилди.

Хадича тезда етиб борди.

Улар музқаймоқ еб суҳбатлашар эдилар.

– Қалай, эринг билан тил топишяпсанми? – сўради Миршод.

– У билан ўлиб кетгунча тил топиша олмасам керак, – деди Хадича лабини буриб.

– Шундай яшайверасанми?

– Бошқа иложим йўқ-да, ўртамизда ўғлимиз бўлса...

– Агар эринг рухсат берса, сен ҳам зерикмаслик учун савдо-сотиқ ишлари билан шуғуллансанг бўларди.

– *Нималар деяпсиз, у ҳеч қачон бунга рози бўлмайди.*

– Сени тушунганим учун ҳам раҳмим келади, сенга ёрдам беришни истайман.

– Раҳмат, Миршод ака, сиз билан гаплашсам кўнглим тоғдек кўтарилади. Ишонасизми, ҳатто ўзимни кун бўйи енгил сезиб юраман.

– Ишонаман, чунки ўзим ҳам худди шундай бўламан-да.

– Ростданми?

– Ҳа, шунинг учун ҳам қўнғироқ қилавериб жонингга тегиб кетаман-ку.

– Йўқ, ҳечам жонимга тегмайсиз.

– Эринг уйдамикин, сезиб қолмасин, деб хавотирланаман.

– Ҳа, менам...

– Биласанми, бир нарсани айтай дейману, сенга бу гапим ёқадими, йўқми, деб айтишга журъат қилолмаяпман.

– Нимани, айтаверинг?

– Майли, кейинги учрашганимизда, ҳозир эринг ишдан келадиган вақт бўлиб қолди. Уйингга борақол!

– Хўп, хайр...

Хадича Миршод билан хайрлашиб, уйига борганидан кейин ҳам унинг нима демоқчи эканлигини ўйлади. У Санжарнинг саволларига ҳам қисқа жавоб бериб, ундан сал узоқроқ юришга ҳаракат қилар, ўғли Суҳробнинг боғча опаси айтиб берган эртакни такрорлаши ҳам унинг қулоғига кирмасди. У ўғлига бошини қимирлатиб ўзини эртакни эшитиб ўтиргандек кўрсатарди.

Санжар Хадичадаги ўзгаришни қандай баҳолашни билмай боши қотган эди.

Эртаси куни Санжар ишга кетиши билан эрталаб Хадича Миршодга қўнғироқ қилди.

Миршод савдо-сотиқ ишлари билан бошқа вилоятда юрганини, бугун учрашишнинг иложи йўқлигини айтди. Хадича бундан баттар тоқатсизланди. У эртанги кунни бесабрлик билан кута бошлади.

Ниҳоят тонг отди. Хадича эрталабдан эрига нонушта тайёрлай бошлади. Санжар Хадичанинг эрта тонгда нонушта тайёрлашини кўриб, ҳайратга тушди.

– Хадича, сенга нима бўлди, ишқилиб кўзим тегмасин-да! Ҳар куни шундай бўлса қандай яхши! – деди қувониб.

Хадича жавоб бериш ўрнига мийиғида кулиб қўя қолди. У эрини ишга кузатганидан кейин сал ўтмай,

Миршод қўнғироқ қилиб, уни кутиб ўтирганини айтганида, Хадичанинг юраги севинчдан ҳапқириб кетди. У менга нимани айтмоқчи бўлди экан, тезроқ бориб эшитишим керак, ўйлади у.

Хадича Миршод билан саломлашганидан кейин тўғридан-тўғри мақсадга ўтиб:

– Хўш, анув куни менга нима демоқчи эдингиз? – деди.

– Э, қўявер, у бир хомҳаёл эди.

– Нима, айтмайсизми?

– Йўқ, айтишим шарт эмас.

– Миршод ака, агар айтмасангиз хафа бўламан!

– Мен эса, бу гапни айтиб сени хафа қилиб қўяманми, деб гапирмай юрган эдим.

– Йўқ, мен сизнинг ҳар қанақа гапингизга ҳам хафа бўлмайман, бемалол гапираверинг.

– Майли, лекин, сенга ёқмаса, мени бу ҳақда гапирмади, деб ҳисобла, хўпми?

– Хўп...

– Хадича, сенинг эринг билан қийналиб яшаётганинг учун ҳам мен шундай фикрга бордим-да. Нимага деганда сен менга жуда яқинсан, сенинг бахтли бўлишингни хоҳлайман.

– Раҳмат, лекин нима демоқчисиз?! – деди тоқати тоқ бўлиб Хадича.

– Сен ростини айт, мен билан турмуш қуришни истайсанми?

– Ахир мен, оилам...

– Йўқ, уларни йиғиштиб бир чеккага қўй ва улар йўқ деб фараз қил! Хўш, истайсанми?

– Ҳа, лекин...

– Лекин бизга эринг халақит беради тўғрими, сен ҳам шундай демоқчимидинг?

– Ҳа.

– Шунинг учун ҳам ундан қутулишимиз керак!

– Қандай қилиб?! – деди хавотирланиб Хадича.

– Сен мен билан чет мамлакатларга бориб, у ерлардан моа олиб келиб юришни, у ерларда дам олишни, сайру саёҳатни яхши кўрасан, тўғрими?

– Тўғри.

– Ҳар куни тўрт деворнинг ичида ўтирмасдан, ресторан, дам олишларда бўлишни жуда хоҳлайсан, тўғрими?

– Ҳа...

– Ана, кўрдингми, мен ҳам сен билан худди шундай роҳатда, бирга яшашни истайман, лекин бунга эринг йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам уни йўқ қилишимиз керак.

– Қандай қилиб, ахир? – яна сўради Хадича.

– Дунёга келган одам бир кун келиб, барибир ўлади. Одам тириклигида дунёнинг лаззатларидан баҳраманд бўлиши керакми, ёки зерикиб, сиқилиб, орзуларига ета олмай армонлар исканжасида ўлиб кетиши керакми? Ёки сен охират, жаннат, дўзах, имон тўғрисидаги сафсаталарга ишонасанми?

– Йўқ.

– Ана кўрдингми, иккаламизнинг дунёқарашимиз бир хил. Демак, биздан яхши жуфтлик чиқади. Ўзи бошданоқ, нима учун сенга уйланиб қўя қолмаганман-а? Лекин шундай бўлмаганидан хурсанд бўлишимиз керак.

– Нима учун? – деди Хадича Миршоднинг нима демоқчи эканлигини тушунмай.

– Мен сенга уйланганимда, бойвачча эрингнинг бойликлари бизга қолмас эди, балки биз бундай бойликни ҳеч қачон кўрмаган бўлармидик...

– Ҳа...

– Лекин эрингни бир амаллаб йўқ қилсак, марра бизники бўларди, чунки унинг сен ва ўғлингдан бошқа меросхўрлари йўқ-да, тўғрими?

– Тўғри...

– Хадича, тағин сен бу гапларни кимгадир оғзингдан гуллаб юрмагин, яна.

– Йўғ-э, мени аҳмоқ, деб ўйлаяпсизми?

– Ақллилигингни биламан, лекин ойингдами, опаларингдами, сиримизни очиб қўйма, деяпман-да.

– Йўқ, хавотирланманг, у бизнинг иккаламизнинг сиримиз бўлиб қолади.

– Мен эртага чет элга кетяпман, сен ўзинг бирор режа ўйлаб топ, агар иложини қилсанг, ўзинг режани амалга ошир, агар эплашингга кўзинг етмаса, менинг келишимни кут, хўпми?

– Хўп...

Хадича Миршоднинг таклифи тўғрисида ўйланиб қолди ва кўп ўтмай қатъий тўхтамга келди. Миршоднинг таклифи Хадича учун айни муддао эди...

* * *

Хадичанинг кундузи ҳам, кечаси ҳам хаёли фақат Санжарни қандай қилиб йўқ қилишда бўлиб қолди. У уйда деярли ҳеч ким билан гаплашмас, телефон гўшагини жойига қўйишни хаёлига келтирмай гаплашадиган Хадича, қўлига гўшакни олмайдиган бўлиб қолган эди. Санжар Хадичадаги бу ўзгаришни ўзича шарҳларди. У, бечорани қийнаб қўйдим, унга ҳар қадамда дакки бераверіб, безор қилиб юбордим, шекилли. Ҳатто гапирмай ҳам қўйди, ахир гапирса гапининг хатосини топиб, изза қилардим-да?

Энди унинг ҳам кўнглига қараб иш тутаман, у ҳам одам-ку, сал бўлмаса одамгарчиликдан чиқай, дебман-а! Санжар Хадичага раҳми келганидан ошхонага кириб, унинг ишларига ёрдамлашган бўлар, дазмол босишда ёрдамлашмоқчи бўларди. Лекин Хадича унинг бу ҳаракатларига бефарқ қарар, Санжар буни тушуна олмай ҳуноб бўларди.

Дам олиш куни Хадичанинг акаси келиб, болаларни айлантириб келмоқчи эканини, агар хоҳласа Суҳробни ҳам олиб кетмоқчи эканини айтиб қолди. Хадича бунга рози бўлиб;

– Майли, ака, уйда зерикиб ўтирибди, кечгача сизлар билан бўла қолсин, – деди.

– Ундай бўлса, кечгача жияним биз билан бўлади.

Санжар ёшлигидан тиниқиб ухлашни яхши кўрарди. У ҳар куни ишга уйқуга тўймай кетгани учунми, дам олиш кунлари ўзи хоҳлаганча ухларди. У одатдагидек уйқудан туриб, ҳовлида Суҳроб кўринмагани учун:

– Хадича, Суҳроб кўринмайдими? – деди.

– Акам жияларим билан бирга айланишга олиб кетдилар.

– Эрталабдан-а?

– Эрталаб қолдими, соат 11 бўляпти-ку.

– Шунақами? Бугун анча ухлаб қолибман-да, – деди Санжар керишиб.

– Ҳа, ҳар доимгидек.

– Э, жин урсин, бугун сизларни шаҳардан ташқарига олиб чиқмоқчи эдим-ку! Ўзи бу ҳақда кеча сенга айтиб қўйишим керак эди.

– Ҳа, билганимда Суҳробни юбормасдим, уйда зерикиб ўтиргани учун акамнинг гапларига рози бўлгандим.

– Иккаламиз кетаверамиз, маза қилиб дарёга чўмиламиз, нима дейсан?

– Майли, – деди Хадича.

Хадича Санжарнинг гапидан кейин ўйланиб қолди. Бугун режамни амалга оширишнинг айни вақти, шекилли. Ҳа, шунақа, акам ҳам худди шуни билгандек, Суҳробни олиб кетдилар, ўйлади Хадича. У дам олиш учун керакли нарсаларни машинага орта бошлади. У уйнинг таъмиридан қолган қиштлардан бирини латтага ўраб, сумкага жойлаб қўйди.

Санжарнинг кайфияти жуда яхши эди. У йўлда кетаётиб ҳар хил қизиқ гапларни гапириб, латифалар айтиб, Хадичанинг ҳам кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиларди. Хадичанинг эса қулоғига ҳеч нарса эшитилмас, у Санжарни қандай қилиб ўлдириб,

ҳеч кимга билдирмасдан уни йўқотишни ўйларди. У ўзининг қилмоқчи бўлган қабиҳлигининг даҳшатидан қўрқиб, аъзойи бадани титрар, лекин шу ишни қилмасам умрим беҳуда ўтиб кетади, орзу-ҳавасларимни амалга ошира олмай, уйдан остона ҳатлаб кўчага чиқишим муаммо бўлиб қолиб кетаман. Ундан кўра мени чўрига айлантириб қўйган мана бу кишини ўлдиришим керак! Ана шундагина Миршод акам билан дунё кезаман, ўзим орзу қилгандек яшайман, деган хаёллар билан ўзини юпатарди.

Хотинининг қора ниятларидан бехабар Санжар бўлса:

– Хадича, дарё бўйига дам олишга чиқаётганимизга хурсанд эмасмисан? – деб сўради.

– Хурсандман, – деди Хадича пиша-пиша, эри бир нарсани сезиб қолишидан қўрқиб.

– Бутун жуда жиддийсан, латифаларимга ҳатто жилмайиб ҳам қўймадинг.

– Суҳробни ўйлаб ўтирган эдим.

– Уни кечқурун ойинглар никидан олиб ўтармиз.

– Ҳа.

Улар манзилга етиб келишди. Санжар машинани тўхтатди.

– Мана шу дарёнинг бўйида ўтириб дам оламиз, чўмиламиз, – деди Санжар шарқираб оқаётган сувни кўрсатиб.

– Дарёнинг ирмоғи бўлса керак ёки каттароқ соймй? – деди Хадича.

– Ҳа, шунақа бўлса керак, лекин жуда чиройли манзара, қара Хадича, тўғримй?

– Тўғри, – деди Хадича кўзлари билан қонли режасини амалга оширишга қулай жой изларкан.

Дам олиш куни бўлгани учун бошқалар ҳам дарё бўйига чиқиб, айримлар чўмилаётган, айримлар эса гаплашиб ўтиришар эдилар.

Хадича овлоқ жой излар эди.

– Санжар ака, бу ерда одам кўп экан, юринг, панароқ жой топайлик, – деди у ўзини одамлардан уялаётгандек кўрсатиб.

– Тўғри айтасан, юр, сен ҳам бемалол чўмилишинг керак-ку, буни ўйламабман.

Улар анча юриб, ҳеч ким йўқ, овлоқ жойда нарсаларини қўйишди. Хадича ўтирадиган жойларини атайлаб сувга жуда яқин жойга жойлаштирди.

– Сувга яқин ўтирганимиз жуда яхши, ҳаммаси менга ёқяпти! Хадича, менинг қорним оч, сеники-чи? – деди Санжар Хадича солган кўрпачага чўзиларкан.

– Мен ҳам... – деди Хадича талмовсираб.

– Ундай бўлса, олиб келган егуликларингни дастурхонга қўй, овқатланиб олайлик, кейин муздай сувда чўмиламиз! Қандай яхши, бу ер жоннинг роҳати экан, тўғрими?

– Тўғри...

– Иссиқ кунларда бундан кейин ҳар дам олиш куни шу ерга келамиз. Сухробни ҳам олиб, албатта, – деди Санжар.

Хадича Санжарга қараб бирпас иккиланиб қолди, фикримдан қайтсаммикан, эримни ўлдирмаслигим керак, ўйлади у. Йўқ, ундай бўлса, ҳеч қачон ўзим хоҳлагандай яшай олмайман. Сайру саёҳатлар, дунёни кезиш ҳақидаги орзуларим-чи? Ахир мен эримни ёмон кўраман-ку. Мен фақат Миршод акам билан бахтли бўлишим мумкин!

Хадича қатъий бир фикрга келиб бўлганидан кейин, дастурхондаги егуликлардан чимдиниб ея бошлади.

Санжар ўзи чўмилиш кийимини кийиб, Хадичага ҳам кийиниб олишни таклиф қилди. Хадича овқатланиб бўлганидан кейин кийинишини айтди.

Санжар кўрпачага ёнбошлаганича, сувнинг оқишини томоша қилиб, катта олмани қарс-қурс тишлаб еярди. Хадича сумкага солиб олиб келган пиштни секин чиқариб олиб, Санжарнинг бошига урди. Кутилмаган зарбадан, Санжар инграб бошини шилқ этиб ерга

ташлади. Хадича унинг бошининг орқа тарафида яна бир марта ғишт билан уриб, тезарак атрофга олазарак бўлиб қаради. У ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин, Санжарнинг шалвираб қолган жонсиз танасини сувга қараб судрай бошлади.

Хадича мурдани сувга думалатиб юборди ва ерга ўтириб қолди. Тез оқаётган сувда мурда бирпасда кўздан йўқолди. Ана шундан кейингина Хадича ўзига келиб, ўзининг мудҳиш қотиллигининг изини йўқотиш кераклигини англаб, ўрнидан турди.

У бирдан айюҳаннос солиб қичқира бошлади:

– Ёрдам беринглар, қутқаринглар! Эрим чўкиб кетяпти!

Унинг овозини эшитган дам олувчилар югуриб келишди.

– Қани, қаерда чўкди?! Ўзи нима бўлганди?!

Одамлар саросимага тушиб, сувга чўккан кишига ёрдам беришга шошилишарди. Лекин улар қандай ёрдам беришни билишмасдан югуришарди.

Айримлар ўзларини сувга отиб, у ёқдан-бу ёққа сузиб, сойнинг тубини қидиришга ҳаракат қилишди. Етиб келган қутқарувчиларнинг ҳам ҳаракатлари бефойда кетди. Ҳеч ким Санжарни сувдан топа олмади. Қутқарувчиларнинг гапига қараганда, сой жуда тез оқар экан. Агар чўмилиш учун сувга тушган кишининг оёғининг томири тортишиб қолса, уни сув жуда тез узоқларга оқизиб кетаркан. Қидирувчилар Санжарни сойнинг пастки қисмидан қидира бошлашди. Улар қоронғи тушгунча қидирув ишларини олиб боришди, топа олмаганларидан кейин:

– Мурда сойнинг дарёга қуйилиш жойигача оқиб кетган бўлиш керак. Эртага ўша ерни излаб кўрармиз, – деб кетиб қолишди.

Хадича қотиб қолган эди. У ўзининг қотилликка қўл урганига пушаймон эканини ҳам, ёки қилган ишидан қувонишини ҳам билмасди. У ҳеч нарсани

ҳис қилмас, ҳеч нарсани ўйламас, у тирик мурдага айланиб қолганга ўхшарди.

Хадича акаси Насимнинг унга қараб нималарнидир гапираётганини кўрар, лекин эшитмас, опаларининг уввос солиб йиғлаётганларини кўрарди, лекин уларнинг овози унинг қулоғига кирмасди.

Хадича эрталаб касалхонада кўзини очди ва қилган ишининг даҳшатидан қўрқиб кетиб, қалтирай бошлади.

– Болам, ўзингга келдингми, хайрият! – деди унга тикилиб ўтирган Шодия опа йиғлаб.

Нима учундир Хадича:

– Суҳроб... Суҳроб қани? – деди.

– Ўғлинг уйда, қизим, жиянларинг билан ўйнаб юрибди, куйинаверма, энди фойдаси йўқ, – деб Шодия опа қизига далда бериб.

Хадича индамади.

* * *

Санжарнинг мурдаси топилмаган бўлса ҳам унинг ҳамма маъракалари рисоладагидек ўтказилди. Хадича ғалати бўлиб қолган эди. У уйининг қаърига борса ўша ерда Санжар уни кузатиб турганидек бўларди. Ётоқхонага кирса Санжар ухлаб ётгандек бўлиб, чўчиб тушарди. Шунинг учун у бошқа хонада ухламоқчи бўлиб, ётоғини ўзгартирди, лекин барибир, унинг кўзига уйқу келмас эди.

Ҳаммасидан ҳам Суҳробнинг ҳар куни эрталабдан:

– Дадам қанилар, мен ҳам дадамнинг олдиларига бораман! – деб йиғлаши Хадичани безор қилиб юборган эди.

Ҳамма маъракаларни ўтказиб бўлгандан кейин Шодия опа:

– Қизим, энди мен уйга борай, бир ярим ойдан бери сенинг ёнингдаман. Дадангнинг иссиқ-совуғидан хабар оладиган одам йўқ, у бечора нима қиляпти, билмайман.

– Мени ёлғиз ташлаб кетманг, ойижон! – деди Хадича ёлғиз қолишдан қўрқиб.

– Қизим, мен сен билан қола олмайман, нега ёлғиз бўларкансан, ўғлинг кап- катта бўлиб қолган. Энди бу ёғига ўзинг унга ҳам ота, ҳам она бўлиб яшайверасан. Пешонага ёзилгандан қочиб қутула олмайсан экан, қизим. Ким ўйлабди дейсан, бечора болани олти ёшда отасиз етим бўлиб қолади, деб.

Хадича ҳўнграб йиғлаб юборди. Нима учунлигини унинг ўзи ҳам билмасди.

Шодия опа уни юпатиб, уйига кетиб қолди.

Ўйга толиб ўтирган Хадича, телефон жирингидан чўчиб тушди. У гўшакни кўтарди.

– Хадича, яхшимисан? – гўшакдан Миршоднинг овози эшитилди.

– Ўтирибман, қаерларда юрибсиз?

– Мен чет элга кетганим бўйича, кеча келдим, бошингга тушган мусибатни эшитиб, аҳволингни билай деб қўнғироқ қилаётган эдим.

– Раҳмат.

– Олдингга борсам майлими?

– Майли...

Хадича гўшакни қўйиб, кўнгли хотиржам бўлгандек бўлди. У ойиси кетганига ўзини ёлғиз ҳис қилаётган эди. Миршод келса, уни уйига қўйиб юбормайман, деб ўйлади, у.

Хадича ўйлаб қолди, лекин бундан Санжарнинг амакиси хабар топса нима бўлади? Ёки қўшнилар билиб қолсалар...

Жуда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак, Миршод акамга ҳамма уйқудалигида, тонг отмасдан уйдан чиқиб кетишни тайинлайман, келаётганида ҳам ҳеч ким йўқлигида, қоронғида келишларини айтаман. Ана шундай қилсак ҳеч ким билмайди. Суҳроб ҳам ухлаб ётган бўлади.

Хадича хаёлига келган бу фикрга хурсанд бўлиб кетди.

Кечқурун Миршод келганида Суҳроб ухлаб қолган эди.

– Хадича, буни қандай уддаладинг? – деди Миршод овозини пасайтириб.

– Эслатманг, кераги йўқ! – деди Хадича.

– Тўғри айтасан, эслашнинг кераги йўқ, лекин бирибир сенинг довюраклигингга қойилман!

– Қойил қолмай қўя қолинг. Мен жуда қийналяпман!

– Нимага, энди мен ёнингдаман-ку?

– Лекин мен эримнинг қотилиман!

– Сен мен билан бахтли бўлишингга ишонмайсанми?

– Билмайман...

– Хадича, тур ўрнингдан! – деган овоздан Хадича чўчиб кўзини очди ва у Миршоднинг ётган ўрнига қаради. Аллақачон кетиб қолибди, деб ўйлади у, кейин эса, кеча унга уйнинг калитини бериб, мени уйғотмасдан тонг отмай туриб кетаверинг, деганини эслади.

Лекин менинг исмимни айтиб чақирган ким эди, Санжарнинг овозига ўхшадими?! Ёки туш кўрдиммикан, деб саросимага тушди Хадича.

У бирпас ётганидан кейин, ўша овоз:

– Хадича, сен қотилса-а–н! Менинг қотили–и–м! – деди. Хадича қўрқиб кетганидан қимирлай олмай қолди. У овоз келаётган томонга қаради. Хона қоронғи эди, ғира-ширада уйнинг бурчагида оппоқ кийимда Санжар қўлларини икки тарафга ёйганича турар эди!

Хадича қичқириб юборди ва ҳушидан кетиб қолди.

У кўзини очганида тепасида ўғли Суҳроб:

– Ойижон, кўзингизни очинг! – деб йиғлаб ўтирар эди.

– Суҳроб, нимага йиғлаяпсан, менга нима бўлди! – деб сўради Хадича.

– Ойи, жуда қаттиқ қичқирдингиз, мен қўрқиб кетиб хонамдан чиқсам, сиз ёмон бўлиб ётган экансиз.

– Туш кўрдим, шекилли, ўғлим, қўрқма, – деб у ўғлини бағрига босиб, дир-дир титрарди.

Хадича бу ҳақда ҳеч кимга айтмади, чунки у бу гапни айтса қотиллиги фош бўладигандек туюлганди.

Одатдагидек бу кеча ҳам, Суҳроб ухлаб қолганида, Миршод келди.

Ўтган тунда кўрган тушини Хадича Миршодга айтмоқчи бўлди, лекин нима учундир айтмади.

Одатдагидек, Миршод Хадичани уйғотмай тонг саҳарда ўрнидан туриб кетди.

Донг қотиб ухлаб ётган Хадича, «Бузуқи-и! Тур ўрнингда-а-н! Менинг уйимга ўйнашингни олиб келиш учун мени ўлдирганмидинг... Ҳаммасига жавоб бераса-а-н!» деган сўзлардан уйғониб кетди.

Хадича яна ўша бурчакка қаради, худди олдингидек, оппоқ кийимда Санжар тураради.

Хадича бу сафар туш эмаслигини аниқ билди, у қичқирмади. Дағ-дағ титраганича Санжар акамнинг руҳи, деб йиғлай бошлади.

Руҳ қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди.

Хадича ўрнидан туролмай ётарди, унинг оёқ-қўллари ўзига бўйсунмас эди.

У анча ўзига келганидан кейин, онасига қўнғироқ қилиб, тезда етиб келишини сўради.

Ҳовлиқиб етиб келган Шодия опа:

– Нима бўлди, қизим, тинчликми? – деди.

– Ойи, мени Санжар акамнинг руҳи тинч қўймаяпти! – деди йиғлаб Хадича.

– Бу ҳаммаси, сенинг кўп куюнганингдан, сенга неча марта айтдим, ўзингни қўлга ол, ўзингни, ўғлингни ўйлашинг керак, бошқа ҳеч нарсани ўйлама, деб.

– Ойи, сиз билмайсиз...

– Нимани, айтяпсан, қизим?

– Ҳеч нимани.

– Қизим, битта эр учун шунчалар куясанми, бошинг ёш, ўзингни ўйласанг-чи!

– Ойи, бугун мен билан қолинг.

– Хўп, сен нима десанг шу, қизим.

Шодия опа Хадичани сийлаб-сийпаб кечаси ухлашида ёрдам берди.

Хадича эрталаб уйғониб, бугун кечаси Санжарнинг руҳи келмаганидан ўзини сал хотиржам сезди.

Шодия опа уч кунгача Хадичанинг ёнидан жилмади. У қизининг ўзини яхши сезаётганини кўриб:

– Қизим, энди мен уйга бора қолай, – деди.

– Ойи, мен ҳам сиз билан кетсам бўладими, бу ерда яшашга қўрқаман, – деди Хадича йиғлаб.

– Нималар деяпсан, Санжарнинг Хушнуд амакиси-чи, ўзи худди шуни кутяпти!

– Нимани?

– Сенинг уйдан кетиб қолишингни-да!

– Нимага?

– Нимага бўларди, аҳмоқ қиз, сен кетсанг, уйнинг чироғи ўчиб қолмасин, деб акасининг уйига кириб олишади. Баҳонада ўғилларидан бирини шу ерга жойлаштиради! – деди Шодия опа қўлларини белига қўйиб.

– Лекин қонун бўйича, Санжар акамнинг ҳамма мол-мулки, Суҳроб иккимизга қолади-ку.

– Улар қонунга қараб ўтирармиди, ўлик чиққан уйда чироқ ёниб туриши керак, деб баҳона қилиб, ҳовлини эгаллаб олишади, кейин уларни ҳеч қачон чиқара олмайсан, билиб қўй! Шунинг учун эс-ҳушингни йиғиб ол, бемаъни руҳ ҳақидаги гапларингни бир чеккага йиғиштир, хўпми!

– Майли, тушундим... – деди Хадича.

Шодия опа кетганини Хадичага қўнғироқ қилиб билиб олган Миршод одатдаги вақтда Хадичанинг олдига келди. У Хадичанинг соғлиги ҳақида қайғуриб:

– Ўзи сенга нима бўляпти, кейинги пайтларда мазанг йўқроқ? – деди.

– Бу ҳаммаси асабдан бўлса керак, ўтиб кетади.

– Ундай бўлса яхши, лекин докторга чиқиб, кўринсанг бўлармиди, дегандим.

– Хавотирланадиган жойи йўқ.

Миршод ишларининг қандай кетаётганини, яқинда яна чет элга кетмоқчи эканини, иложи бўлса Хадичани ҳам олиб кетишни мўлжаллаётганини айтди. Хадича буни эшитиб севиниб кетди, лекин ўйлаб кўриб бундай қилишнинг иложи йўқлигини билдирди.

– Нима учун? – сўради Миршод.

– Ахир ўртамиздаги муносабатдан ҳамма хабар топади-ку! – деди Хадича.

– Ҳа, бу ёғини ўйламабман.

– Муносабатимизни ҳеч бўлмаса бир йилгача ошкор қилмаслигимиз керак.

– Тўғри айтасан, – маъқуллади Миршод.

Ухлаб ётган Хадича Санжарнинг таҳликали овозидан уйғониб кетди:

– Хадича, яқинда ҳаммаси ошкор бўлади-и! Шарманда бўласа-а-н, жазоингни оласа-ан, бузуқи– и!

Хадича уйғониб кетиб титрай бошлади. У:

– Санжар ака, – деди шивирлаб.

– Менинг номимни тилингга олма-а-а, ифло-о-с! – деб Санжарнинг руҳи кўздан йўқолди.

Хадича устидаги чойшабни чангаллаганича титроқдан ўзини боса олмай ётарди. У тишларининг қисирлашини тўхтата олмай, анча вақт ётди. Ниҳоят, у ўзига келиб:

– Мени Санжар аканинг руҳи тинч қўймайди, шекилли! Ахир мен қотилман, бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин? Кинолардагидек, балки ақлдан озарман... – деди.

Хадича, докторга кўринишим керак, деб ўйлади. У Суҳробни боғчага олиб борганидан кейин, тўғри касалхонга борди.

Шифокор ундан касалини сўраганида:

– Менинг эрим сувга чўкиб вафот этган эди, шундан бери унинг руҳи мени тинч қўймаяпти, – деди.

– Қандай қилиб?

– Мен ухлаб ётганимда, мени исмимни айтиб уйротади. Менга ҳар кил қўрқинчли гапларни айтиб, кейин кўздан ғойиб бўлади, – деди Хадича кўз ёшларини артиб.

– У сизга қандай қиёфада кўринади?

– У тириклигида қандай бўлса, шундай кўринади. Унинг келишган қадди– қомати, ҳатто чўзинчоқ юзидаги салобат ҳам аниқ равшан кўринади!

– Эрингизнинг ўлими сизнинг асабларингизга қаттиқ таъсир қилган. Қўрқманг, ҳаммаси аста-секинлик билан ўтиб кетади, – деб доктор унга дори-дармон ёзиб берди.

– Раҳмат, – деб Хадича кетаётганида, врач аёл уни тўхтатиб:

– Синглим, сиз мана шу ёзиб берган дориларни ичиб кўринг, агар бу билан ҳам касалингиз тузалмаса, унда руҳшуносга мурожаат қилишингизга тўғри келади, – деди.

– Тушунмадим?

– Демоқчиманки, айтган ҳолатингиз яна такрорланаверса, акс ҳолда руҳий касалликлар шифохонасига боришингизга тўғри келади.

– Демак, мен ақлдан озаётган эканман-да!

– Мен унақа демадим, бу ҳолат ҳар қандай ақли расо кишида ҳам бўлиб ўтиб кетиши мумкин.

– Қандай қилиб?

– Қандайдир руҳий бузилишлар натижасида, ёки қаттиқ руҳий сиқилиш натижасида бўлиши мумкин. Фақат сиз ўзингизни қўлга олишингиз керак.

– Раҳмат, тушундим...

Хадича врачнинг айтганларига амал қилиб, Санжарни бошқа ўйламасликка, ортиқ ўзини айбламасликка қарор қилди.

Ахир Санжар ўлиб кетган-ку, у энди мени ҳеч нарса қила олмайди, унинг руҳи мени яна безовта қилса, бу ердан йўқол, деб қувиб соламан, деб ўйлади у.

* * *

Хадича врач ёзиб берган дориларни қабул қилса ҳам, уни Санжарнинг руҳи безовта қилаверди. У кечаси ёлғиз қолди дегунча, Санжарнинг руҳи пайдо бўлар ва уни қўрқитарди.

Хадича унга қарши бирор оғиз сўз айта олмас, руҳни кўрди дегунча, ўзини йўқотиб, титроқ ичида қоларди.

Хадича қанчалик руҳдан қўрқмасин, қоронғи тушди дегунча уни ваҳима босмасин, барибир буни энди ҳеч кимга айтмаслигим керак, деб ўйлади. Чунки унга врач, бу ҳолат сизда яна такрорланаверса, руҳий касалликлар шифохонасига боришингизга тўғри келади, деган эди-да.

Шунинг учун ҳам, Хадича, кўзимга Санжарнинг руҳи кўринишини ҳаммадан сир тутишим лозим, деб ўйлади.

Лекин у ҳар кеча Санжарнинг руҳи қўрқитаверса, ақлдан озиб қолиши ҳеч гап эмаслигини биларди. У ўйлаб-ўйлаб, бу лаънати уйда яшамайман, уйни сотаман ва бошқа уй сотиб оламан, қаердалигининг фарқи йўқ, руҳдан қутулсам бўлди, деган фикрга борди.

Хадича кечаси Миршод билан гаплашиб ўтириб:

– Миршод ака, шу жойни сотиб бошқа ҳовли сотиб олсак-чи, – деди.

– Фикрингга қўшиламан, лекин бунинг учун ҳовли жойга эгалик қилиш ҳуқуқи сенда бўлиши керак. Менимча, ҳовли-жой эрингнинг номида турган бўлса керак.

– Ҳа.

– Ҳовлини сотишимиз учун сен уйни ўзингнинг номингга расмийлаштиришинг лозим бўлади.

– Ҳа, мен тезда шу иш билан шуғулланишим керак.

– Албатта, қонун ҳам буни таъқиқламайди.

Хадича Санжарнинг руҳидан қутулишнинг ягона чораси шу ҳовлида турмаслик, уни сотиб, бошқа уйда яшаш деб биларди.

Мирцод эса, Хадичанинг уйни сотиш ҳақидаги гапини эшитиб, ичидан севиниб кетди, чунки у ҳам ҳовлини сотишни режалаштирган эди, лекин ўзининг қора ниятини билдирмаслик учун, пайт пойларди. У Хадича билан никоҳларини расмийлаштириб олганларидан кейин бу ишни ими-жимида қилмоқчи эди.

Хадича уй-жойни ўзининг номига расмийлаштирмоқчи бўлиб юрганини эшитган Санжарнинг амакиси Хуршид ака Хадичанинг олдига келиб:

– Келин, уй вафот этган одамнинг номида тириши мумкин эмас, буни тушунаман, лекин жуда тез ҳаракатни бошлаб юборибсизми? – деди.

– Менга шунақа қилиш керак, деб маслаҳат беришди, шунинг учун... – деб Хадича довдираб сўз бошлаган эди Хуршид ака унинг гапини бўлиб:

– Сизга ким маслаҳат берганини билмайман, лекин маслаҳатни биринчи навбатда биздан олишингиз керак эди, деб ўйлайман.

– Кечирасиз, мен...

– Майли, ҳечқиси йўқ, ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!

– Ҳовли-жойни номимга расмийлаштираверайми?

– Кечирасиз, келин, сиз бундай қила олмайсиз, чунки биз бунга қаршимиз!

– Унда...

– Тўғри, Санжар раҳматлининг опа-сингил, оға-иниси йўқ, лекин унинг ўғли бор! Нима учун ҳовлини унинг ўғли номига расмийлаштирмаслигингиз керак?! Менимча, унинг меросхўри, жигаргўшаси – ўғли номига уй-жойни расмийлаштирсак, унинг руҳи чирқирамайди!

– Тушундим...

– Ҳа, тушунган бўлсангиз, жуда яхши, келин!

Хуршид ака ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилиб, чиқиб кетди.

Хадича нима қилишини билмай, шалвираб, ўртада тикка турганича қаққайиб қолди.

У хаёлида Санжарни ҳам, унинг ўзидан баттар қариндош-уруғини ҳам лаънатлар эди. Энди нима қиламан, уйни Суҳробнинг номига ўтказиш дегани, бу Санжарнинг руҳининг кечалари мени ақлдан оздириши дегани-да. Ундан ўлдириб ҳам қутула олмадим!

Бу қандай бедодлик! Ойимларнинг уйига бориб яшасаммикан? Нималар деяпман, у ерга ўғлим билан сиғармидик! Ўзлари зўрға яшаяптилар-ку.

Агар телефон қўнғироғи жиринглamaганида, ким билади, Хадича уйнинг ўртасида шу аҳволда яна қанча турарди.

– Эшитаман, – деди Хадича гўшакни кўтариб, паришонхотирлик билан.

– Бугун кечқурун ўтмоқчи эдим, – гўшакдан Миршоднинг овози эшитилди.

– Ҳа, кела қолинг, ўзим ҳам сизга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим.

– Тинчликми?

– Кечқурун гаплашамиз.

– Майли, кўришгунча.

Хадича Суҳробни боғчадан олиб келди. Уни овқатлантириб, вақтлироқ ухлатди ва Миршодни кута бошлади. Миршод одатдагидек эшик қўнғироғини босмасдан, ўзининг калити билан эшикни очиб кириб келди. Қаттиқ уйга толиб ўтирган Хадича унинг қадам товушини эшитиши билан қўрққанидан, вой, деб қичқириб юборди. Унинг Миршод эканини кўриб, ўзини тинчлантирди.

– Сенга нима бўлянти, Хадича? – деди унинг ғайри табиий ҳаракатларига ҳайрон бўлиб Миршод.

– Миршод ака, мен ақлдан озяпман!

– Унақа бўлиши мумкин эмас, фақат сен ўзингни қўлга ола олмаяпсан, – деди Миршод Хадичага далда бериб.

– Йўқ, мен сизга менга нима бўлаётганини айтмаганман, агар билсангиз... – деб Ҳадича йиғлай бошлади.

– Нимани, нимани айтмаган эдинг?

– Мени кечалари Санжар аканинг руҳи безовта қиляпти! У менинг исмимни айтиб, ухлаб ётганимда уйғотиб юборади ва қотилсан, деб, ҳар кеча қўрқитади. У оппоқ кийимда уйнинг бурчагида пайдо бўлади, мен қўрққанимдан ҳушимдан кетиб қоламан, кўзимни очганимда эса у бўлмайди!

– Руҳ ҳақидаги гаплар ҳаммаси сафсата, булар ҳаммаси сенинг ҳали ҳам ўзингни қўлга ола олмаганинг учун, асабларинг қаттиқ чарчаганидан бўляпти.

– Доктор менга ақлдан озаётганимни айтди...

– Йўқ, сен бунга йўл қўймаслигинг керак, Ҳадича, ўзингни қўлга олсанг-чи!

– Ахир, қандай қилиб, у мени қандай даҳшатли овоз билан уйғотишини билсангиз эди!

– Ҳа, ҳовлини тезда сотишимиз керак, шекилли, – деди Миршод.

– Йўқ, энди ҳовлини сота олмаймиз, Санжарнинг руҳидан қутулишнинг биттагина йўли шу эди, энди бу режам ҳам чиппакка чиқди!

– Нимага? – деди Миршод ҳайрон бўлиб.

– Бугун Санжарнинг амакиси келиб, уй-жойни ўғлимиз Суҳробнинг номига расмийлаштиришни талаб қилиб кетди.

– Лекин сен унинг айтганини қилишга мажбур эмассан, ўзинг нимани хоҳласанг, шуни қил.

– Йўқ, Хушнуд амаки мен бунга йўл қўймайман, деб менга пўписа қилиб кетди.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Билмайман, ўзим ҳам нима қилишимни билмай, гаранг бўлиб қолдим.

– Ҳа, буни яхшилаб ўйлаб кўриш керак...

– Тўғри.

* * *

Орадан бир неча кун ўтди. Хадичани ҳамон Санжарнинг руҳи қўрқитир, у қанча дори ичмасин, фойдаси бўлмасди.

Миршод эса ҳовлини қандай қилиб Хадичанинг номига ўтказиш ҳақида бош қотирар, агар уй-жой Суҳроб номига расмийлаштирилса, Миршоднинг режалари амалга ошмай қоларди. Миршод қандай йўл билан бўлса ҳам, ҳовлини Суҳробнинг номига ўтказишдан сақлаб қолишни ўйларди. У энди, Суҳробни қандай қилиб йўқотиш йўлларини излар, лекин у бу режасини Хадичага билдирмасликка ҳаракат қиларди.

Миршод одатдагидек кечаси кириб келганида, ётоқхонада Хадича йўқлигини кўриб ажабланди. У секин Суҳробнинг хонасига мўралади. Хадича у ерда ўғлини қучоқлаганича пинакка кетганди. Миршод Хадичани аста туртди. Хадича чўчиб уйғонди.

– Келдингизми? – деди.

– Тинчликми? – деди Миршод Хадичага қараб.

– Суҳробнинг иситмаси чиққанди, дори ичириб, унинг ёнида мизғиб қолибман.

– Ҳозир яхшими?

– Ҳа, иситмаси тушибди, – деди Хадича Суҳробнинг пешонасига қўлини қўйиб кўраркан.

– Ўзи нима бўлганди, доктор чақирдингми?

– Ҳа, томоғи оғриган, дейишди. Музқаймоққа ўч бўлиб қолган.

Улар Суҳробнинг хонасидан ётоқхона томонга кетишаркан, шивирлаб гаплашишарди. Миршод тонгда чиқиб кета туриб, Суҳробнинг иссиғи яна кўтарилиб кетганини билиб, Хадичани уйғотди.

– Мен кетяпман, Суҳробнинг иссиғи баланд, дори ичирсанг бўларди, – деди.

– Хўп, ҳозир унинг олдига бораман, – деди Хадича кўзларини зўрға очиб.

Миршод эртаси куни ўйлаб, Суҳробни йўқотмагунча, ўзининг мақсадларига эриша олмаслигига амин бўлди. Ҳозир уни йўқ қилишнинг айни вақти, чунки у касал, бот-бот иситмалаяпти. Хадича эса мендан шубҳа қилмайди. Бундан фойдаланиб қолишим керак, ўйлади Миршод.

Миршод кечаси Хадичанинг олдига келганида, у Суҳробнинг дориларини ичириб, ухлатиб, энди хонасига кириган эди.

– Қалай, Суҳроб яхшими? – сўради Миршод.

– Ҳа, анча тузук, ҳозир уни ухлатиб чиқдим.

– Бечора бола, анча қийналди, энди томоғини совуқдан сақлаш керак.

– Ҳа, ўзимам боланинг айтганини қилиб, музқаймоқни кўпроқ бериб қўйганимга пушаймон бўляпман.

– Кечаси уйғониб кетганимда, Суҳробдан хабар олиб турсам, майлими – деди Миршод.

– Албатта, бугун тонгда сиз мени уйғотиб, унинг иситмаси чиқаётганини айтмаганингизда, билмадим, нима бўларди?

– Сен бемалол ухлайвер, ўзим ундан кўз-қулоқ бўлиб тураман.

– Фақат, у ухлаётганида олдига боринг, хўпми, сизни кўриб қолмаслиги керак.

– Ҳа, бундан эҳтиёт бўламан, хавотир олма.

Миршод ҳар доимгидек тонг саҳарда ўрнидан туриб, кийиниб кетишга тайёрланди. У Хадичанинг пишиллаб ухлаётганига бирпас қараб туриб, ишонч ҳосил қилди, кейин секин оёқ товуши чиқармай юриб, Суҳроб ухлаётган хона томонга юрди.

Хонада ёниб турган кечки чироқнинг хира ёғдусида Суҳробнинг юзи аниқ кўриниб турарди. У лабларини чуччайтириб, чалқанча ётганича, ширингина ухларди. У икки кундан бери иситмалаб, ниҳоят бугун иситмаси тушганидан, донг қотиб ухлар, уни туртиб уйғотса ҳам, уйғонадиган эмас эди.

Миршод унга қараб туриб, шошилмаса бўлмаслигини эслаб, тезда ишга киришди.

У Суҳробнинг столчасининг устида турган идишдаги сувдан пиёлага қўйиб чўнтагидаги доридан унга солиб, қошиқчани олиб, аралаштира бошлади. Миршод қўлидаги пиёлани секин Суҳроб томонга олиб бориб, унинг оғзини бирдан очиб, уйқусираб турган Суҳробга ичириб юборишни ўйлади. Унинг қўллари ўзига бўйсунмай титрай бошлади. У титроғини босиб олишга ҳаракат қиларди, акс ҳолда Хадича уйғониб қолса, ҳеч нарса қила олмай қолишидан қўрқарди.

Миршод шу алфозда анча турганидан кейин, ўзини босиб олди шекилли, пиёлани Суҳробнинг оғзига яқинлаштирди. У ўзининг қора ниятини амалга ошириш учун норасида гўдакнинг ҳаётига нуқта қўймоқчи эди.

У бир қўлида пиёла, иккинчи қўли билан Суҳробнинг оғзини очишга энди шайланган ҳам эдики, кимдир унинг қўлидан пиёлани юлқиб олди. Пиёладаги аралашма дори тўкилиб кетди. Миршод кутилмаган ҳолатдан ўзини йўқотиб қўйган эди. У башарасига урилган шапалоқдан кўзи тиниб кетди. Унинг хаёлига, бу кимсани ўлдирмасам, ҳамма сирим ошкор бўлади, деган фикр келиб, тезлик билан унга зарба бераётган кишининг бўйнига икки қўли билан ёпишиб олиб, бўға бошлади.

Лекин у биқинига санчилган пичоқнинг оғрига чидай олмай қўлларини бўғишдан тўхтатишга мажбур бўлди. У секин инграганича ерга қулади.

Бу қисқа олишув жуда тез фурсатда, овозсиз тарзда бўлиб ўтди. Пишиллаб ухлаб ётган Суҳроб, буни ҳатто сезгани ҳам йўқ. Нариги хонадаги Хадича ҳам ухларди...

Хадича Суҳробнинг «ойи-и!», деб қичқирган овозидан уйғониб кетди. У югуриб ўғли ётган хонага кириши билан:

– Нима бўлди, ўғлим? – деди Хадича Сухробга қараб.

Сухроб қўрқиб кетганидан дағ-дағ титрар эди, қўли билан ётоқ ўриндиғининг чап томонида, пастда қонга беланиб ётган кишини кўрсатди.

Хадича ётоқ ўриндиғини айланиб нарғи томонига ўтиб, қонга беланиб ётган Миршодни кўриб «Вой!» деб қичқириб юборди. У тезда бориб, Миршоднинг томирини ушлаб кўрди, жуда секин бўлса ҳам томири уриб турарди. Хадича нима бўлганини тушуна олмай, боши қотиб қолди. Уни кимдир ўлдирмоқчи бўлганини билди. Лекин, ким бўлиши мумкин?! Ахир эшик очилмаган бўлса, қотил қаердан кирган экан, ўйлади у. Хадича югуриб бориб, кўча эшигининг қулфини кўрди, эшик ланг очиқ ётарди.

Хадича ўғлининг қўрқиб кетиб, йиғлаб ўтирганини эслаб, унинг олдига югурди, уни қўтариб олиб, бошқа хонага чиқариб, сув ичирди. Сухробнинг титроғи босилмас эди. Хадича Сухробни қучоқлаб ўтирганича, Миршодга қандай ёрдам беришни ўйларди. Ахир унга доктор чақирмасам, ўлиб қолиши аниқ, лекин тез ёрдам чақирсам, ҳамма сиримиз ошкор бўлади! Нима қилсам экан?! Хадича ўйлайвериб, боши тарс ёрилай деди. У бир нарсани ўйлади, шекилли, «тез ёрдам» чақириш учун, телефон гўщагини қўтарди.

«Тез ёрдам»га қўнғироқ қилганидан кейин, ойисига қўнғироқ қилиб, тез етиб келишини айтди.

Шодия опа «Тез ёрдам» машинаси билан деярли бир вақтда етиб келди.

– Нима бўлди, Сухробнинг аҳволи оғирми?! – деди у хавотирланиб.

– Ойи, ичкарига киринг, ҳаммасини тушунтираман, – деди Хадича ойисини ичкарига тортиб.

Хадича Шодия опага Миршод билан ўрталаридаги муносабатни силлиқроқ қилиб тушунтирди.

– Қизим, эринг ўлганига икки ой бўлмасдан бошқа биров билан юришинг яхши бўлмабди, энди буни

хаспўшлаш учун бирор нарса ўйлаб топишимиз керак, – деди Шодия опа ўйланиб.

– Ойижон, шунақа бўлиб қолди, нима қилай? Ўзим ҳам уялиб кетяпман, илтимос, бирор нарса ўйлаб топинг, – деди Хадича.

"Тез ёрдам" ходимлари Миршоднинг жароҳатларини кўриб:

– Ўзи нима бўлган эди? Бу йигитни кимдир пичоқлаган кўринади. Биз бундай ҳолатда милицияга қўнғироқ қилишимиз керак, – дейишди.

– Биз ҳам ҳайронмиз, бу йигит бизга қўшни бўлади, уни бирпасга боланинг олдида ўтириб туришини илтимос қилиб, қизим сутга чиққан экан, қайтиб келса, шу аҳволда ётганини кўрибди, – деди Шодия опа.

Хадича ойисининг тезда бундай жўяли ёлғон тўқиганидан хурсанд бўлиб кетди.

Оз фурсат ичида етиб келган прокуратура, милиция ходимлари, криминалистлар, экспертлар нима бўлганини сўраб-суриштира бошлашди. Хадича эри ўлиб чуқур қайғуда ўтирган аёл қиёфасига кириб олди. Уларнинг саволларига Шодия опа жавоб берар эди.

– Бу воқеа содир бўлганида сиз қаерда эдингиз? – деди прокуратура катта терговчиси Собиржон Мирзаев Хадичага қараб.

– Мен, мен... сут сотиб олиш учун магазинга чиқиб кетувдим...

– Бу киши сизнинг уйда нима қилаётган эди?

– Ўғлим Суҳробнинг мазаси бўлмаётган эди, ойим қўшнимиздан дори бериб юборган эканлар, мен у кишидан бирпасгина ўғлимнинг олдида ўтириб туришни илтимос қилиб, сутга чиққан эдим... – деди Хадича онаси бошлаган ёлғонни усталик билан давом эттириб.

Терговчи Хадичага эрининг ўлими билан боғлиқ бир неча саволлар берди. Хадича кўзларига ёш олиб унинг саволларига жавоб берар эди.

Миршоднинг аҳволи оғирлигини айтиб, тезда касалхонага олиб кетишди. Жиноят қидирув ходимлари, экспертлар ва бошқа мутахассислар жиноят содир қилинган жойни текшириш, бармоқ изларидан нусха олиш каби криминалистик ҳаракатларни бажариш билан банд эдилар.

Терговчилар Собиржон ва Фарҳодлар эса ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка ҳаракат қилишар, қўшнилар ва бошқалардан сўраб-суриштиришар эдилар.

* * *

Собиржон ҳамкасби Фарҳод билан Мирҳайдаров Миршодга оғир шикаст етказиб, ўлдиришга суиқасд қилинганлик жиноят иши бўйича иш ҳолатларини ўрганишаркан, кутилмаган жумбоқларга дуч келишди. Улар бу жумбоқларни ечишга ҳаракат қилишарди.

– Фарҳод, Мирҳайдаровнинг қариндошлари, яқинларини сўроқ қилиш натижалари қандай бўлди? – сўради Собиржон.

– Мирҳайдаров бир йил олдин оиласи билан ажрашган, савдо-сотиқ билан шуғулланаркан, Усмонова билан яқин муносабатда бўлганлигини ҳеч ким билмайди.

– Мирҳайдаровнинг Хадича Усмонова билан ҳеч қандай яқин алоқаси бўлмаса, нима учун унинг уйида пичоқлаб кетишган экан?

– Мен ҳам шуни ўйлаб турибман, унинг аллақаҳалда Усмонованикига дори олиб келиши, Усмонованинг бегона эркакдан ўғлининг олдида ўтиришини илтимос қилиши, қандайдир ғалати туюляпти.

– Тўғри, мен ҳам буни аниқлай олмадим.

– Усмонова марҳум эри билан қандай яшаган экан?

– Айтишларича, улар жуда яхши яшаганлар, Усмонова эрини жуда яхши кўрган. Эрининг ўлимидан кейин у ҳатто ақлдан озиш даражасига етган эмиш.

– Шунақами?

– Ҳа, мен бу ҳақда унинг даволовчи врачи билан ҳам суҳбатлашдим, у ҳам буни тасдиқлади.

– Қизиқ, Мирҳайдаровнинг ўлими кимга керак бўлиб қолган экан-а? – деди Фарҳод компьютердан нималарнидир қидираркан.

– Нима учун уни ўлдирмоқчи бўлишди? – деди Собиржон деразадан кўча тарафга қараб, ўйга толган ҳолда.

– Менимча, бу саволларимизга жавобни жабрланган Мирҳайдаров ўзига келиб қолса айтиб бериши мумкин.

– Сиз шунақа деб ўйлайсизми?

– Албатта, бошқа ким ҳам бунга аниқ жавоб бера оларди?

– Унинг аҳволи қандай экан, хабарингиз бўлдими?

– Ҳа, ҳозиргина даволовчи врачи билан гаплашган эдим, аҳволи жуда ёмон, ўзгариш йўқ. Ящаб кетиши ҳақида бир нима дейиш қийин, деяпти.

– Тўғри, бу унинг жароҳати ҳақидаги суд-тиббий экспертизаси хулосаларидан ҳам кўриниб турибди. Талабига етказилган жиддий жароҳат натижасида уни операция пайтида олиб ташлашлашга мажбур бўлишган. Ундан ташқари анча қон йўқотган.

– Пиёладаги бармоқ излари ҳақида нима дея оласиз, Собиржон ака?

– Ҳа, инсон соғлигига ёмон таъсир қилувчи, ҳатто ўлимга олиб бориши мумкин бўлган заҳарли дори қолдиқлари қолган пиёладаги бармоқ излари жабрланган Мирҳайдаровга тегишли бўлиб чиқиши, яна бир жумбоқ. Ўзи заҳарни кимга ичирмоқчи бўлишган? Усмонованинг ўғлигами? Нима учун? Ёки биз кўра олмаётган бошқа нарса борми? Бир олам жумбоқ! – деди Собиржон қўллари икки тарафга ёйиб.

– Дорини Мирҳайдаровга мажбурлаб ичирмоқчи бўлишганида, у пиёлани ўзидан нарига итариб юбормоқчи бўлганида ҳам унинг бармоқ излари қол-

ган бўлиши мумкин, – деди Фарҳод компьютердан бошини кўтариб, Собиржонга қараб.

– Бу ҳақда бир нарса дейиш қийин, лекин энг ажабланарлиси Усмоновага ҳеч ким бўлмаган бировнинг, яъни унинг онасининг қўшниси бўлиб яшайдиган бегонанинг, унинг уйида бундай аҳволга тушиши. Мирҳайдаров кимнидир ҳимояламоқчи бўлдими, ёки ҳимояландими? Ёки бўлмаса, ундан кимдир Усмонованинг ўғилчасини ҳимоя қилдими? Ким бўлиши мумкин?

– Шунча кишини сўроқ қилиб, шу саволлардан бирортасига жавоб топа олмадим, Собиржон ака.

– Мен ҳам...

Телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Собиржон гўшакни кўтариб:

– Эшитаман, – деди. У гаплашаётиб ранги тундлашиб кетганини пайқаган Фарҳод:

– Тинчликми? – деди хавотирланиб.

Собиржон гўшакни қўйиб:

– Тинчлик эмас, ишимиз янада чигаллашади, шекилли, – деди ўзининг иш стулига ўтираркан.

– Нима бўлибди, айта қолинг?

– Мирҳайдаровнинг жони узилибди.

– Э-э, жуда ёмон бўлибди-ку, жиноятни очишда ёрдам бера оладиган биттагини кишидан ҳам айрилиб қолибмиз. Худо раҳмат қилсин, – деб Фарҳод юзига фотиҳа тортиб қўйди.

Улар анчагача жим бўлиб қолишди. Фарҳод жимликни бузиб:

– Собиржон ака, энди бу ёғига қандай йўл тутамиз?

Собиржон ўзи ҳам шу ҳақда ўйлаб, боши қотиб ўтиргани учун:

– Усмонованинг, Мирҳайдаровнинг яқинларини бошқатдан сўроқ қилишимиз керак. Ундан ташқари Усмонованинг марҳум эрининг қариндошларини ҳам сўроқ қилишга тўғри келади.

– Шу билан бирор нарса аниқланади, деб ўйлайсизми?

– Кўрамиз-да... Биласизми, Фарҳод сўроқ қилганимизда биз, Усмонова, Мирҳайдаров ва Санжарларнинг қандай одам эканликларини, уларнинг дунёқарашлари қандай бўлганлигини, уларнинг яхши ва ёмон томонларини эринмай, синчиклаб сўраб-суриштириб, билиб олишга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Чунки бу бизга чувалашиб ётган калаванинг учини топишда ёрдам бериши мумкин.

– Шуларни билиб олсак жиноятни очамиз, деб ўйлайсизми? – деди Фарҳод ишонқирамай Собиржонга қараб.

– Фарҳод, сизга неча маротаба айтганман, жиноятни очиш учун, алоҳида бир гувоҳ топиш, ёки алоҳида бирор катта иш қилиш, ёки бўлмаса буни алоҳида бирор жойдан излаш керак эмас. Биз калаванинг учини топишимиз учун жуда синчков бўлишимиз керак, холос! Бунга кичкинагина нарса ҳам туртки бўлиши мумкин. Масалан, биз излаётган нарсамизни кутилмаганда гувоҳлардан бирининг кўрсатмасидан топишимиз мумкин. Шунга ўхшаш...

* * *

Мирҳайдаровнинг қасддан ўлдирилиши бўйича жиноят ишининг терговини тамомлаб, терговчилар бирор хулосага келиш учун ўз фикрларини айтишарди.

– Хўш, Фарҳод, сиз Мирҳайдаровнинг яқинларини сўроқ қилиб, унинг қандай инсон бўлганлигини билиб олдингизми?

– Ҳа, лекин уни ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам, бирор яхши хислатини чин кўнгилдан мақтаб гапирмади. У, менинг фикримча, фақат ўзини ўйлайдиган, оиласининг, ота-онасининг, умуман бошқаларнинг фикри билан қизиқмайдиган одам бўлган.

– Фақат билганларингиз шуми?

– Собиқ хотинининг кўрсатмасига қараганда, раҳматли, жуда пулга ўч бўлган кўринади. У пул, бойлик учун ҳамма нарсадан кечиб юбориши мум-

кин бўлган. Худди шу одати учун ҳам ажрашганликларини айтиб ўтди.

– Марҳумнинг Усмонова билан муносабати тўғрисида нима дейиш мумкин?

– Уларнинг муносабати тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, Усмонованинг қўшнилари Мирҳайдаровни бирор марта ҳам кўрмаганлар, лекин марҳумнинг қўл телефони бўйича қўнғироқларни текшириш шуни кўрсатадики, у Усмонова билан анча яқин бўлган.

– Шунақами?

– Ҳа, улар деярли ҳар куни, ҳатто бир неча марта қўнғироқлашиб турганлар.

– Усмонованинг эри ҳаётлигида-чи, уни ҳам аниқладингизми?

– Ҳа, улар Санжар тириклигида ҳам қўнғироқлашганлар.

– Тушунарли...

– Сиз-чи, ўзингиз Санжар тўғрисида қандай фикрдасиз? – сўради Фарҳод Собиржондан.

– Ҳамкасблари Санжарни жуда ақлли ва одамгарчиликни ўрнига қўядиган, ҳалол, айни пайтда ишнинг кўзини биладиган, уддабуррон йигит бўлганлигини айтиб, унинг ўлимидан чуқур қайғуда эканликларини билдирдилар.

Қариндошлари, қўшнилари эса, унинг ориятли, имон-эътиқодли, мағрур йигит бўлганлигини айтиб, улар ҳам унинг ўлимига қайғурдилар.

Усмонованинг гапларидан шу нарса маълум бўлдики, Санжар жуда синчков, тартиб-интизомни, саришталикни яхши кўрадиган инсон бўлган экан.

– Усмоованинг ўзи тўғрисида қандай фикрдасиз?

– Бир неча одамдан унинг фазлини суриштиргандан кейин шундай хулосага келдим: Усмоовадаги хусусиятлар, Санжарникига мутлақо тескари бўлган...

– Йўғ-э?

– Ҳа, шунақа.

– Хўш, Собиржон ака, мана ҳудди сиз истагандек учала кишининг ҳаётда қандай инсон бўлганликлари миридан-сиригача ўрганилиб, бизга аён бўлиб қолди. Буларни билиш учун қанчадан-қанча одамни сўроқ қилишга тўғри келди. Ўзиям шуни деб сал кам бир ой вақтимиз кетди-ёв! – деб Фарҳод Собиржонга қаради. Собиржон индамай ерга қараб ўтирарди. Фарҳод гапини давом эттирди:

– Хаш-паш дегунча тергов муддати ҳам тугаб қолди. Менимча, бирор соатлардан кейин Фозил ака «Мени ишнинг натижаси қизиқтиради, сиз менга қанча тер тўкканингизни эмас, жиноятни қандай очганингизни гапиринг!» деб кириб қолса, ажаб эмас. Биз унга марҳумларнинг ва Усмонованинг ҳаётда қандай инсон бўлганликларини яхшилаб ўрганиб чиққанимизни, лекин жиноятнинг ҳалигача очилмаганини айтсак, қандай аҳволга тушаркан? – Фарҳод яна Собиржонга қараб, унинг бирор нарса деб жавоб беришини кутди. Ундан ҳеч қандай садо чиқмаганидан кейин:

– Собиржон ака, бирор нарса десангиз-чи?! – деди Фарҳод тоқати тоқ бўлиб.

Собиржон жавобсиз ўрнидан туриб, деразанинг олдига келди. Фарҳод, муҳим бир фикрга келган бўлса, ҳозир айтади, кейин бу жиноятнинг очилишида осонгина пилмаҳоя бўлади, деган илинжда Собиржонга қараб турарди. Собиржон эса жим эди.

– Хўш, Собиржон ака, нима дейсиз?

– Фикрларим шу даражада тарқоқки, уларни ҳечам бир жойга жамлай олмаяпман, – деди Собиржон ҳорғин оҳангда.

– Мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин, айтинг? – деди Фарҳод.

– Сизми? Сиз мени ҳали қолдирсангиз, катта ёрдам берган бўлардингиз!

Фарҳод Собиржоннинг феълини билгани учун унинг бу гапига хафа бўлгани йўқ, аксинча, демак,

у ҳозир хонанинг у ёғидан-бу ёғига юриб, фикрларини жамлайди ва бирор жўяли фикр айтади, деб ўйлаб, индамасдан хонадан чиқиб кетди.

Собиржон хонасида қанча вақт юрганини билмайди, у фақат жиноят қандай содир бўлгани, ким нима қилганини тўғри ҳис қила олишни, ким қандай ҳаракат қила олишга қодир эканлигини тўғри баҳолай билишни, бунда хатога йўл қўймаслигини ўйларди.

У ниҳоят бир хулосага келди, шекилли, Фарҳоднинг хонасига кириб:

– Кетдик! – деди.

– Қаерга? – деди Фарҳод кутилмаганда кириб келган Собиржонга қараб.

– Усмонованинг уйига.

– У ерда нима қиламиз?

– Сиз қачон савол бермасдан «хўп» дейишни ўрганасиз?!

– Хўп, кетдик!

* * *

Улар Усмонованинг уйига етиб борганларида, кун ботиб, қоронғи тушай деб қолган эди. Эшикни Усмонованинг онаси очди, у кутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан хавотирланиб:

– Тинчликми? – деди.

– Усмонова Хадича уйдами? – деди Собиржон, ичкарига кўз югуртираркан.

– Ҳа, уйда, лекин бир оз мазаси йўқроқ эди.

– Шунақами? Кечирасиз, хизматчилик, айбга буюрмайсизлар, кўп вақтингизни олмаймиз.

– Майли, ичкарига киринглар.

Ичкарида Хадича ранги бир аҳволда креслода ўтирарди. У терговчиларни кўриб ўрнидан қўзғалди. У Собиржонга «мендан яна нима истайсизлар?» дегандек норози бўлиб қаради. Собиржон буни пайқаб:

– Сизни тушунаман, Усмонова, сизга оғир бўлди, – деди.

Хадича терговчи нима демоқчи эканини англамай, унга савол назари билан қаради.

Собиржон бунга аҳамият бермай:

– Усмонова, сиз нима деб ўйлайсиз, ўғлингиз Суҳробни ўлдириш, марҳум Мирҳайдаров Миршодга нима учун керак бўлиб қолди экан? – деди.

– Нима деяпсиз, тушунтириброқ гапиринг?! – деди Хадича терговчининг кутилмаган саволидан гарангсиб.

– Бу гапнинг қаери тушунарсиз?

– Тушунарсиз! Ахир Миршод ака Суҳробни нима учун ўлдириши керак?! – деди Хадича жон ҳолатда қичқириб.

– Билмайман, буни сиз мендан кўра яхшироқ биласиз, тўғрими?

– Мен ҳеч нарсани билмайман!

– Майли, буни қўя туринг, балки буларни ҳаммамиздан ҳам яхшироқ биладиган одам бордир? Усмонова, сиздан бир нарса сўрасам бўладими?

– Сўраяпсиз-ку, бемалол давом эттиришингиз мумкин!

– Раҳмат, менга айтингчи, уйнинг ичкарисидан, томгами ёки монсардагами чиқадиган зинапоя борми?

– Кечирасиз-у, саволларингиз жуда тутуруқсиз, бир-бирига қовушмаган чиқаётганини ўзингиз ҳам сезяпсизми? – деди Хадича энсаси қотиб.

– Балки, шундайдир, лекин сиз жавоб беришга мажбурсиз!

– Ҳа, монсардага чиқиш учун зинапоя бор, нима демоқчисиз, ўзи?

– Эрингизнинг ўлимидан кейин у ерга бирор марта бўлса ҳам чиққанмисиз?

Хадича Собиржоннинг саволига норози бўлиб тўнғиллаб, – Менинг уйимдаги қайси хонага кириб-чиққанимга ҳам аралашишади, ҳаммаси жонга тегиб кетди! – деди ва – Йўқ, умуман чиқмаганман! – деб тескари қаради.

– Нима учун?

– Ҳафсалам бўлмаган!

– Ўша зинапояни бизга кўрсата оласизми?

Хадича ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кичик йўлак бўйлаб юрди. У йўлакча тугаган жойдаги кичкина эшикни очиб, унинг орқасидан эргашиб келаётган терговчиларга қараб:

– Мана шу, монсардага чиқадиган зинапоя, деди.

Собиржон билан Фарҳод зинапоядан кўтарилар эканлар:

– Усмонова, ўзингиз ҳам юринг! – деди Собиржон.

– Менинг чиқишим шартмас, бошим айланиб кетяпти, – деб Хадича шу ердаги стулга ўтириб олди.

– Борақол, қизим, сени бекорга у ерга чиқишингни айтишмаётгандир, – деди Шодия опа қизини терговчиларнинг гапини икки қилмасликка ундаб.

– Онангизнинг гапига қулоқ солинг, – деди Собиржон тепага чиқиб олганидан кейин.

Хадича зинапоядан кўтарилишга мажбур бўлди.

Собиржон монсардани кўздан кечираркан, у ернинг чиннидай топ-тоза эканлигини кўриб:

– Сиз Санжарнинг ўлимидан кейин бу ерга умуман чиқмадим, деганмидингиз?

– Ҳа.

– Кимдир бу ерга чиқиб тозалаб ҳам тушмадими?

– Йўқ, ҳеч ким чиқмади.

– Санжар тозаликни яхши кўришини айтганмидингиз?!

– Ҳа...

– Наҳотки?!

Собиржон бирпас атрофни кузатиб, жим турганидан кейин:

– Санжар, биламан, сиз шу ердасиз, энди яшириниб юришингизда ҳеч қандай маъно йўқ, бу ёққа чиқинг! – деди буйруқ оҳангида.

Фарҳод Собиржонга, нималар деяпсиз, дегандек ҳайрон бўлиб қаради. Хадича бўлса энсаси қотиб:

– Ҳурматли терговчи, эримнинг бундан тўрт ой олдин сувга чўкиб ўлгани эсингиздан чиққан, шекилли! – деди.

– Сувга чўкиб ўлгани эмас, эримнинг бошига ғишт билан уриб, уни сувга чўктириб ўлдирганим, десанг тўғрироқ бўлар эди! – деган овоз келди ва кўп ўтмай, китоб жавони орқасидан буғдойрангга қараганда оққа мойилроқ, сал чўзинчоқ юзли, қоп-қора сочлари орқага қараб текис қилиб таралган, қиррабурун, лаблари жавобга тайёр тургандек, сал қимтилган, ўрта бўйли, келишган йигит чиқиб келди.

Бу Санжар эди! Кутилмаган ҳолатдан Хадича ҳушидан кетиб йиқилди. Шодия опа эса ўзини «шилқ» этиб ташлаб юборди. Фарҳод ажабланиб қолган эди. Собиржон заррача ажабланмай:

– Ўзим ҳам худди шундай бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳар доимгидек сезгиларим бу сафар ҳам алдамаган экан! – деди.

– Ҳа, т-т-ўғри, – деди Фарҳод тили зўрға калимага келиб.

– Тегишли жойларга хўнғироқ қилинг, – деди Собиржон Фарҳодга.

– Хўп!

Собиржон Санжарга қараб:

– Юринг, Санжар, пастга тушиб суҳбатимизни давом эттирамиз, – деди.

Улар пастга тушишди. Санжар терговчиларни юмшоқ мебеллар қўйилган, суҳбатлашиш учун қулай хонага бошлаб кириб, ҳаммани ўтиришга таклиф қилди.

– Санжар нима бўлганлигини бизга бир бошдан айтиб беринг-чи, – деди Собиржон.

Санжар, улар Хадича билан шаҳар ташқарисидаги сой буйига дам олишга борганларида бўлган воқеани бир бошидан гапириб берганидан кейин:

– Агар менинг чўмилиш кийимим сув тагидаги дарахт илдизига ўралиб қолмаганида, балки ҳаммаси Хадичанинг режасидагидек бўлармиди? – деди.

– Сизни хотинингиз сувга ташлаганида ҳушингиз ўзингиздамиди? – сўради Собиржон.

– Йўқ, мен қандай қилиб сувга тушиб қолганимни билмайман, мен фақат олма еётганимда, бошимга тушган зарбани биламан. Биринчи зарба тушганида ҳушимни йўқотмадим, Хадича мени ўлдирмоқчи бўлганини билдим, лекин қаршилик кўрсата олмасдим, кейинги зарбаларни билмайман. Кўзимни очганимда, ўзимни сувда кўрдим.

– Сув тагида қандай қилиб тирик қолганингиз ақлга сиғмайди?

– Менинг юзим сув бетида қолиб кетган, сойнинг қирғоғидаги дарахт илдизлари билан қопланган қисмидан сув оқмасдан, сув юзи пупанаклар билан қопланган бўлган. Менинг сув юзидан ташқарида қолиб кетган бошим ҳам пупанаклар билан қопланган учун ҳам мени қидирувчилар топа олмаганлар, менимча улар фақат сувнинг тез оқаётган қисмини қидирганлар.

Улар суҳбатлашаётганларида етиб келган ИИБ ходимлари, экспертлар ва бошқалар ишга киришиб кетишди. Улар Хадича Усмонованинг қўлларига кишан солишаётганида:

– Менинг ҳеч қандай айбим йўқ! Мени Миршод шундай қилишга мажбур қилди! – деб бақирарди.

Санжар индамасдан юзни тескари тарафга бурди.

– Бир нарсани тушунмаяпман, сиз сувдан чиқиб, яланғоч қандай қилиб уйингизга етиб келдингиз? – деди Фарҳод.

– Мен ҳушимга келганимда, атрофда кўриниш ғира-шира эди. Амаллаб сувдан чиқиб олиб, кийимларимни илиб қўйган дарахт эсимга тушди. Ўзи мен, ўтирган жойимиздан беш метрча масофада қолиб

кетган эканман-да! Қидирувчилар бўлса мени тез оқар сойда оқиб узоқларга кетган бўлса керак, деб анча узоқлардан қидиришган. Ҳеч ким менинг кийимларимга тегмаган экан. Чўнтагимда эса, уйнинг калити ва озроқ бўлса ҳам пулим бор эди. Мен шу яқинда жойлашган касалхоналарнинг бирига кириб, жароҳатимни боғлатдим ва қандай дори кераклигини билиб олдим. Мен уйга келиб Хадичанинг кирдикорларини фош қилиб, уни сизларга топширмоқчи эдим, лекин бундай қилсам, унинг асл мақсадини била олмай қоламан, деб қўрқдим. Унинг нима учун мени ўлдиришга бел боғлаганлик сабабини билишга, яъни мен ўлганимдан кейин нима қилмоқчи эканлигини ўз кўзим билан кўришга қизиқдим. Мен болалигимдан уйимизнинг мансардасида ўтириб ҳар хил юмушларни қилишни яхши кўрардим, катта бўлганимдан кейин ҳам у ерда ўтириб китоб ўқиб ўтиришни, мусиқа эшитишни яхши кўрардим. У ерга Хадичанинг бирор марта чиққанини кўрмаганман. У ерни ҳар доим ўзим тозалардим. Шунинг учун ҳам шу ерга жойлашиб олдим.

– Сиз, ҳатто, яшириниб яшаб юрган кишига ўхшамайсиз ҳам, жуда бежирим кийиниб олгансиз, соқол-мўйловингиз ҳам ҳар куни олинган кўринади, – деди Собиржон.

– Ахир мен ўз уйимдаман-ку, ҳар куни қиладиган ишимни қилишга ҳеч ким менга халақит қилмасди, Хадича кўчага чиқиб кетганида, мен ювиниб олардим, кийимларимни алмаштирардим. Мен Хадичанинг қандайлигини билардим-да. У ҳеч қачон атрофга эътибор билан қарамас, оддий нарсаларни ҳам сезмас эди...

– Кечалари унга руҳ бўлиб кўриниш беришингизнинг сабаби нима эди?

– У ўйнашини уйимга олиб келишига чидай олмадим, уни ақлдан оздирмоқчи эдим.

– Миршоднинг ўғлингизни ўлдирмоқчи бўлганини қандай пайқаб қолдингиз?

– Мен уларнинг ҳар кунги суҳбатларини эшитардим. У разилнинг уйимга, бойлигимга эгалик қилиш ниятини билиб қолдим. Хадичанинг уйни ўз номига ўтказишига амаким қаршилик қилиб қолдилар, уйни Суҳробнинг номига ўтказишни талаб қилдилар. У ифлоснинг эса ҳаммасига ўзи эгалик қилиши учун Суҳробдан қутулишдан бошқа йўли йўқ эди. Мен ўғлимни ундан қўриқлай бошладим. Ўша кечаси мен кутган иш бўлди. У пиёлага дори солиб, ухлаб ётган Суҳробга ичирмоқчи бўлганида мен унинг қўлидаги пиёлани уриб юборишдан бошқа чорам қолмаган эди.

Мен унга пичоқ уриш ниятим йўқ эди. У мараз мени бўғиб қолди, нафасим қайтиб, жон талвасасида чўнтагимда олиб юрган пичоғим эсимга тушди ва уни бир мартагина унинг биқинига санчдим. Мен уни ўлади, деб ўйламаган эдим, у ўлмаслиги мумкин эди. Хадича сирининг фош бўлиб қолишидан қўрқиб, анча пайтгача тез ёрдамга қўнғироқ қила олмай ўтирди. Мен эса қотил бўлиб қолмайин, деб, ҳатто ўзим қўнғироқ қилмоқчи ҳам бўлдим, лекин бундай қила олмасдим. Лекин, барибир у ўлди, қотил бўлиб қолдим!

Қаранг, мен бир умрга тоза яшашга ҳаракат қилганман, лекин ўзимга боғлиқ бўлмаган ҳолда, бундай бўлишини ким билибди, дейсиз. Айтишади-ку, «Йўлдошинг қарға бўлса, емишинг — ахлат» деб.

Ҳеч ким менга ўхшаб қарғага йўлдош бўлиб қолмасин, эҳан...

ШУБҲА

Қодиржон билан Ойгул ўзларининг меҳнат таътилларини ёзнинг энг иссиқ ойи ҳисобланган – июль ойига тўғрилаб олган эдилар. Улар ўғилчалари Яшнар билан бирга ўлкамизнинг энг баҳаво масканларидан бирига дам олишга жўнашди.

Жазирама иссиқда чўмилиш жуда роҳат эканини ҳис қилган Ойгул ўғилчаси Яшнарга болалар билан чўмилишга рухсат берди.

Ойгул ўғлининг болалар билан сув сепишиб, қийқириб ўйнаётганига меҳр билан қараб, томоша қилиб ўтирарди. Яшнарнинг кўзи улар томонга қараб ўтирган ойисига тушиб, чопқиллаб унинг олдига келди ва ҳамма ёғи сув бўлишига қарамай, Ойгулни қучоқлаб:

– Ойижон, сизни жуда яхши кўраман! – деб унинг юзидан ўпиб, яна сувга қараб югуриб кетди.

Ойгул нима учундир ўтган кунларни эслай бошлади.

* * *

Ўшанда Қодиржон билан Ойгулнинг турмуш қурганларига атиги икки йил бўлган. Улар тиббиёт олийгоҳида бирга ўқиб, бир-бирларига кўнгил қўйиб турмуш қурган эдилар. Ойгул қомиладор, Ойгул она биттаю битта фарзанлари бўлган – Қодиржон ўғлидан невара кўришидан хурсандлиги бир олам эди. Оилада ҳамма бахтиёр эди.

Лекин уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади...

Ёз кечаларининг бири эди. Ҳамма уйқуда, фақат Ойгулгина ой-куни яқин бўлгани учунми, уйқуси келмай, у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб уйғоқ ётарди. Шунда унинг қулоғига кимдир ҳовлида юргандек оёқ товуши эшитилди. Ойгул анча пайт қулоқ солиб ётганидан кейин, менга шундай туюляпти, шекилли, деб ўйлади. У Қодиржонни уйғотмоқчи бўлди, лекин унинг жуда ширин ухлаб ётгани кўриб, Ойгул уни уйғотишга кўзи қиймади. Ўша оёқ товуши яна эшитилгандек бўлди.

Ойгул ҳовлига чиқиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина ухлашим мумкин, деб ўйлади. У секин ётоқхонасидан чиқди, чиқиши билан кўзи гира-шира ёруғда қаршисида турган юзига ниқоб тортган кишига тушиб, қўрқанидан «Вой!» деб қичқириб юборди.

Босқинчи тезда келиб Ойгулнинг бўйнига пичоқни тираб:

– Ортиқча ҳаракат қилсанг, пичоқни тортиб юбораман! – деди.

Ойгулнинг овозига уйғониб кетган Қодиржон ва Ойсара опа югуриб чиқиб, чироқни ёқдилар. Қодиржон нима бўлаётганини кўриб:

– Ойгулни қўйиб юбор, биздан нима истайсан?! – деди.

– Менга пул керак, хотиним омон қолсин десанг уйингдаги ҳамма пулларни чиқар!

– Бўла қол ўғлим, пулларни олиб чиқ! – деди қўрқиб кетган Ойсара опа.

Қодиржон целлофан пакетга солинган пул олиб чиқиб, босқинчи томонга ташлади. Босқинчи бир қўлидаги пичоқни Ойгулнинг бўйнидан олмаган ҳолда, иккинчи қўли билан пакетнинг оғзини очиб, пулни кўрди.

– Жуда кам, яна олиб чиқ! – деб бақирди.

– Бошқа йўқ эди, тақинчоқларимни олиб чиқсам, келинимни қўйиб юборасанми? – деди Ойсара опа.

– Тезроқ олиб чиқ!

Ойсара опа қутичага солинган тилла тақинчоқларини босқинчининг оёғи остига қўйди. Босқинчи анчагина тақинчоқни кўриб:

– Мен кетдим, биттанг овозингни чиқарсанг, ҳаммангни ўлдираман! – деб пўписа қилди. У Ойгулни ўзидан нарига силтаб итариб юборди ва ўзи зинапоядан пастга югуриб тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Ойгул қаттиқ қўрқиб кетганиданми ёки босқинчининг зарб билан итариб юборганиданми

ўз мувозанатини сақлай олмай, йиқилиб тушди ва зинапоядан пастга думалаб кетди. У иккинчи қаватдан пастга думалаб, зинапоя тугаган ергача борди. Қодиржоннинг уни ушлаб қолиш учун қилган ҳаракати бефойда бўлди. Ойсара опа эса бошига муштлаб, босқинчини қарғар эди.

Ҳушидан кетиб қолган Ойгул, икки кундан кейин шифохонада кўзини очди. У фарзандини йўқотганини ва энди ҳеч қачон фарзанд кўра олмаслиги билиб, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди.

Ойгул учун энди ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган эди. Унинг доимо кулиб турадиган чеҳраси тундлашиб қолганди, нозиккина келишган қомати ҳам, букчайиб қолгандек, у гўё анча ёшга қариб қолганга ўхшарди. Битта гапириб, ўнта куладиган Ойгул, эди тишининг оқиниям кўрсатмасди.

У фақат ишдагина ўзини юпатарди. У туғруқхонада ишлагани учун дунёга келган ҳар бир чақалоқ унга ўз фарзандини эслатарди.

Бир куни ишдан келса, Қодиржон:

– Ойгул, биласанми, ўша босқинчини қўлга олишибди! – деб қолди.

– Ростданми?

– Ҳа, шериги ҳам бор экан, иккаласини бирга қўлга туширишибди. Мен ҳозир прокуратурага бориб, ўша воқеа ҳақида тушунча бериб келдим. Сенинг ҳам боришингни айтиб, чақирув қоғози беришди, мана, – деб Қодиржон Ойгулга қоғозни узатди.

Ойгул чақирув қоғозини унинг қўлидан олиб, столнинг устига ташларкан:

– Мен бормайман, – деди.

– Нима учун?

– Ўша машъум кечани эслагим йўқ.

– Лекин жиноятчи жазосини олиши керак, ахир биз ундан ҳеч қачон битмайдиган талафот кўрдик-ку!

– Тўғри, барибир фойдаси йўқ, мен энди фарзанд кўра олмайман! – деб Ойгул йиғлаб хонасига кириб кетди.

Унинг орқасидан кирган Қодиржон:

– Ўша маразни ким ушлаб олгани биласанми?

– Йўқ, – деди Ойгул секингина, нима фарқи бор, дегандек қилиб.

– Ўша ифлос, худди бизнинг уйга киргандек, бошқа бировнинг уйига кириб хотинининг бўғзига пичоқ тираган экан, ўша хотиннинг юраги касал бўлгани учун босқинчининг қўлида жон берибди. Буни кўрган эри босқинчининг қўлидаги пичоғига қарамай, уни тепиб, қўлидаги пичоғини ўзига урмоқчи бўлганида, укаси зўрга тўхтатиб қолган. Ҳозир у қамоқда экан.

– Қамалгани яхши бўлибди, – деб Ойгул ўзини каравотга ташлади.

Қодиржоннинг Ойгулга раҳми келиб кетди, унинг кўнглини кўтариш учун бир нима демоқчи бўлди, лекин у бунга ҳеч қандай сўз топа олмади. У қотмадан келган гавдасига ярашган, жингалак, қора сочларини силаганича, бошини хам қилиб, жим бўлиб қолди.

* * *

Кунлар кетидан кунлар ўтарди.

Одатдагидек иш кунларининг бирида Ойгул тўлғоқ тутиб келган онани туғишига ёрдам бериб, ўйлади, ўша бахтсиз кечага бугун беш ой тўлади. У туғилган чақалоқнинг ўғил бола эканлигини онасига айтаркан, беихтиёр ўзининг нобуд бўлган фарзанди ҳам ўғил бола бўлганлигини эслаб, кўзларига ёш келди. Ойгул, кўзи ёриган аёл учун, доянинг «Ўғил ёки қиз фарзанд кўрдингиз!» деган сўзидан бошқа дунёда ёқимлироқ сўз бўлмаса керак, ўша сўзни эшитган аёлнинг юзидан бахтлироқ чеҳра ҳеч қаерда учрамаса керак, деб ўйлади. У ўша бахтиёр

онага ҳаваси келиб, унинг юзини кўрмоқчи бўлиб, кўзи ёриган аёлга назар ташлади.

Ажабо! Ойгул у аёлга қараб ҳайратдан қотиб қолди. У аёлнинг юз ифодаси, ўғил фарзандни дунёга келтирган бахтли онага эмас, аксинча, фарзандини йўқотган, чексиз ғам-андуҳга ботган онага ўхшарди. У бир нуқтага тикилганича, жим ётар, ҳозиргина туғилган, ёнгинасига лабларини чўччайтириб, кўзлари ёруғликка кўника олмаганидан зўрға очиб-юмуб ётган, йўргаклаб қўйилган фарзандига қиё ҳам боқмас эди!

Ойгулнинг ёнидаги ҳамшираалар ҳам, энди аёлга эътибор бериб қарашди. Улар ҳам ҳеч нарсани тушунмай, бир-бирларига қараб, ажабланиб елкаларини қисиб қўйишарди.

Эртаси куни эрталаб ишга келган Ойгул кеча кўзи ёриган аёл билан қизиқди. У ҳамширадан:

– Кечаги аёл тузукми, боласи қалай? – деб сўради.

– Сирожова Мафтунами?

– Ҳа, исми шунақамиди?

– Ўша боласига эътибор бермаётган аёл-да, тўғрими?

– Ҳа.

– Соғлиги яхши, боласи ҳам соғлом, лекин у аёл боласига қарамаяпти.

– Нима учун?

– Ким билади, чурқ этмаяпти, ичидагини биз қаерданам биламиз?

– Юринг-чи, унинг олдига бошланг.

– Хўп.

Ойгул Мафтуна ётган хонага кирди. Мафтуна бир қараб қўйиб, Ойгулга салом берди. Ойгул унинг соғлигини, ҳеч қаери оғримаётганлиги сўради.

– Ҳеч нарсадан шикоятим йўқ, – деди у.

– Болангизни кўкрак сути билан боқмоқчи бўлсангиз уни ҳозирдан эмизишингиз керак. Ҳамшираларнинг айтишича, сиз унга қарамаётган экансиз.

– Тўғри.

– Нима, тўғри?

– Болага қарамаётганим.

– Нимага ўз фарзандингизга қарамаяпсиз, эмизмоқчи эмасмисиз?

– Йўқ.

– Нима учун, очиқроқ гапиринг?!

– Илтимос, мендан ҳеч нарса сўраманг! – деб Мафтуна йиғлаб юборди.

Ойгул унинг тинчланишини кутиб анча турди, лекин Мафтуна йиғидан тўхтамас, афтидан у анчадан бери тўлиб ётгану, ҳозир ичидаги ҳамма ғамларини йиғи билан чиқармоқчи эди. Ойгул ҳамшираларга:

– Қаранглар, – деб чиқиб кетди.

Ойгул хонасида ўтирганида кутилмаганда Мафтуна кириб келди. Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетган эди. Ойгул уни ўтиришга таклиф қилди.

– Хўш, менда нима гапингиз бор эди? – деди Ойгул.

– Мен болани шу ерга ташлаб кетаман!

– Нима учун?

– Чунки унинг отаси йўқ...

– Отаси қаерда?

– Буни айта олмайман!

– Синглим, сиз буни яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак, кейин пушаймон бўлиб юрманг!

– Йўқ, ҳеч қачон пушаймон бўлмайман! – деб Мафтуна шарт ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Ойгул ўйлаб қолди. Мен у болани асраб олсам-чи, Қодиржон акам нима дерканлар? Қайнонам-чи? Ойгул ўзи билмаган ҳолда ўрнидан туриб, чақалоқлар хонаси томонга юра бошлади. У чақалоқлар ичидан Мафтунанинг боласини топиб, унга қараб қолди. Чақалоқ жуда ширин эди, у ҳеч нарсадан бехабар ухларди. Ойгулнинг чақалоққа жуда раҳми келди. У чақалоқни қўлига олиб, беихтиёр юзларидан ўпиб қўйди.

Гўдакнинг ёқимли ҳиди унинг димоғига урилиб, унинг юзларидан яна ўпди ва нима учундир кўзларидан ёш чиқиб кетди. Ойгул чақалоқни жойига

ётқизиб, чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда врачи келиб қолди:

– Тинчликми, Ойгул Мухторовна? – деди нинг кўзларидаги ёшни кўриб.

– Ҳа, ўзим...

– Сизни тушунаман, лекин энди сиқилганингизнинг фойдаси йўқ-ку, ўзингизни ўйласангиз-чи, – деди у Ойгулга тасалли бериб.

– Раҳмат.

Ойгул уйига борганидан кейин ҳам, хаёлидан ўша чақалоқ кетмади, унинг хушбўй ҳиди димоғига ўрнашиб қолгандек эди. Ойгул бу ҳақда эрига айтганида, у бола асраб олишга дарров рози бўлди. Чунки Қодиржон Ойгулга ўзи бола асраб олиш таклифини айтмоқчи эди, лекин буни Ойгул қандай қабул қилар экан, деган истиҳолага бориб, индамай юрган эди.

– Ойим нима дерканлар? – деди Ойгул Қодиржонга қараб.

– Менимча, улар ҳам рози бўлсалар керак, – деди Қодиржон.

Ойсара опа болаларидан бу гапни эшитиб, индамади, лекин кўзларига келган алам ёшларини артиб қўйди. Уни тушуниш қийин эмас эди, чунки ҳар қандай ота-она, ўз насл-насабини кўпайтиришни, ўз ўғлининг пуштикамаридан бўлган невараларни кўришни хоҳлайди. Ойсара опа энди бунинг иложи йўқлиги билар, ўғлининг райига қарши боришни истамас эди. Шунинг учун ҳам у:

– Майли, ўзларинг биласанлар, – деб ичкарига кириб кетди.

Ойгул эрталаб ишга бориши билан, чақалоқлар хонасига югурди. У Мафтунанинг боласини энди қўлидаги тизимчага қарамасдан ҳам топа оларди. Чақалоқ кўзларини очиб ётар, у ҳам худди Ойгулни танигандек қарар эди. Ойгул чақалоқни қўлига олиб,

бағрига босди ва бутун ғам-аламларини унутгандек бўлди. Чақалоққа унинг меҳри тушиб қолган эди.

Ойгул хонасига кириб энди жойлашмоқчи бўлиб турганида Мафтуна кириб қолди. У Ойгулга салом бериб:

– Бугун менга рухсат берсангиз бўладими? – деб сўради.

– Билмайман, болалар врачи нима деркан?

– Мен айтдим-ку, болани ташлаб кетаман, деб!

– Ҳалиям фикрингиздан қайтмадингизми?

– Йўқ, мен қатъий қарорга келиб бўлганман.

– Тушунарли, лекин сиз менга нима учун шу қарорга келганингизни очиқ айта оласизми?

– Буни айта олмайман, тушунсангиз-чи!

– Агар гап иккимизнинг ўртамизда қолади, десам-чи?

– Барибир, айта олмайман.

– Ҳеч бўлмаса менга боланинг отаси ким эканлигини айтинг, фарзандини ташлаб кетган онадан қандай нафратланишларини биласизми?! Ҳеч бўлмаса арзирли сабаб кўрсатсангиз, мен сиздан нафратланмай, деяпман, тушуняпсизми?!

– Ҳа, тушуняпман, – деб Мафтуна стулга ўтириб қолди. Унинг кўзларидан ёш оқарди. Мафтуна унсиз йиғларди. Ойгул унга қараб, бу қизнинг чиройли оппоқ юзи-ю, баланд, келишган қадди-қоматига, ғам-алам эмас, хурсандчилик, шодлик қандай ярашган бўларди, деб ўйлади. Мафтуна кўз ёшларини артиб:

– Мен сизга ҳаммасини айтиб бераман, ўзимнинг алданганлигимни айтишим керак, – деди.

– Майли, эшитаман.

– Мен чет тиллар олийгоҳининг тўртинчи босқич талабасиман. Ўзим узоқ вилоятдан келганман. Ота-онам менинг бу аҳволимдан бехабарлар.

Мен бир йил олдин Баҳодир исмли йигит билан танишиб қолдим. У ўзини юридик институтни тугатганини, ҳозирги пайтда адвокат бўлиб ишлаб юрганини

айтиб таништирди. У менга аямай пул с Қимматбаҳо совғалар ҳадя қилар, қиммат ларга олиб кирар эди. У менга уйланиш ишонтирди. Менинг бошим айланиб қолди унинг измига ташлаб қўйдим. Унга ҳоми либ қолганимни айтганимда, ранги учиб кетди ва тезда ҳомиладан қутулиш учун пул берди. Мен рози бўлмадим, аксинча тезроқ тўйимизни қилишимиз керак, дедим. У шундан кейин кўринмай қолди. Мен унинг бир кун келиб қолишини кутиб юравердим. У келавермаганидан кейин ўзим уни излашга тушдим.

Уни суд идораларидан излай бошладим. Қўлимда унинг расми бор эди. Мен унинг расмини кўрсатиб, котиба қиздан:

– Мана шу адвокат йигитни танийсизми? – деб сўрадим.

– Йўқ, танимайман, – деди қиз ва расмни ўзига яқинроқ тортиб қараб, – Ия, бу судланувчи-ку, ҳозир унинг устидан суд жараёни кетяпти. Исми Баҳодир Ўлмасов эди, шекилли, – деди.

Мен қотиб қолдим, анчадан кейин ўзимга келиб, – Суд қаерда бўляпти? – дедим.

– Бугун уни олиб кетишди, эртага эрталаб биринчи қаватда, катта залда суд жараёни давом этади, – деди.

Мен эртаси куни суд биносига келдим. Қайси кўз билан кўрайки, ўша ярамас Баҳодир шеригн билан панжара ичида ўтирибди!

– У қандай жиноят қилган экан? – сўради Ойгул.

– У босқинчилик, талончилик каби бир неча жиноятлари учун судланаётган экан. Охирги қилган жинояти пайтида у битта касалманд хотинни ўлдириб қўйибди, эри бунга чидай олмай, уни шартта бориб қўлидаги пичоғини қайириб олиб, ўзига уришига сал қолган экан. Қани эди, уни ўша киши ўлдириб қўйган бўлса, қандай яхши бўларди, мен унинг қандай одамлигини билмай, боламга отанг ўлган деб, ўзим катта қилардим.

Ойгул Мафтунанинг гапларидан карахт бўлиб қолган эди. У зўрға:

– У йигитнинг исмини нима дедингиз? – дея олди, холос.

– Баҳодир Ўлмасов.

– Эй, Худо, худди ўзи, – деди у ўзига-ўзи гапираётгандек. Чунки ўша суд жараёнида Ойгул билан Қодиржон ҳам қатнашган эдилар. Шундай бўлса ҳам Ойгул янада аниқлаш учун:

– Сиз қайси ойда уни суд жараёнида кўрдингиз? – деб сўради.

– 25 август эди.

Энди Ойгулнинг бу йигит ўша, уларникига кирган босқинчи эканлигига шубҳаси қолмаган эди.

– Айтинг-чи, ўша муттаҳам талончининг боласи ким бўлиши мумкин, албатта талончи-да! Мен отасиз, бир аблаҳнинг боласини катта қилиш ниятим йўқ. Чунки менинг келажагим ҳали олдинда. Мени қандайдир бир босқинчи алдади, деб тақдирга тан бериб, унинг боласини боқиб, шармандa бўлайми?! Асло ундай қилмайман! Мана сизга ҳаммасини айтдим, энди мендан нафратланасизми, йўқми, ўзингиз биласиз! – деб Мафтуна чиқиб кетди.

Ойгул анчагача ўзига кела олмай ўтириб қолди. Хонасига кириб ниманидир сўраган ҳамширанинг гапи унинг қулоғига кирмай, бошини қимирлатиб қўйди. У шу алфозда қанча ўтирганини билмайди. Тўхтамай жиринглаётган телефонни олиш унинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг хонасига кирган бош врач Муниса опа Ойгулнинг ўтиришига қараб, ажабланиб:

– Ойгул, сизга нима бўлди? – деди.

– Кечирасиз, мен...

– Мен сиздан бир нарсани билмоқчи эдим?

– Нимани?

– Чақалоқлар хонасига серқатнов бўлиб қолганингизни эшитдим, ўша чақалоқни асраб олиш ниятингиз борми?

– Билмадим... – деди Ойгул бош врачнинг саволига ўзи ҳам жавоб тополмай ўтирганини сезиб.

– Нима, уйингиздагилар розилик беришмаяптими?

– Йўқ, уйдагилар қаршилик қилишмаяпти.

– Унда муаммо нимада?

– Мен буни сизга эртага айтсам бўладими? – деди Ойгул.

– Албатта, сиз ҳар тарафлама ўйлаб, кенг мушоҳада қилиб, аниқ бир қарорга келганингиздан кейингина, болани асраб олишингиз мумкин. Бу жуда нозик масала.

– Ҳа, тушунаман, – деди Ойгул.

Ойгул уйга бориб Қодиржонга нима дейишини билмасди. Қодиржон Ойгулдаги ўзгаришни сезиб:

– Қандайдир шаштинг пастми ёки чақалоқни асраб олишдан хурсанд эмасмисан? – деб сўради.

Ойгул индамади.

– Нега индамайсан?

– Биласизми, ўша чақалоқнинг отаси ким экан? – деди Ойгул Қодиржонга қарамасдан, ерга қарагандек.

– Хўш, ким экан?

– Ўша босқинчи, Баҳодир Ўлмасов!

– Нима?!

– Ҳа, буни бугун билдим, – деб Ойгул йиғлаб юборди.

Қодиржон Ойгулга яқин бориб унинг елкасига қўлини қўйиб, тасалли бера бошлади.

– Хафа бўлма, бошқа чақалоқ ҳам топилиб қолар, агар хоҳласанг эртагаёқ меҳрибонлик уйларидан суриштира бошлайман.

– Кераги йўқ.

– Нимага, бола асраб олиш фикридан қайтдингми?

– Мен фақат ўша болани асраб оламан!

– Нима деётганингни биласанми?

– Ҳа, жуда яхши биламан, ахир у гўдакнинг нима гуноҳи бор?!

– Лекин у газандасининг боласи-ку, ҳар қадамда отасини эслатиб турса-чи, унда нима қиласан?

– Ойгул индамай қолди, кейин секин ўрнида туриб, Қодиржоннинг олдига келиб:

– Қодиржон ака, сиз уни кўрсангиз эди, бу гапларни айтмаган бўлардингиз. У шунчалар бегубор-ки, худди фариштадек. Ундан таралаётган ҳиддан жаннат иси уфуради. Унинг ҳеч қандай газандага алоқаси йўқ. Уни худди ўзим дунёга келтирганга ўхшайман. Отаси эса сиз бўласиз. Мен уни яхши кўриб қолдим, тушуняпсизми, менга бошқа боланинг кераги йўқ!

– Мен-ку, сени тушунаман-а, лекин, билмадим, бунга ойим нима деркандар ёки уларга бу ҳақда айтмоқчи эмасмисан?

– Менинг ҳеч нарсани яшириш ниятим йўқ, ҳаммасини рўй-рост айтаман.

Ойсара опа чақалоқнинг отаси ким эканлигини эшитганидан кейин эсидан оғиб қолаёзди. У қатъий оҳангда:

– Мен у болани уйимга киритишларингизга асло рози эмасман! – деди. Ойгул эса ўз сўзида туриб олиб, ўша болани асраб олиш фикридан қайтмади. У болани кўтариб уйига келди. Гўдакни қайнонасига, эрига кўрсатаркан:

– Қаранглар, қанчалар маъсум, беозор. Ахир унинг заррача гуноҳи йўқ! Отасининг жиноятчи эканлигида унинг нима айби бор?!

Ойсара опа гўдакка қараб:

– Тўғри, жуда беозор, лекин ҳозирча, холос. Кейин эса худди отасидек, ваҳший қотил бўлса-чи? Унда нима қиласиз, келин? Насл-насабимизга, оиламиз обрўсига ўчмас доғ туширса-чи? Бунга ким айбдор бўлади? Сизнинг ҳозирги пайтдаги бемаъни ҳис-туйғуларга

берилиб қилаётган ишингизнинг оқибатини қандай бўлишини чуқурроқ ўйламаслигингиз ақлга сиғмайди!

– Ойижон, ўтиниб сўрайман, уни қабул қилинг, мен уни жуда яхши инсон қилиб тарбиялашга сўз бераман!

– Ваҳший ҳайвоннинг боласига қанча тарбия берсангиз ҳам, у асло одам бўлмайди!

– Ахир бу, менинг қўлимдаги – инсон боласи-ку! Уни биз қандай руҳда тарбияласак, у шундай бўлиб ўсади. Агар унга сен талончининг ўғлисан, сен ҳам талончи бўласан деб қаралса, у албатта, ундан ҳам баттар бўлиб етишиши аниқ!

– Ойижон, илтимос, менинг савоб ишга қўл уришимга рухсат беринг, – деб Ойгул йиғлай бошлади.

Ойсара опа келинининг бағрикенглигига ичида тан берса ҳам, лекин у ўз ўғлидан невара кўриш бахтидан маҳрум қилиб қўйган жиноятчининг ўғлини уйига киритгиси келмасди. Ойсара опа келини билан ўғлининг илтижоларига ортиқ дош беролмай, рози бўлишдан бошқа иложи қолмаганди.

Улар чақалоққа «Яшнар» деб исм қўйишди. Ойгул бахтиёр эди. Қодиржон эса хотинининг сўниб қолган чеҳрасининг яна аввалгидек ёришганидан хурсанд.

Дам олиш куни бўлгани учун Ойгул Яшнарни айлантириш учун кўчага олиб чиқди. У ойиси билан синглиси келаётганини кўриб севиниб кетди.

– Ойижон, келганингиз қандай яхши бўлди, сизни соғиниб кетган эдим! – деди.

– Ўзинг бизни йўқлаб бормай қўйдинг, келиб кўришдан бошқа иложимиз қолмади, шунинг учун синглинг билан келавердик.

– Жуда яхши қилибсизлар, Соҳиба сингилим, сен яхши юрибсанми? – сўради Ойгул.

– Раҳмат опа, чақалоқни кўрсам бўладими? – деб Соҳиба Яшнарнинг юзини очиб қаради.

– Жиянимни десанг-чи, – деди Ойгул кулиб.

– Опа, унинг қандайдир ўғри, босқинчи бўлиб қолишидан қўрқмайсизми? – деб қолди Соҳиба. Ойгул Соҳибанинг кўпинча ўйламасдан гапириб қўядиган одати борлигини билса ҳам:

– Нималар деяпсан?! Ойи, шу гапни Соҳибага айтиш шартмиди?! – деди жаҳли чиқиб.

– Биз қайнонанг билан гаплашаётганимизни Соҳиба тасодифан эшитиб қолган экан. Мен бунга қанча тушунтирдим, бу сирни ҳеч ким билмаслиги керак, деб.

– Соҳиба, сен энди ёш қизча эмассан, чунки олийгоҳни тугатдинг, тўй кунинг ҳам белгилаб қўйилган. Шунинг учун сен Яшнарнинг отаси тўғрисидагина эмас, унинг асраб олинганлигини ҳам ҳаммадан сир тутишинг керак, тушундингми? – деб Соҳибага уқтира бошлади Ойгул.

– Биламан, опажон, хавотир олманг, – деди Соҳиба ва жим бўлиб сир сақлайман, деган маънода кўрсаткич бармоғини лаблари устига қўйди.

– Ойи, бу гапни фақат, бештамиз биламиз, холос, агар бирортангиз сиримизни фош қилиб қўйсангиз, мен буни ҳеч қачон кечирмайман! – деди Ойгул.

– Хўп, синглинг ҳаммасига тушунди, бизни уйингга таклиф қиласанми ёки кўчада гаплашиб тураверамизми?! – деди Наима опа қизига киноя қилиб.

– Вой, кечирасиз ойижон, эсим қурсин, ичкарига киринглар...

* * *

Қодиржон қўлида иккита музқаймоқ кўтариб келиб, Ойгулнинг хаёлини бўлиб юборди. Унинг ёнида ўтираркан:

– Ма, ол, биттасини, – деб музқаймоқ узатди.

– Яшнарга олмадингизми?

– Эриб кетади-ю, унга чўмилиб бўлганидан кейин, олиб келаман.

– Дадаси, вақтнинг тез ўтишини қаранг, Яшнарни асраб олганимизгаям дарров 7 йил бўлиб қолибди. Эсингиздами, уни ўғил қилиб олишимизга ойимиз қандай қаршилик қилган эдилар?

– Ҳа, улар кўп нарсаларга эскича назар билан қарайдилар, лекин мен уларни қандай бўлсалар шундайликларича яхши кўраман.

– Ҳа, албатта, ҳамма фарзанд ҳам шундай ўйласа керак, мана ҳозир сиз музқаймоққа кетганингизда Яшнар келиб, сизни яхши кўраман, деб қучоқлаб ҳамма ёғимни шалаббо қилиб кетди. Минг шукрки, ўғлимиз бизга жуда меҳрибон, ўзи ақлли бўлиб ўсяпти.

– Ҳа, мен ҳам буни ҳар қадамда ҳис қиляпман, хурсандман.

– Ўша вақтда ойимларнинг, «сиз кимнинг болаларини тарбияламоқчи бўлаётганингизни биласизми? Ахир унинг отаси талончиликда, қотилликда айбланиб, қамалиб кетди, онаси эса, тўғри келган киши билан яқинлик қилиб, уни никоҳсиз орттириб олган! Хўш, сизлар ундан нимани кутяпсизлар?!» – деганларини ҳеч унута олмайман.

– Лекин ҳозир ойим Яшнарни биздан ҳам яхши кўрадилар-ку.

– Тўғри, нима учун буларни ҳозир эслаётганимни ўзим ҳам билмайман.

Ойсара опа Яшнар мактабга чиққан йили тўсатдан вафот этди.

Ойгул Яшнар ҳар куни мактабга кетаётганида у билан хайрлашаркан, ичида бир нарсани ўйларди. «Унга асраб олганимизни биров айтиб қўймасмикан?» Бу хавотир унга кеча-кундуз тинчлик бермай қўйди.

Ойгул бу ҳақда Қодиржонга айтганида, у ҳам худди шуни ўйлаб хавотирга тушаётганини айтди. Эр-хотин келишиб, шаҳарнинг бошқа жойига кўчиб кетишга қарор қилишди.

Қодиржон ота-онасидан биттагина фарзанд бўлгани учун, уйларини сотмасликни, кейинчалик нетаралик бўлганларидан кейин, уйларига яна қайтиб келишга келишишди.

Яшнарни иккинчи синфга янги мактабга борди. Ойгулнинг кўнгли энди сал хотиржам бўлган эди.

Ойгул ишдан келиши билан Яшнарнинг ўқишлари, мактабда нималар қилганликлари билан қизиқарди. Уни еру-кўкка ишонмас, ундаги ҳар қандай ўзгаришни тез пайқаб оларди. Қодиржон ҳам ўзини Яшнарсиз тасаввур қила олмас эди.

Бир куни Яшнар мактабдан сал кечикиб келди.

– Нима бўлди, ўғлим, кеч қолдинг? – деди Ойгул хавотирланиб.

– Аъзам деган боланинг сумкасидан пули йўқолиб қолибди. Ўқитувчимиз шу пулни ким олган бўлса, қайтариб берсин, деб мажлис қилдилар, – деди.

– Пул топилдими?

– Йўқ.

– Синфингизда ўғри бор эканми?

– Мен қаердан билай, ойи? – деди Яшнар ўзини ғалати тутиб.

Ойгул Яшнарнинг чиройли, думалоқ, оқ-сариқдан келган юзига қараб:

– Сенга нима бўлди, рангинг оқариб кетди? – деди.

– Қорним оч-да, ойи, овқат бермайсизми?! – деди Яшнар норози бўлиб.

– Ҳа, шунақами, эсим қурсин, кетдик ошхонага.

Ойгул овқатдан бошини кўтармай тез-тез еётган Яшнардан кўзини узмай қараб ўтирарди. Унинг ичини нимадир кемирар, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда, Яшнардан ўтирликда шубҳалана бошлади. У кечаси Яшнар ухлаганидан кейин унинг чўнтакларини, сумкасини титкилай бошлади. Унинг сумкасидан китоблари орасидан уч минг сўм пул топиб олди.

Ойгул ўйлаб қолди, мен бунча пулни бермагандим, дадаси берганмикан?

У хизмат сафарига кетган Қодиржонга қўнғироқ қила бошлади, қўнғироғига жавоб бўлмаганидан кейин, телефонини ўчириб, ухлаб қолган, шекилли, деб, гўшакни қўйди. Ойгул ухлаш учун жойига ётди, лекин уйқуси келмади. У тонггача мижжа қоқмай чиқди. Ойгулнинг қўлоғи остидан раҳматли қайнонасининг, «У ҳозирча беозор гўдак, лекин катта бўлганида отасига ўхшаган ваҳший талончи бўлса-чи?! Бунга ким айбдор бўлади?» деган сўзлари кетмасди. Ойгул Яшнарни мактабга кузатиб қўйиб ўзи ишга кетди.

Ойгул ишга келиб ҳам қўли ишга бормас эди, хаёли Яшнар билан банд эди. У яна Қодиржонга қўнғироқ қила бошлади. Аксига олиб унинг телефони ўчирилган эди. «Қанақа одам ўзи, телефонни ўчириб қўйиш учун олиб юришадими» – деб ўйлади жаҳли чиқиб Ойгул, кейин Қодиржон операцияга кирган бўлиши мумкин-ку, қандай қилиб телефонни кўтаради, деган фикрда жаҳлидан тушди.

Ойгул мактабдан келган Яшнардан биринчи сўраган саволи:

– Ўғлим йўқолган пул топилдими? – деган сўз бўлди.

– Қанақа пул?

– Ўша Аъзам деган боланинг пули-чи?

– Ҳа, уми, билмайман, – деди Яшнар чайналиб.

– Ўзи ўғирланган қанча пул экан?

– Уч минг сўм, шекилли.

– Нима?!

Бунга Ойгулнинг шубҳаси янада ортди. Қодиржон эса унинг қўнғироғига жавоб бермас эди. Ойгул эрталаб Яшнарга билдирмасдан мактабга бориб, унинг ўқитувчиси билан гаплашишим керак, деб ўйлади.

У Яшнарнинг ўқитувчисининг олдига бориб:

– Мен янги ўқувчингиз Яшнаржоннинг онасиман, – деди гапни нимадан бошлашини билмай.

– Ҳа, танидим, сентябрда олиб келганингиз эсимда бор, келинг.

– Ўзим, шунчаки ўғлимнинг ўқишларидан хабар олай, деб келган эдим.

– Ҳа, жуда яхши. Яшнар жуда ақлли бола экан, деярли ҳамма дарслардан аълога ўқияпти. Ўзини тутиши ҳам яхши.

Ўқитувчи шошаётган экан, шекилли, бошқа гапингиз йўқми, дегандек, Ойгулга қаради. Ойгул буни тушуниб, шоша-пиша:

– Айтмоқчи, синфингизда битта боланинг пули йўқолиб қолган экан, топилдими? – деди.

– Ҳа, ўша куни топилди, фақат мажлисдан кейин у бола кечирим сўраб, ҳеч кимга айтмслигимни илтимос қилиб, олиб келиб берди. У боланинг ота-онаси билан гаплашиб қўйдим. Болалар қизиқ бўлади-да, айрим пайтларда ғалати ишлар қилиб қўйиб, кейин пушаймон бўлишади. Шунинг учун ҳам улар, бола-да.

– Ҳа, тўғри айтасиз, сизга раҳмат! – деб Ойгул ўқитувчи аёл билан хайрлашди.

Ойгулнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Кейин у ўзини айблай бошлади. Ўз ўғлимга ишонмай шубҳаланиб юрибман-а. Икки кун мен учун худди зулматда ўтгандек бўлди-я. Ўзим аҳмоқман!

У овқатланаётганида Яшнардан:

– Ўғлим сумкангда уч минг сум борлигини тасодифан кўриб қолдим, уни қаердан олдинг? – деб сўради.

– Ўқитувчимиз циркка бориш учун уч минг сўм олиб келинглар, деган эдилар, дадамдан сўраган эдим бердилар, кейин циркка бормадик. Дадам келганларидан кейин пулларини бермоқчи эдим. Сизга бериб қўйсам ҳам бўладими?

– Ҳа, майли, берақол.

Ойгул Қодиржон келганидан кейин бу ҳақда унга айтгиси келмади.

* * *

Ойгул билан Қодиржон Яшнарни ер-кўкка ишонмас, ҳамма яхши нарсаларни унга инъом этгилари келарди. Шу билан бирга унинг ҳар бир ҳаракатига синчковлик билан қарашар, унинг яхши тарбия олиши учун бор куч-имкониятларини ишга солишарди.

Яшнар тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирганида Қодиржон билан Ойгулдан бахтлироқ одам йўқдек эди.

Ойгул дам олиш куни бўлгани учун, уйларни йиғиштириб, тозалаб юрганида қўшнилари Раҳимахоннинг овози эшитилди:

– Ойгул, уйдамисиз?!

– Ҳа, келаверинг, уйдаман!

– Хайрият, уйда экансиз, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим?

– Нимани?

– Эртага қизим Саидани қасалхонангизга олиб бормоқчи эдим, кўриб қўйишга вақтингиз бўладими?

– Ҳа, вақт топаман, бемалол чиқаверинг.

– Раҳмат, Ойгул.

– Раҳимахон, ичкарига киринг, бир пиёла чой ичамиз, – таклиф қилди Ойгул қўшнисини.

– Йуғ-э, сизни ишдан қўяман-ку.

– Нималар деяпсиз, иш ҳар куни топилади, сиз ҳар куни йўқлаб келмайсиз-ку, бир келиб қолибсиз, гаплашиб ўтирамиз.

Раҳимахон ўзи роса гапдан оладиган аёл бўлса ҳам, Ойгулнинг таклифига ёлғондан таранг қилаётган эди.

– Майли, қўймадингиз-қўймадингиз-да, – деб ичкарига кирди. У тўғри ошхонадаги столга ўтиришни мўлжалладб борарди.

– Раҳимахон, меҳмонхонага кира қолинг, – деган Ойгулнинг таклифига:

– Вой, мен меҳмон эмасман-ку, ўргилай, шу ерда ўтириб, бир пиёлагина чой ичиб, кейин тураман, – деди.

– Майли-майли, – деб Ойгул уни дастурхонга таклиф этди.

– Қодиржон кўринмайдилар?

– Улар бозорга кетганлар.

Шу пайт эшикдан Яшнар кириб келди. У Раҳимахонга салом бериб ўтиб кетди.

– Қаранг, Ойгул, Яшнаржон ҳам кап-катта йигит бўлиб қолибди. Яқиндагина менинг Жўрабеким билан кўча чангитиб, чопқиллаб юришарди. Ҳозир иккаласи ҳам олийгоҳ талабалари.

– Ҳа, Раҳимахон, вақт жуда тез ўтяпти.

– Ҳозир Яшнаржонни кўриб, бозордаги воқеа эсимга тушиб кетди.

– Қандай воқеа?

– Бугун эрталаб кийим-кечак бозорига борувдим. Худди Яшнаржонга ўхшаган бир йигит шундоғ ҳамманинг кўзи олдида бир қизнинг бўйнидаги тақинчоғини юлиб олиб, қочиб кетди-я. Ҳеч ким уни ушлай олмади, ўзиям жуда тез югураркам.

– Йўғ-э?

– Ҳа, ишонаверинг, ўзимам бунақа воқеани ҳеч қачон кўрмаган эдим, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолибман.

– Уни Яшнарга ўхшар экан, дедингизми?

– Ҳа, бўйи-басти, ҳатто кийиниши ҳам.

«Наҳотки?! – Ойгул бир аҳволга тушиб қолди. Унинг хаёлига яшин тезлигида, «Ахир, бугун эрталаб Яшнар бозорга кетган эди-ку! Наҳотки, у талончилик қилган бўлса? «Газанданинг боласи ҳам газанда бўлади-да», деган қайнонасининг гапи қулоғида жаранглаб кетгандек бўлди».

Раҳимахон нималарнидир гапирар, лекин Ойгул уни эшитмас эди.

Ойгул кечаси билан тиканнинг устида ётгандек ётди. Яшнардан эса ҳеч нарсани сўрай олмас эди. Ичидаги шубҳани Қодиржонга айтмоқчи бўлди, лекин айта олмади.

Ойгул эрталаб ишга зўрға судралиб кириб борди. Уни қизи билан Раҳимахон кутиб ўтирарди. Улар билан аранг саломлашиб, кийиниш учун хонасига кириб кетди.

Ойгул Раҳимахоннинг қизини кўриб, керакли дори-дармонларни ёзиб бериб, улар билан хайрлашаётганларида Раҳимахон:

– Айтмоқчи, кеча сизга айтган ўғри йигит эсингизда борми? – деди.

– Ҳа... – деди Ойгул хавотирланиб.

– Менинг овсиним кийим-кечак бозорида савдо-сотиқ қилади-да, унинг айтишича, ўша йигитни ушлаб олишибди. У яна битта аёлнинг тақинчоғини юлиб олаётганида қўлга туширишибди. Уни битта аёл танир экан. Унинг ота-онаси обрўли кишилар экан, лекин бола бечора наркоман бўлиб қолган экан-да!

– Ҳа, шунақа эканми, эсизгина? – деди Ойгул шубҳаси нотўғри бўлиб чиққанига енгил тортиб.

– Жин урсин, сизнинг ишда эканингизни унутиб, вақтингизни олиб, валақлаб турибмиз қаранг!

– Майли, ҳечқиси йўқ.

– Ойгул, сизга раҳмат, илоё ўша битта фарзандингизнинг шохи минг га бўлсин!

* * *

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар елдай учиб ўтарди.

Ойгул Яшнарни уйлантириб қўйиш учун қиз қидира бошлади. Ўғлига ҳеч қайси қиз ёқмаганига унинг боши қотган эди. Қодиржон Ойгулга маслаҳат берди.

– Ойгул, биласан, ўғлимиз жуда тортинчоқ, шунинг учун у ичидагини айта олмаётган бўлса керак. Қандай қилиб бўлса ҳам унинг ичидагини билишимиз керак.

– Сиз шунақа деб ўйлайсизми?

– Ҳа, ўзим ҳам ёшлигимда шундай эдим.

– Наҳотки?

– Менинг ичимдагини топа олмай раҳматли ота-онам қийналиб кетганлар.

– Хўш, нима қилишни маслаҳат берасиз?

– Сен буни менга қўйиб бер, кечқурун у билан ўзим гаплашаман.

– Мен-чи?

– Сен томошабин бўлиб қараб ўтир.

– Хўп.

Кечқурун овқат устида Қодиржон гап бошлади.

– Ўғлим, сенга бизнинг ойинг билан турмушимиз ёқадими? – деди Яшнарга қараб.

– Тушунмадим, нима демоқчисиз, дада?

– Биз бирга олийгоҳда ўқиганмиз, бир-биримизни яхши билиб олганимиздан кейингина турмуш қурганмиз. Шунинг учун бўлса керак, Худога шукр, бирор марта ҳам сан-манга бормаганмиз. Сен мана 4-курсга ўтяпсан, ўзингнинг курсингда кўз остига олган қизинг йўқми?

– Дада, одамни уялтирманг.

– Биз сени уйлантиришимиз керак, агар сен шунақа индамай юраверсанг ўзинг ёқтирмаган қиз билан турмуш қуриб қолишинг мумкин. Энди айтчи, кимни ёқтирасан?

– Дада...

– Ҳеч бўлмаса, ўша Зуҳраларникига совчиликка боришга рухсат берсанми?

– Ўзингиз биласиз... – деди Яшнар. Унинг оппоқ, озгина ҳуснбузар тошган юзига қизиллик югурди. У уялганидан нима қилишини билмасдан ҳозирги ёшлар учун русум бўлган соч турмагини бармоқлари билан тўзитиб юборди.

– Демак, розисан?..

– Ихтиёрингиз... – деб Яшнар ўрнидан туриб кетди.

– Овқатингни емайсанми, ўғлим? – деб қолди Ойгул баланд бўйли Яшнарнинг орқасидан меҳр билан тикилиб.

– Хўш, нима дейсан, онаси? – деди Қодиржон Ойгулга қараб жилмайиб.

– Демак, сиз унинг шу қизни ёқтиришини билар экансиз-да? Фақат буни менга айтмай юрган экансиз.

– Тўғрисини айтсам, сенга раҳмим келганидан ёрдам бермоқчи бўлдим. Холид дўстимнинг қизи Яшнардан бир курс олдин ўқийди. Мен ундан Яшнарнинг қайси қизни ёқтиришини билиб беришни илтимос қилдим. У буни шу бугун эрталаб менга айтганди.

– Ҳа, тушунарли, раҳмат, дадаси, – деди Ойгул кўзларида ёш айланиб.

– Энди бу ёғи тўйлар муборак экан-да, онаси, – деди Қодиржон ҳазиллашиб.

Яшнар уйланиб, Ойгул билан Қодиржон неваралик бўлдилар. Улар иккита неварали бўлганларида илгари келишганларидек, Қодиржоннинг ота-оналарнинг уйига яна кўчиб боришди. Энди Яшнар дадаси билан бир шифохонада врач бўлиб ишларди. Ҳаммаси рисоладагидек эди. Лекин ҳаёт бир текисда боравермас экан. Кутилмаганда Қодиржон бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди.

* * *

Ойгул Қодиржоннинг ўлимига қанчалик куйинмасин, ҳаёт давом этарди.

Ойгул ҳовлидаги чиройли қилиб экилган садарайҳонларни бегона ўтлардан тозалаб ўтирганида, синглиси Соҳиба кириб келди. Ойгул уни ичкарига таклиф қилди. Улар дастурхон устида саломлашиб, сўрашиб олганларидан кейин, Соҳиба Яшнарни, келинни сўради.

Яшнар келинни невараларим билан қудамникига ташлаб, ўзи йўл-йўлакай бозор қилиб келишини айтиб, чиқиб кетувди. Ҳозир келиб қолса керак, – деди Ойгул.

– Опа, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди Соҳиба кўзларига ёш олиб.

– Тинчликми, Соҳиба, нима бўлди?

– Опажон, бизнинг уйимизда тинчлик эмас, – деди Соҳиба ҳиқиллаб йиғлаб.

– Нима бўляпти, тушунтириброқ гапир!

– Кейинги кунларда бощим ғалвадан чиқмай қолди. Ўзи иккита келин бир уйда яшай олмас экан, ҳар куни уриш-жанжал. Эрлари ишдан келиши билан уларни ҳам қайрайдилар. Қарабсизки, жанжал каттага айланиб кетади.

– Анча қийналиб қолибсан-ку, Соҳиба. Уларнинг рўзғорларини алоҳида қилиб бера қолсанг бўлмайдими?

– Ўзим ҳам шуни ўйлаяпман, лекин уйимиз кичик-да, иккига бўлишнинг иложи йўқ.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Опажон, сиздан ёрдам сўраб келувдим...

– Қандай ёрдам? – деди Ойгул ажабланиб.

– Опажон, сиздан сўраш жуда ноқулай, лекин бошқа иложим йўқ-да, биласиз, эрим ногирон бўлиб қолган. Бошқа уй-жой қила олмаймиз. Ўғилларим ўзларини ўнглаб, рўзғорларини тиклаб олгунларича, сиз ўша, бўш турган уйингизни бериб турсангиз. Уларнинг биттасини ўша уйга кўчирсам, деган эдим.

– Вой, майли, бемалол тураверишсин, Соҳиба, сендан нимамни ҳам аярдим, сингилжоним. Шундоғам у уйимиздан фойдаланмаяпмиз, қулфлаб қўйибмиз.

– Раҳмат, опажон, йўқ демаслигингизни биларди м. Агар рухсат берсангиз, беш йил, ўн йил туришади-да, а, нима дейсиз. Шу вақт ичида ўзларига бирор бошпана топарлар, – деб Соҳиба яна кўз ёши қилиб олди.

– Йиғлама, сингилим, ҳаммаси яхши бўлади, ўзи бизга ўша уйнинг умуман кераги йўқ, сен қайғурма, ўғилларинг бемалол ишлаверишсин. Уйни бизга қайтаришнинг ҳам кераги йўқ. Мен бу ҳақда Яшнар билан ҳам гаплашиб кўраман.

– Раҳмат, опа, мендан қайтмаса, Худодан қайтсин!

– Қўйсангчи, унақа гапларни, Соҳиба. Ахир қариб қолдик, бир-биримизга ҳозир суянчиқ бўлмасак, ёрдам бермасак, бошқа қачон ёрдамлашамиз?

– Опа, қаранг, ўшанда Яшнарни асраб олишингизга ҳамма қарши эди. Талончи қотилнинг ўғли ким бўлиб етишаркан деб, ҳаммамиз қўрққан эдик-да...

Бозор қилиб келган сумкаларини ошхонага олиб кираётган Яшнар, тасодифан холасининг сўзларини эшитиб, остонада қотиб қолди. Холаси гапида давом этарди:

– Қайтанга газандадан бўлган бола ҳамма ҳавас қиладиган, қобил фарзанд бўлиб етишди, меникилар эса... ўзингиз биласиз.

– Соҳиба, сенга неча марта айтишим керак, менинг Яшнарим тўғрисида унақа гапирма, деб! Одатдагидек, ўйламай гапириб, яна бирпасда мени хафа қилиб қўйдинг!

– Опажон, илтимос, мен аҳмоқни кечиринг, билмай айтиб юборибман, аслида ўзим Яшнаржонни сиздан ҳам яхши кўраман.

– Ўргилдим, яхши кўришингдан!

Яшнар секин орқасига қайтди. У ўзи ҳақида кутилмаган гапдан эсанкираб қолган эди. У машинасига чиқиб ўтириб қолди. «Мен асрандиманми?! Наҳотки буни 30 ёшимга киргунча сезмадим? Демак, менинг ҳақиқий отам ўғри, муттаҳам бўлган экан-да! Эй, Худо, ўзинг сабр бер! Энди мен буёғига нима қилишим керак?!» Яшнарнинг мияси шунга ўхшаган хаёллардан ғовлаб кетди. У машинада қанча ўтирганини билмасди.

Ойгул Соҳибани кузатиб кўчага чиқди. У Яшнарга кўзи тушиб:

– Яшнар, ҳозир келдингми, ўғлим? Холанг келувди, сени кўрмай кетаманми, деб дили хира бўлиб турувди, келганинг яхши бўлибди.

Яшнар машинадан тушиб, холаси билан сўрашди.

Ойгул Яшнарнинг бозордан олиб келган нарсаларини жойлаштириб бўлганидан кейин:

– Ўғлим, сенинг билан маслаҳатлашадиган гапим бор эди, – деди.

– Нима гап экан?

– Биласанми, холанг мендан биз яшамаётган шаҳар четидаги уйимизни бериб туришни илтимос қилиб келган экан.

– Нима учун?

– Унинг ўғиллари бир уйда яшай олмай қолишибди, ҳадеб келинлари жанжал қилишаётган экан, уларнинг биттасини бизнинг уйга кўчириб, алоҳида қилиб чиқаришмоқчи.

– Ҳа, шунақами?

– Мен унга бизга у уйнинг кераги йўқлигини, ўғилларининг бирини бемалол кўчираверишини айтдим, лекин сен билан маслаҳатлашиб, сен рози бўлганингдан кейингина аниқ жавобини айтишимни билдирдим.

– Мен у уйни жуда яхши кўраман, чунки у ерда менинг болалигим ўтган, дадам билан бўлган ажойиб хотираларим ҳаммаси шу ерда.

– Демак, сен рози эмассан, тўғрими?

– Йўқ, мен унақа демадим, уй сизники, нима қилишингизни айтишга эса менинг ҳаққим йўқ, деб ўйлайман.

– Ўғлим, агар сен уйимизни холангнинг ўғилларига беришни хоҳламасанг, мен унга рад жавобини беришим мумкин.

– Уйингизни бемалол уларга бераверишингиз мумкин, энди менга фарқи йўқ! – деб Яшиар ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Ойгул Яшнардаги ўзгаришни тушуна олмади. Ўғли унга қўрслик қилаётгандек туюлди.

Ойгул Соҳибанинг қўнғироғига жавоб бераркан, унинг ўғиллари сўради.

– Опа, нима қилай, катта ўғлим Шавкатни сизнинг уйингизга кўчираверайми? – деди.

– Ҳа, лекин Яшнарга бу ёқмагандек бўлди

– У бундан норозиман, дедими?

– Йўқ, унақа демади, лекин ўзини ғалати тутди.

– Вой, шўрим, Шавкат у ерга кўчиб борганидан кейин уни бир бало қилиб қўйса-я?!

– Нималар деяпсан?!

– Ахир ким билади, опа, барибир унинг томирларида қотилнинг қони оқаяпти-ку...

– Соҳиба, сен шу ёшга кирсанг ҳам, ақлинг кирмади! Мен сенга бунақа гапларни гапирма, деб неча марта айтганман?!

– Кечирасиз опа, шайтон ўлгур мени шунақа ўйлашга мажбур қилади, шекилли.

– Э, қўй-э, Соҳиба, шайтон эмиш!

– Энди менга нима қил, дейсиз?

– Эртагаёқ Шавкатни оиласи билан кўчир, бошинг бир ғалвадан қутулсин, ўзим ҳам сенга ёрдамлашаман.

– Хўп, опажон.

* * *

Соҳиба катта ўғли Шавкатни оиласи билан опасининг уйига кўчирганидан кейин, ўн кун ўтиб унинг ўлиги шаҳар ташқарисидан оқиб ўтувчи катта сойдан топилди.

Жиноят ишини тергов қилиш прокуратура катта терговчилари Собиржон Мирзаев ва Фарҳод Ботировларга топширилди. Собиржон суд-тиббий хулосалари билан танишаркан:

– Марҳум бош миясига қаттиқ жисмнинг урилиши натижасида ҳалок бўлган экан, – деди.

– Ҳа, мен ҳам хулосалар билан танишиб чиқдим. Менинг фикримча уни бошига уриб, ўлганидан кейин, сувга ташлаб юборишган.

– Унинг бошидаги жароҳатида метал занглари ва кўк буёқ излари борлиги ёзилган.

– Ҳа, қотил унинг бошига кўк буёқ сурилган темир билан урган бўлса керак.

– Лекин у чўмилиш кийимида бўлган, буни қандай изоҳлайсиз?

– Нима, чўмилиш кийимидаги кишининг бошига уриб ўлдириш мумкин эмасми?

– Мумкин, бошқача бўлган бўлиши ҳам мумкин...

– Масалан, қандай?

– Биз ҳали бирорта кишини сўроқ қилганимизча йўқ, хулоса қилишга шошилмаслигимиз керак.

– Тўғри, марҳумнинг хотинини сўроқ қилишга чақирган эдик. Кутиб ўтирган бўлиши керак.

– Ҳа, эсимда бор, агар келган бўлса кира қолсин.

Хонага 55-60 ёшлардаги аёл кирди, унинг орқасидан 20-23 ёшлардаги ёшроқ аёл кириб келди.

Собиржон улар билан салом-алик қилганидан кейин, катта ёшли аёлга қараб:

– Сиз ким бўласиз? – деди.

– Мен Шавкатжоннинг онасиман, бу келиним Мастура, – деди аёл кўзларининг ёшини артиб.

Собиржон ҳам уларга ўзини таништирганидан кейин:

– Биз марҳумнинг хотинини терговга чақирган эдик, – деди.

– Ҳа, биламан, лекин менинг ҳам сизларга айтадиган гапларим бўлгани учун, келган эдим.

– Майли, лекин биз келинингизни сўроқ қилгунимизча ташқарида кутиб ўтиришингизга тўғри келади.

– Майли, кутиб тураман, – деб Соҳиба опа хонадан чиқиб кетди.

Собиржон Мастурани ўтиришга таклиф қилиб, ундан марҳум эри билан қандай яшаганликларини ва яна бир неча оилавий майда-чуйдаларни сўраб билиб олганидан кейин, ўша куни у уйдан қачон чиқиб кетгани, сўради.

– Улар ҳар куни эрталаб, соат 7 ларда чиқиб кетардилар, ўша куни ҳам худди шу пайтда чиқиб кетдилар.

– У эрталаб чиқиб кетиб нима қиларди?

– Улар муздай сувда чўмилишни яхши кўрардилар. Тепадан ўзларини сувга ташлаб, маҳаллада рекорд ўрнатаман, дердилар.

– Эрингиз кимлар билан чўмиларди?

– Ўртоқлари билан чўмиларди, лекин бу ерга кўчиб келганимиздан кейин у ким билан чўмилишини билмайман.

– Сизга бу ҳақда ҳеч нарса демаганми?

– Гапиргандек бўлувдилар, бу ерда сойга тепадан ўзингни ташлаш анча қулай экан, лекин шерик топа олмаяпман, деган эдилар.

– Айтинг-чи, эрингизнинг душманлари йўқмиди?

– Йўқ, – деди Мастура, кейин иккиланиб, – балки мен буни билмасман... – деди.

Собиржон Соҳиба опанинг кирицини сўради. Соҳиба опа Собиржоннинг қаршисидаги стулга ўтирди.

– Ўғлингизнинг оиласи билан алоҳида қилиб чиқарганингизга қанча бўлган эди? – сўради Собиржон.

– Ўн кунча бўлган эди. Уни қаердандам алоҳида қилиб чиқардим, балки бирга яшасак у тирик қолган бўлармиди?

– Нима учун ундай деб ўйлаяпсиз?

– Билмайман...

Агар ўғлингизнинг ўлимидан кимдандир шубҳангиз бўлса, буни бизга айтишингиз керак, ёки унинг ўлимида ҳеч кимни айбламайсизми?

– Мен сизга бир нарсани айтмоқчиман, лекин буни айтсам тўғри бўладими, йўқми, шуни ўйлаяпман.

– Агар сиз айтмоқчи бўлган гапингизни ўғлингизнинг ўлимига алоқадор деб ҳисобласангиз, албатта айтишингиз керак.

– Лекин мен буни ҳатто уйдагиларга ҳам айтмаганман, ахир опамнинг ўғлини қандай айблашим мумкин? Шавкатгинамнинг энди бу дунёда йўқлигини ўйласам, ҳеч нарса кўзимга кўринмайди! Унинг жонига ўша Яшнар қасд қилган, деган фикр хаёлимдан кетмайди, – деди Соҳиба опа кўз ёшларини тўхтата олмай.

– Ким ўзи у Яшнар?

– Опамнинг ўғли.

– Бир бошдан, тушунтириброқ гапиринг-чи, нима учун Яшнар ўғлимни ўлдирган, деб ўйлаяпсиз?

– Сизга айтсам, ўша Яшнарни опам чақалоқлигида асраб олган. Уларнинг фарзандлари бўлмаган эди-да, – деб Соҳиба жим бўлиб қолди.

– Лекин бу дегани уни қотилликда айблашга асос бўлмайди.

– Биламан, ҳозир сизга тушунтириб бераман. Яшнарнинг ҳақиқий отаси талончи, қотил бўлган. У, Яшнар онасининг қорнидалигида қамалиб кетган экан, – деб Соҳиба опа яна жимиб қолди. Чамаси у Яшнарнинг Шавкатни ўлдирганлигини терговчига қандай қилиб тушунтиришни билмай қийналаётган эди.

– Ўзингиз ҳам тушунсангиз керак, инсоннинг ота-онаси қандай бўлганлиги ҳам унинг бирор жиноятда айбланишига асос бўлолмайди.

– Ҳаммасини тушунаман, лекин мен опамдан унинг бўш турган уйини бирор муддатга бизга беришини сўрагандим. Опам у уйни бизга умуман кераги

йўқ, уни бутунлай олишнинг мумкин, деди. Опам бу тўғрида ўғли билан маслаҳатлашган. Бу гап Яшнарга унчалик ёқмаган. Айниқса опамнинг уйни Шавкатга бутунлай берамиз, деган гапи унга мутлақо ёқмаган. Буни менга опамнинг ўзлари айтганлар.

– Битта уйни деб у одам ўлдирган демоқчимисиз?

– Ахир унинг отаси, арзимаган пулни деб одам ўлдирган-ку! Ундан ташқари қанча кишининг тинчини бузган.

– Майли, биз ҳаммасини текшириб кўрамиз.

– Албатта мен ҳам текшириб кўрингларр, деб айтяпман-да. Ўзим ҳам ҳеч қачон ўйлаганимдек бўлиб чиқмаслигини хоҳлардим. Ахир, жигаримнинг, опагинамнинг ҳам азият чекишини истамайман!

– Сизни тушунаман, хавотир олманг, ҳаммасини аниқлаймиз.

Собиржон Соҳиба опа билан хайрлашганидан кейин ўйланиб қолди. Фарҳод унга қараб:

– Менимча марҳумнинг онасининг гапида жон борга ўхшайди.

– Ким билади, бошқалардан ҳам сўраб кўришимиз керак.

Собиржон Ойгул опадан жияни Шавкат ҳақида сўрар экан:

– Ўғлингиз Яшнар билан Шавкатнинг муносабати қандай эди? – деди.

– Яхши эди, буни нимага сўраяпсиз? – деди Ойгул опа терговчига хавотирланиб қараб.

– Эшитишимча, ўғлингизга эски уйингизни жиянингизга беришингиз ёқмаган экан.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Бизнинг вазифамиз Шавкат билан алоқадор бўлган кичкина келишмовчиликларга ҳам аниқлик киритишдан иборат, шунинг учун саволларга тўғри жавоб беришингиз лозим бўлади, – деди Собиржон.

– Майли, лекин жиянимнинг ўлимида ўғлим Яшнарни айбламасанглар керак?

– Биз буни ҳам текшириб кўрамиз, Ойгул опа.

– Наҳотки, Яшнардан қотилликда гумон қилаётган бўлсанглар?

– Мен ҳозирча сизга бир нима дея олмайман.

– Мен сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим.

– Нимани?

– Ўғлим ўзининг асранди эканлигини билмайди. Агар уни ҳам сўроқ қилмоқчи бўлсанглар, унга бу ҳақда айтиб қўйманглар, мен буни сизлардан ўтиниб сўрайман! – деди Ойгул йиғлаб.

– Майли, ҳаракат қиламиз.

Ойгул опа кетганидан кейин, Фарҳод:

– Яшнарни сўроқ қилганда унга отасининг жиноятчи бўлганлигини айтмаслик мумкинми?

– Тушунмадим, бу ишга унинг ҳақиқий отасининг нима алоқаси бор?

– Ахир Соҳиба опа Яшнардан фақат шунинг учун шубҳаланяпти-ку.

– Хўш, шубҳаланса, бу дегани унга сирни ошкор қилиш керак, дегани эканми?

– Менинг фикримча унинг айбига иқрор бўлиши учун, отаси қанақа шахс бўлганлигини рўй-рост айтиш керак.

* * *

Ойгул опа прокуратурадаги терговдан кейин ўйланиб қолди. Наҳотки, терговчининг шаъмалари бежиз бўлмаса. Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда Яшнарнинг ўзгариб қолгани рост-ку. Ахир мен унга ўша қуриб кетгур уйимизни Шавкатга беришимизни айтганимдан кейин, Яшнарни таниб бўлмай қолди. Ҳар куни ишдан жилмайиб келиб, мен билан сўрашадиган Яшнарнинг қовоғи очилмай қолгани менга

аён-ку! У ишдан кейин хонасидан чиқмай қамалиб ўтириши, бир нима десам, хаёли паришонлиги учун эшитмай қолиши, нимани билдиради?!

Булар ҳаммаси Яшнарнинг нимадир қилиб қўйгани эмасми?! Мен унга Шавкатга уйимизни беришимизни айтганимдан кейин, ўн кун ҳам ўтмай Шавкатнинг ўлдирилиши-чи? Наҳотки, Яшнар қотилликка қўл урган бўлса?! Ойгул опанинг қулоқлари остидан раҳматли қайнонасининг айтган сўзлари жаранглагандек бўлди: «Қотилнинг боласи қотил бўлади-да, сизлар ундан нимани кутган эдингизлар?!»

Ойгул опа ўзи билмаган ҳолда, Яшнардаги унинг талончи Баҳодир Ўлмасовга ўхшаш жойларини қидирарди. Унинг овози ўхшашлигини ҳамма вақт сезса ҳам, бунга эътибор бермасди, Яшнарнинг қадам ташлаши ҳам унга ўхшайди, кўз қарашлари-чи?! Худди ўзи, ўйлаб қарасам Яшнарнинг кўп жиҳатлари у газандага ўхшар экан!

Наҳотки, менинг ўғлим қотил бўлса?!

Ойгул опанинг вужудини чулғаб олган шубҳа-гумонлар уни даҳшатли бўғма илон каби бўғарди. Унинг бу ҳолатига қарши, «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, у менинг ўғлим, у ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди!» – деган садо Ойгул опанинг юрагининг туб-тубидан отилиб чиқди.

Ойгул опа ўзидаги бу иккита ҳолатнинг қайси бирига қулоқ солишини билмай икки ўт орасида қолган кишига ўхшаб, қийноқда қолган эди.

Кечқурун Ойгул опа Яшнарнинг хонасига кириб, прокуратурадан келган чақирув қоғозини унга узатди.

– Нима экан? – деди Яшнар қоғозни оларкан.

– Чақирув қоғози, Шавкатнинг ўлими бўйича бўлса керак.

– Бунинг менга нима алоқаси бор, қизиқ?

– Бугун мендан ҳам сўрашди, қариндоши бўлганидан кейин, сўрашади-да.

– Майли, – деб Яшнар қоғозни бир чеккага қўйиб, газета ўқишни давом эттирди.

Ойгул опа Яшнарга зимдан назар ташлаб:

– Ўғлим, соғлиғинг жойидами? – деди.

– Ҳа, ҳаммаси жойида, – деди у газетадан бошини кўтармай.

– Қандайдир бошқача бўлиб қолгансан, илгариги Яшнарга ўхшамаяпсан.

– Сизга шундай туюлаётгандир, ҳаммаси яхши.

Ойгул опа Яшнарнинг у билан гаплашгиси йўқлигини сезиб индамай чиқиб кетди.

Эрталаб прокуратурага етиб борган Яшнар терговчининг саволларига жавоб берарди. Унинг тушкун қиёфасига қараб, Собиржон, бунинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилар, лекин топа олмай қийналарди.

– Сиз нима учун онангизнинг жияни Шавкатнинг уйларингизда яшашига қаршилик қилгансиз?

– Мен қаршилак қилмаганман, фақат уйимизни ҳеч кимга беришларини хоҳламаганман, холос.

– Нима учун?

– Чунки у ерда менинг энг бахтли кезларим ўтган, дадамлар билан...

– Дадангиз?

– Ҳа, дадамни яхши кўрардим, улар билан боғлиқ хотираларимни биров олиб қўйишига рози эмас эдим.

– Ахир, дадангиз ўтиб кетганлар-ку?

– Тўғри, лекин мен ўша уйимизга тез-тез бориб, ширин хотираларни эслаб ўтиришни яхши кўрардим. Ўша уйда ким яшаса, гўёки мендан ҳаммасини тортиб олгандек туюлган эди.

– Сиз Шавкатнинг ўлими тўғрисида нима дея оласиз?

– Ҳеч нарса, бахтсиз ҳодиса бўлса керак, жуда ёмон бўлди.

Собиржон Яшнардан ўзи қизиқтирган саволларни сўраб бўлганидан кейин, бўлиб ўтган суҳбатлари ҳақида бирор фикрга келиш учун хонасида ёлғиз қолиб, мулоҳаза юрита бошлади. Шу пайт хонага Фарҳод кириб келди ва:

– Биласизми, Собиржон ака, ўша Яшнар жуда пихини ёрган, айёр кўринади.

– Нима учун ундай деяпсиз?

– Ўзига сув юқтирмайди-я, гўёки унга уй-жой, бойлик эмас, дадасининг хотираси қимматлироқдек.

– Балки ҳақиқатан ҳам шундай бўлса-чи?

– Лекин у Шавкатнинг ўлимида ягона гумонланувчи ҳисобланади-ку?!

– Бу айбдор дегани эмас, фақат гумонланувчи, холос.

– Нима, сиз унинг қотиллик қилганига ишонмаяпсизми?

– Билмайман, ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

* * *

Собиржон Шавкатнинг ўлими бўйича терговда қилиниши керак бўлган ҳамма ишни қилиб бўлинди, деб ҳисоблади. Лекин қотил аниқланмади. Соҳиба опа қотилни топишни талаб қилиб прокуратурага тинмай қатнарди. У ҳатто Яшнарни қамоққа олишни ҳам талаб қилди.

Собиржон, унинг талабини рад қилиб:

– Ахир биз фақатгина Яшнарнинг «мен уйимизда бошқа бировнинг ящашини хоҳламайман» – деган сўзини асос қилиб қамоққа ололмаймиз, – деди.

– Сизлар яхшилаб текшириб, уни қамоққа олишга далил топинглар, кейин қамоққа олинглар.

– Ҳаммасини синчиклаб текширяпмиз, ахир бу бизнинг вазифамиз.

– Лекин сизлар унинг томирларида қотилнинг қони оқаётганини инобатга олмаяпсизлар!

– Мен сизга неча марта айтишим керак, бу Яшнарни қотилликда айблаш учун асос бўла олмайди.

Икки ой давом этган терговдан кейин ҳам Шавкатнинг ўлими тўғрисида бирор хулоса чиқаришга асос топилмади. Собиржоннинг боши қотган эди. Нимани кўздан қочирдим? Ўзи аслида нима бўлган? Яшнар қотил бўлса, нима учун уни исботловчи бирор далил топа олмадик? Агар марҳумнинг ўлимини бахтсиз ҳодиса десак, унинг сувда чўмилаётганини кўрган бирорта гувоҳ топа олмадик. Ҳатто унинг қаерда чўмилгани ҳам номаълум. Ҳеч бўлмаса шуни аниқлаш имконияти бўлса эди...

Собиржон марҳумнинг ўлими тўғрисидаги суд-тиббий экспертиза хулосаларини яна бир марта кўздан кечира бошлади: «... Ўлим тахминан кундузги соат 7-8 лар орасида, июль ойининг 12 кунида содир бўлган...»

Ўлим қандай содир бўлган, қандай ўлган ёки ўлдирилган?

Собиржон шу каби саволларга жавоб топа олмай хонасида у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Ниҳоят, у бир хулосага келди, шекилли, юришдан тўхтаб қолди. Шу пайт хонага кирган Фарҳод:

– Собиржон ака, соат кечки ўн икки бўляпти, бугун уйингизга кетасизми, мен кетяпман, – деди.

– Фарҳод, эртага эрталаб соат еттида, ўша Шавкат сувга чўмиладиган катта сойнинг кўпригига боринг. Мен ҳам шу ерда бўламан.

– У ерда нима қиламиз?

– Эртага билиб оласиз.

– Майли, бораман.

– Хайр.

Собиржон эрталаб келишилган жойга келиб турган эди, Фарҳод ҳам етиб келди.

– Ҳарҳолда, менга кўприкдан сувга ўзингни ташла-чи, тирик қоласанми ёки йўқми, билмоқчиман демассиз? – деди Фарҳод ҳазиллашиб.

– Хавотирланманг, бунақа бемаъни эксперемент ўтказиш ниятим йўқ.

– Бўлмаса, нима учун бу ерга келдик.

Собиржон келаётган «Нексия» машинасига тўхтанг, деган ишорани қилиб, тўхтатди.

– Кечирасиз, мен прокуратура терговчиси Мирзаевман, – деб у шофёрга ўзининг ҳужжатини кўрсатиб.

– Мен сиздан ҳар куни, аниқроғи, бундан икки ой олдин ҳам шу вақтда шу жойдан ўтганмисиз, шуни билмоқчиман?

– Мен бу ерган тахминан бир йил олдин ўтганман, ўзим бошқа жойда яшайман, – деди шофёр.

– Узр, кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон.

– Собиржон ака, ўзи нимани аниқламоқчисиз? – деди ажабланиб Фарҳод.

– Ўн иккинчи июль куни соат 7-8 лар орасида шу ердан ўтган кишини топмоқчиман, ахир Шавкат шу кўприкдан сакраган бўлса, унга битта-яримтанинг кўзи тушгандир.

– Билмадим, бунақада кунимиз фақат йўлда ўтиб кетса керак, бироқ натижа чиқишига ишонгим келмаяпти.

– Бошқа иложимиз йўқ-да, агар бошқа таклифингиз бўлса, айтинг!

– Лекин биз марҳумнинг бу ерга келган-келмаганини ҳам билмаймиз-ку.

– Ахир у хотинига мен баланд трамплиндан сувга ташлашда рекорд ўрнатмоқчиман, деган-ку. Сойда чўмилиши аниқ. Сойга энг баланд ташлаш жойи шу кўприк экан. Мен бундан бошқа жой топа олмадим.

– Ким билади?

– Сиз, Фарҳод, йўлнинг нариги бетига ўтиб, у ёқдан келаётган машиналарни тўхтатишга ҳаракат қилинг, мен йўлнинг бу бетида тураман.

– Лекин ҳамма машина ҳам тўхтайвермайди-да.

– Тўғри айтасиз, бизга ДАН ходимининг ёрдами керак, шекилли.

Собиржон қўнғироқ қилиб, ДАН ходимларини ёрдамга чақирди.

Кўп ўтмай, иккита ДАН ходими етиб келди, лекин соат саккиз бўлиб қолгани учун, эртага еттида шу ерда учрашишга келишиб, тарқалишди.

Соат эрталабки 7-8 лар орасида шу ердан ўтган машина ҳайдовчиларидан сўраб-суриштириш бошланганига ҳам мана бир ҳафта бўлиб қолди. Лекин натижа йўқ эди.

Бу ишдан бирор натижа чиқишига бошданоқ ишонмаган Фарҳод:

– Собиржон ака, бечора ҳайдовчиларни энди тинч қўйсак бўлармиди, эшитишимча улар шу кўприкдан ўтмаслик учун, шаҳарнинг бошқа йўлларидан айланиб кетаётган эмишлар, – деди.

Шундоғам шунча ҳаракатлари бекор кетаётганидан хуноб бўлаётган Собиржон, Фарҳоднинг гапидан жиғибийрон бўлиб:

– Бундай бемаъни ишни сизга ўхшаган биттаяримтаси қилмаса, бошқа қилмайди, – деди.

– Биз қилаётган ишда ҳам ҳеч қандай маъно кўрмаяпман.

– Ўзи, нима демоқчисиз, жаҳлимни чиқариб, нимага эришмоқчисиз!

– Нима демоқчи эканимни билиб турибсиз-ку, Собиржон ака, бу ишни тўхтатайлик, ундан кўра, қотилликда гумон қилинаётган кишини исканжага олиб, сўраб-суриштирайлик демоқчиман!

Соатга қараб 8 бўлиб қолганини кўрган Собиржон, ДАН ходимларига:

– Кетдик, – деди.

Шу пайт оқ рангли «Ласетте» машинаси Собиржоннинг ёнгинасида тўхтаб, ҳайдовчи машина ойнасидан бошини чиқариб:

– Ўзи бу ерда нима бўляпти, нимани суриштиряпсизлар? – деди қизиқувчанлик билан.

– Ҳамкасбимнинг гапи билан айтганда, бемаъни ишлар бўляпти, – деди Собиржон тушкун оҳангда.

– Тушунмадим, – деди ҳайдовчи.

– Сиз шу ердан ҳар куни ўтасизми? – сўради Собиржон ундан.

– Аввалари ўтардим, лекин бир ойдан бери таътилда эдим, оилам билан тоғда дам олдик.

– Биз эса ҳаётимиздаги қимматли вақтимизни кўприкда ўтказяпмиз, оғайни! – деди Фарҳод, уларнинг ёнидан ўтиб ўзининг машинаси томон юраркан.

– Тушунмадим, – деди яна ҳайдовчи елкасини қисиб.

У бу ердагилардан бирор жўяли жавоб ололмаганига ҳафсаласи пир бўлиб машинасини ўт олдирди. Шунда Собиржон:

– Кечирасиз, сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? – деди.

– Марҳамат.

– Сиз, мабодо, 12 июль куни соат эрталабки 7-8 лар орасида шу ердан ўтмаганмидингиз?

– Шу кўприкни назарда тутяпсизми?

– Ҳа.

– Ўтганман, бошқа қаерданам ўтардим.

– Шунда кўзингиз чўмилиш кийимидаги бир йигитга тушмаганми?

– Ҳаворанг плавкадаги йигитни айтяпсизми?

– Ҳа, дарров қандай эсладингиз?

– Ўша куни менинг туғилган куним эди-да, шунинг учун эсимдан чиқмайди, – деб у машинасини ўчириб қўйди.

– Хўш, у нима қилаётган эди? – шошилиб сўради Собиржон.

– Мен кўприкдан ўтаётганимда, у йигит, кўприк тўсини устига чиқиб, ўзини сойга ташлади, мен машинани секинлаштириб, унинг қандай чиройли сакраганини томоша қилдим. Ишонасизми, у уч марта гавдасини айлантириб ҳавода муаллақ туриб кейин сувга тушди. Менимча, у машҳур спортчи бўлса керак, деб ўйладим. Лекин, бу ердан сувга сакраш хавфли эмасми, нимага трамплиндан сакрамайди, деган хаёлга борган эдим ўшанда.

– Жуда тўғри ўйлагансиз, ўша йигит ҳалок бўлган.

– Йўғ-э?

– Ҳа, менимча, ўша сакраш – унинг охирги сакраши бўлган.

– Наҳотки...

– Кечирасиз, исмингиз нима?

– Мирвали.

– Мирвали, биз сизни бир ҳафтадан бери қидирамиз, ниҳоят бугун топдик.

– Мени-я?! – деди Мирвали мўйловини силаб. У тўкилиб сийраклашиб қолган сочларини қўли билан текислаб қўйди.

– Энди машинадан тушиб, сиз бизга ўша йигит сувга сакраган жойини аниқ кўрсатишингиз лозим, – деб Собиржон ўзини таништирди.

– Хўп, лекин бугун менинг таътилдан кейинги биринчи иш куним. Шунинг учун ишдагиларга кечикиб боришимни айтиб қўйсам бўладими?

– Албатта.

Мирвали кўприкнинг қоқ ўртасига келиб:

– Худди мана шу ердан у сувга сакраган эди, деди.

– Буни аниқ биласизми?

– Ҳа, чунки унинг оёғи мана бу қизил чизиқлар тўғрисида турганини аниқ кўрган эдим, – деди

Мирвали кўприк тўсинининг қизилга бўялган жойини кўрсатиб.

Собиржон Мирвалига раҳмат айтиб, хайрлашаркан:

– Сиз бизга жуда катта ёрдам бердингиз, – деди.

Собиржон мутахассисларни ва бошқа текшириш ишларига тегишли шахсларни чақириб, марҳум сувга сакраган жойни текшира бошладилар.

Ғаввослар Шавкат сувга сакраган жойидан сув остида катта темир метали бўлагини топиб уни махсус машина ёрдамида қирғоққа олиб чиқишди. Унинг бўртиб чиқиб турган жойидаги занг ва кўк буёқ излари марҳумнинг бошидан олган жароҳатидаги метал занги ва кўк буёқ излари билан бир хил бўлиб чиқди.

Ниҳоят, Шавкатни ҳеч ким ўлдирмагани, у сувга сакраганида боши сув остидаги метал бўлагига тегиб, жароҳат олиши натижасида ҳалок бўлгани аниқланди.

– Собиржон ака, сиздаги сабр-қаноат ва чидамга ҳамма вақт тан берганман, бу сафар эса, қойил қолдим.

– Бизнинг ишимиздаги энг керак нарса бу – сабрли ва чидамли бўлиш ҳисобланади. Айрим жиноятларни очишдан кўра, ҳатто игна билан қудуқ қазиш осонроқ кечиши мумкин, – деди Собиржон пешонасидаги терларини рўмолчаси билан артаркан.

* * *

Ойгул опа Шавкатнинг ўлимида ҳеч ким айбдор бўлмаганлигини аниқланганидан кейин, Яшнардан бекорга шубҳа қилганига пушаймон бўлди. У ўзини ҳар доимгидек аҳмоқликда айбларди. Лекин у бир нарсани тушуна олмай боши гаранг эди. Чунки Яшнар аввалгидек хомуш, ҳеч ким билан гаплашмас, қовоғи очилмас эди.

Ойгул опа буни келинидан сўраса, у ҳам эрининг бундай юришига тушуна олмаётганини айтиб, хавотирланди.

Ойгул опа ўғли билан очиқчасига гаплашишга жазм қилди.

– Ўғлим, 2-3 ойдан бери бошқачасан, сабабини неча марта сўрасам шунча марта, бошим оғрияпти ёки, ҳаммаси жойида дейсан, лекин мен билан аввалгидек очиқчасига гаплашмаяпсан. Ишқилиб тинчликми?

– Ҳа, ҳаммаси яхши.

– Демак, менга айтадиган гапинг йўқ экан-да?

– Ўзингиз-чи, нима учун, шу гапларни Шавкатнинг ўлими сабаблари аниқланмасидан илгарироқ мендан сўрамадингиз? – деди Яшнар ўрнидан туриб.

– Мен сендан, нима бўлди, ўғлим, деб сўраганимда, жавоб беришни истамаганингдан кейин нима ҳам қила олардим?

– Бунинг сабаби фақат шуми?

– Бошқа нима бўлиши мумкин?

– Мен тасодифан ўзимнинг асранди эканлигимни эшитиб қолмаганимда, сиз бир умр менга ишонмай, ҳар бир жиноятда мендан шубҳаланиб юраверармидингиз?!

– Сен... сен...

– Ҳа, мен аслида қанақа одамнинг фарзанди эканимни эшитиб қолдим, энди ҳаммасини биламан! – Яшнарнинг кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

– Наҳотки... Сен буни қаердан билдинг?!

– Гап буни қаердан билганимда эмас, менга газанданинг боласи, деб ҳеч кимнинг ишонмаслигида! Менга энг алам қилгани – бу сизнинг ҳам менга шубҳа билан қараганингизда, ойижон!

– Йўқ, ҳеч қачон мен сенга шубҳа билан қарамадим, – деб Ойгул опа ерга қаради.

– Ахир мен буни сизнинг кўзларингиздан билганман, нимага ёлғон гапиряпсиз?!

– Мен аҳмоқни кечир ўғлим, сен фақат ўзимнинг ўғлимсан, бошқа ҳеч кимнинг сенга алоқаси йўқ! – деб Ойгул опа Яшнарни бағрига босди. У ўғлининг юзларидан ўпиб йиғларди.

– Бутун дунё менга ишонмаганида ҳам, сизнинг ишонишингизни жуда хоҳлардим, ойижон...

– Ўзимнинг Яшнарим, оламдаги энг тоза, қалби пок инсон – бу менинг ўғлим, Яшнаргинам!

ХАЗИНА

Март ойининг бошлари бўлишига қарамасдан, ҳаво совуқ, худди қишнинг изғиринли кунлари ҳали тугамаганга ўхшарди. Ўртоғи Даврон билан тушлик қилиб, ишхонасига кирган Мираббос, пальтосини ечиб, илгичга иларкан:

– Қандай яхши, хонамиз иссиққина экан, – деди.

У тинмай жиринглаётган телефон қўнғироғига жавоб бериш учун гўшакни кўтарди. Мираббос гўшакда айтилган хабардан ранги ўчиб, қўлидан гўшак тушиб кетди.

– Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, эрталаб соппа-соғ эдилар-ку, йўқ, йўқ! – деб такрорлаб, стулга ўтириб қолди.

Ҳамкасби Даврон унга қараб:

– Мираббос, нима бўлди, тинчликми? – деди.

– Дадам, дадамлар... – деб, йиғлаб юборди Мираббос.

Даврон нима бўлганини тушуниб:

– Ўртоқ, бандалик, лекин хафа бўлма, дея олмайман, қайғунгга шерикман, – деди.

Унга бошқалар ҳам ҳамдардлик билдиришди. Даврон унинг рулга ўтиришига йўл қўймай, машинани ўзи ҳайдаб уйига олиб келди.

Мираббосга дадасининг ўлими қаттиқ таъсир қилди. Унинг дадаси Мирфозил ака 68 ёшида тўсатдан, юрак хуружидан вафот этди. Шунинг учун ҳам унинг на ўғиллари, на қизлари, ва на хотини Моҳинур опа видолаша олишмади. Мираббос дадасининг ҳамма маъракаларини ўтказиб бўлганларидан кейин, ўйлаб қолди:

Дадамнинг васиятларини эшитиш, у киши билан розилашиш бизга насиб қилмади, лекин улар тирикликларида биздан ниманидир қилишимизни сўраганмидилар?

Мираббоснинг хотираси ҳеч қачон панд бермаган, уни болалигидан ота-онаси ўткир хотираси борлигини фахрланиб айтиб юришарди. Мираббоснинг эсига дадасининг бир илтимоси тушиб, онасининг олдига борди.

– Ойи, дадам менга ўтган йили болалигидаги бир ўртоғининг оиласини топишга ёрдам беришни сўраган эди, эсингиздами? – деди.

– Ҳа, бу раҳматли кайнотам билан алоқадор иш эди. Ўша ўртоғим деганларини аслида у киши танимасдилар, унинг отаси, сенинг бобонгнинг қадрдон ўртоғи бўлган-да! Бобонгнинг айтиши бўйича уни ўртоғим дердилар.

– Шунақами?

– Ҳа, даданг раҳматли, ўша бобонгнинг ўртоғининг ўғлини топиб, отасининг васиятини бажармоқчи бўлган эди. Лекин ўша одамни топиш учун қилган ҳаракатларининг натижаси бўлмади. Афсус, у бу ишни қила олмай, ҳаётдан кўз юмди, – деб Моҳинур опа рўмолининг четига кўз ёшларини артди.

– Ойи, дадам у ўртоғининг ўғлини исми шарифини айтганмидилар?

– Ҳа, айтганлар, Шаҳриддин, дегандилар.

– Дадамнинг айтишларича, бобомнинг ўртоғи инқилоб даврида вафот этган, тўғрими?

– Ҳа, шунақа.

– Ойи, мен дадамнинг амалга ошира олмаган ишларини қилишим учун, ўша пайтда нима бўлганини билишим керак. Агар сизга қийин бўлмаса, менга бу ҳақда билганларингизни батафсил ҳикоя қилиб берсангиз. Кейин мен кимни топиб, унга нима дейишим кераклигини аниқлаб оламан.

– Албатта, ўғлим, мен буларни сенга ҳаммасини сўзлаб бераман.

Моҳинур опа, эридан эшитган, раҳматли қайнотаси Мирсодиқ ота тўғрисидаги ҳикояни ўғлига айтиб берди.

* * *

1923 йиллар Россияда октябрь инқилоби ғалаба қозониб, инқилоб Туркистонга ҳам етиб келган, маҳаллий аҳолининг тинчлиги бузилган эди. Бегуноҳ халқ, қулоқ сифатида қамоққа олинлар ва шўроларга қаршилик қилишда айбланишлар исканжасида қолган эдилар. Миллий озодлик кураши иштирокчилари эса, ўз ватанларида «босмачилар» деб аталиб, отиб ўлдирилардилар.

Ўша пайтларда мадрасада сабоқ олаётган Мирсодиқ ҳам ўз тенгқурлари билан бирга бу жараённи четлаб ўтмади. У ўқиётган мадрасада ҳам ўқишлар тўхтатилиб, шўролар ҳукуматининг аскарлари бу ерда назорат ўрнатдилар. Улар бу ерда ўқитаётган домлаларни қамоққа олиб, у ердаги китобларни йўқ қила бошладилар.

Мадрасанинг каттагина кутубхонасидаги китобларнинг кўпчилиги нодир асарлар ҳисобланар эди. Билимга чанқоқ, китобларни яхши кўрадиган Мирсодиқ, кутубхонанинг йўқ қилинишига бефарқ қарай олмас эди. У қандай қилиб китобларни сақлаб қолиш тўғрисида бош қотирар, лекин бунинг йўлини тополмай ҳаранг бўлиб юрганида, мадрасанинг ёш домласи, Низомиддинни учратиб қолди. У ҳам худди Мирсодиқ каби китобларнинг тақдири билан қизиқаётган эди. Улар маслаҳатлашиб, китобларни қутқариб қолиш йўлларини излай бошладилар.

Низомиддин кутубхонага орқа томондан кириладиган, махфий йўлни биларди. Иккаласи кечаси киши билмас йўллардан бориб, китобларни иккита қопга жойлаб, олиб келишди. Улар китобларни Мирсодиқнинг уйига яширдилар, чунки унинг дадаси ўртаҳол деҳқон ҳисобланиб, шўролар уларнинг уйини тинтиш хавфи унча йўқ эди.

Мирсодиқ дадасининг маслаҳати билан каттагина сандиқни молхонанинг ҳашак сақланадиган қисми-

га жойлаштириб, китобларни шу сандиққа жойлаб, устини ҳашак билан бекитишди. Улар пайт пойлаб, яна кутубхонага бордилар. Бу сафар соқчилар бир нарсани сезиб қолишдими, ёки назоратни кучайтиришган эканми, китобларни ташқарига олиб чиқиш анча қийин бўлди. Ҳатто қўлга тушиб қолишларига озгина қолди.

Улар зўрға қутулиб, китобларни сандиққа жойлаштирар эканлар:

– Домла, лаънатилар пайқаб қолишди, энди нима қиламиз? – деди Мирсодиқ.

– Мени Низомиддин ака деявер, Мирсодиқ, сендан бор-йўғи 5 ёш катта эканман, ака-ука бўлиб қолдик. Ким ўйлабди, бундай ишлар бўлишини, – деди Низомиддин тушкун аҳволда.

– Ҳа, мен ҳам бу ишларни сира ҳазм қила олмаяпман.

– Биласанми, Мирсодиқ, менинг битта ўғилчам бор, яқинда бир ёшига тўлади. Унинг исми Шаҳриддин, сен ҳам уйлансанг, ўғил кўрсанг болаларимиз бизнинг қутқариб қолган китобларимизни ўқиб, оталарининг ишларидан фахрлансалар, дейман.

– Ҳа, Худо хоҳласа, Низомиддин ака, шундай бўлса ажабмас.

– Ахир бу бизнинг фарзандларимиз учун асраб қолган бебаҳо хазинамиз-да.

– Тўғри, лекин энди кутубхонага боришимиз хавфли бўлиб қолди, улар сезиб қолишди, қўлга тушиб қолмайлик, деяпман.

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман, лекин улар бугун-эрта кутубхонадаги китобларга ўт қўйишаркан, бунга йўл қўймаслигимиз керак.

Улар кичкина хонада секин, шивирлаб гаплашиширди. Мирсодиқ ухлаб қолганини пайқаган Низомиддин ҳам жим бўлиб қолди. Низомиддиннинг уйқуси келмади. У қопни қўлига олиб, битта ўзи ку-

тубхонада қолган китобларни ҳам олиб келиш учун йўлга чиқди. Низомиддин бир амаллаб кутубхонага кириб китобларни олиб чиқаётганида, унинг орқасидан «тўхта!» деган овозни эшитди. Низомиддин қоча бошлади. Милтиқнинг отилган овози келди. Низомиддин жон-жаҳди билан қочиб кетишга ҳаракат қилиб, югурди. Иккинчи отилган ўқ унинг қоқ юрагига тегиб, йиқилди...

Эрталаб уйғонган Мирсодиқ хонада Низомиддиннинг йўқлигидан хавотирга тушди. Шу куни у кимдир бир қоп китоб олиб кетаётиб, аскарларнинг буйруғига бўйсунмагани учун отиб ўлдирилганини эшитди.

* * *

Мираббос онасидан бобоси ва унинг ўртоғи ҳақидаги ҳикояни эшитиб, ҳаяжонга тушди.

– Ойижон, болохонадаги сандиқда ётган эски китоблар, шунча катта тарихга эга эканлигини билмаган эканман. Китоблар араб алифбосида ёзилгани учун, уларнинг бироргасини ҳам ўқий олмай, ортиқ қизиқмай қўйган эдим.

– Даданг раҳматли ҳам уларни ўқий олмагани учун ўзларини айбдор ҳис қилардилар. Лекин барибир уларнинг ярмини ўша бобонгнинг ўлган ўртоқларининг ўғлига тегишли деб ҳисоблаб келганлар.

– Ҳа, албатта, ахир у киши шу китобларни деб, жонини қурбон қилган-ку!

– Балки бу китоблар ўз даврида жуда ноёб ҳисобланган дир.

– Ким билади, балки улар ҳозир ҳам жаҳон адабиётининг нодир асарларидир, балки биз бу китобларни ҳозирги кунда ўз тилимиздаги таржималарини ўқиётгандирмиз.

– Тўғри, мустақиллигимиз шарофати билан, илгарилари ўқиш таъқиқланган қанчадан-қанча асарлар

ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимиз улардан фойдаланиш бахтига мушарраф бўлди.

– Дадам китобларни давлат музейигами ёки ислом университетигами топшириб юбормаган эканлар-да.

– Мен ҳам шундай маслаҳат берган эдим, у киши бу китоблар фақат менга тегишли бўлганида шундай қилардим, – деб яна ўша дадаларининг ўртоқлари Низомиддин аканинг ўғилини топиши кераклигини айтдилар.

– Ойижон, ҳозирги пайтда агар унинг аниқ исм, фамилияси маълум бўлса, кишини топиш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

– Ростдами?

– Ҳа, албатта, мен интернетдан қидириб кўраман, фақат сиз у кишининг исми, отасининг исми, ҳамда бобосининг исми, туғилган йиллари, тахминан бўлса ҳам айтсангиз, ҳамда ўша даврдаги манзилларини, ёшларини айта олсангиз, мен уриниб кўраман.

– Ўғлим, мен буларни билмайман, лекин даданг, бобонг буларни ёзиб қолдирганини айтгандилар.

– Қаерда, ўша ёзганлари?

– Китоблар сақланаётган сандиқнинг ичида, деганлар.

– Юринг, бўлмаса қидириб кўрамиз.

Улар болохонага чиқиб, эски сандиқни очдилар, сандиқ лиқ тўла китоб эди. Мираббос китоблардан бирини очиб кўрди. 80 йилдан бери сандиқда ётган китоб саҳифалари сарғайиб кетган, улардан зах ҳиди келарди.

– Даданг раҳматли, вақти-вақти билан болохонага чиқиб, китобларни шамоллатиб турардилар, – деб Моҳинур опа кўзига ёш олди.

– Менимча, мана бу сиз айтган, бобомнинг ёзиб қолдирган қоғозлари бўлса керак, – деб Мираббос қўлига сарғайиб кетган варақни олди. Ундаги ёзув-

лар араб тилида ёзилган эди. Варақнинг орқасида эса, кирилл алифбосидаги ёзув бор эди. Мираббос шоша-пиша ёзувни ўқий бошлади.

– Ҳа, мана, бобом раҳматли ҳаммасини ёзган эканлар! – деди.

– Шу бўйича Шаҳриддин деган кишини топа оласанми, у киши тахминан дадангдан 3-4 ёш катта бўлса керак.

– Ҳа, уриниб кўраман, – деди Мираббос.

У интернетда эълон берди:

«Мен 1900 йилда туғилган ва 1923 йили отиб ўлдирилган мадраса домласи Нуриддин ўғли Низомиддиннинг ўғли Шаҳриддинни қидиряпман. У 1923 йили туғилган бўлиши керак. У кишининг дадалари менинг бобом билан ўртоқ бўлганлар. Агар тирик бўлсалар дадамнинг васиятларига асосан у киши билан учрашишим керак.»

Мираббос бу ёзганларини инглиз тилидаги таржимасини ҳам ёзиб қўйди ва санани ёзди. 2000 йил. 11апрель.

Ниҳоят, икки ойдан кейин, Мираббос қидираётган кишисидан жавоб олди. Улар учрашиш учун маълум вақтни ва жойни белгилашди.

Мираббос шаҳарнинг сўлим гўшаларидан бири ҳисобланган сув бўйидаги қаҳвахонада Шаҳриддин акани кута бошлади. У ўзи томонга қараб келаётган 70–75 ёшлардаги, узун бўйли, қотмадан келган, буғдойранг, чўзинчоқ юзига ярашиб турган соқол, мўйловли, бошига қора духоба дўппи кийган, сипогина кийинган кишининг Шаҳриддин ака эканлигини сезиб, ўрнидан турди.

Улар салом-аликдан кейин, бир-бирларини ўтиришга таклиф қилдилар.

– Шундан қилиб, исмим Мираббос, денг, – деди Шаҳриддин ака.

– Ҳа, сиз билан учрашишни дадам раҳматли васият қилганлар.

– Дадангиз ўтганмилар? Худо раҳмат қилсин, – деб Шаҳриддин ака юзига фотиҳа тортиб қўйди.

– Ҳа, тўрт ойча бўлиб қолди.

– Биласизми, мен оилам билан чет элдан келганимга бир йил бўляпти. Раҳматли ойим сизнинг бобонгиз тўғрисида гапирганлар. Дадам рус иниқлоби даврларида уларнинг оиласи назоратда бўлгани учун сизларникида яшириниб юрганлар. Ўша ерда уни аскарлар отиб қўйишган экан. Бобом бизни олиб чет элга қочиб кетганлар. 75 йил бегона юртларда яшадик, ниҳоят яна ўз уйимизга қайтиш насиб қилди. Бобом, бувим, онам ўша ерларда ватан соғинчи билан оламдан ўтдилар.

– Худо раҳмат қилсин, – деди Мираббос.

– Кутилмаганда неварам Салоҳиддин интернетдан сизнинг хатингизни ўқиб қолибди. Учрашувга таклиф қилганингиздан жуда хурсанд бўлдим.

– Келганингиз учун раҳмат, келинг, бир оз тамаддди қилиб олсак... – деб Мираббос Шаҳриддин акани яқин орадаги кафега таклиф қилди.

– Ўғлим, агар қарши бўлмасангиз менда бир фикр бор эди.

– Марҳамат, эшитаман.

– Цирк биносининг нақ рўпарасида ўтирибмиз экан, циркка тушмаймизми? Ўзбек цирки қандай эканлигини кўргим келяпти.

– Жуда яхши ўйлабсиз.

Циркда томошалар эндигина бошланган экан. Шаҳриддин ака зўр қизиқиш билан томоша қилар эди. Мираббос танаффус пайти Шаҳриддин акага бобосининг нима деб васият қилганлигини айтмоқчи бўлди. У шундай ниятда Шаҳриддин акани ўтириб шарбат ичишга таклиф қилди. Мираббос апельсин шарбати олиб келишни буюриб, Шаҳриддин акага бобоси билан унинг отасининг китоблари ҳақида

қисқача сўзлаб берди. Шаҳриддин ака буни эшитиб ҳайратда қолди.

– Наҳотки, дадам жонини қурбон қилган китоблар ҳалигача сақланаётган бўлса?!

– Ҳа, улар бизникида, китобларнинг ярми сизга тегишли.

– Булар бебаҳо хазина... Демак, хазинани бўлишарканмиз-да.

– Хазина бўлсаям бир катта сандиқ тўла хазина, шу сандиқ тўла жавоҳирларни деб Низомиддин ака 23 ёшида ҳаётдан кўз юмганлар.

– Ҳа, сизнинг бобонгизнинг умрлари бор экан.

– Шунақа, лекин дадам, боболаримизнинг хазиналарини бизга бўлиб бера олмай, оламдан ўтдилар, мен дадамларнинг, бобом раҳматлининг васиятларини бажараётганимдан хурсандман.

Шаҳриддин ака ўғиллари билан келишиб, уларнинг бўш вақтларига қараб, яқин кунларда Мираббосларникига боришларини айтиб, хайрлашди. Мираббос Шаҳриддин акадан келишларидан олдин албатта уни огоҳлантиришларини илтимос қилди.

Мираббос онаси Моҳинур опа билан дадасининг ягона васиятини амалга оширганларидан кўнгиллари хотиржам бўлди.

Эртаси куни кечки овқатни еганларидан кейин, ҳамма ўз хоналарига тарқалишди. Мираббос ҳам айрим чала қолган ишларини охирига етказиб қўйиш учун, кутубхонага кириб компьютернинг қаршисига ўтирди.

Шу пайт кутилмаганда, худди осмондан тушгандек, бир киши хонада пайдо бўлди. У жуда чаққон ҳаракат қилиб, Мираббоснинг бўғзига пичоқ тираб:

– Менга ўша хазинани кўрсат-чи! – деди.

Мираббос орқасидан келиб, пичоқ тираб турган кимсага қайрилиб қарай олмай:

– Кимсиз, қанақа хазина тўғрисида гапиряпсиз? – деди зўрға нафас олиб.

– Бобонгдан қолган хазинани айтяпман, агар яна бирор нарса деб мени чалғитмоқчи бўлсанг, пичоқни суқиб юбораман!

Мираббос орқасига бирдан бурилиб, талончига қаради ва ҳайратини яшира олмай:

– Наҳотки, бу сиз, ўша...

– Мени таниганинг, бошингга етди! – деб у пичоқни Мираббоснинг бўғзига тортиб юборди.

Қотил пичоқ тортаётганида Мираббос жон ҳолатда уйдагиларни огоҳлантирмоқчи бўлиб, хириллаган овоз чиқарди.

Хоналари ёнма-ён жойлашган Миршод дадасининг кутубхонасидан чиққан ғалати овоздан ҳайрон бўлиб, югуриб кирди. У хонага кирганида Мираббос қонга беланганича гиламда чўзилиб ётарди. Миршоднинг «Дада!» деб бақирган овозига бутун оила аъзолари югуриб келишди. Мираббоснинг хотини Шоҳида эрининг томирини ушлаб кўриб:

– Ўлибдилар! Ким... Ким ўлдирди?! – деб йиқилиб қолди.

Улар Мираббоснинг ўлими билан боғлиқ даҳшатли манзарадан ўзларини йўқотиб, кимдир ҳушидан кетиб қолди, кимдир турган жойида қотиб қолди. Кимдир йиғлаб «тез ёрдам»га қўнғироқ қиларди. Мираббоснинг 15 ёшар катта ўғли Миршод титраганича, отилиб ташқарига чиқиб, электр чироқларини ёқиб, ҳамма ёқни кўздан кечира бошлади. У уйнинг ҳамма хоналарини, бурчак-бурчакларни қидирарди. У қотил узоққа кетиб қолган бўлиши мумкин эмас, деб ўйлади, чоғи, кўчага чиқиб, катта йўлдан югуриб бораркан, чор атрофга аланглади.

* * *

Прокуратура катта терговчилари Собиржон Мирзаев ва Ботиров Фарҳодларга Мирсодиқов Мираббоснинг қасддан ўлдирилиши жиноятини тергов қилиш топширилди.

Улар суд-тиббий экспертиза хулосалари билан танишиб, жиноят ишини ўзаро муҳокама қилишарди.

– Ақл бовар қилмайди, оиладаги ҳамма уйда бўлишига қарамасдан, 36 яшар кишини бўғизлаб кетишса-я?! Дадасининг овозини эшитиб, бир дақиқага қолмай югуриб кирган ўғли, қотилни учратмаса? Бу нима деган гап? – деди Собиржон ҳайратини яшира олмай.

– Сизга ростини айтсам, Собиржон ака, мен чўпчакларга ишонадиган одам бўлсам, бу қотилликни бошқача шарҳлардим.

– Қандай?

– Мен марҳумни жин чалган дердим!

– Ҳа, тўғри, бу жуда ғайритабиий воқеага ўхшайди, ахир шунча тез фурсат ичида қотил қаерга яшириниган бўлиши мумкин?

– Билмайман, шу қотиллик содир қилинганидан бери ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

– Бунинг устига жиноятчи бирорта из қолдирмаган.

– Хонадондагиларнинг айтишларича, улар уйнинг ҳамма ёғини кўздан кечирганлар. Ҳатто марҳумнинг ўғли кўчага чиқиб йўлларни ҳам қидириб келган.

Собиржон жойида ўтирса фикрлари чалғиб қоладиганга ўхшаб, у хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. У катта қадам ташлагани учун унча кенг бўлмаган хонани 3-4 қадамда босиб ўтиб, тезда орқасига буриларди ва яна юришда давом этарди. Унинг қорачадан келган ҳамиша жиддий кўринишдаги юзи одатдагидан ҳам кўра жиддийлашгандек эди.

Фарҳод қўл телефонининг соатига қараб соат кечки 12 га яқинлашиб қолганини, энди уйга кетсак

ҳам бўларди, деган гапни Собиржонга айта олмай турарди. Собиржон буни пайқаб:

– Сиз кетаверишингиз мумкин, мен салдан кейин кетаман, – деди.

Фарҳод хайрлашиб чиқиб кетди.

Қотиллик жиноятини очиш бўйича тергов ишлари олиб борилаётганида шу нарса маълум бўлдики, марҳум Мирсодиқов ишида ҳамма ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлган инсон экан. Раҳбарият эса унинг ишга ниҳоятда маъсулиятли ёндашишини, шунча йил ишлаб бирор марта ҳам огоҳлантириш ёки хайфсан олмаганлигини, шундай даҳшатли қотилликни ким қилганлигини ўйлаб, ҳали ҳам ўзларига кела олмаётганликларини айтишди.

Марҳумнинг уйидагилар, яқинлари, қариндошларини сўроқ қилишдан аниқланишича, у оиласига меҳрибон ота, ота-онасига қобил фарзанд бўлган экан.

Собиржоннинг боши қотди, хўш, марҳумнинг ҳамма ишлари жойида бўлса, уни нима учун ўлдиришди?

Собиржон ҳамкасби Фарҳоднинг бу ҳақдаги фикрини эшитмоқчи бўлди.

– Фарҳод, тергов давомида сиз бирор нарсадан шубҳаланмадингизми? – деб сўради.

– Шубҳаланишга ҳеч қандай асос топа олмадим.

– Мен ҳам...

Иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Анчадан кейин Собиржон жимликни бузиб:

– Фарҳод, сиз марҳумнинг интернет сайтига кириб кўрмадингизми? – деди.

– Қаранг, шу эсимга келмабди-я! – деди.

– Юринг, кетдик, мен унинг компьютерини кўздан кечиргандим, Интернет сайти бор-йўқлиги билан қизиқмабман. Бориб ҳаммасини текшириб кўрамиз.

Терговчилар марҳумнинг сайтидан, унинг яқиндагина Шаҳриддин деган кишини излаганини ва учрашув белгилаганликларини аниқлашди.

Собиржон бу ҳақда марҳумнинг онаси Моҳинур опадан сўраганларида, у Мираббоснинг бобоси васиятини айтиб, китобларни Шаҳриддин акага бермоқчи бўлганини сўзлаб берди. Моҳинур опа ўғлининг ўлимидан кейин оғир бетоб бўлиб қолган эди.

Собиржон ўша китобларни кўриш учун болохонага чиқди. У ҳақиқатан ҳам неча йиллардан бери сақланаётган китобларни кўриб, ҳайрон қолди.

Собиржон китобларнинг қанақа китоб эканлигини аниқлашга мутахассисларни жалб қилди.

– Булар ҳақиқатан ҳам 80 йиллардан бери сақланаётган эканми? – сўради у.

– Ҳа, ундан ҳам кўпроқ вақтдан бери.

– Ўзи китоблар нима ҳақида экан?

– Булар ҳаммаси мадрасаларда ўқитиладиган дарсликлар, ундан ташқари, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Кошғарий асарлари, Имом Бухорий ҳадисларининг кўпгина томлари бор экан. Деярли китобларнинг ҳаммаси жуда ноёб нусхалар. Ҳозирги пайтда бу китобларнинг кўпчилиги ўзбек тилига таржима қилинган, – дейишди мутахассислар.

Собиржон Шаҳриддин аканинг манзилини ёзиб олиб, уни терговга чақирди.

* * *

Собиржон терговга чақирув қоғози бўйича келган Шаҳриддин акадан сўроқ қиларкан:

– Сиз нима учун Ўзбекистонда муқим яшаш учун чет элдан қайтиб келдингиз? – деб сўради.

– Ўзбекистон менинг туғилган ватаним, мен шу ерда яшашни хоҳлайман, шунинг учун қайтдим.

– Сиз чет элга нима мақсадда кетган эдингиз?

– Шўролар даврида отамни отиб ўлдиришган, бобомни ҳам давлат душмани деб қамамоқчи бўлганларида, бобом бизни олиб бегона юртларга қочиб кетишга мажбур бўлганлар. Мен ўша пайтларда бир ёшга ҳам тўлмаган чақалоқ бўлганман.

– Тушунарли, ҳамма оила аъзоларингиз билан кўчиб келдингизларми?

– Ҳа, хотиним, ўғлимнинг оиласи, ҳаммамиз келдик. Лекин қизимнинг оиласи келишга рози бўлмагани учун, у қолишга мажбур бўлди.

– Сиз мана бу одамни танийсизми? – деб Собиржон Мираббоснинг расмини кўрсатди.

– Ҳа, яқиндагина учрашган эдик, тинчликми? – ажабланиб сўради Шаҳриддин ака.

– Уни қаердан танийсиз?

– У йигит мени ўзи қидириб топди.

– Нима учун?

– Бу катта тарих, менинг отам билан у йигитнинг бобоси руслаштириш даврларида бирга курашган эканлар... – деб Шаҳриддин ака индамай қолди. У гапни нимадан бошлашни билмадими ёки китоблар тўғрисида гапирсам нима бўларкан, деб ўйладими, ким билади?

– Кейин-чи? – деди Собиржон.

– У мени учрашайлик, деб таклиф қилди, биз учрашдик.

– Суҳбатларингиз нима тўғрида бўлди?

– Ота-боболаримиз ҳақида уларнинг ўша даврларда қандай қийинчиликларни бошдан кечирганликлари ҳақида гаплашиб ўтирдик.

– Яна?

– Шунга ўхшаган гаплар-да...

– Нима учун китоблар ҳақида гапирмаяпсиз?

– Ростини айтсам, ўғлим, ўша китобларни деб, Мираббосга гап тегадими, деб ўйлаб, гапирмаётган эдим.

– Энди Мирсодиқов ҳақида нима десангиз ҳам фарқи йўқ, – деб Собиржон Шаҳриддин акага синчков назар ташлади.

– Нима учун, уни қамаб қўйдингизми?

– Йўқ, Мирсодиқовни сиз билан учрашган кунининг эртасигаёқ ўлдириб кетишган.

– Йуғ-э?! Астағфуруллоҳ, астағфуруллоҳ! – деб Шаҳриддин ака ёқасини ушлади. Кейин юзига фотиҳа тортиб, – Худо раҳмат қилсин, – деди.

– Ўша китоблар тўғрисида уйингиздагиларга айтганмидингиз?

– Ҳа, ўғилларимга, невараларимга айтганман.

– Сиз у китобларнинг қимматини билармидингиз?

– Мен уларни кўрмаганман, лекин, раҳматли Мираббоснинг гапига қараганда жуда ноёб китоблар бўлиши керак, деб ўйлаган эдим.

– Ҳа, тўғри ўйлабсиз, улар жуда қимматбаҳо китоблар бўлган.

– Айтинг-чи, қотил топилдими?

– Йўқ, ҳозирча топилгани йўқ, – деди Собиржон қўлидаги ручкани столга уриб, секин тақирлатаркан.

– Мираббосни нима учун ўлдиришган экан?

– Билмайман, лекин ўша куни марҳум сизга китоблар тўғрисида нима деган эди?

– Менга у китобларнинг ярми сизга тегишли, хоҳлаган пайтингизда олиб кетишингиз мумкин, деган эди.

– Сиз уларни қачон олиб кетмоқчи эдингиз?

– Мен ўғлимнинг бўш вақтини пойлаётган эдим.

– Ўғлингиз нима билан шуғулланади?

– У савдо-сотиқ қилади, тирикчилик-да, ўғлим.

– Биласизми, сиз бизнинг рухсатимизсиз шаҳардан ташқарига чиқмай туришингизга тўғри келади, шунинг учун мана бу ерга имзо қўйинг, – деб Собиржон Шаҳриддин акага ручкани узатиб, тилхатни кўрсатди.

– Хўп.

– Мана бу эса, ўғлингиз Фаҳмиддинга прокуратурага чақирув қоғози. Эртага соат 10да шу ерга келиши керак.

– Ўғлим, нима учун?

– Терговга.

– Тушунарли...

Шаҳриддин ака чиқиб кетганидан кейин Фарҳод:

– Менимча калаванинг учи топиляпти, – деди.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Қотилликни пулга ўч «чет элликлар» қилганига сизнинг шубҳангиз борми?

– Наҳотки, маънавият булоғи ҳисобланган китобларни деб, уларни тушунган, қадрлаган одамлар қотилликка қўл урган бўлса?

– Отасининг айтишича, ўғли савдо-сотиқ билан шуғулланар экан. Ўзингизга маълумки, Собиржон ака, савдо билан шуғулланадиган киши ҳамма нарсанинг нархини пул билан ўлчайди. Агар отаси китобларнинг қимматини ўғлига шипшитиб қўйган бўлса, ким билади, нима бўлганини?

– Шунақамикин?

– Менимча, эртага Фаҳмиддин Низомиддиновни қамоққа олиш керак.

– Дарров-а? Сизга қолса, прокуратурага келганларнинг, ҳеч бўлмаганда, ярмини қамоққа олган бўлардингиз!

– Нима, бошқа шубҳаланадиган киши бўлмаганидан кейин, қамоққа олиш керак-да!

– Ҳарҳолда сўроқ натижаларига қарасак керак?

Эрталаб прокуратурага етиб келган Низомиддинов, терговчиларга хавотирли назар билан қараб:

– Мени чақирган экансизлар? – деди.

Собиржон унга ўзини таништирганидан кейин:

– 2000 йил июнь ойининг 12 куни кечаси қаерда эдингиз? – деб сўради.

Фаҳмиддин ўйланиб қолди ва бирпасдан кейин:

– Мен ўша куни савдо ишлари билан бошқа вилоятга кетган эдим, – деди.

– Буни қандай исботлай оласиз?

– Мен меҳмонхонада эдим, у ердагилар буни тасдиқловчи маълумотнома беришлари мумкин.

– Кечаси ўз ўрнингизда ётганлигингизни тасдиқлайдиган кимдир борми?

– Ўрнимда ётмай, қаерда бўлишим мумкин, нима мендан шубҳаланяпсизларми?!

– Сиз, саволга жавоб беришингиз керак.

– Мен бир кишилик хонада бўлган эдим, ҳамхонам йўқ эди, лекин мен меҳмонхонадан ҳеч қаёққа чиқмадим!

– Сизга дадангиз Шаҳриддин ака Мирсодиқов айтган китобларнинг қиммати тўғрисида гапирганмиди?

– Ҳа, дадам гапирганлар, лекин сизларнинг мендан қотилликда гумон қилишларингиз жуда кулгили, – деди совуққонлик билан. У Ўзбекистонда яшаётганига бир йилдан ошиб қолган бўлса ҳам, унинг ҳаракатлари, гаплашиши аллақандай қовушмаганга ўхшарди. Унинг бесунақай бўйи, оёқларини ҳар томонга ташлаб ўтириши, ўсиб кетган соқоли, кишининг ғашини келтирарди.

Собиржон унга бошдан-оёқ назар ташлаб:

– Биласизми, бу ерда кулгили гап бўлиши мумкин эмас, чунки сиз тенгги бир йигитни бўғизлаб кетишган, гап қотиллик устида боряпти, – деди.

– Ҳа, тўғри, лекин бунга менинг алоқам йўқ, шунинг учун, менга рухсат берсангизлар, кетсам, деган эдим, – деб ўрнидан турди.

– Бизнинг рухсатимизсиз, шаҳардан ҳеч қаёққа чиқмаслигингиз керак. Бу ҳақда тилхат ёзиб, имзолиб кетинг! – деди Собиржон.

– Бунинг иложи йўқ, чунки менинг ишим, тез-тез четга чиқишни тақозо қилади, – деди Фаҳмиддин норози бўлиб.

– Лекин қонунга бўйсунишга мажбурсиз! – деди Собиржон қатъий қилиб.

– Майли, *нима ҳам дердим*, – деб Фаҳмиддин чиқиб кетди.

– Баланддан келишини қаранг! – деди Фарҳод жаҳли чиқиб.

– Ҳа, дадасига умуман ўхшамас экан, – деди Собиржон.

– Менимча дадаси китобларни миллион-миллион турадиган нодир нусхалар деган бўлса, бу «маймун» ҳатто дадам бориб кўрмасидан бурун, ҳамма китобни қўлга киритиб, бойиб кетаман, деб ўйлаган бўлса керак. Менимча, у қотилликни отасига билдирмасдан қилган! – деди Фарҳод. У хаёлига келган гапга ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди, шекилли, ҳамиша кулиб турадиган очиқ чеҳраси, янада ёришиб кетди.

– Наҳотки?

– Албатта, буни унинг турқи совуқлигидан ҳам билса бўлади. Аслида-чи, уни қамоққа олиш керак эди!

– Яна шу гапми? Лекин уни қамоққа олиш учун ҳеч *қандай далилимиз йўқ-ку*.

– Мирсодиқов ўлдирилган кечаси унинг уйида эмаслиги-чи, кечаси қаерда тунаганини ким билади, меҳмонхонага эса фақат номига расмийлаштириб қўйилган бўлса-чи?

– Булар ҳаммаси фақат гумонлар, холос...

– Лекин, уни қамоққа олсак, гумонларимизни исботлашимиз мумкин-ку! – деди Фарҳод қизишиб.

Собиржон Фарҳоднинг шубҳа-гумонларига қўшилиш, қўшилмаслиги тўғрисида ҳеч нарса демади.

* * *

Собиржон эрталаб ишга келиб ҳали жойига ўтириб улгурмасдан, телефон жиринглаб қолди.

– Эшитаман.

– Собиржон, бизникига келишларингиз керак, деб ўйлайман! – деди марҳум Мирсодиқовнинг акаси Мирхолиқ.

– Тинчликми? – деди Собиржон ажабланиб.

– Уйимизда ғалати воқеалар бўляпти.

– Нима бўляпти?

– Тезроқ келинглар, ўзларингиз кўрасизлар.

– Хўп, ҳозир етиб борамиз.

Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилди.

– Ишдамисиз?

– Ассалому алайкум, сиз-чи?

– Фарҳод, саволга савол билан жавоб бериш одатингизни қачон ташлайсиз?!

– Кечирасиз, мен ҳали ўрнимдан турганим йўқ, ухлаётган эдим.

– Баракалла, соат неча бўлганини биласизми?

– Ҳа, албатта, сиз қўнғироқ қилганидан кейин соатга қарадим, йигирмата кам саккиз бўлибди.

– Қачон ишга келасиз?

– Сиз кеча уйингизга борганмидингиз, ёки ўша ерда тунадингизми?

– Яна савол...

– Нима, хўроз қичқирмасдан, тонг саҳарда уйғотганингиздан кейин шуни сўрашга ҳаққим йўқми?

– Сиз яхшиси, нимага ҳақли эканлигингизни пеш қилиб ётмасдан тезда ўрнингиздан туриб, ишга келинг, мен сизни кутиб ўтирибман.

– Нега мени кутасиз ёки бирор янгилик борми?

– Ҳа, Мирсодиқовнинг уйида нимадир бўлганга ўхшайди, акаси қўнғироқ қилди.

– Нима бўлган бўлиши мумкин, ҳозир етиб бораман!

Собиржон Фарҳоднинг шунча тез етиб келишини кутмаган эди, шунинг учун у эшикдан кўриниши билан, ҳазил аралаш:

– Нима, кийимларингиз билан ухлаганмидингиз? – деди.

– Қойилман, Собиржон ака, шу кийимларда-я, буларнинг қанақалигини кўрмаяпсизми? – деди Фарҳод келишган гавдасига ярашиб турган, янги шим ва кўйлагини кўрсатиб.

– Қанақа экан, кийимдақа кийим-да.

– Ҳеч бўлмаса дунёга машҳур «бренд»ига эътибор берсангиз-чи, – деди Фарҳод шимининг орқа томонидаги ёзувига ишора қилиб.

– Майли, ҳозир кийим-кечак мақтайдиган вақт эмас, кетдик! – деди Собиржон ўрнидан туриб.

Улар Мирсодиқовларникига етиб боришди. Оила аъзоларининг ҳаммаси кираверишдаги хонага тўпланиб ўтириб, терговчиларни кутишарди. Бир қарашдаёқ уларнинг кўзларидаги қўрқувни, хавотирни дарров пайқаб олиш мумкин эди.

– Нима бўлди? – деди деди Собиржон саломаликдан кейин.

– Кечаси биз ухлаб ётганимизда, кимлардир уйимизнинг тит-питини чиқариб, ағдар-тўнтар қилиб кетишибди!

– Сизлар, ҳеч нарсани сезмадингларми? – деди Собиржон ажабланиб.

– Ишонасизми, уйдаги бирор киши ҳеч нимани билмаган.

– Йўғ-э, наҳотки?

– Ҳа, эрталаб турсак, ҳаммаёқ мана, ўзингиз кўриб тургандек аҳволда.

Собиржон билан Фарҳод хоналарга тез-тез кириб, кўздан кечира бошлашди, ҳамма ёқда лаш-лушлар сочилиб ётар, кўрпа-тўшаклар ағанаб қолган, тегилмаган нарсанинг ўзи йўқ эди.

– Ҳеч нарсага қўлларингизни теккизмадингларми? – деди Собиржон Мирхолиққа қараб.

– Йўқ, ҳеч нарсага тегмадик.

Фарҳод тегишли жойларга қўнғироқ қилиш билан банд эди. У кимларгадир ниманидир тушунтирар, тезроқ етиб келишларини тайинлар эди.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, уйингиздан нимани қидирган бўлишлари мумкин? – деди Собиржон яна Мирхолиққа юзланиб.

– Ўзим ҳам ҳайронман, бир нарса дея олмайман.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, яқинда укангизни бўғизлаб кетишди, энди уйингиздан ниманидир қидиришган, сиз эса ҳеч нарсани билмайман, дейсиз. Яхшилаб ўйланг, биздан ҳеч нарсани яширмасдан, ҳаммасини айтишингиз керак. Акс ҳолда, яна бирор кори ҳол бўлиши мумкин.

– Биз ҳам шуни ўйлаб қўрқяпмиз, ўзи биздан нимани исташяпти, шуни билсак эди, ҳамма нарса ойдинлашарди?!

– Ҳа, тўғри...

– Ишқилиб, бизнинг уйимизга ёпишиб олган ажинами, арвоҳми бўлмасин-да! – деди йиғлаб марҳумнинг хотини Шоҳида.

– Шуни айтинг, Шоҳидахон, мен ҳам шундан жуда қўрқиб кетяпман, – деди унинг овсини Маликахон, ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаб ўтирган ҳолда.

– Биз ажина-арвоҳлардан эмас, тирик одамлардан қўрқишимиз керак, – деди Собиржон.

– Сиз ҳам кимлардир уйимиздан ниманидир излаяпти деб ўйлаяпсизми? – деди Мирхолиқ Собиржонга қараб.

– Ҳа, шунақага ўхшайди, буни топишимиз эса сизларга боғлиқ.

– Қандай қилиб?

– Қандай қилиб бўларди, сизлар ортиқча хаёлларга берилмасдан, ҳаммангиз фикрингизни жамлаб, кейинги пайтларда оилангизда нималар бўлди, бу сирли воқеалар, нимадан кейин бошланди, бу ишларнинг замирида нима ётган бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг,

агар шуларга аниқ жавоб топа олсак, биз қотилнинг кимлигини ҳам аниқлай оламиз.

Етиб келган криминалистлар, экспертлар воқеа содир бўлган жойлардан бармоқ изларини, оёқ изларининг нусхаларини олиб, шу уйда яшовчиларнинг ҳам бармоқ изларидан таққослаш учун нусхалар олиб кетишди.

Изқуварлар жиноятчининг уйга қандай кириб келганлигини топа олмай анча қийналишди. Эшик ёки деразанинг бузилган ери йўқлигига қараганда, унинг мушукка ўхшаб ҳовлига девор орқали ошиб тушиб киргани маълум бўлди.

Аслида ҳовлига девор ошиб кирган, дейиш учун ҳам бирор асосли далил йўқ эди, чунки деворда ёки томда ҳеч қандай оёқ изи ҳам, сирпаниш излари ҳам кўринмасди.

Ҳамма бу воқеадан ниҳоятда ҳайратда эди.

– Илтимос, Мирҳолиқ ака, уйдагиларга айтинг, уйда нимадир ғойиб бўлиб қолган бўлса, айтишсин, – деди Собиржон.

– Энди нарсаларимизга тегишимизга рухсат берасизларми?

– Ҳа, криминалистлар ишларини тугатишди, марҳамат, ҳамма нарсаларингизни текшириб кўришларингиз мумкин.

Аёллар дарров ўзларининг тақинчоқлари турган жойга қараб югуришди. Кейин эса пулларига қарашди. Уйдагилар ҳамма нарсани диққат билан бор-йўқлигини текшира бошладилар.

– Собиржон ака, бу жиноят тўғрисида фикрингиз қандай? – сўради Фарҳод.

– Бир нарса дейиш қийин.

– Мен эса бу ерда қандайдир бир сир борга ўхшайди деб ўйлайман.

– Хўш.

– Ҳеч қандай изсиз, тез фурсат ичида бировни ўлдириб, кўз очиб юмгунча ғойиб бўлиш. Бу воқеа-

дан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай туриб, марҳумнинг уйини ағдар-тўнтарини чиқараб ташлаш! Албатта, буни ҳам ҳеч қандай изсиз ва товушсиз!

– Ҳа, жуда сирли.

– Сирлилиги сирли-я, лекин жуда ваҳималиям.

– Тўғри, бечора марҳумнинг қариндошлари, ҳалигача ўзларига келиша олмаяптилар.

– Фикрингизни айтмадингиз-ку, қандай фикрдасиз? – яна сўради Фарҳод Собиржоннинг фикрини билгиси келиб.

Шу пайт Мирҳолиқ уларнинг олдига келиб:

– Биласизларми, уйимиздаги ҳамма нарса жойида, ҳеч нарсани ўғирлаб кетишмабди! – деди.

– Ростданми? – деди Собиржон.

– Ҳа, ҳатто аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари атрофидаги нарсаларни олиб ерга ташлашган, лекин уларга тегишмапти.

– Қизиқ, улар нимани излашяпти? – деб Собиржон ўйлаб қолди. Кейин у Мирҳолиққа қараб:

– Онангиз Моҳинур опа нима деяптилар? – деди.

– Ҳеч нарса.

– Юринг-чи, уларнинг олдига бошланг.

Моҳинур опа хонасида кўзларини юмганича ётарди. Мирҳолиқ секингина:

– Ойи, – деди.

– Ўғлим, келинглар, – деди у кўзларини очиб.

– Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, Моҳинур опа, – деди Собиржон.

– Сўрайверинг ўғлим, бизга бу қандай кўргулик бўлдики, болагинамни ўлдирганлари етмагандек, яна нимадир қилишмоқчи бўлишяпти? Бечора болаларим, қўрқувда қолишди.

– Моҳинур опа, ўзингиз биласиз, қотил уйингиздан бир нимани излаяпти. Сизнинг биздан яшираётган, уйингизда бир нима бўлса айтишингиз керак.

– Нима бўлиши мумкин?

– Масалан, ота-боболарингиздан қолиб кетган бойликми, шунга ўхшаш нарсалар-да.

– Ўғлим, ўша болохонада ётган, алмисоқдан қолган китоблардан бошқа, уйимизга ота-боболаримиздан қолган ҳеч нарса йўқ.

– Сиз бунга аминмисиз.

– Ҳа, ишонаверинг.

Собиржон Моҳинур опанинг қўя ёшларини артиб айтган гапларига ишонмасдан иложи йўқ эди.

– Хўш, Собиржон ака, энди нима қиламиз? – деди Фарҳод.

– Улар излаган нарсаларини топиша олмай кетишган, – деб ўйлайман.

– Яна қайтиб келадилар, деган фикрдамисиз?

– Ҳа.

– Уларни қандай кутиб олмоқчисиз?

– Соқчилар қўямиз.

– Лекин жиноятчилар пихини ёрган кўринади, сезиб қолишмасмикан?

– Соқчиларни фуқаро кийимида, худди шу уйда яшаётган одамларга ўхшатиб, жойлаштиримиз.

Собиржон билан Фарҳод жиноят содир бўлган жойга соқчилар қўйиш тўғрисида ишга борганларидан кейин ҳам бош қотиришди, бир қарорга келганларидан кейин, бўлим бошлиқлари Фозил ака билан маслаҳатлашиб, шундан бошка чоралари йўқ деб топишиб, соқчиларни марҳумнинг уйига олиб боришди.

– Менимча, Шаҳриддин аканинг ўғли, Фаҳмиддинни ҳам кузатувга олишимиз керак, – деди Фарҳод.

– Тўғри, ҳозирча ягона шубҳа остидаги киши – бу Фаҳмиддин ҳисобланади. Уни олдинроқ кузатувга олишимиз лозим эди, – деди Фозил ака.

Собиржон индамади.

– Собиржон нима учундир жиноят ишини очиш чўзилиб кетяпти, билсангиз керак, 5 кундан кейин

тергов муддати тамом бўлади. Наҳотки, ҳеч нима қила олмасангиз?

– Ҳаракат қиляпмиз.

– Бошқачароқ ёрдам керак бўлса, айтинг, маслаҳатлашмиз, ёрдам берамиз, лекин, бунақа юришингизда қотилни умуман топа олмасангиз, керак деб ўйлайман.

– Сизнингча, нима қилай, кўриб турибсиз-ку, қотил анча уддабурон экан.

– Сиз эса сусткашлик қиляпсиз!

– Менимча, югурганимизнинг фойдаси йўқ, мияни ишлатиш керак.

– Нимани ишлатишингизни ўзингиз биласиз, лекин тезроқ қотилни топиш лозим! – деди Фозил ака зарда билан.

– Хўп...

* * *

Жиноят содир бўлган жойга соқчилар қўйилганига ҳам уч кун бўлди. Лекин қотилдан ҳамон дарак йўқ эди.

– Собиржон ака, биласизку, жиноятчи жуда сезгир, унинг уйга қаердан кирганини топа олмадигу, уни қўлга тушириш учун иккита соқчи қўйганимизни қаранг. Унинг соқчиларни сезиб қолгани аниқ, – деди деди Фарҳод тушкунликка тушиб.

– Бирор таклифингиз борми? – деди Собиржон.

– Таклифим йўқ, лекин бошқачароқ йўл тутсакмикин, дегандим.

– Масалан, канақа?

– Яхшилаб ўйласак, топармиз, ахир!

– Бўлмаса, яхшилаб ўйлаб, топганингиздан кейин гапиринг, шунгача кутишдан бошқа чорамиз йўқ, тушундингизми?! – деди Собиржон бир оз жаҳл билан.

– Тушундим.

Тунда телефон жиринглаб қолди. Собиржон гўшакни кўтариб:

– Эшитаман, – деди.

Гўшакдан соқчилардан бирининг овози эшитилди:

– Собиржон ака, жиноятчилар яна келишди.

– Қўлга туширдингларми? – деб шошиб сўради Собиржон.

– Йўқ...

– Ие, нима учун?

– Бу ерга келсангиз нима бўлганини тушунтириб берамиз.

– Ҳозир борамиз, – деб гўшакни қўйди Собиржон.

Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилди. Ҳар доим тунги қўнғироқларга тўнғиллаб, зўрға жавоб берадиган Фарҳод нима учундир бу сафар ҳозиржавоблик билан:

– Ҳозир етиб бораман, лекин қўлга олишолмагани ёмон бўлибди-да, – деди.

Улар воқеа жойига етиб борганларида оила аъзолари қўрқувдан титрашарди. Соқчилар эса жиноятчини ушлай олмаганлари учун шунча меҳнатлари зое кетганига афсусланиб, шалвираб ўтиришарди.

– Ухлаб қолган бўлсанглар керак-да! – деди Фарҳод уларга қараб.

– Мен уйғоқ эдим, шеригим озгина мизғиган эди, – деди биринчи соқчи ўзини айбдор ҳис қилиб.

– Нима бўлганини бир бошидан гапириб беринг-чи, – деди Собиржон уйғоқ эдим деган соқчига қараб.

– Мен кундузи озгина ухлаб олганим учун супада ухламасдан, тиқ этган товушга қулоқ солиб ётган эдим. Бир пайт ҳовлида худди осмондан тушгандек, бир шарпа пайдо бўлди. Унинг қаердан кирганини билолмай қолдим.

– У эркак кишининг шарпасимиди? – деди Собиржон.

– Ҳа, эркак шарпаси эди. Мен унинг нима қилмоқчи эканини билиш учун ўзимни ухлагандек кўрсатиб, қимирламасдан ётдим. У биз ётган то-

монга қараб келди, назаримда у бизнинг ухлаб ётганимизга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди, шекилли. У бизга бирпас қараб туриб ичкарига кириб кетди. Мен ўрнимдан туриб, шеригимни ҳам уйғотдим. Биз унинг орқасидан секин туриб юра бошладик. У зинапоядан болохонага чиқиб, қўлидаги ёриткични ёқди ва эски сандиқни очиб, ичидаги китобларни титкилай бошлади.

Биз иккимиз икки тарафдан бориб, уни ушлаб олмоқчи бўлдик. У бизни кўриб қолди. Айтсам ишонмайсизлар, унинг ҳаракати одам боласиникига ўхшамасди, у худди маймунга ўхшаб сакраб зипапоянинг олдига келди ва зинадан тушмасдан ўзини пастга отди. Биз зинапоядан тушиб, ҳовлига чиқсак, у ҳеч қаерда йўқ эди.

– Чироқларни ёқиб қидирдингларми?

– Ҳа, биз ҳовлининг чироқларини, кейин бошқа жойнинг чироқларини ҳам ёқдик. Ҳамма ёқни қарадик, топа олмадик!

– Менга айтинг-чи, унинг орқасидан, югуриб ҳовлига чиқдинглар, ҳовлида жиноятчини топа олмаганларингдан кейин нима қилдинглар? – деди Собиржон.

– Биз тезда ҳовлини кўздан кечирдик, жиноятчини кўрмаганимиздан кейин, ўша болохонага қайтиб кирдик, унинг нимани излаганини билмоқчи бўлдик.

– Иккалангиз ҳам ичкарига кирдингизми?

– Ҳа, – деди соқчилар бараварига.

– Тушунарли, – деди Собиржон бошини чайқаб.

– Мирхолиқ, қаранг-чи, китобларингиз йўқолиб қолмаганми? – деди Собиржон индамай турган Мирхолиққа қараб.

Улар болохонга қараб кетишди.

Мирхолиқ сочилиб ётган китобларга қараб:

– Биттасиниям олиб кетмаган, – деди.

– Тўғри унга китоблар эмас, бошқа нарса керак, шекилли.

– Ким билади, балки унга соқчилар халақит қилгани учун, ҳеч нарсани олмасдан қочиб қолдими? – деди Фарҳод.

– Ҳа, биз ҳам шундай деб ўйладик, – деди соқчилардан бири.

– Юринглар, ҳовлига чиқиб, ўша ерда гаплашайлик, – деди Собиржон.

Улар ҳовлига чиққанларида тонг ёришиб қолган эди.

– Айтинг-чи, сизлар жиноятчини қувлаб ҳовлига чиққанларингизда уни қаерлардан қидирдингиз? Марҳамат қилиб кўрсатиб беринг, – деди Собиржон.

Соқчи ҳовлининг ўртасида туриб:

– Мана шу ерда туриб ҳаммаёқни кузатдим, шеригимга чироқни ёқиб юборишини айтдим. У чироқни ёққанидан кейин ҳамма жой кафтдек кўриниб турарди.

Унинг қочиб кетганига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин, кўча эшигини очиб қарадик. У кўчада ҳам кўринмасди, шундан кейин биз, болохонага чиқдик.

– Кўча эшиги-чи?

– Нима, кўча эшиги? – деди биринчи соқчи Собиржоннинг саволига тушунмай.

– Кўча эшиги очиқ қолдими?

– Билмайман, сен бекитмаганмидинг? – деб у шеригидан сўради.

– Эсимда йўқ.

– Мен сизлар келишингиздан сал олдинроқ ланг очиқ турган кўча эшигини бекитган эдим, – деди Мирхолиқ, гапга аралашиб.

– Ҳаммаси тушунарли, – деди Собиржон соқчиларга қараб.

– Аслида мен жиноятчини ҳовлига кириб келганидаёқ ушлашим керак экан, уни ичкарига киргунча кутиб, хато қилганман, – деди биринчи соқчи.

– Биласизми, сизларнинг ҳамма ҳаракатларингиз хатолардан иборат бўлган. Бундан қотил самарали фойдаланиб қолган.

– Йуғ-э?

– Ҳа, худди шундай бўлган.

– Қанақасига?

– Масалан, қотил қочиб кетганидан кейин сиз ҳовлининг қоқ ўртасида туриб ҳовлини кузатгансиз. Мана шу ерда туриб, тўғрими? – деди Собиржон ҳовлининг ўртасида ўсиб турган ягона дарахт – катта гилоснинг тагида туриб.

– Ҳа.

– Лекин, сиз фақат ҳовлини кузатгансиз, тўғрими?

– Ҳа.

– Сиз тепага, яъни гилос дарахтига яхшилаб қараганингизда эди, жиноятчининг гилос шохларидан бирида бекиниб ўтирганини кўрардингиз!

– А-а, наҳотки! – деди соқчи ҳайратланиб, тепага қараб.

– Ҳа, мана ишонмасангиз ўзингиз кўринг, дарахтнинг жиноятчи оёқлари остида эзилиб тушган барглари, мана бу эса унинг тушиб кетган кўзойнаги бўлса керак, деб Собиржон ерда ётган кўзойнакни қўлига олди.

– Сизларнинг кўча эшигини очиб қўйиб, иккала соқчининг бараварига уйга кириши эса унинг дарахт устидан тушиб, бемалол эшикдан чиқиб қочиб кетишига имконият туғдирган. Лекин у қоронғида кўзойнагини топа олмаган ёки шошилганидан бунга вақти бўлмаган кўринади.

Фарҳод югуриб келиб, кўзойнакни Собиржоннинг қўлидан олиб, синчиклаб қаради.

– Собиржон ака, эсингиздами, Шаҳриддин ака ҳам, ўғли Фаҳмиддин ҳам кўзойнак тақишарди, – деди.

– Уларнинг кўзойнак тақишини биламан, лекин Фаҳмиддин кузатувда-ку.

– Ким билади, кузатувчилар ҳам, мана бу соқчиларга ўхшаб, ишнинг пачавасини чиқарган бўлишлари мумкин.

– Ҳозир аниқлаймиз, – деб Собиржон қўнғироқ қила бошлади.

Кузатувчилар, ҳаммаси жойида, дейишди, шекилли, Собиржон:

– Кузатувчилар ўз ўринларида эканлар, – деди.

– Лекин барибир ота-боланинг кўзойнакларини текшириш керак, деб ўйлайман, – деди Фарҳод.

– Ҳа, албатта, уларнинг кўзойнаклари билан солиштириб кўрамиз. Мирхолиқ, сизларникида ҳеч ким кўзойнак тақмайди, шекилли, – деди Собиржон.

– Йўқ, бизнинг уйимизда ойимдан бошқа ҳеч ким кўзойнак тақмайди, уларнинг кўзойнаклари танийман, ўзларининг олдларида турибди, бу бошқача экан, – деди Мирхолиқ Собиржоннинг қўлидаги кўзойнакка диққат билан қараркан.

– Айтинг-чи, ўша жиноятчини кўрган сиз иккингиз, унинг қандай кўринишда эканлигини айтиб бера оласизларми? – сўради Собиржон соқчилардан.

– Мен қоронғида унинг фақат бўйи дароз эканлигини пайқадим, холос, – деди биринчи соқчи.

– Мен ҳам шу, фақат бўйига эътибор беribман.

– Юзини-чи, болохонада чироқни ёққанингизда, юзини кўра олмадингизми?

– У чироқни ёқмасимизданоқ бизни сезиб қолиб, қочиб кетди. Биз уни орқасидан кўриб қолдик.

– У гавдалимиди ёки озғинмиди, ҳеч бўлмаса, шуни пайқагандирсизлар? – деди Фарҳод.

– У озғин кўринди, назаримда унинг оёқлари узун-узун эди, шунақа эмасми? – деди биринчи соқчи шерига қараб.

– Ҳа, ҳа, шундай кўринар эди, – унинг гапини маъқуллади, иккинчиси.

Собиржон ишхонага борганларидан кейин, целлофан пакетга солинган кўзойнакни Фарҳодга бериб:

– Бармоқ изларидан нусха олиш керак, – деб узатди.

– Хўп.

Собиржон хонасига кирди. У одати бўйича ўрнига ўтирмасдан у ёқдан-бу ёққа юриб, ўйларди.

Жиноятчи ким, у нимани излаяпти? Излаган нарсаси шунчалик муҳимми, у ҳатто қотилликка қўл уришгача борди. Ёки Фарҳоднинг фикри тўғримикан, у бошданоқ ота-бола Низомиддиновлардан шубҳаланяпти. Мен эса уларни шубҳадан ҳоли, деб ҳисоблаяпман.

Хўш, унда қотил ким? Ҳарҳолда у, Мирсодиқовларнинг уйидаги аёлларнинг гапи билан айтганда, ажина-арвоҳ эмасдир?! Каллани ишлатиш керак, лекин асосли ҳеч нарса миямга келмаяпти.

Собиржон оёқлари чарчаб кетганини сезди, демак, у икки соатдан кўпроқ вақт ўтирмаган, тўғрироғи ўтириш хаёлига келмаган.

У яна Фарҳоднинг жиноятчи тўғрисида фикрини эслади. Нима учундир, унинг гапида жон бордек туюларди. Тўғри-да, Мирсодиқовларнинг уйида ҳамма вақт тинчлик ҳукм сурган. Қачон уларнинг тинчлиги бузилган? Қачонки, Шаҳриддин ака билан Мираббос учрашганларидан кейин, ҳа, фақат шундан кейингина ҳар хил кўнгилсизликлар юз бера бошлади. Уларнинг учрашувидан бир кун ўтибоқ, Мираббосни бўғизлашди, кейин эса кимдир уларнинг уйидан ниманидир излаб, ҳаммани қўрқувда

яшашга мажбур қиляпти. Ҳаммаси, улар китоблар тўғрисида гаплашганларидан кейин бошланган. Улар нимани гаплашганлар? Аниқроғи, улар қандай сўзлар ишлатганлар?

Собиржон бирдан тўхтаб қолди.

– Жин урсин, нимага буни илгарироқ ўйламаган эканман! – деди ва жойига ўтириб олди. У гўшакни олиб қўнғироқ қила бошлади:

– Шаҳриддин ака, ўғлингиз билан менинг олдимга кела оласизми?

– Қачон? – деган овоз келди гўшакдан.

– Ҳозирнинг ўзида!

– Тинчликми, бирор янгилик борми?

– Ҳа, келганингиздан кейин гаплашамиз.

– Хўп, ҳозир ўғлимга айтаман, тез етиб боришга ҳаракат қиламиз.

– Раҳмат!

Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилди.

– Фарҳод, тез етиб келинг!

– Собиржон ака, мен шу ерда – ишхонадаман, тинчликми?

– Мен сизга кўзойнакдаги бармоқ изларини аниқлатинг, демаганмидим?

– Дегансиз, аниқлатиб келдим.

– Наҳотки, сиз шунчалик тез бориб келган бўлсангиз?

– Лекин бунга уч соатдан ошиб кетди-ку, барибир, мақтов эшитиш ёқимли-да.

– Қанақа мақтов?

– Мени айтилган топшириқни тез бажаришда мақтаяпсиз-ку!

– Йўқ, мен фақат вақт тез ўтиб кетганини сезмабман, холос.

– Ҳа, майли, олдингизга кирайми? Ҳаёлингиз паришон бўлиб турганига қараганда, бугун жиноятни очамиз, шекилли, тўғрими?

– Тезда киринг!

– Хўп, ҳозир кираман-да.

Фарҳод кўзойнакни Собиржонга узатиб:

– Бармоқ изларидан нусха олинди. Минус 12 экан, кўриши жуда ёмон бўлса, кўзойнаксиз уйига қандай етиб борганига ҳайронман, – деди.

– Сиз ундан жуда хавотир олаётган бўлсангиз, ўша ярамасни қўлга туширсак, буни батафсил сўраб оларсиз.

– Ҳа, ишқилиб уни топайлик-да.

Эшик тақиллаб, ота-бола Низомиддиновлар кириб келишди. Улар салом-алик қилишгандан кейин Фарҳод:

– Фаҳмиддин, қанақа кўзойнак тақасиз? – деб сўради.

– Тушунмадим, – деди Фаҳмиддин кўзойнагини қўлига олиб.

– Минусми, плюсми, демоқчиман.

– Ҳа, менинг ўнг томоним плюс 3, чап томон кўзимнинг кўриши эса минус 4.

– Ие, унақасиям бўларканми? – деди Фарҳод хафсаласи пир бўлиб. Чунки у жиноят жойидан топилган кўзойнак Фаҳмиддинники бўлиб чиқишига ишонган эди. Фарҳод диққат билан унинг кўзойнагига қаради. Уни аввал кўрганида ҳам худди шу кўзойнакда кўрганига ишонч ҳосил қилганидан кейин топилган кўзойнак бутунлай бошқа кишига тегишли экан, деб ўйлади.

– Ҳа, менинг болалигимдан бери кўришимда нуқсон бор, – деди Фаҳмиддин.

– Шаҳриддин ака, сиз-чи, кўзойнагингиз қанақа?

– Менинг кўришим ёшлигимда яхши эди, энди ҳозир қарилик-да, плюс уч ярим кўзойнак тақаман.

Собиржон Фарҳодга, кўзойнак бўйича саволларингиз тугадими, дегандек қилиб қаради. Фарҳод

барибир ҳеч нарса чиқмади, деган маънода елкасини қисиб қўйди.

– Шаҳриддин ака, сизни бу ерга чақиришимдан мақсадим, ўша Мираббос билан учрашганларингиздаги суҳбатингизни бошқадан эслаш эди.

– Мен буни сизга айтиб берганман-ку, – деди Шаҳриддин ака ажабланиб.

– Мен ҳаммасини айтмагансиз, деб ўйлайман.

– Йуғ-э, суҳбатимиздан яширадиган ҳеч нарса йўқ эди, ҳаммасини гапирганман.

– Тўғри, ҳаммасини гапирган бўлишингиз мумкин, мен яширгансиз, демоқчи эмасман.

– Тушунмадим, Собиржон, унда гап нимада?

– Мен, сиздан ўша суҳбатнинг маъносини эмас, айнан қандай сўзлар ишлатгансизлар, шуни билмоқчи эдим.

– Мен буни эслашим қийин, сўзларнинг қанақалигининг нима фарқи, сизга кераги маъно эмасми?

– Мен сиздан илтимос қиламан, сиз ўша охирги суҳбатингиз қаерда, қандай вазиятда, кимлар иштирокида, қандай сўзлар билан бўлганлигини яхшилаб эсланг! Бу жуда муҳим!

– Хўп, ҳаракат қиламан, – деб Шаҳриддин ака пешонасига кўрсаткич бармоғини ишқалаб, ўйлаб қолди. У анча ўтирганидан кейин:

– Биласизми Собиржон, биз цирк томошасига киргунимизча китоблар тўғрисида гаплашмадик.

– Нималарни гаплашдингизлар?

– Биз фақат, ота-боболаримиз ҳақида, уларнинг шўролар давридаги қийналганлари, фожиали ўлимлари ҳақида гаплашдик. Бизнинг чет элдага ҳаётимиз, уларнинг ҳозирги ҳаёт тарзлари ҳақида гаплашдик.

– Китоблар ҳақида қачон гаплашдинглар?

– Биринчи танаффус пайтида биз цирк биносида жойлашган кафега кириб ўтирдик. Ўша ерда китоблар ҳақида гаплашдик.

– Бирор нарса едингларми?

– Йўқ, биз фақат апельсин шарбати ичдик.

– Китоблар тўғрисида нима дединглар?

– Нима дердик, аввал ҳам айтганман, Мираббос бобосининг васияти ҳақида гапирди. Китобларнинг ярми сизга тегишли, сиз уларни олиб кетганингиздан кейин қолган қисмини давлат музейига топшириб юбораман, деди.

– Сиз нима дедингиз?

– Мен нима дегандим, – деб ўйлаб қолди Шаҳриддин ака. – Ҳа, эсимга тушди. Демак, сандиқдаги хазинани қоқ иккига бўларканмиз-да, – дедим. Шу пайт официант йигит бир катта идишда апельсин шарбати ва иккита стакан олиб келди. У:

– Бошқа нарса керак эмасми? – деб сўради.

– Мен, йўқ, керакмас, раҳмат ўғлим, – дедим.

– Кейин-чи?

– Кейин биз, шу ерда хайрлашдик.

– Хайрлашаётганда нима дединглар?

– Мираббос раҳматли, демак, неча йиллардан бери сизнинг келишингизни пойлаб ётган хазинани бўлишишга келишингизни кутаман. Фақат олдиндан огоҳлантириб, кейин келинг, – деди.

– Бошқа ҳеч нарса демадими?

– Йўқ, биз шу ердан ҳар қайсимиз ўз уйимизга кетдик.

– Шаҳриддин ака ҳозир биз цирк биносига борамиз, – деди Собиржон.

– Нимага?

– У ерга бориб, бирор шарбат ичамиз.

– Нима учун айнан цирк кафесида, тушунмадим, – деди Шаҳриддин ака ўғлига қараб.

– Мен ҳам ҳеч нарсани тушунмаяпман, дада, нима фарқи бор, қаерда ичишнинг, ҳарҳолда шарбат ичарканмиз-ку. Бу димиққан хонада ҳар хил бўлмағур саволларга жавоб бериб ўтиришдан яхши, эмасми?!

– Ол-а, – деди Фарҳод Фаҳмиддиннинг гапига энсаси қотиб.

Собиржон индамай ўрнидан турди, бошқалар ҳам унга эргашдилар.

Кўп ўтмай улар цирк биносига бориб, у ердаги Шаҳриддин ака кўрсатган кафега киришди. Тўрталаси бир столда ўтириб, жойлашиб олганларидан кейин, Собиржон:

– Шаҳриддин ака, сиз хизматдаги йигитларга секин, билдирмасдан яхшилаб қаранг-чи, ўша куни сизларга апельсин шарбати олиб келган йигит кўринадими? – деди.

Шаҳриддин ака қаради, хизматдаги йигитлар ўзи унча кўп эмас, тўртта ё бешта бўлгани учун, у дарров ўша кунги йигитни таниди.

– Танидим, у ана, чеккадаги столга хизмат қиляпти, – деди.

– Аниқ ўшалигига ишончингиз комилми?

– Ҳа, унинг бўйидан ҳамда кўзойнагидан танидим.

– Жуда яхши, энди унга эътибор бермасдан, қарамасдан ўтиришингизни илтимос қиламан, – деди Собиржон ҳаммага тегишли қилиб.

– Лекин бирор нарса ичиб ўтирайлик, – деди Фарҳод.

– Сиз ўша кўзойнакли йигитни чақириб ичишга бирор нима буюринг, – деди Собиржон Фарҳодга.

– Нима, ичасизлар? – деди Фарҳод.

– Қизиқ экансиз, ҳозир бунинг нима фарқи бор?! – деди Собиржон жаҳли чиқиб.

Фарҳод кўзойнакли йигит бўшашини зимдан кузатиб ўтирди, у ўтиб кетаётганини кўриб, бу ёққа деган ишорани қилди, йигит яқинлашганидан кейин:

– Бизга сархил мевалардан тўртта «фреж», – деди.

Бир оздан кейин йигит патнисчада мевалар шарбатини кўтариб келди. Унинг кўзи Шаҳриддин

акага тушиб, патнисни столга қўяётганида шарбатни тўкиб юборди.

– Ҳечқиси йўқ, ўғлим, – деди Шаҳриддин ака йигитни хижолат бўлмасин деб.

– Балки кўзойнагингизни алмаштирганингиз панд бергандир? – деди Собиржон унга қараб.

– Тушунмадим, – деди йигит Собиржонга хавотирли назар ташлаб.

– Мана бу кўзойнакни таққанингизда шарбатни тўкиб юбормаган бўлармидингиз, демоқчиман, – деди Собиржон целлофан пакетдаги кўзойнакни йигитга кўрсатиб.

– Мен у кўзойнакни танимайман.

– Дарахтга чиққанингизда беҳосдан тушиб кетмаганми?!

– Нималар деяпсиз, тушунмаяпман? – деб йигит секин орқага тисарилиб, қочишни мўлжаллади.

Фарҳод буни сезгани учун ўрнидан туриб йигитнинг билагидан маҳкам ушлади.

– Нима қиляпсиз, қўйворинг, мен хизматдаги одамман! – деб йигит Фарҳоднинг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қиларди.

Собиржон ўтирганларнинг тинчини бузмаслик учун йигитга:

– Секин биз билан юринг, прокуратураданмиз, ҳаммасини ўша ерда гаплашамиз, – деди.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, у ёққа бормайман! – деб чирана бошлади у.

– Сен, жим юр, агар айбинг бўлмаса, қўйиб юборамиз, лекин менинг устозим бу борада ҳеч қачон янглишмаган! – деди Фарҳод йигитнинг қўлини силтаб юбориб.

Шаҳриддин ака ҳеч нарсани тушунмай, ўғлига қарайди.

– Дада, менам нима бўлганини билолмаяпман, бу терговчилар фақат кўзойнак билан қизиқишаркан.

Ҳайронман, прокуратура билан кўзойнакнинг нима алоқаси бор?

Собиржон билан Фарҳод йигитни олиб машинага ўтиришаётганида, Фаҳмиддин машинанинг ойнасидан қараб:

– Биз кетаверсак бўладими? – деди.

– Ҳа, кетаверинглар, – деди Собиржон.

– Фақат, шарбатнинг пулини тўлашни унутманглар, – деди Фарҳод кулиб.

– Шарбат тўкилиб кетди-ку, ичмаган нарсага пул тўланадими? – деди Фаҳмиддин норози оҳангда тўнғиллаб.

– Ҳа, ҳақиқий чет элликнинг гапи бу, – деди Фарҳод Собиржонга қараб.

– Кетдик.

* * *

– Қотил Жуманов Сафар 26 ёшида экан. У циркда ишлаётганларга ҳаваси келиб, нуқул уларнинг ҳаракатларини такрорларкан. Ҳатто аренада у акробатларга тақлид қилиб машқлар бажараркан, – деди Фарҳод жиноятчининг шахсини ўрганаётиб.

– Ҳа, ўзимам шунақа бўлса керак деб ўйлаган эдим, ахир бошқа киши бунчалик чаққон, тез ҳаракат қила олмайди-да. Ота-онаси тўғрисида ҳам маълумотлар борми?

– Ҳа, бор, унинг отаси Жуманов Чори ўғирликда айбланиб судланган, кейин оиласи билан бирга яшамаган, онаси Жуманова Салтанат, ичкиликка берилган аёл бўлган экан. У ўғлини болалар уйига топширишларига қаршилик қилган. Жуманов Сафар кўча-кўйда, ота-она тарбиясини олмай катта бўлган экан.

– Тушунарли...

– Бечора Мираббос ака, у лаънатининг, «Хазина» деган сўзни нотўғри тушунишининг қурбони бўлган экан-да. Минг афсус! – деди Фарҳод

– Лекин, аслида «хазина» сўзини Мираббос ака билан Шаҳриддин ака жуда тўғри маънода ишлатишган. Қотил эса маънавиятдан йироқ бўлгани учун «хазина»ни фақат «тилла–зар» деб тушунган, жуда аянчли ва ачинарли, – деди Собиржон.

Фарҳод, Собиржоннинг қотил китобларни «хазина» эканини тушунмаганини ачинарли дедими ёки Мираббос аканинг ёшгина ўлими ачинарли дедими, буни билиш учун унга қаради.

Лекин, ҳар иккаласи ҳам бир хилда аянчли ва ачинарли-ку, нима фарқи бор, деб ўйлади у.

ХАТО

Омон отанинг тонг саҳарда уйқуси қочиб кетди, аслида туни билан ҳам унинг уйқусида ҳаловат бўлмади. Отанинг кўзларидан оқаётган ёш унинг юзларини юварди. У бомдод намозини ўқиш учун ўрнидан туриши лозимлигини ҳам хаёлига келтирмас эди. Бундан 11 йил илгари худди шу куни, 18 ноябрда, бўлган даҳшатли воқеа, Омон отанинг назарида кечагина бўлиб ўтганга ўхшар, ҳар йили шу куни, тўғрироғи ҳар куни шу воқеа даҳшатидан, қалби ларзага келарди. Чунки, бу куни унинг ёлғиз жигаргўшаси – Ўлмас, қотилликка қўл урган эди.

Омон ота беихтиёр, ўғли билан боғлиқ воқеаларни эслай бошлади.

* * *

Омон ака билан Шамсия опанинг болалари, туғилиб, кўп яшамай, нобуд бўларди. Акаси Бердиёр аканинг эса бир ўғилчаси бор эди. Унинг хотини Санобар опа иккинчи ўғлини туққанидан кейин уларнинг оиласида нохушлик бўла бошлади. Омон ака улар нима учун уруш-жанжалдан чиқмай қолганини билолмай хотинидан сўради:

– Шамсия, акам кеннойим билан нимага бунча жанжаллашишади, қачон уларникига борсам, кеннойим йиғлаб ўтирган ёки бақир-чақир бўлиб турган бўлади. Овсининг сенга сабабини айтмадими?

– Мен ҳам шунга ҳайронман, бу тўғрида Санобар опамдан сўрасам, гапиргиси келмайди, майда-чуйда гаплар, деб қўя қолади.

– Қизиқ, бири-биридан ширин фарзандлари бўлса, уларга яна нима керак, ҳайронман.

Эрининг бу гапига Шамсия опанинг кўнгли ўксиди. Тўғри айтадилар, уйингда чопқиллаб юрган болаларинг бўлса, бошқа нарсани кўзинг кўрармиди? Дунёнинг гўзаллиги, яшашнинг мазмуни – фарзанд

билан-да. Илоё бизни ҳам бу борада кам қилмасин, деди ичида у.

Бир куни Бердиёр ака укасининг олдига келиб:

– Ука, сен билан маслаҳатлашадиган гапим бор, – деб қолди.

– Ўзим ҳам бир вақт топиб сиз билан оилангиздаги жанжалнинг сабабини сўрамоқчи бўлиб юрувдим.

– Кеннойинг билан ўртамиздаги гап дастурхон қилиб юрадиган эмас, ука. Мен унинг иккинчи ўғлини 7ойда туғиб қўйганига шубҳам бор. Ўзинг биласан, ўшанда мен икки ой узоқда, хизмат сафарида бўлганман. Орамизга совуқлик тушганининг сабаби шу.

– Ака, докторлар нима деяпти, улар аниғини биладилар-ку.

– Э, улар оиласи бузилиб кетмасин деб, бола вақтидан илгарироқ туғилган дейишди, лекин менинг унга ишончим йўқолди, у менга хиёнат қилгани кўриниб турибди.

– Ўзи нима деяпти?

– Айтармиди, фақат онт ичиб, йиғлайди, холос!

– Ака, сиз кеннойимга ишонишингиз керак, ахир ўрталарингда фарзандларингиз бор.

– Мен бу тўғрида кўп ўйладим, ажрашишга қарор қилдим. Шомансурни олиб қоламан...

– Йўқ, ундай қилманг! Биз фарзандга зормиз, сиз эса ношукрчилик қиляпсиз, болаларни тирик етим қилишингизга йўл қўя олмайман!

– Ука, сен жуда қалби тоза инсонсан, лекин менга хиёнат қилган аёл билан яшашга мажбурсиз, демассан.

– Ака, агар сиз кеннойим билан ажрашиб кетсангиз, сизни фарзандларингизнинг кўз ёши уволи тутади, мен эса бир чеккада томошабин бўлиб турганим учун, гуноҳга ботаман, сиздан илтимос, ҳамма шубҳа-гумонларни йиғиштириб, ҳаётингизни давом эттиринг. Бу гапларни ҳеч ким эшитмагани маъқул.

– Бундай қилиш жуда қийин...

– Агар сиз ажрашаман деб туриб олсангиз, шу болаларингиз ҳурмати, қасам ичиб айтаманки, сиздай акам йўқ, агар фарзандларингизни деб бирга яшасангизлар, сизнинг ёнингизда туриб уларни уйли-жойли қилишда, тўйларида ёрдамлашаман!

Омон ака билан Бердиёр ака, бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам, иккалаласи иккита олам эди. Омон ака гавдаси жиккаккина, ўзи сариқроқ, кўзлари ҳамиша ҳушёр боқувчи, серҳаракат киши бўлса, Бердиёр ака бесўнақай гавдали, қорачадан келган, соддароқ, одам эди.

Бердиёр ака укаси кичик бўлса ҳам, ақлли, ишбилармон эканлигига тан берарди. Шунинг учун у, муҳим қарорлар чиқаришда укасининг маслаҳатидан чиқмай ўрганган эди. Унинг индамасдан чиқиб кетиши, укасининг гапига кўнганлигини билдирарди. Омон ака акасини кўндирган эди.

Шамсия ая 35 ёшида, Омон ота 40 ёшида кўрган бешинчи фарзандлари Ўлмасни ўлим четлаб ўтди. Лекин ўғлининг яшаб кетганига қувонган Шамсия аянинг ўзи, Ўлмас саккиз ёшга кирганида ҳаётдан кўз юмди.

Омон ота ўғлим ўксимасин деб, бошқа уйланмади. У бор меҳрини ўғлига бериб, ҳам ота, ҳам она бўлиб, уни оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Ўлмас ёлғиз фарзанд бўлса ҳам, айримларга ўхшаб, эркатой, такасалтанг бўлиб ўсмади. У меҳнатсевар, ҳамма ишда отасининг қўл-қаноти эди.

Омон ота бир умр савдо соҳасида ишлаган, рўзғорини эса бекаму кўст қилиб қўйган эди. Ўғли Ўлмас ҳам ота касбини танлади, у ҳам шу соҳада ўқиб, ишлай бошлади.

Уларнинг данғиллама ҳовлиларию , қўша-қўша машиналари бор эди, лекин уйга аёл киши етишмаётган эди. Омон ота ўғлини уйлантириш тараддуди-

ни кўра бошлади. Ниҳоят, Ўлмас уйланиб, уларнинг ҳовлисида келин супир-сидир қила бошлади.

Омон ота келини қилган овқатларни мақтаб-мақтаб еяр, унинг қилган ҳар бир ишини қадрлар, шу кунларга етказганига минг шукр қиларди.

Лекин, кутилмаганда ўғли билан келини ўртасидан «ола мушук» ўтиб қолди. Ота уларнинг нима учундир тез-тез айтишиб қолаётганини, келини кун бўйи хомуш бўлиб юришини сезарди. У ўғлидан нима гаплигини сўраганида:

– Дада, хавотир олманг, ўзимиз келишиб оламиз, – деди.

Шундан кейин Омон ота, улар ўртасида жиддий жанжал йўқ, экан-ку, деб ўйлади.

Кўп ўтмай, уларнинг хонасидан, яна ўғлининг баланд овозда гапиргани ва келиннинг йиғлаган овози эшитилди. Эрталаб келин кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб ташқарига чиқди. Омон ота ўғлига:

– Ўлмас, келин билан нимани келиша олмаяпсизлар, чамамда жанжалларингиз катталашаётганга ўхшайди? – деди.

– Йўқ, унчалик эмас, арзимаган майда-чуйдалар, – деди Ўлмас сир бой бермай.

– Агар мени хафа қилишни истамасанг, келинга қаттиқ гапирма, ҳали уйимизга мослашганича йўқ, ўзини бегона уйда яшаётгандек тутмасин, – деди.

– Хўп, дада...

Омон ота нафақада бўлгани учун, кўп вақти уйда ўтар, у келинининг беозор, ювошгина, яхши қиз эканини биларди.

Ўлмас билан келиннинг оралари эса кундан-кунга ёмонлашаётганга ўхшарди. Ўлмас уйга ичиб келадиган одат чиқарди. Омон ота ўғлининг бу қилиғига чидай олмай:

– Ўлмас, сенга нима бўляпти, ичингдагини айтсанг, балки ёрдамим тегиб қолар, ахир ичган билан ҳеч нарсани ҳал қила олмайсан-ку, – деди.

– Ҳа, дада, ичсам ҳам, ичмасам ҳам, энди ҳеч нарсани ҳал қила олмасам керак, – деди Ўлмас тушкунликка тушиб.

– Бу нима деганинг, ҳал қилиб бўлмайдиган иш бор эканми, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чорасини топса бўлади, ўғлим! – деди Омон ота.

– Дада, озгина ичганман, бошим оғрияпти, майлими эртага гаплашсак, – деб Ўлмас хонасига кириб кетди.

Омон ота анчагача кириб ётгиси келмай, телевизордаги кўрсатувлар унинг эътиборини жалб этмаётган бўлса-да, креслода бошини орқага ташлаганича, кўзларини юмиб ўтириб қолди. У ўғлидан хавотирда эди.

* * *

Ўлмаснинг уйланганигаям икки йил бўлиб қолди. Лекин уларнинг муносабатлари ҳалигача илиқлашмаган эди. Омон ота ўғли билан келини ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабабини билиб олди. Уларнинг хоналаридан эшитилаётган узуқ-юлуқ гаплардан отанинг ўзи хулоса чиқариб олган эди.

Ўғли келинни унга тегмасдан аввал ким биландир дон олишиб юрганликда айблаётган экан! Омон отанинг боши қотиб қолди. Ахир бунақа масалаларни ҳақиқатан ҳам Ўлмас айтгандек, ҳал қилиш жуда қийин. Шунинг учун ўғли бечора, нима қилишини билмай, аламини ичкиликдан олаётган экан-да!

Омон ота ўғлига қандай ёрдам берсам, деб ўйлаб ўйига ета олмасди. Қани энди, раҳматли Шамсия тирик бўлса, келин билан гаплашиб, гап нимадалигини, ҳақиқатни билиб оларди. Лекин у йўқ, нима қилсам экан? – деб ўйларди ота.

У акаси Бердиёр аканинг кириб келганини ҳам пайқамай қолди.

– Омон, нима бўлди, мазанг йўқми, диванда чўзилиб ётиб олибсан? Эшигинг очиқ турибди, келганимни билмадинг ҳам, – деди Бердиёр ота.

– Ҳа, сал тобим йўқроқ, – деди Омон ота акси билан саломлашиш учун ўрнидан тураркан.

– Нима ҳам қилардик, ука, сен етмишга, мен саксонга яқинлашяпмиз, бу ёғи энди шу-да, мазамиз бўлмай қолади, оёқларимиз оғрийди. Лекин сенга айтсам, дарров касалга таслим бўлиб ётиб қолмаслик керак. Мен буни ўз тажрибамда синаганман.

– Шунақами?

– Ҳа, ҳарҳолда мен сендан икки-учта кўйлакни кўпроқ кийганман-да.

– Тўғри, ака, – деди Омон ота.

– Лекин, Омон билишимча бошқа нарсадан кайфиятинг йўқроқ кўринади, тинчликми?

– Ҳа, болаларнинг ташвиши дегандек...

– Қанақа болалар, ҳали невара кўрмадинг-ку, ташвиш неваралар кўпайганидан кейин бошланади. Унисига у керак, бунисига бу керак, суннат тўйи, мучал тўйи, ҳатто невараларни уйлантириш ҳам агар тирик юрсанг, сенинг зиммангда бўлади. Нимасини айтасан, яхшиси бошқасини айтмай қўя қолай.

– Ака, сизга яхши, учта ўғлингиз ҳам ёнингизда, бир ҳовлида, тинчгина яшаяптилар. Невараларингизнинг қий-чувида вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмасангиз керак.

– Э, сўрама, жинни қилиб юборишади! Ҳалиям бахтимга сен бор экансан, кўмагингда каттасига ҳовли-жой қилиб олдик.

– Айтмоқчи, улар уйига қачон кўчиб ўтишади?

– Ўзим ҳам тезроқ уйларингга ўта қолинглар, деб қистаб ўтирибман. Лекин кеннойинг, сени кеча-кундуз дуо қилади. Ахир бутун бошли бир ҳовли-жой қилиб бердинг, ука!

– Э, қўйсангиз-чи, ака, сизнинг қийналиб қолганингизни кўриб, индамай қараб ўтиришим керакмиди? Жигаримсиз-ку.

– Раҳмат ука, аммо нимадан сиқилиб ўтирганингни айтмадинг, ёки менга айтмоқчи эмасмисан?

– Йуғ-э, сиздан яширадиган гапим борми, ўзим сиздан маслаҳат сўрасаммикин, деб ўйлаб ўтирган эдим.

– Ҳа, шунақами, ундай бўлса эшитаман.

– Ака, Шамсия йўқлиги жуда билиняпти.

– Нима, уйланмоқчимисан?

– Э, нималар деяпсиз?! Ўлмас билан келин ўртасида муносабат яхши эмас, агар Шамсия бўлганида нима қилиш кераклигини биларди, ахир бунақа гапларни аёллар тушунадилар-да.

– Ҳа, гап бу ёқда дегин, ўзи нимани талашади, бундан хабардормисан?

– Сал-пал биламан, жанжалашаётганларида қулоғимга чалингандек бўлувди.

– Нима экан?

– Ўлмас келинни кимдандир рашк қилади, шекилли... – деди Омон ота келини тўғрисида ёмон гап айтгиси келмай.

– Э, бунақа гаплар ҳамма ёшларда ҳам бўлиб туради-ку, шунга қайғуриб ўтирибсанми?

– Йўқ, бу сен ўйлагандек эмас, можаро икки йилдан бери давом этади, улар бунга нуқта қўйиш тўғрисида ҳечам ўйламаяптилар.

– Келининг кўринмаяпти? – деди Бердиёр ота.

– Боя онасиникига кетган эди.

– Ўлмас нима деяпти?

– Унинг гапининг хулосасига қараганда, ажрашмоқчи, шекилли.

– Ие, шунчаликка боришдими?

– Ҳа, бекорга ташвишланаяпманми, ака! Нима қилишга ҳайрон бўлиб қолдим.

– Агар мендан бу борада маслаҳат сўрайдиган бўлсанг, маслаҳатим, бу ҳақда келин билан ўзинг очиқчасига гаплашганинг маъқул.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа, албатта, уларнинг оиласини сақлаб қолишинг керак.

Акаси кетганидан кейин Омон ота унинг маслаҳатини ўйлаб кўрди. Унга акасининг гапи маъқул тушиб, келин билан гаплашиб кўрсам нима бўлибди, ахир уни ҳам фарзандим деб қабул қилганман-ку, бекорга уларнинг ажрашиб кетишига қараб туришим керакми, деб ўйлади.

Пешинда келини Шабнам онасиникидан қайтганидан кейин Омон ота уни олдига чақирди.

– Қизим, яхши бориб келдингми? – деб гап бошлади Омон ота.

Шабнам қайнотасининг олдида ҳали гапирмагани учун, ҳа, деган маънода, бошини қимирлатиб қўйди.

– Агар вақтинг бўлса, сен билан бир оз суҳбатлашсак, деган эдим.

Шабнам, келин бўлиб тушганимга атиги икки йил бўлган бўлса, қайнота тугул эрининг бошқа қариндошлари билан ҳам гаплашишим ноқулай-ку, деган фикрда, қайнотасига секингина қараб қўйди.

– Нима учун мендан тортинасан, қизим, ахир қайнота ҳам дада ҳисобланади, қайнонанг раҳматли тирик бўлганида, балки сенинг бунчалик эзилиб юришингга йўл қўймаган бўлармиди, – деди Омон ота келинига раҳми келиб.

Шабнам овозини чиқармай йиғлаб юборди. У ерга қараганича унсиз йиғлар, елкалари силкиниб-силкиниб кетарди.

– Қизим, ўзингни босиб олиб, менга Ўлмас билан нима учун келиша олмай қолганларингни бир бошидан сўзлаб бер-чи, – деди.

Шабнам кўзларининг ёшини қўллари билан тез-тез артиб, бурнини тортиб қўйди. Омон ота унинг бу ҳаракатини ёш болага ўхшатиб, бечора, ҳали гўдак-ку, деб ўйлаб, унга раҳми келиб кетди.

Шабнам, қандай гапираман, дегандек Омон отага қараб қўйди.

– Сен, мендан уялишни ҳам, барча одатларни ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, менга Ўлмас билан ўрталарингда нима учун жанжал чиқаётганини тушунтириб бер. Ҳаммасидан ҳам муҳими шу, чунки бунақада турмушларингиз бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Қани, гапир-чи, – деб Омон ота Шабнамдан жавоб кутиб қаради.

Шабнам гапиришдан бошқа чораси қолмаганини билиб, секин сўз бошади:

– Дада, ўғлингиз мени ноҳақ айблаяпти, менинг гапларимга ишонишни истамаяпти, – деди яна кўзларига ёш олиб.

– Ўзи у сени нимада айблаяпти?

– Мени, бошқа бир биров билан юргансан, дейди, – деб Шабнам оғзини қўллари билан бекитди.

– У бу гапни қаердан олди?

– Ўртоғи Маҳмуддан эшитган эмиш.

– Унинг гапи тўғрими?

– Ҳечам, тўғримас, ахир мен уни яхши кўрсам, совчиларига рад жавобини берармидим?!

– Сенга у йигитдан совчи келганмиди?

– Ҳа, бир неча марта, лекин мен унга тегишни хоҳламагандим.

– Сен буни Ўлмасга тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдингми?

– Ҳа, улар, сен у билан юргансан, фақат даданг сени Ҳумоюнга беришни истамаган, холос, дейди.

– Ким у, Ҳумоюн?

– Ўша, йигит...

– Ростини айт, сен ўзи Ўлмасни озгина бўлса ҳам яхши кўрасанми?

Шабнам, яна йиғлаб юборди. Об-бо, ҳадеб йиғлайверар экан-да, ўйлади Омон ота. Шабнам ўрнидан туриб:

– Агар мен уларни ёмон кўрсам, қачонлар уйга кетиб қолган бўлардим. Нима десалар ҳам чидаб ўтирибман... – деб у уйга югуриб кириб кетди.

Омон ота келинида айб йўқлигини сезди. У Ўлмаснинг ишдан келишини кута бошлади. Ишқилиб бугун ҳам ичиб келмасин-да, ўйлади у.

Ўлмас ишдан келиши билан, уни кутиб ўтирган дадасига кўзи тушиб:

– Ассалому алайкум дада, тинчликми? – деди.

– Овқатланасанми? – деди Омон ота совуққина қилиб.

– Йўқ, қорним тўқ...

– Шунақами, бўлмаса, юр, сен билан гаплашадиган гап бор, – деб ўрнидан турди Омон ота.

– Хўп, – деб Ўлмас унга эргашди.

Омон ота ичкаридаги катта меҳмонхонага кирганларидан кейин:

– Эшикни бекит, – деди ўғлига.

Ўлмас эшикни бекитиб:

– Нима қилмоқчисиз, дада? – деди Ўлмас, гап Шабнам иккаласи ҳақида бўлишини сезаётган бўлса ҳам, сир бой бермай.

– Қани, ўтир-чи, бугун ичмаганинг яхши бўлибди. Бир ота-болага ўхшаб гаплашиб олайлик.

– Эшитаман, дада.

– Мен сенга айтсам, келинни нимада айблаётганингни, сен айтмасанг ҳам ўзим ҳаммасини билиб олдим. У бечорани илгари Ҳумоюн исмли йигит билан юрганликда айблаётган экансан.

Ўлмас индамай ерга қаради.

– Хўш, бунга бирор асосинг борми?

Ўлмас индамади.

– Нима, менга гапирмоқчи эмасмисан, сен фақат ўша Маҳмуднинг гапи билан айбсиз хотинингга

ноҳақ туҳматлар ёғдирасанми?! Ўша аҳмоқ ўртоғингнинг отаси ҳам ғирт аҳмоқ эди. Унинг учун бировнинг оиласи бекорга бузилиб кетишининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Шунинг учун ҳам унга «Ғани тентак» дейишларини биласанми?! Баракалла, ўғлим, дўст танлашда адашмабсан!

– Мен у билан дўст эмасман, фақат бир жойда бирга ўтириб қолган эдик, шунда ўзи гапириб қолди...

– Агар у ақлли одам бўлса, бировнинг хотини тўғрисида бўлмағур гапларни вайсайдими, ўзинг шу тўғрида ўйлаб кўрмадингми?

– Нима фарқи бор, ақллими, тентакми, агар бўлмаган гап бўлса, Маҳмудга нима зарил менинг хотиним тўғрисида ёлғон гапиришнинг, дада!

– Агар сен шундай фикр юритсанг, умуман, миянг жойида эмас, экан-ку! – деди Омон ота ўғлидан ғазабланиб.

– Нима демоқчисиз?

– Ахир биров хотининг тўғрисида бир нима деса, нима учун ундан исботлашни талаб қилмайсан. Аёлингнинг шаънига кимдир доғ туширмоқчи бўлса, сен уни ҳимоя қилиш ўрнига, келин бечорага азоб берасанми, аҳмоқ!

– Мен нима бўлганини билмайман-ку, балки Маҳмуд ҳақдир.

– Билмасанг билганингдан кейин гапир, бировнинг фарзандига у аёл бўлгани учун хоҳлаганча ҳақоратлашим мумкин, деб ўйлайсанми?!

– Дада, тўғрисини айтсам, қандай қилиб ҳақиқатни билиб олишни, ўзим ҳам билмай қолдим.

– Сени тушуниб турибман ўғлим, қайсидир файласуф, «Мавҳумликдан кўра ортиқроқ азоб йўқдир» деганида балки сенинг аҳволингга тушган кишини назарда тутгандир. Лекин сен нима учун мендан йўл-йўриқ сўрамадинг?

– Бунақа гапларни гапиришга ғурурим йўл қўймаганди.

– Аҳмоқ бола, икки йилдан бери ўзингни ҳам, келинни ҳам қийнаб, юргунча, бу бемаъни гапнинг тагига етсанг бўлмасмиди?

– Қандай қилиб? Менинг хотиним фалончи билан юргани тўғрими, деб сўрашим керакмиди?!

– Йўқ, унақа қилиш шартмас, одам деган ҳар хил вазиятда ҳам ўзига ҳеч нарса юқтирмасдан аҳволни аниқлаб олишга уриниши керак-да. Масалан, сен ўша Ҳумоюнни жуда яхши биладиган ўртоғини топишинг мумкин эди, у билан худди тасодифан учрашиб қолгандек гаплашиб, кейин унинг яхши кўрган қизи ҳақида гап очишинг мумкин эди. Ёки бўлмаса, Шабнамнинг қўшнилари, ўзи тенгги йигитлар бордир, ўшалар нима бўлганини жуда яхши билишади. Улардан ҳақиқатни аниқлаб олиш мумкин эди. Менимча, ҳали ҳам кеч эмас, бирор йўлини топиб, хотининг тўғрисидаги бўҳтонни аниқлаб ол, кейин нима қилишни ўйлаб кўрамиз.

– Билмадим...

– Нимани билмайсан, агар менга ишонсанг, бу ишни ўзим қилишим мумкин, ахир бировга бекордан-бекорга азоб бериш, гуноҳ-ку, ўғлим, – деди Омон ота сал жаҳлдан тушиб.

– Биламан, ўзимам қийналиб кетдим, дада.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Ҳаммасини тушундим, сиз аралашманг, бу ёғини энди ўзимга қўйиб беринг! – деб Ўлмас чиқиб кетди.

Омон ота ўғлининг етарлича қайсар эканини биларди. Лекин унинг ғурури ҳамма нарсадан устун эканини ҳам билар, Ўлмаснинг шу сифатини унинг ўзига билдирмасдан жуда яхши кўрарди.

Омон ота ўғлининг раҳматли Шамсия опани эслатувчи оппоқ, ҳамиша кулгига мойил бўлиб турадиган

юзини, маъноли қарашларини, келишган бўйи-бастини, ҳамма-ҳаммасини яхши кўрар, уни ҳеч қачон хафа қилгиси келмасди. Шунинг учун ҳам у ҳозир Ўлмасга қаттиқ гапирганидан кўнгли аллақандай хижил бўлганини сезди. Лекин бошқа иложим йўқ эди-да, деб қўйди у ўзига ўзи.

* * *

Мана бир ҳафта бўляпти, Ўлмас уйга ичмасдан, ўз вақтида келяпти, келинга ҳам бақир-чақир қилмай қўйди. Омон ота ўғлига илгарироқ дакки бериб қўймаганига пушаймон ҳам қилди. Лекин келин ҳамон хомуш юради.

Омон ота шуларни ўйлаб, ҳовлидаги супада чой ичиб ўтирганида, акаси Бердиёр отанинг ўртанча ўғли Шоқосим кириб келди:

– Амаки, ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, кел Шоқосим, даданг яхши юрибдими?

– Раҳмат, амаки, ўзингиз тинч ўтирибсизми?

– Раҳмат, ўғлим, бир келай, амакимдан хабар олай ҳам демайсан, ишларинг кўпми?

– Ҳа, энди тирикчилик, шу ердан ўтаётган эдим, сизни кўриб чиқай деб олдингизга кирдим.

– Раҳмат, аканглар янги уйга кўчиб ўтишдими?

– Ҳа, секин-секин кўчишяпти, бутунлай кўчиб ўтишгандан кейин сизларни таклиф қилишмоқчи. Айтмоқчи, амаки, Ўлмас келин билан тинчиб қолдими? – деди Шоқосим, кўзи билан ичкарига ишора қилиб.

Э, Бердиёр акам шу гапларни ўғилларига айтмаса нима қиларди, энди бу Ўлмаснинг қулоғига етса мендан хафа бўлади-да, деб ўйлади Омон ота.

– Ҳа, майда-чуйда англашилмовчилик ҳамма оилада ҳам бўлиб туради, ўғлим. Ўлмас сал эркароқ-да. Келинни бекорга хафа қилиб қўйганини

эшитиб уришиб бердим. Худога шукр, ҳозир ҳаммаси яхши, кўнгилсизликлар ўтиб кетди.

– Ундай бўлса, яхши, дадам хавотир олаётган эдилар.

Шоқосим, кетиш учун ўрнидан турди:

– Амаки, рухсат берсангиз, мен борай, бошқа ишларим бор эди.

– Ўтирмайсанми, ўғлим, ҳозир Ўлмас ҳам келиб қолади, бирга овқатланардик.

– Раҳмат, амаки, кейинроқ келарман, бафуржа гаплашиб ўтирадиган бўлиб, – деб Шоқосим хайрлашиб кетди.

Акам бечора биздан хавотир олиб, ўғлига мендан хабарлашиб ўтишни сўраган бўлса керак, ўйлади Омон ота.

Салдан кейин Ўлмас ишдан келди, унинг кайфияти яхши эди, буни кўриб Омон отанинг ҳам чеҳраси очилди. Шундан кейин Ўлмас ишдан ҳар куни одатдагидек яхши кайфиятда келадиган бўлиб қолди.

* * *

Эрталабдан кўк юзини қоплаган қоп-қора булут, на тарқалиб, ҳаво очилди, на шаррос қуйиб, ёмғир ёғди. Кечгача ҳавонинг шу ҳолатда бу туриши Омон отага ёмон таъсир қилганиданми ёки бошқа сабабданми, нима учундир унинг боши оғриб, ўзини лоҳас ҳис қила бошлади. Куз фаслида тез-тез такрорланиб турадиган бундай булутли кунлар Омон отага ёқмасди. У хонасига кириб, ётиб олди.

Вақт алламаҳалда Ўлмас эшикни шарақлатиб очиб кириб келди. Омон ота ухламаган эди. У ўғлининг ҳалигача келмаганидан хавотирланаётгани учун, ўрнидан туриб, ўғлига пешвоз чиқди.

– Ўғлим қаерларда қолиб кетдинг, хавотир олаётган эдим, – деди Омон ота.

– Дада-а, х-хавотир олманг, м-мана к-келдим-ку, – деди Ўлмас, тили зўрға айланиб.

– Яна ичдингми, мен ҳаммаси ўтиб кетди, деб ўйлаб, хурсанд бўлиб ўтирган эдим, – деди Омон ота хафсаласи пир бўлиб.

– Д-дада, бу сафар хурсандлигимдан и-ичдим, к-кўряпсиз-ку, ҳаммаси яхши-и, эртага гаплашамиз, у-уйқум келяпти, майлими, у-узр, д-дада, – деб Ўлмас хонасига кириб кетди.

– Омон ота бу сафар ўғлидан унча хафа бўлмади, чунки у бақириб, чақириб келмади, кайфияти яхши, демак, келиндан хафа эмас, деб ўйлади у.

Лекин жуда кўп ичиб қўйибди-да, яқинроқ ўртоғининг туғилган кунимикан, шу аҳволда рулга ўтирган-а! Ҳа, майли, эсон-омон келибди-ку. Эртага гаплашиб қўярман, деб Омон ота анча пайтгача уйқуси келмай ётди.

У ўғлининг хонасидан ҳеч қандай овоз келмаяптимикан, деб қулоқ солди. Ҳамма ёқ жимжитлик бўлгани учун, Омон ота, Ўлмас энди жанжалашишни ташлади, бекорга хавотир олибман, деб ўйлади ва кўнгли хотиржам бўлиб кўзи уйқуга илинди.

Омон ота секингина эшик очилганига ўхшаган овозни эшитиб, кўзини очди ва яна қулоқ солди, бошқа ҳеч қандай товуш эшитилмагандан кейин, қариб, ваҳимачи бўлиб қолибман, ахир келин бечора сув ичишга чиққандир, шунгаям дарров уйғонибман деб, бошқа томонига ўгирилиб ётганича, ухлаб қолди.

Омон ота гумбурлаган овоздан уйғониб кетди. Шу пайт чақмоқ чақиб, хонани ёритиб юборди. Ие, ёмғир ёғяпти, шекилли, куз ҳам охирлаб қолди, бу ёғи энди қиш-да, ўйлади у ва деразага қаради. Ташқари қоп-қоронғи кўринди. Бунақа ёмғирда ҳаво булут бўлгани учун, тонг ёришганини ҳам билолмайсан, соат неча бўлган экан?

Омон ота ўрнидан туриб, ётоқхонасидан чиқди. Соатни кўриш учун катта даҳлизнинг чироғини

ёқди. Улкан қандилдаги сон-саноқсиз чироқлар бирданига ёниб, отанинг кўзини қамаштириб юборди, шекилли, у чироқни ўчириб, деворга жойлашган кичикроқ лампани ёқди. У, капгири салобат билан у ёқдан-бу ёққа секин тебранаётган маҳобатли соатга қаради.

Соат еттига яқинлашиб қолибди, бомдод номозини ўқиб олсам бўлади, деб Омон ота чиқиб кетмоқчи бўлиб турганиди, йўлакнинг охиридан эшикнинг «ғийқ» этган товуши келди. Ота ўша тарафга қаради. Бу Ўлмасларнинг ётоқхонасининг эшиги эди. Эшик очиқ қолибди-ку, ишқилиб шамоллаб қолишмаган бўлсинлар-да.

– Ўлмас, ўғлим эшигингларни бекитиб олинглар, ҳаво совуқ! – деди.

Шу пайт яна момақалдироқ гумбурлаб кетди. Худди осмон ёрилиб кетганга ўхшайди-я, – деди Омон ота узлуксиз гумбурлаш узоқ давом этганига қулоқ соларкан.

Омон ота намозини ўқиб бўлганидан кейин, сув ичгиси келиб, ошхонага ўтди. Ҳар доим тонг саҳардан ошхонада куймаланиб юрадиган келини Шабнам, нима учундир кўринмади. Ухлаб қолибди, шекилли, ўйлади ота.

У ўғлининг ётоқхонаси томонга қаради, эшик ҳалиям очиқ турарди. Буларга нима бўлган ўзи, Ўлмас-ку, кеча ичиб келгани учун донг қотиб ухлаб ётган бўлса керак, ахир келин менинг овозимни эшитиб ҳам уйғонмадимикан? Унақа одати йўқ эди-ку.

Омон ота уларнинг эшиги томонга юрди ва яқинлашганидан кейин:

– Қизим, Шабнам, ухлаб қолдингми, эшик ҳам очиқ қолибди? – деди.

Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Омон ота яна гапирди:

– Ўлмас, нимага индамаяпсизлар?!

Отанинг юраги ниманидир сезиб, ланг очиқ турган эшикдан ичкарига кирди ва чироқни ёқди, унинг кўзи ётоғида қонга беланиб ётган Шабнамга тушди. Унинг елкасига ёйилган патила-патила соч-лари қон билан ёпишиб қолган эди.

Омон отанинг бақирган овозига Ўлмас уйғониб кетди. Унинг қўлида қонли пичоқ бор эди.

– Нима бўлди, дада, – деди у уйқудан кўзларини зўрға очиб.

Омон ота гапира олмай, қўли билан келини ёт-ган томонни кўрсатди. Ўлмас ўгирилиб Шабнамга қаради. У пастга қараб ётган куйи ҳамма ёғи қонга беланган хотинини кўриб, сесканиб, ўрнидан туриб кетди. Шундагина у қўлида маҳкам ушлаб турган пичоқни додлаганича отиб юборди.

– Дада, ўзи нима бўлди! – бақирди у.

Омон ота ҳеч нарса дея олмай, деворга суянгани-ча оёқларида мадор қолмаганидан, ўтириб қолган эди. У анчадан кейин ўзига келиб:

– Нима қилиб қўйдинг, ярамас! – деди ва ўрнидан туриб бошқа хонага ўтиб, қалтироқ қўллари билан гўшакни кўтарди, кейин қўнғироқ қила бошлади.

* * *

Тергов давомида Ўлмас деярли бир хил гапни такрорларди:

– Мен хотинимни ўлдирмаганман! Уни ўлдирган бўлишим мумкин эмас! Мен қотил эмасман!

Лекин ҳамма далиллар унга қарши эди. Узоқ давом этган терговда Ўлмас ўзининг айбсизлигини исботловчи бирорта важ кўрсата олмади.

У хотинини қасддан пичоқлаб ўлдиришда айбла-ниб, суднинг ҳукми билан умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди.

...Ўлмас қамоқда ўтирганига ўн бир йил бўлган бўлса, шу йилларнинг ҳар бир кунида, ҳар бир лаҳзасида у изтиробли саволлар исканжасида қий-

наларди. Мен Шабнамни қандай қилиб ўлдирган бўлишим мумкин, нима учун, ахир?! Хотинимда айб йўқлигини аниқлаган куним, тунда уни ўлдиришим мумкинми? Наҳотки, терговчининг гапи тўғри бўлса, жуда кўп миқдорда спиртли ичимлик ичганим учун, нима қилганимни билмаган эмишман!

Минг лаънат ўша спиртли ичимликка! Мен дунёга келиб, 24 ёш яшадим, бундан бу ёғи эса қамоқда, панжара ортида ўтади. Қандай даҳшат! Ундан кўра менга нима учун ўлим жазосини бериб қўя қолишмади. Бу жазонинг ўлимдан ҳам оғирроқ бўлгани учунми?!

Ўғли қамалганидан кейин Омон ота ҳам уйдан чиқмай, қамалиб қолди. У кун бўйи индамасдан ўтирар, ҳатто айрим кунлари туз ҳам тотмасди.

Бердиёр ота укасидан хавотирланар, унинг ёнига ўртанчи ўғли Шоқосимни оиласи билан кўчириб олиб борган бўлса ҳам, ўзи ҳар куни бориб хабарини олар эди. У бир куни борганида Омон ота шифтга тикилганича ётарди. Акасининг кирганини кўриб, ўрнидан туриш учун қўзғалди. Улар ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин, Бердиёр ота:

– Омон, ука, бунчалик куяверма, ўзингни анча олдириб қўйибсан, оёқларим оғрияпти деган эдинг, энди тузук бўлиб қолдими? – деди.

– Наридан-бери...

– Қўйсанг-чи унақа гапларни, соғлигингни ўйла, маҳаллага чиқ, бизникига бор, ётаверсанг ўлиб қолишинг мумкин, ахир!

– Қанийди, шундай бўла қолса, Худо менга ҳатто шуни ҳам раво кўрмаяпти.

– Э, нафасингни иссиқ қилсанг-чи, Омон, мен сенга бир гап айтайми?

– Нима экан? – деди Омон ота.

– Мен Ўлмаснинг қотиллик қилганига ишонмайман, ҳар доим менинг назаримда унинг айбсизлиги

аниқланиб, эшикдан кириб келаётгандек бўлаверади.

– Қанақасига, ахир ўшанда ўз кўзларим билан кўрганман унинг қўлидаги қонга беланган пичоқни!

– Ўлмасдай оққўнгил йигит бировни ўлдириши мумкинми?

– Ҳа, у ичкилик туфайли қотил бўлиб қолди. Минг лаънат ўша ичкиликка! – деди Омон ота лаблари титраб.

– Болалар сени хафа қилишмаяптими? – деди Бердиёр ота гапни бошқа ёққа буриб.

– Йўқ, бахтимга шу болаларингиз бор экан, улар билан анча юпаниб ўтираман.

– Улар сенинг ҳам болаларинг.

– Раҳмат, ака, ишқилиб сиз соғ-саломат юринг, сиз бўлмасангиз, мен бир кун ҳам яшамасдим.

– Э, ука, ҳали иккаламиз кўп яшаймиз, мана Шоқосим тўнғичини уйлаш тараддудида юрибди. Уйингга яна бир келин туширасан, кейин иккинчисини уйлайди. Қарабсанки, иккита невара келин. Худо хоҳласа учинчисини уйлантиришда ҳам ўзинг бош бўласанг, Омон!

– Э-э, – деб Омон ота бошини чайқаб қўйди.

– Сен ноумид бўлма, ука, ҳамма пешонасига ёзилганини кўради.

– Ака, ўзингизнинг соғлигингиз яхшими?

– Мен сенга айтсам, унчалик мазам йўқ, сенинг олдингга келгунча йўлларда неча марта дам оламан. Оёқларимнинг мадори қуриган. Ёшим ҳам саксон бешга бориб қолди-да.

– Ака, ҳали бақувватсиз, хавотирланманг.

– Йўқ, ука, бу ёғи яқин, шекилли. Агар менга бирор кори ҳол бўлиб қолса, мендан рози бўл.

– Нималар деяпсиз?

– Ҳар ким ўз аҳволини ўзи билади-да...

Бердиёр ота кўп ўтмай вафот этди.

Унинг ўлимидан кейин Омон ота баттар чўкиб қолди. Шоқосим ва унинг болалари Омон отанинг атрофида парвона эдилар. Улар нима қилсак отанинг кўнглини топар эканмиз, деб гирдикапалак бўлишарди.

Шоқосим катта ўғлини уйлантирди. Невара келин ҳам яхшигина қиз экан. У Омон отага эрталабдан ғамхўрлик қилишни бошлар, хилма-хил овқат пишириб, олдидан олиб, олдига қўярди. У нимаси биландир раҳматли Шабнамга ўхшаб кетарди.

Шунинг учун бўлса керак келинни ҳар кўрганида Омон отанинг кўнгли бузилиб, кўзларига ёш келарди.

* * *

Шоқосимнинг хотини Бибинур ўзига тўқ оиланинг қизи бўлиб, унинг биттагина укаси бор эди. Бибинурнинг ота-онаси, қизларидан кўнгли тўқ эди. Чунки куёвлари мўминқобил киши, учта ўғли, битта қизи бор эди. Ягона ўғиллари Қаҳрамон эса бефарзанд эди.

Чол-кампир ҳамиша дуога қўл очганларида Қаҳрамонга фарзанд беришни тилаб, илтижо қилишарди.

Қаҳрамон йўл-йўлакай опаси, жиянлари билан сўрашиш учун уларникига кирди. Бибинур укасини кўриб севиниб кетиб:

– Укажон, сени кўрадиган ҳам кун бор экан-ку, – деди унинг елкасини қоқиб кўришаркан. – Вой, кийиминг ҳўл бўлибди, кўчада ёмғир ёғаётган эди, анча кучайибди, шекилли. Еч, илиб қўяман.

– Опа кўришганимизга эндигина бир ҳафта бўлди, дарров соғиниб қолдингизми? – деди Қаҳрамон кийимини ечиб унга узатаркан.

– Бир кунни айт, укажон, сени ҳар куни соғинаман! – деб Бибинур уни меҳмонхонага бошлади.

– Раҳмат, опажон.

– Қаҳрамон, ишларинг яхшими? – сўрашди Шоқосим Қаҳрамоннинг ёнидаги стулга ўтираркан.

– Раҳмат, почча, ўзингиз яхши юрибсизми?

– Раҳмат, дадамлар, ойимлар, келин ҳаммаси тузукмилар. Келиндан суюнтирадиган яхши хабарлар борми?

– Бўп қолар... – деди Қаҳрамон унга бу саволнинг ёқмаганини билдириб, қовоғини солиб.

– Келиндан қандай хабар бўлиши мумкин, ахир докторлар унинг туғмаслигини узил-кесил айтишган-ку! – деди Бибинур, ўзига ёқадиган мавзу очилганидан хурсанд бўлиб.

– Опа, бошқа гаплардан гаплашсак, дегандим!

– Доим шунақасан, гап келиннинг туғмаслигидан бошланса, гапни бошқа ёққа бурасан. Ахир боладан ҳам муҳимроқ гап борми, ука?

– Гапирган билан нима фойдаси бор?

– Ўзинг ўйлаб кўр, ота-онамиз қариб қолдилар, улар ҳам бошқаларга ўхшаб невара кўришни истайдилар. Яна бир ўғиллари бўлиб, ундан невералари бўлса ҳам, бошқа гап эди. Сен уларнинг ёлғиз ўғиллари бўлганингдан кейин, фақат сенга кўз тикишади-да!

– Қизиқ экансиз, мен нима қилишим керак?!

– Сенга нима қилишинг кераклигини бир неча марта айтганман. Мен сендан бор-йўғи олти ёш каттаман. Худога шукр, келин туширдим. Сен ҳам бизнинг гапимизга қулоқ солиб бошқага уйланганингда ҳеч бўлмаса ўғлингни суннат тўйини қилган бўлармидинг? Ҳалиям кеч эмас, ўша туғмас хотинингни қўйиб, бошқасига уйлан!

– Опа, мен Санамни яхши кўраман, ажрашишни хоҳламайман!

– Яхши кўрармиш, битта фарзанд туғмаган хотинни бошингга урасанми?

– Опа, нима бўлса ҳам бу менинг ҳаётим, ҳаётимга аралашишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! – деб Қаҳрамон кескин ҳаракат қилиб, ўрнидан турди.

– Қаҳрамон, нимага турдинг, ҳеч бўлмаса бир пиёла чой ҳам ичмасдан-а? – деди Бибинур, укасини хафа қилиб қўйганига пушаймон бўлиб.

– Раҳмат, опа, жуда яхши ўтирдик!

– Тўғри гапга нимага хафа бўласан, ахир жигаримсан. Агар билсанг, сен учун мендан кўп куядиган одам йўқ. Мен ҳам сеникига борганимда олдимда жиянларимнинг чопқиллаб чиқишларини истайман, ахир! – деб Бибинур кўзларига ёш олди.

– Мен учун куймай қўя қолинг! – деб Қаҳрамон эшикни қарсиллатиб бекитиб, чиқиб кетди.

– Ана шунақа, тўғри гап туққанингга ёқмайди, деганлари шу-да, – деди Бибинур йўлакда сўппайиб турганича қўлларини икки томонга ёйиб.

– Майли, хафа бўлма, хотин, – деди Шоқосим.

– Ўзи сиз нимага келиннинг бўйида бор-йўқлигини сўраб қолдингиз, ахир бу эркаклар сўрайдиган гапми?

– Мен қаердан билай, хаёлимга келганини айтдим-да, балога қолишимни билганимда, умуман уканг билан сўрашмасдим.

– Шунинг учун ҳам айтишади-да, гапира олмаган оғиздан... ҳар нарса яхши деб! Ўйлаброқ гапирмайсизми ёки жим ўтирмайсизми?!

– Нима, укангдан хафа бўлганингнинг аламини энди мендан олмоқчимисан?! – деди Шоқосим хотинига жаҳл билан қараб. Унинг чўзинчоқ юзи баттар чўзилиб, қисиқ кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.

* * *

Қаҳрамон кейинги пайтларда кўпроқ ичадиган бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам унинг бугун кечаси ичиб, ғирт маст бўлиб келиши, уйдагиларнинг ҳеч қайсисини ажаблантирмади.

Унинг бу ҳолга тушишида Санам ўзини айбдор ҳис қиларди. У эрига эшикни очиб келганидан кейин индамай жойига ётиб олди. Қаҳрамон эса чала ечиниб ётаётганида, ниманидир тарақлатиб юборди ва бўралаб сўкинди. Санам ўзини ухлаганга солиб ётган бўлса-да унсиз йиғларди.

Ўғлининг келишини кутиб, ухлай олмай ётган Зебо опа эри Нўъмон акани туртиб:

– Қаҳрамон келди, шекилли, бугун ҳам мастга ўхшайди, – деди.

– Ухласанг-чи, фол очмасдан!

– Эшитмаяпсизми, ўғлингизнинг сўкинишини? Агар ичмаган бўлса, бунақа гапларни оғзига ҳам олмасди!

– Нима деди? – деди Нўъмон ака уйқусираб.

– Э, сизга унинг сўкинишини такрорлашим керакми?

– Бўлмаса, жимгина ётгин, хўпми?

– Майли...

Зебо опа эрталаб ҳовлига чиқиб:

– Кечаси билан роса ёмғир ёғибди-да, – деди.

– Март ойида ёғингарчилик кўп бўлади, осмонда булутнинг қуюқлигига қараганда, яна ёғадиган кўринади.

– Шунақага ўхшайди.

Ҳар куни эрталаб барвақт туриб олиб, супуриб-сидириб, ошхонада пишир-куйдирни бошлаб юборадиган келин бугун кўринмаганига ҳайрон бўлиб Зебо опа соатга қараб қўйди.

– Саккиз бўляпти, Санамдан дарак йўқ, дадаси, – деди ювиниб чиқиб, чой-пой келишини кутиб ўтирган Нўъмон акага қараб.

– Умрингда бир марта бўлса ҳам, ўзинг нонушта тайёрлагин, барака топгур, келин бечора ҳам тўйиб ухласа, ухлапти-да!

– Нима деяпсиз, дарров эсингиздан чиқдими, саҳарлаб туриб, нималар қилишларим... Ахир уйда келин бўлса, менинг ошхонада юришим уят бўлади-ку, дадаси.

– Ҳа, албатта, келинга ёрдамлашиш жуда уят иш, бу одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди, – деди Нўъмон ака кесатиб.

– Бунақа гапларни қўйсангиз-чи, ўғлингиз кеча ичиб келган эди. Ёки улар кечаси билан ухламай, энди ухлашдимикин? Яхшиси мен бориб хабар олайчи, – деб Зебо опа ўрнидан турди.

– Ишқилиб, уларни тинч ухлашга қўйма, бориб уйғот, ахир чойни ким дамлайди?!

Зебо опа Нўъмон аканинг гапларига парво қилмай, қўл силтаб, ўғлининг хонаси томонга кетди. У хонанинг эшигини секин тақиллатиб:

– Санам, ухлаб қолингми, қизим, ишқилиб, тани жонинг соғми? Ёки касал– масал бўлиб қолдингми? – деди.

Ҳеч ким Зебо опага жавоб бермади.

Зебо опа эшикни қаттиқроқ тақиллатиб:

– Қаҳрамон, ўғлим, тинчликми, сизларга нима бўлди?! – деди овозини баландлатиб.

– Ойи, ухлаяпмиз... – деган Қаҳрамоннинг уйқусираган овози эшитилди.

– Майли, лекин келинни уйғот, – деди Зебо опа.

– Хўп... Санам, Сан-а-ам!..

Зебо опа ўғлининг бақиришига қўрқиб кетиб, хонага отилиб кирди.

У кириб келинининг қонга беланиб ётганини ва ўғлининг қўллари қон ҳолда ўтирганини, қонга беланган пичоқ эса унинг ёнгинасида ётганлигини кўриб, эси оғиб қолай деди.

Зебо опа тезда ўзини ўнглаб олиб:

– Дадаси, бу ёққа келинг! – деб чақирди.

Югуриб келган Нўъмон ака хонадаги аҳволни кўриб:

– Қаҳрамон, шу ичкилик сени бир балога гирифтор қилишини сезгандим-а, мастликда хотинингга пичоқ урдингми?! Энди нима қиламиз?! – деб бориб келининг томирини ушлаб кўрди.

– Секин бўлса ҳам томири уряпти! Ишқилиб, тирик қолсин-да. Зебо, сен дарров тез ёрдамга қўнғироқ қил! Мен қўлимдан келганича унга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Нўъмон ака жарроҳ бўлмаса ҳам, касби врач бўлгани учун, Санамга биринчи ёрдам кўрсата бошлади.

Қаҳрамон ўрнидан туриб:

– Дада, бу ишни мен қилганим йўқ, ишонинг, нима бўлганини билмайман! Дада...

– Қаҳрамон, ўғлим, ўзингни қўлга ол! Менга ҳалақит берма! Келин тирик қолиши керак, акс ҳолда сен қотил бўлиб қоласан! Нўъмон ака ҳеч қаёққа қарамасдан жон жаҳди билан Санамни сақлаб қолишга ҳаракат қиларди.

– Нима?! Қотил, нима учун... Мен нимага Санамни ўлдиришим керак?!

Қаҳрамон хонада телбага ўхшаб қўлларининг қони билан у ёқдан-бу ёққа юрарди.

– Келишди, дадаси, милиция, тез ёрдам, ҳаммаси... – деди Зебо опа.

– Сиз ким бўласиз? – деди Нўъмон аканинг қаршисига келиб, қўлида папка ушлаган, қорачадан келган, серсавлат киши.

– Мен шу келиннинг қайнотасиман, касбим врач бўлгани учун, унга ёрдам беришга ҳаракат қилаётган эдим.

– Келинингиз тирикми?

– Ҳа, ҳозирча...

– Аҳволи қалай? – сўради терговчи Санамни юрак уришини аниқлаётган врачдан.

– Ёмон, кўп қон йўқотган кўринади, тезда олиб кетиб, қон қуйишни бошлаш керак.

– Тушунарли.

– Мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Мирзаев Собиржонман, – деб ўзини таништирди, ҳалиги одам.

– Нимага, терговчи?..

– Бизга ўғлим келинимни пичоқлаб қўйибди, деб хабар беришди, шунинг учун, хизматчилик.

Санамни тезда касалхонага олиб кетишди.

– Жабрланувчини пичоқлаб қўйган сизми? – деди Собиржон қўлларининг қони билан турган, ҳалигача ўзига келмаган Қаҳрамонга қараб.

– Мен пичоқламадим...

– Унда қўлларингиз нимага қон?

– Ўзим ҳам ҳайронман, кеча кўпроқ ичган эдим, ишонаверинг!

– Майли, олиб кетиб мастлик даражасини, қон таркибини, ҳаммасини аниқланглар, – деди Собиржон.

Эксперт Султон ака хонадаги бармоқ излари ва бошқа излардан нусха олиш билан банд эди.

У ерда қонга беланиб ётган пичоққа кўзи тушиб, уни пакетга солди.

– Жиноят қуроли шу пичоқ бўлса керак? – деди Собиржон.

– Ҳа, шунақага ўхшайди.

Зебо опа иккита милиция ходими ўғлини етаклаб кетаётганини кўриб:

– Вой, шўрим! Вой, шўрим! – деганича ҳушидан кетиб қолди.

Собиржон Нўъмон акани сўроқ қиларди. У хотинининг йиқилиб қолганини кўриб:

– Майлими, унинг ўзига келишига ёрдам берсам? – деди.

– Ҳа, боринг, кейин давом этамиз.

* * *

Собиржон билан Фарҳод жабрланган Хуршидова Санамга берилган суд-тиббий экзпертизаси хулосаларини муҳокама қилишарди.

– Собиржон ака хулосада айтилишича жабрланувчи уйқудалигида унинг орқасига юракни мўлжаллаб пичоқ урилган.

– Ҳа, мен ҳам шунга ҳайрон қолдим, нима учун уйқусида хотинини ўлдирмоқчи бўлган?

– Балки ундан қутулишни мақсад қилиб қўйган бўлса, мастлигида шуни амалга оширмоқчи бўлгандир.

– Лекин бу менга қандайдир ғалати туюляпти.

– Пичоқдаги бармоқ излари Хуршидов Қаҳрамонга тегишли экан. Хонадан эр– хотиннинг бармоқ изидан бошқа бормоқ излари топилмаган.

– Ҳа.

– Менимча, бу жиноят бўйича сўроқ қилиш ишларини ҳам тезда якунласак бўлади.

– Нимага?

– Чунки бу ерда ҳаммаси очиқ-ойдин, қидирадиган, аниқлайдиган ҳеч нарса йўқ, деб ҳисоблайман.

– Жабрланувчининг тирик қолиши жуда муҳим, у гапира олса, ҳаммасига аниқлик киритиши мумкин, деди Собиржон.

– Унинг аҳволини сўраган эдим, даволовчи врач унинг аҳволида ўзгариш йўқлигини айтди.

– Кўп қон йўқотган экан, тирик қолиши гумон дейишяпти.

– Ҳа, ишқилиб, тузалиб кетсин, бўлмаса, бизга қийин бўлади.

– Сиз, ҳозиргина бошқача деётган эдингиз-ку?

– Ҳа, мен бошқача фикрдаман, лекин сиз фақат ўзингизнинг фикрингиз билан юрасиз-ку, менинг фикрим эса...

– Мен кимнинг фикри бўлса ҳам ҳақиқатга яқинини оламан.

– Ҳа, кўрамиз, қандай бўларкан.

– Айтмоқчи, эртага терговга гумонланувчининг ота-онасини чақирганман.

– Хўп.

Терговчининг қаршисида ўтирган Нўъмон ака унинг саволларига ўйлаб-ўйлаб жавоб беришга ҳаракат қиларди.

– Айтинг-чи, келинингиз билан ўғлингиз неча йилдан бери бирга яшашади?

– 13 йил бўлиб қолди.

– Нечта фарзандлари бор?

– Фарзандлари бўлмаган.

– Айб қайси бирида экан, аниқландими?

– Келинда...

– Ўғлингиз фарзанд кўрмасликда уни айблаб тез-тез жанжаллашармиди?

– Бирор марта ҳам бундай бўлмаган!

– Наҳотки?

– Ҳа, Қаҳрамон келинни яхши кўради, бизнинг у билан ажрашиб, бошқага уйлан деган, маслаҳатимизга қулоқ ҳам солмайди. Улар яқинда бола асраб олмоқчи эдилар. Биз ҳам онаси билан бу гапга рози бўлган эдик.

– Ундай бўлса улар ўртасидаги келишмовчилик нимада эди?

– Келишмовчиликнинг ўзи бўлмаган.

– Унда нима учун ўғлингиз келинни ўлдирмоқчи бўлиб пичоқ урган.

– Ўлдирмоқчи бўлиб?..

– Ҳа, экспертиза хулосаларига қараганда, пичоқ қоқ юракка қадалиши мумкин бўлган, фақат бу ерда пичоқнинг биринчи қовурға суягига тегиб кетиши, пичоқ юракни четлаб ўтишига олиб келган. Буни келинингиз учун бахтли тасодиф бўлган дейиш мумкин.

– Лекин у жуда кўп қон йўқотган, соғайиб кетсин-да...

– Эшитдим, қонингиз гуруҳи келинингизникига мос келаркан, қон бераётган экансиз.

– Имкони борича...

– Ўша тунда, уларнинг хонасидан ҳеч қандай уришиш, бақириш ёки бошқа овозлар эшитилмадими?

– Мен ухлаб қолганман, ҳеч нима эшитмадим, лекин онаси бир нималарни эшитдим, деганди.

– Нимани?

– Унинг ўзидан сўрай қолинг, ўзи аниғини айтади.

– Майли, сиз бораверинг.

Зебо опа Собиржоннинг саволларига жавоб бераркан, келинини жуда яхши аёл эканини айтиб мақтарди:

– Ўзи келиним, шунча йил бирга яшаган бўлсак, ҳеч қачон овозини баландлатмаган, ҳатто қовоғини солмаган. Мен унга қанча жаҳл қилсам ҳам, хўп, ойижон, кечирасиз ойижон, дейишдан нарига ўтмаган...

– Зебо опа, мен сизга қандай савол берсам ҳам, нуқул келинингизни мақташга ўтасиз. Сиз саволларимга жавоб беришингиз керак. Ахир, биз, жиноятда келинингизни айбдор деётганимиз йўқ-ку, ўғлингиз келинигизга пичоқ урганликда гумон қилиняпти, шуни сиз тушуняпсизми?

– Ҳа, албатта тушуняпман, лекин яхшини, яхши дейди-да! Келиним қўй оғзидан чўп олмаган қиз бўлса, мен уни ёмонлашим керакми? Биламан, айримлар, агар келини туғмаса уни ўғлига ёмонлашади, чунки улар ўртасида жанжал чиқариб, тезроқ ҳайдаб юбормоқчи бўлишади-да. Мен ҳеч қачон бундай қилмаганман, чунки Худодан қўрқаман...

– Айтинг-чи, ўғлингиз нима учун келинингизни ўлдирмоқчи бўлиб унга пичоқ урди, деб ўйлайсиз? – деди Собиржон Зебо опанинг гапини бўлиб.

– Кошки эди, шу саволингизга менда жавоб бўлса, ўзим ҳам шуни ўйлайвериб, бошим ғовлаб кетди-ку,

ўғлим. Унақасига ўйлайман, бунақасига ўйлайман бироқ Қаҳрамоним бировга, айниқса севган кишисига пичоқ уришига ишонмайман.

– Ахир, унга пичоқ урилган-ку, ёки кимдандир шубҳангиз борми?

– Йуғ-э, менинг келиним ёмон йўлда юрмаган бўлса бизнинг душманимиз бўлмаса, унга ким пичоқ уриши мумкин? Ундан ташқари ҳеч ким уйга кирмаган бўлса...

– Сиз ўғлингизнинг қандай аҳволда уйга келганини кўрганмидингиз?

– Ҳа, у алламаҳалда келди. Келиним эшикни очди мен чиқмадим, бироқ нима бўлаётганини билиб ётдим. Қаҳрамоннинг ичиб келганини унинг сўкинишидан сездим.

– У келинга сўкиндими?

– Йўқ, бир нимани тушириб юборди, шекилли шунга сўкинди.

– Бу кўп давом этдими?

– Нима?

– Ўша сўкинишлар.

– Йўқ, фақат бўралаб бир сўкиниб, кейин жим бўлиб қолди, ухлаб қолишди, деб ўйлаб мен ҳам пинакка кетибман.

– Шунда соат тахминан нечалар эди?

– Чамамда соат тунги 1-2 лар орасида эди.

– Ўшанда келинингизнинг овозини ҳам эшитдингизми?

– У ўзи ҳечам овозини чиқариб юрмайди, уни уришиб берсангиз ҳам, овозини кўтармайди, ишқилиб соғайиб кетсин-да.

– Зебо опа, мен сиздан ўша кечаси келинингизнинг ёрдам сўрабми ёки бошқами маънода қўрққан овозини эшитмадингизми, деб сўраяпман, – деди Собиржон Зебо опанинг яна келинини мақташга ўтиб кетганига унинг гапини бўлиб.

– Ўғлим, мени кечиринг, сиз менинг аҳволимга тушининг-да, ахир мен ўлим билан олишиб ётган бегуноҳ келинимга куяймми, қўллари қон бўлиб, панжара ичида ўтирган ёлғизимга куяймми?! Шунинг учун, билсангиз, менинг ақлим жойида эмас, жинни бўлиб қолсам керак!

– Сизни тушунаман, лекин ўша кечаси келинингизнинг овозини эшитдингизми?

– Йўқ, дедим-ку сизга, унинг овозини эшитмадим.

– Тонгга яқин ҳеч қандай товуш қулоғингизга чалинмадими?

– Йўқ, ўғлим келганидан кейин ухлаганимча, ҳеч нарса эшитмадим, эрталаб уйғониб, келинимни шу аҳволда кўриб ўтирибман, қаранг, кўргилик экан, – деди Зебо опа кўз ёшларини артиб.

– Сиз менга яна бир нарсани аниқлашда ёрдам беришингизни сўрамоқчи эдим... – деб Зебо опадан муҳим бир нарсани сўрашга оғиз жуфтлаган Собиржоннинг саволини охиригача эшитмай:

– Қоқиндиқ, агар ўша аниқламоқчи бўлганингиз ўғлимнинг айбсизлигини топишда ёрдам берса, мен бажонидил ҳаракат қиламан

– Илтимос, гапимни охиригача эшитинг, балки бу жуда муҳимдир. Зебо опа, ўша воқеа содир қилинган вақтда ўғлингизнинг қўлидаги пичоқ эсингизда борми?

– Албатта, ўша ордона қолгурни эсдан чиқариб бўлар эканми?

– Эсингизда бўлса, у пичоқни таниганмидингиз, пичоқ сизларникимиди?

– Йўқ, у пичоқни умуман кўрмаганман, дадасидан сўрасам у, мен уйдаги пичоқларни қаердан биламан, бирортасиниям танимайман, деди.

– Пичоқ қаердан келган бўлиши мумкин?

– Билмайман, сизга айтсам, Қаҳрамоннинг пичоқ кўтариб юрадиган одати йўқ эди, ошхонадаги ҳам-

ма пичоқларни ўзим сотиб олганман. Ўша кечаси, Қаҳрамон олиб келдимикан?

– Зебо опа, раҳмат, кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон.

– Қизиқ, Зебо опа соат тунги 1-2 лар орасида улар тинчиб ухлаб қолишди, кейин ҳеч қандай овоз эшитмадим, деяпти. Экспертиза хулосасига қараганда, Хуршидова Санамга пичоқ 5-6 ларда урилган. Наҳотки, пичоқ ураётганида жабрланувчи қаршилик қилибми ёки ёрдамга чақирибми, ҳеч нарса демаган бўлса?

– Демак, Зебо опа ёлғон кўрсатма берган.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Собиржон ака, эътибор бердингизми, гумонланувчиниг онаси тунда келинингизнинг овозини эшитдингизми, деган саволингизга жавоб бермасдан, сизни чалғитишга ҳаракат қилди, – деди Фарҳод, компьютерни ўчириб.

– Менимча, у чалғитишни хаёлига ҳам келтирмади.

– Саволларга аниқ жавоб бермагани-чи?

– У бечора бўлган воқеа даҳшатидан ҳалигача ўзига кела олмаётганидан бўлса керак.

– Менимча, ўша аёл кўп гапириб, ниманидир бекитмоқчи бўлди.

– Агар у шунақа айёр бўлса, пичоқни илгари кўрмаганман, кечаси Қаҳрамон олиб келдимикан, деган бўлармиди?

– Билмадим, у буни нима мақсадда айтди? – деди Фарҳод елкасини қисиб.

* * *

Собиржон Қаҳрамонни жиноят содир бўлган куни тергов қилганида, у ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эди. Ёки у атайлаб ўзини шундай тутяптимикин, деган хаёлга борган эди ўшанда, Собиржон.

Қаҳрамон ҳар қандай саволга: «Мен хотинимга пичоқ урмадим! Мен уни яхши кўраман. Илтимос, у ўлмаслиги керак, уни сақлаб қолинглар! Мен унинг ўлишини хоҳламайман!» – деб йиғлаб жавоб берар эди.

Собиржон Қаҳрамонни, руҳий касал эмасмикан, деб гумон қилиб, унга нисбатан руҳий ҳолатини аниқловчи экспертиза тайинлаган эди.

Тайинланган экспертизаларнинг хулосалари билан танишаркан, Собиржон:

– Қаранг, Фарҳод, Хуршидов Қаҳрамон ҳеч қандай руҳий касал эмас экан, – деди.

– Нима, сиз уни касал деб ўйлаганмидингиз?

– Мен ўшандаёқ сезганман.

– Нимани?

– Ўзини жиннликка солаётганини-да.

– Гиёҳванд моддалар ҳам истеъмол қилмас экан, фақат ўша куни кўп миқдорда спиртли ичимлик ичган экан, холос – деди Собиржон қўлидаги қоғозни диққат билан ўқиркан.

– Ҳа, менимча, унинг ҳаракати қасддан одам ўлдиришга суиқасддан бошқа нарса эмас, – деди Фарҳод ишонч билан.

– Фарҳод, нима дейсиз, бир неча гувоҳни сўроқ қилдик, Хуршидовга нисбатан анча маълумот тўпланди, шекилли.

– Ҳа, албатта, уни бемалол навбатдаги терговга чорласак бўлади.

Собиржон қаршисида ўтирган Хуршидовга зимдан қараб, унинг ўзини анча тутиб олганига ишонч ҳосил қилганидан кейин:

– Айтинг-чи, Хуршидов, сиз хотинингизга урган пичоқни қаердан олган эдингиз? – деди.

– Ишонасизми, мен ўша пичоқнинг қандай қилиб қўлимга тушиб қолганига ҳалиям ақлим етмайди.

– Йўқ, мен бу гапингизга ишонмайман, чунки ҳар қандай ақли расо одам ўз қўлидаги пичоқни қаердан олганлигини билади.

– Агар мен ажина–арвоҳ деган гапларга ишонганимда, бу пичоқни қўлимга улар тутқазган, деб ўйлардим. Лекин бундай десам бемаъни гап бўлишини биламан. Шунинг учун сизга нима деб жавоб беришимни ҳам билмайман.

– Хотинингизга нима учун пичоқ урдингиз?

– Мен унга пичоқ урмаганман!

– Ундай бўлса, хотинингизга ким пичоқ урган?

– Мен ҳеч нарсани билмайман!

– Уйингизга кимдир кириб, уни пичоқлаган бўлиши мумкинми?

– Йўқ, албатта, уйимизга ҳеч ким кирмаган...

– Ўша куни бирга ўтириб ароқ ичган дўстларингизнинг айтишича, сиз жуда кўп ичган экансиз. Улар сизга бўлди, бошқа ичма, деганларида, мен аламимдан ичяпман, деган экансиз. Шу тўғрими?

– Минг лаънат ўша ароққа! Кўп ичганим тўғри.

– Нима учун аламимдан ичяпман, деган эдингиз?

– Менимча, бундай дейишимга, опамнинг сўзлари сабаб бўлди.

– У нима деган эди?

– У фарзандсизлигимизни юзимга солган эди.

– Шунинг учун сиз хотинингизни ўлдирмоқчи бўлдингизми?

– Йўқ, ундай қилишим мумкин эмас, ахир мен уни яхши кўраман!

– Сиз, ичкилик таъсирида унга пичоқ ургансиз, бунга иқрор бўлишингиз лозим!

– Йўқ, мен бунга ҳеч қачон иқрор бўла олмайман! Нима учун қилмаган жиноятимни бўйнимга олишим керак?!

– Аммо, хотинингиз Хуршидова Санамга юрагини мўлжаллаб пичоқ урилган, унинг ёнида сиз бўлгансиз. Бошқа хонада эса сизнинг ота-онангиз бўлиш-

ган. Уйда тўрттангиздан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Сизнинг қўлингизда хотингизнинг қонига беланган пичоқ бўлган. Айтинг-чи, бундай ҳолатда, кимни жиноятчи дейишимиз керак?

– Мен ҳеч нарса дея олмайман...

* * *

Қаҳрамоннинг терговдаги ҳамма кўрсатмасининг мазмуни бир хил эди. У «мен ҳеч нарсани билмайман, хотинимга пичоқ урмаганман», дерди, холос.

Тажрибали терговчи Собиржон шунча жиноят ишини тергов қилиб, бундай аҳволга тушмаган эди. Мундоқ қараса, бу жиноят ишини қийинчиликсиз, гумондорга айб эълон қилиб, судга ошириб юбориш мумкин. Лекин Собиржон ич-ичидан Қаҳрамоннинг айбдор эканлигига ишонмасди. Бироқ у айбдор бўлмаса, ким унинг хотинига пичоқ урган?!

Мана жумбоқ, уни ечиш учун эса ҳеч қандай вариант йўқ! Собиржоннинг миясида ғужғон ўйнаётган шунга ўхшаш саволларга жавоб топа олмай боши қотган эди.

– Собиржон ака, боя Фозил акани учратиб қолувдим, Хуршидовнинг ишини тамомлаган бўлсанглар, эртадан қолдирмай судга ошириш керак, муддати тугаяпти, деган эди.

– Муддатининг тугаган-тугамаганини ўзим яхши биламан! Ихтиёримизда ҳали яна тўрт кун бор, – деди Собиржон жаҳли чиқиб.

– Тўғри-да, чўзиб нима қиласиз, битта бош оғриқни ўзимиздан нари қилганимиз яхши-ку.

– Айрим пайтлари жуда доно бўлиб кетасиз-да!

– Нима, кайфиятингиз йўқроқми, дейман? – деди Фарҳод ажабланиб.

– Кайфиятимнинг яхши бўлишига ҳам ҳеч қандай асос йўқ-да.

– Нима учун, Хуршидовнинг жиноят иши бўйича ҳамма тергов ҳаракатлари тугаган бўлса, у айбни

бўйнига олмаётган бўлса ҳам, жинояти далиллар билан асосланган, исботланган бўлса, биз қўйган айб билан бемалол суд ҳукм чиқариб юборади. Ёки сиз бунга ишонмаяпсизми?

Собиржон бутунлай бошқа нарсани ўйлаб тургани учун Фарҳоднинг гапи унинг қулоғига кирмади. У Фарҳодга қараб:

– Эсингиздами, Хуршидовнинг опасини терговга чақирганимизда, у юрагининг мазаси қочиб, касалхонада ётгани учун, унинг олдига бориб сўроқ қилган эдик.

– Ҳа, эсимда.

– Менимча, шу аёлни яна сўроқ қилишимиз лозим.

– Нимага?

– Ўша пайтда, у зўрға бошини кўтариб гапираётгани учун, ҳамма нарсани сўрай олмадик, ундан сўралиши керак бўлган айрим нарсалар бор.

– Тушунмадим, у аёл бошқа уйда яшаса, ўша куни у ота-онасиникига бормаган бўлса, жиноятдан умуман хабари бўлмаса, нима кераги бор, такрорий сўроқнинг?

– У нима учундир, ўшанда ҳаммасига мен айбдорман, мен, деб йиғлаган эди.

– Тўғри, сиз унга, нимага, сиз айбдорсиз, деганингизда, чунки мен унга хотинингни қўйиб бошқага уйлан деганман, у жаҳл устида ичиб, хотинига пичоқ урган, деганди.

– Лекин даволовчи врачи келиб, унинг аҳволи ёмонлашиши мумкин, деб бизга бошқа вақт келишни тавсия қилган. Мен ундан бошқа сўрайдиган нарсамиз қолмади деб ўйлаб, касалхонага бошқа бормаганман.

– Ҳозир-чи, у бизга қандай янгилик айтиши мумкин деб ўйлайсиз?

– Аниқ бир нима дея олмайману, лекин сўраётганимизда бирор нарса чиқиб қолар дейман-да.

– Ким билади, балки... – деди Фарҳод.

– Кетдик, – деб ўрнидан турди Собиржон.

– Ҳозирми?

– Ҳа, боя қўнғироқ қилган эдим, у аёл касалхонадан чиққан экан. Ҳозир уйида эканини айтди.

Терговчилар Бибинурни сўроқ қилиш учун унинг уйига боришди. Дарвозанинг қўнғироғининг жиринглашига уларга пешвоз чиққан Шоқосим, хотинининг уйда эканлигини айтиб, ичкарига таклиф қилди.

Улар ҳовлига кирганларида тебранма курсида ўтирган оппоқ соқолли, кичкина жуссали чолга кўзлари тушиб, иккаласи бараварига салом беришди. Чол бошини қимирлатиб алик олди.

– Дадангизми? – деди Собиржон Шоқосимга қараб.

– Йўқ, амакимлар.

Улар Бибинур ётган хона томонга қараб юрдилар. Салом-аликдан кейин:

– Бибинур опа, тузалиб қолдингизми? – деди Собиржон.

– Ҳа, анча тузукман. Укам Қаҳрамоннинг қилган ишини эшитиб, юрагимнинг мазаси қочиб қолса бўладими. Аксига олиб, поччангиз ҳам ёнимда эмасдилар. Улар кечқурун мол олиб келиш учун бошқа шаҳарга кетувдилар. Ўғлим Шомансурга қўнғироқ қилай десам, оғриқ қўйвормайди. Телефонни оламан деб пиёлани тушириб юборибман, келиним омон бўлгур шарақлаган овозни эшитиб, югуриб келди. Докторлар бир ўлимдан қолдингиз, вақтида келмасангиз, ёмон бўларди, дейишди. Ҳалиям бунга ишонгим келмайди. Кўргилик экан-да.

Бибинурнинг гапи ҳали-вери тугамайди, деб ўйлаб, Фарҳод унинг сўзини бўлди:

– Бибинур опа, касалхонада сиздан у-бу нарсаларни сўраганимиз эсингиздами? – деди.

– Ҳа, эсимда, – деди Бибинур яна нимани сўрамоқчисизлар, дегандек Фарҳодга қаради, кейин Собиржонга қараб. Унинг қоп-қора катта-катта кўзлари, буғдойранг думалоқ юзи ёш болаларникидек беғубор эди. Бибинур 40 ёшидан ошган бўлса ҳам гап-сўзлари, қарашларида болаларга хос аллақандай соддалик сезилиб турарди. Собиржон ундаги бу хусусиятни аввал сўроқ қилганида ҳам пайқаган ва феъли онаси Зебо опага ўхшаб кетаркан, деб ўйлаган эди.

– Ўшанда сиз, укамнинг хотинини пичоқлаганига мен айбдорман, деган эдингиз, шу куни укангиз билан ўртангизда бўлган суҳбатни батафсилроқ сўзлаб берсангиз, деди Собиржон.

– Ҳа, у ўша мудҳиш воқеа содир бўлган куни кундузи бизникига келган эди, мен вайсақи ўлгур унга бошқага уйланиб, фарзанд кўр, деб қистадим. У бўлса ҳаётимга аралашманг, мен хотинимни яхши кўраман, деди жаҳли чиқиб.

– Кейин нима бўлди?

– Мен унга ёқмайдиган гапларни гапиравергани-мдан кейин, ҳатто бир пиёла чой ҳам ичмасдан юзимга эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетди.

– Ўзи укангиз келиши билан нима учун фарзанд кўриш, бошқага уйланиш тўғрисида гапириб қолдингиз?

– Ука, бу гап ҳамма вақт ҳам юрагимнинг бир қисмини эзиб туради. Лекин бу сафар гапни поччангиз очиб қолди. Агар у киши, келиндан суюнтирадиган янгилик йўқми, демаганида мен ҳам укамга, келинни ҳайдаб бошқага уйлан, демаган бўлармидим...

– У хотинини нима учун пичоқлаган, деб ўйлайсиз?

– Укагинам мен аҳмоқнинг гапидан қаттиқ хафа бўлганидан бўкиб ичган. Кейин эса кечаси уйига бориб, хотинини пичоқлаб қўйган. У нима қилаётганини билмайдиган аҳволда бўлган-да! Илоё ўша ароқнинг номгинаси ўчсин! Мен тентак хотин нима

қилардим, унга гапириб! Мана энди ёлғизгина укамнинг умри қамоқда ўтадиган бўлди, – деб Бибинур йиғлай бошлади.

– Сиз, бу воқеанинг содир бўлишига шундан бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ, деб ўйлайсизми?

– Бошқа қандай сабаб бўлиши мумкин, ота-онамиз укамга ҳам, келинга ҳам ортиқча гап қилишмаган, улар келинларини жуда ҳурмат қилишади. Ҳаммасига менинг мана шу ишламган бошим сабаб-да! – деб Бибинур бошига бир мушт уриб қўйди, кейин Собиржонга қараб:

– Укагинамга қанча беришаркан? – деди кўз ёшларини артиб.

– Жабрланувчининг ўзига келиши, балки ҳамма нарсани ўзгартириб юборар, деб умид қиляпмиз. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

– Бечора ойижоним, келинининг ёнидан жилмай ўтирибдилар. Боя қўнғироқ қилган эдим, Санам кўзларини очибди.

– Бир нарса дебдими?

– Йўқ, фақат тушунарсиз гапларни айтиб алаҳсирабди.

– Ҳа, сал олдин ҳам бу ҳолат бўлиб ўтган эди. Врачларнинг айтишича у ўзига келиши мумкин экан, аҳволи яхшилана бошлабди.

– Агар у сал ўзига келса, бориб тез чўкиб кечирим сўрайман, битта аҳмоқнинг гапи деб, ҳам укам, ҳам келиним азият чекишмоқда, агар уларга бир нарса бўлса ўзимни кечира олмайман! Ҳа, ўзимни бир нима қилиб қўяманми, деб қўрқаман!

– Менимча, сиз ўзингизга ортиқча айб қўйяпсиз, – деди Фарҳод Бибинурга тасалли бериб.

– Йўқ, аксинча, ўзимни нима деб сўксам ҳам кам!

– Майли, Бибинур опа, агар укангиз билан алоқадор, бизга айтадиган янгилик бўлиб қолса, қўнғироқ қилинг, – деб Собиржон унга телефон рақамини бериб, кетиш учун ўрнидан турди.

– Чой-пой ичиб кетсанглар бўларди, – деди Шоқосим терговчиларга қараб.

– Раҳмат, боришимиз керак, – деди Фарҳод.

Улар ҳовлига чиққанларида бояги ота ҳалиям ўтирарди. У курсида секин тебранар, кўзлари юмуқ эди.

Собиржон унга қаради.

Ота терговчиларнинг чиқиб кетишаётганини сезибми, ё ўзи-ўзига гапирдими, эшитилар-эшитилмас оҳангда:

– Ишқилиб келин тирик қолсин-да, бўлмаса жуда ёмон бўлади... Ўлмасгинамнинг бошига тушганлар ҳеч кимникига тушмасин... – деди.

Собиржон унинг бу гапларини зўрға эшитди, лекин унча эътибор бермади.

– Хайр, ота, – деб чиқиб кетишди.

* * *

Собиржон ишхонасига бориб, Хуршидовнинг жиноят ишига оид ҳамма ҳужжатларни стол устига ташлаб, уларни қайтадан кўриб чиқа бошлади. Кейин уларни йиғиштириб ташлаб, компьютерга тикилиб, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳужжатларини кўздан кечира бошлади. У шу аснода қанча ўтириб қолганини билмасди, қилган ишидан кўнгли тўлмай, ўрнидан турди.

Собиржон боши айланиб кетганини сезиб, қайта жойига ўтирди ва ўриндиғи суянчиғига бошини қўйди. Кейин соатига қаради. Соат 12 бўлиб қолибди-ку, ўйлади у. Нимага ҳар доим, соат 7 бўлмасдан иш вақти тугади, қачон кетамиз, деб кирадиган Фарҳод бугун кўринмади? Э, ахир у бугун тушдан кейин иш билан бошқа вилоятга кетган эди, эсимдан чиқибди-я...

Собиржон уйга кетиш учун хонасидан чиқди. У яна бир хонада кимнингдир чироғи ёниб турганини кўриб, эшигини очиб қаради.

– Шаҳбоз, кетасанми? – деди у янги ишга келган ёш терговчига.

– Ҳа, ҳозир чиқаман, Собиржон ака, – деб у нарсаларини йиғиштира бошлади.

– Бўла қол, уйингга ташлаб қўяман.

Унинг орқасидан югуриб тушиб, машинага ўтираётган Шаҳбознинг бетартиб сочлари, қизариб кетган кўзларига қараб, Собиржоннинг раҳми келиб кетди.

– Шаҳбоз, қийналяпсанми, алламаҳалгача ишда ўтириб қолибсан? – деди машинани юргизаркан.

– Аста-секин ўрганяпман, лекин уйдагилар тўйимни қилишга шошиляптилар, улар қўлимдаги ишни тугатай деганимга қулоқ солишмаяпти.

– Нимага?

– Қуда томон билан тўй кунини белгилаб олишган эмиш?

– Ишингни тезроқ тугатиш учун кечаси билан ишлаётган экансан-да?

– Бошқа иложим йўқ, айниқса, бугун қорним ҳам оч қолиб кетди.

– Бардам бўл, ҳали ҳаммасига кўникиб кетасан, – деди Собиржон ўзининг янги ишга келганида қийналганлари эсига тушиб.

Собиржон Шаҳбозни ташлаб, уйга келгунча ҳам Хуршидов тўғрисида ўйлади. «Унинг ҳаракати далиллар билан исботланиб, айбдор эканлиги тасдиқланиб турган бўлса ҳам, нима учундир у жиноятчига ўхшамайди. Ёки у айбига иқрор бўлмагани учун шундай ўйлаяпманми? Йўқ, ундай эмас, у хотинини ўлдиришга ҳеч қандай сабаб йўқлигини билганим учун шундай ўйлаяпман. Хуршидовнинг опасини сўрашдан кўп нарса кутган эдим, афсус, бундан ҳеч нима чиқмади...

Лекин мен Хуршидовни айбдор қилиб, ишни судга оширсам, катта хато қилган бўламан. Уни айбсиз

деб топишим учун эса, менда бирорта далил йўқ. Ҳа ички ишончимдан бошқа ҳеч нарса йўқ!»

Собиржон уйига келиб қолганини ҳам сезмай қолди. У машинадан тушмай рулга бошини қўйганича ўйлаб ўтирарди. У бир нарсани эслади, шекилли, қўл телефонидан қўнғироқ қила бошлади:

– Зебо опа, кечирасиз, уйғотиб юбормадимми?

– Уйқу бор эканми, ўғлим, келинимнинг қачон кўзини очиб, менга қараб гапиришини кутиб ўтирибман.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Бемалол, ўғлим.

– Сиз ўша кечаси кўча эшигини ўзингиз очганингизни айтган эдингиз, тўғрими?

– Ҳа, «тез ёрдам» машинасининг овози келиши билан эшикни очганман.

– Эслай оласизми, ўшанда калит эшикнинг ўзида турган эдими?

Зебо опа жим бўлиб қолди. Собиржон ундан:

– Нима, эсингизга келмаяптими? – деб сўради.

– Бирдан эслай олмадим-да, мана энди эсимга тушди. Калит ерда ётган экан, уни пастдан олиб, кейин эшикни очган эдим.

– Пастда?

– Ҳа, айтган эдим-ку, Қаҳрамон оёғида тура олмайдиган аҳволда уйга келган, келиним чиқиб, эшикни очган. У Қаҳрамоннинг аҳволини кўриб, ўзини йўқотиб қўйганми, ёки шошиб қолганми, эшикни қулфлаб, калитни тушириб юборганми, ким билади?

– Калитни қаердан топдингиз?

– Уни қидириб юришга ҳожат бўлмади, калит шундоқ эшикнинг ёнгинасида, пастда ётган эди.

– Ҳа, майли, Зебо опа, узр, хайр.

Собиржон гўшакни қўйиб, гаражнинг эшигини очиб унинг киришини анчадан бери кутиб турган хотини Азизага қаради ва машинани юргизди.

Апрель ойининг охирлари бўлишига қарамай ҳаво тунда анча салқин эди. Азиза Собиржоннинг телефонда гаплашиб бўлишини кутиб, ташқарида туриб қолгани учун, унинг нозиккина гавдаси дир-дир титрарди. Улар ичкарига кирганларидан кейин Азиза:

– Дадаси, худди эртаклардаги девларга ўхшаб кетяпсиз, – деди кулиб.

– Нимага?

– Чунки эртакларда айтилишича, улар ҳам сизга ўхшаб, ухламасдан, овқатланмасдан анча вақт юришаркан, – деди ва ошхонага ўтиб кетди.

Собиржон эса унинг гапларига эътибор бермай, ҳозиргина Зебо опа билан гаплашган суҳбатлари тўғрисида ўйларди.

Эрталаб ишга келган Собиржон йўлакда Фарҳодни кўриб:

– Ие, ўзингизмисиз, Фарҳод? – деди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака.

– Ваалайкум ассалом, бугун қуёш қаёқдан чиқди.

– Нима, ишга биринчи марта вақтли келишимми? Буларнинг кесатиқлари одамга алам қиларкан.

– Яна кимни ҳайрон қолдирдингиз?

– Ҳозиргина Фозил ака ҳам худди сизникига ўхшаган гап қилувди. Айримлар вақтли келиб олиб, ишни нимадан бошлашни билмай, уйқусираб ўтиришади, айримлар эса сал кечроқ келса ҳам, ишнинг кўзини билгани учун, ҳамма ишни дўндириб ташлайди.

– Ҳойнаҳой, сиз иккинчи тоифага кирсангиз керак, – деди Собиржон қаҳ-қаҳ отиб кулиб.

– Бўлмасам-чи, – деди Фарҳод ва бирдан жиддий тортиб: – Собиржон ака, Хуршидовнинг иши бўйича бирор янгилик борми, дейман? Анчадан бери қовоғингиз очилмаган эди, бугун кайфиятингиз яхши, – деди.

– Янгилик дейишга бўлмайди-ку, лекин умид пайдо бўлди.

– Тушунмадим, нимага умид?

– Жиноятни очишга-да.

– Нималар деяпсиз, ахир жиноят очилган, уни эрта-индин судга ошириш қолиб турибди-ку!

– Йўқ, мен тергов давомида жиноятнинг очилганини ҳечам ҳис қилмадим.

– Собиржон ака, унақа бир қайнови ичида гапирманг-да, тушунтириброқ айтинг.

– Кеча Зебо опа билан гаплашган эдим.

– Хўш?

– Унинг айтишича, жиноят содир бўлган куни кўча эшигининг калити ерга тушиб қолган экан. Шу нарсани илгарироқ сўраш эсимга келмаганини қаранг.

– Кимдир эшикни бошқа калит билан очиб кирган, демоқчимисиз?

– Ҳа, худди шундай бўлган!

– Лекин, калитни жабрланувчи эшикни бекитаётиб тушириб юборган бўлиши ҳам мумкин-ку.

– Бундай деб сиз ва Зебо опа иккалангиз ўйлашларингиз мумкин, лекин мен ҳеч қачон бунақа ўйламайман.

– Нима, бирор асосингиз борми?

– Ҳа.

– Қандай?

– Қаҳрамоннинг хотинини ўлдиришга ҳеч қандай сабаб йўқлиги, – деди Собиржон жойига ўтириб, компьютерни уларкан.

– Э, шу ҳам асосми? Яхшиси чалғимай, ишни тугатиб қўя қолайлик.

– Биласизми, сизга ўхшаб фикр юритувчиларга бир файласуф нима деган? Ҳар бир нарсага юзаки назар ташлаб, қувонишдан сақланг, – деган.

– Мен юзаки қараётганим йўқ, далиллар Хуршидовга қарши бўлса биз нима ҳам қила олардик, – деди Фарҳод хонасига кетиш учун ўрнидан туриб.

– Тўхтанг, сиз Қаҳрамонни бегуноҳ бўлса ҳам айбдор қилаверамиз, демоқчимисиз? – деди Собиржон.

– Йўқ, мен жиноят иши бўйича тўпланган далиллар асосида иш қилайлик, демоқчиман, буни ўзингиз ҳам жуда яхши тушуниб турибсиз-ку.

– Ҳа, тўғри, лекин мен албатта айбдорни топаман, бораверинг, ўзим изламагунча менинг хонамга кирманг, ҳеч қандай телефон қўнғироқларига жавоб бермайман! Чунки ҳаммасини ўчириб қўяман!

– Тушунарли, халақит бермайман, – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Собиржон хонасига қамалиб олиб, мазкур жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни яна қайтадан кўриб чиқа бошлади. Кеча ҳаммасини кўздан кечирган эдим, ўйлади у. Бибинур опанинг кўрсатмасини ҳам бошқадан кўрай-чи...

Собиржон унинг кўрсатмасини ўқиркан, Бибинур ўзини айбдор қилаётганини эслади. Лекин Бибинурнинг укасига айтган гаплари, канақасига ўйласа ҳам, унинг хотинини ўлдириш учун пичоқ уришига сабаб бўла олмасди.

Кимдир эшикни очиб келиб, Санамга пичоқ урдимикин? Бироқ бу устамон, ҳаммамизни доғда қолдириб, бирорта из қолдирмаган уддабуррон жиноятчи ким бўлиши мумкин?

Қаҳрамоннинг хотинининг ўлими кимга керак, ахир? Хўш, ўйла, сенга бировнинг тақдири ишониб топширилган, тажрибали терговчиман, деб кўкрак кериб юрасан, каллангни ишлат, дерди Собиржон ўз-ўзига.

Лекин, унинг оёқлари юраверіб оғриб кетган, боши оғриқдан тарс ёрилай деб турган бўлса ҳам, хаёлига бирорта жўяли фикр келмасди.

Ўзи нима учун мен Хуршидов бегуноҳ, деган фикрдаман? Балки, ҳақиқатан ҳам Қаҳрамоннинг

ўзи ургандир пичоқни? Ахир, ичкилик инсонни не кўйларга солмайди? Спиртли ичимлик ичиб, мастлликда қилинган қанчадан-қанча ваҳшийликларни тергов қилганман-ку. Улар ҳам Қаҳрамонга ўхшаб, мен нима қилганимни билмайман, мен ҳеч кимни ўлдирмаганман, деб бошини деворга уриб йиғламаганмидилар?..

Аммо, фақат менинг назаримда Қаҳрамоннинг заррача айби йўққа ўхшайди. Энг ажабланарлиси, унинг на ота-онаси, на опаси, Қаҳрамон бегуноҳ, у бу ишни қилишга қодир эмас, дея олишмади, аксинча, мастликда шу ишни қилиб қўйган, деб ишонишади.

Собиржон хонасида у ёқдан-бу ёққа юришдан тўхтаб, деразадан кўчага қаради. У невараси билан етаклашиб, ўтиб бораётган оппоқ соқолли чолга кўзи тушиб, беихтиёр кеча Бибинурларникига борганида тебранма курсида ўтирган отахон эсига тушди.

У чол кеча биз кетаётганимизда нима деган эди, деб ўйлади Собиржон. Ҳа эсладим, "ишқилиб келин тирик қолсин... Ўлмасимнинг бошига тушган кунлар ҳеч кимникига тушмасин", деган эди. Жабрланган Хуршидова билан Ўлмаснинг нима алоқаси бор? Ўзи Ўлмас у оилага ким бўлади?

Собиржон гўшакни кўтариб, рақам тера бошлади:

– Безовта қилганим учун узр, Бибинур опа, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Бемалол ука.

– Кеча сизларникига борганимизда ҳовлида Шоқосим аканинг амакиси ўтирган эдилар. У киши, Ўлмасгинам, деб бир нималар дегани қулоғимга чалинганди. Ўлмас сизларга ким бўлади?

– Ҳа, Ўлмасми, амакимизнинг ёлғиз ўғиллари.

– У ҳозир қаерда?

– Қамоқда, қамалганига 11 йил бўлган. Уни бир умрлик қамоққа қамашган.

– Қандай жиноят қилган эди?

– У ҳам худди менинг укамга ўхшаб, мастлигида хотинини пичоқлаб қўйган эди, Шабнам бечора ўлиб қолган.

– Тушунарли, майли, Бибинур опа, раҳмат.

– Арзимайди.

Собиржон ўйлаб қолди. Ўхшаш жиноятлар, агар Хуршидова ҳам пичоқ зарбидан ўлса, ўхшаш қотиллик бўларди... Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди!

– Фарҳод, кетдик! – деди Собиржон Фарҳоднинг хонасининг эшигини очиб.

– Қаерга? Иш вақти тамом бўлди-ку, – деди Фарҳод норози оҳангда.

– Хуршидовнинг опасининг уйига.

– Кечирасиз, эсингиздан чиқибди, шекилли, кечагини у ерга бориб, Бибинур Хуршидовани сўроқ қилган эдик, – деди Фарҳод столининг устидаги нарсаларини тез-тез йиғиштириб, Собиржонга эргашиб ташқарига чиқаркан.

– Ҳозир бошқа кишидан айрим нарсаларни сўраб келамиз.

– Кимдан?

– Борганимиздан кейин биласиз, – деди Собиржон машинанинг эшигини очаркан.

* * *

Дарвозининг қўнғироғи жиринглади. Шоқосим чой ичаётган пиёласини столга қўйиб, Бибинурга қараб:

– Ким бўлди экан? – деди. Бибинур, билмайман дегандек елкасини қисди. Шоқосим дарвозага яқинлашиб:

– Ким у? – деди.

– Биз, терговчилармиз.

– Тинчликми?

– Ҳа, эшикни очсангиз, сўрайдиган гапимиз бор эди, – деди Собиржон.

Шоқосим дарвозани очиб, улар билан саломлашди.

– Кечирасизлар, алламаҳалда сизларни безовта қиляпмиз, – деди Собиржон ундан узр сўраб.

– Ҳечқиси йўқ.

– Биз амакингиз билан билан гаплашмоқчи эдик.

– Нимани?

– Ўғли Ўлмас ҳақида.

– А, у киши дам оляптилар, балки ухлаб қолгандирлар, кекса кишини ҳозир безовта қилсак қандай бўларкан, – деди Шоқосим.

Шоқосим дарвозини очишга кетиб, қайтиб келавермаганига хавотирланган Бибинур эрининг орқасидан ўзи келди. У Шоқосимнинг терговчиларга айтган кейинги гапини эшитиб қолиб:

– Вой, нима деяпсиз, дадаси, амакимлар ҳали ухламадилар, хоналаридан телевизорнинг овози эшитилиб турибди-ку, – деди.

– Ассалому алайкум, – деди йигитлар.

– Ваалайкум ассалом, келинглар, – деди Бибинур.

– Майли, мен қарай-чи, – деб Шоқосим Омон отанинг хонасига қараб кетди.

– Юринглар, остонада туриб қолдинглар, ичкарига киринглар, – деб Бибинур терговчиларни ичкарига бошлади.

– Кираверинглар, ҳали ухламаган эканлар, – деди Шоқосим Омон отанинг хонасидан чиқиб.

Йигитлар ота билан сўрашганларидан кейин Собиржон:

– Отахон, сизни шу маҳалда безовта қилиб келишимизга сабаб, сизнинг кеча келганимизда айтган сўзларингиз бўлади.

– Мен кеча сизлар билан гаплашмадим-ку, – деди Омон ота телевизорни ўчириб қўяркан.

– Тўғри, лекин Ўлмасгинам, деб ўзингизча гапириб ўтирганингизни эшитиб қолган эдим. Ўлмас, сизнинг ўғлингиз экан...

– Ҳа, ўғлим, энди у йўқ, ўлсам ўлигимни тепкилаб кўмадиган ўғлим йўқ, чунки у бир умр қамоқда ўтиришга маҳкум.

– Агар сизга малол келмаса, мен сиздан ўғлингиз Ўлмаснинг қандай қилиб хотинини ўлдириб қўйганини гапириб беринг, демоқчи эдим, – деди Собиржон.

– Э, ука, бу жуда узун тарих, амакимни чарчатиб қўясизлар-ку, – деди Шоқосим.

– Хўш, ўзингиз нима дейсиз, агар гапиришни хоҳламасангиз, биз қайтиб кетаверамиз, – деди Собиржон.

– Ўғлимнинг қилган қотиллигини гапириш менга қийин, лекин бу ўтган гапларни эслаш сизларга нимага керак?

– Биласизми отахон, Қаҳрамоннинг жинояти билан ўғлингиз қилган жиноят жуда ўхшаб кетар экан. Наҳотки, 11 йилдан кейин ўша даҳшатли жиноятни яна биров такрорласа. Мен бунда қандайдир бир сир борми, деб ўйлаяпман, агар бу сирнинг тагига етсак, балки ҳаммаси ўзгариб кетар...

– Ростини айтсам, мен ҳам Бибинурнинг укаси қилган ишни эшитиб қотиб қолдим, ахир у ҳам Ўлмасимга ўхшаб бировнинг ёлғизи-да. Лекин келин тирик эканлигини эшитиб, бир оз хотиржам бўлдим, ҳар тугул қотил бўлиб қолмабди-ку, деб ўйладим.

– Хўш, отахон, саволларимизга жавоб берсангиз чарчаб қолмайсизми? – деди Собиржон.

– Йўқ, ўғлим, гапни нимадан бошлашни билмай турибман, яхшиси, ўзинг сўрай қол.

– Ўғлингиз билан раҳматли келинингиз ўртасида келишмовчилик бормиди?

– Ҳа, ўғлим келинни кимдандир рашк қилиб юрарди, лекин у ҳаммасини аниқладим, Шабнамда гуноҳ йўқ экан, деган куни тунда шу воқеа содир бўлди.

– У ўша куни ичиб келганмиди?

– Ҳа, зўрға оёғида турарди.

– Пичоқни қаердан олган экан, танирмидингиз?

– Йўқ, унинг қўлидаги пичоқни умуман кўрмаганман, ўғлимнинг айтишича, у бу пичоқнинг қўлига қандай тушиб қолганини билмасди.

– Худди Қаҳрамон каби, – деди Собиржон.

– Ҳа, ўғлим, ҳайратланарли ўхшашлик.

– Айтинг-чи, воқеа содир бўлганини ким хабар қилди?

– Мен, ўзим, мана шу тилларим шу гапни айтгунча кесилиб қолган бўлса бўлмасмиди?! – деди Омон ота овози титраб.

– Кечирасизлар, амакимнинг мазаси қочяпти, балки кейинроқ келарсизлар? – деди Шоқосим.

– Ҳа, албатта, деб Собиржон ўрнидан турди. Улар хайрлашиб, эшик томонга юришаркан, Собиржон тўхтаб, орқсига қаради ва:

– Ота, эслай оласизми, ўша пайтда, кўча эшикни очаётганда калит эшикда турганмиди?

– Ҳеч нарса эсимдан чиқмаган, ҳаммаси кечагина содир бўлгандек кўз ўнгимда турибди. Мен кўча эшигини очмоқчи бўлиб қўлимни узатганимда, калит эшикнинг ўзида эмас эди.

– Эшикни қандай очдингиз?

– Уни қидириб ўтирмадим, чунки калит эшикнинг пастгинасида тушиб ётган экан, дарров уни олиб эшикни очганман.

– Наҳотки?! – деди Собиржон ҳайратланиб.

Улар чиқиб кетишди. Собиржон уйига борганида соат тунги 1 га яқинлашиб қолган эди.

Эрталаб ишга келган Собиржон прокуратура тергов ишларининг архивидан Маҳмудов Ўлмаснинг жиноят иши ҳужжатларини олиб, таниша бошлади.

У каттагина папкадаги ишни варақларкан, ҳар бир тергов ҳаракатини синчиклаб ўқирди. У ҳуж-

жатлар билан танишиб бўлиб, ҳаммаси тўғри олиб борилган, терговчининг ҳеч қандай хатоси сезилмаяпти, деб ўйлади. У папкани ёпиб қўйди ва ўрнидан турди. Тўхта-чи, деб Омон отадан терговчининг сўраганларини бошқадан ўқий бошлади.

– Ҳа, мана, терговчининг хатоси! У ўша куни калит қаерда турганлигини сўрамаган, балки бу билан қизиққанида, бошқачароқ бўлармиди, – деди у ўзига гапираётгандек.

Собиржон Бердиёр отанинг кўрсатмасини диққат билан ўқий бошлади: "Катта ўғлим Шомансур уйда эмас эди, хизмат сафарида эди, ўртанчи ўғлим Шоқосим шу куни кундузи бошқа вилоятда яшовчи холасиникига кетган эди..."

Собиржон ўзига керакли нарсаларни ён дафтарчасига ёзиб олиб, жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларини котибага берди.

* * *

– Собиржон эрталабдан қаерга кетиб қолдингиз, сизни изламаган ерим қолмади, – деди тергов бўлимининг бошлиғи Фозил ака хонага кирар-кирмас гапириб.

– Архивда эдим.

– Архивда нима қилдингиз? Қўлингиздаги ишни эртадан қолдирмай тугатишингиз кераклигини биласизми?

– Ҳа, лекин.

– Ҳайронман, сизга нима бўляпти, қанча оғир жиноятларни очиб, муддатида ишни топширадиган, тажрибали терговчи, тайёр, ҳеч нимани қидиришнинг кераги йўқ бўлган, оддий қасддан одам ўлдиришга суиқасд ишининг терговини ҳалигача тугата олмай ўтирса?! Бу ишга иккита терговчининг жалб қилинганини айтмаса ҳам бўлади!

– Биласизми... – деб гап бошламоқчи бўлган Собиржоннинг оғзидан гапини юлиб олиб, Фозил ака:

– Мен фақат тартиб-қоидага риоя қилишни биламан! Тезроқ ишни судга оширинг!

– Мен сиздан...

– Йўқ, мендан ҳеч нарсани илтимос қилманг, ҳаммасига ўзингиз жавоб берасиз!

Собиржон Фозил аканинг гапларига унчалик эътибор бермади, чунки унинг хаёли ўхшаш жиноятларни содир қилган жиноятчида эди.

Наҳотки, бу икки жиноятни битта киши содир қилган бўлса? Ахир иккитасининг содир қилиниш услуби деярли бир хил.

Биринчидан, унинг эшикдан кириши, калитни пастга тушириб юбориб, қулфни ўзининг калити билан очиб, кетаётганида яна қулфлаб кетиши. Калитдан нусха олганига қараганда, демак, жиноятчи шу оилага яқин киши бўлган. Иккинчидан, пичоқ уриш усули, жабрланувчининг, яъни хотиннинг орқасига, қоқ юракни мўлжаллаб урилган. Пичоқни ғирт маст ҳолда ухлаётган эрининг қўлига тутқазган. Учинчидан, у қўлига қўлқоп кийиб, оёғига оёқ кийим киймасдан, фақат пайпоқда юриб, ҳеч қандай из қолдирмасдан содир қилган. Ҳа, худди шундай қилган!

Мен фикрларимни Фозил акага айтсам, турган гапки у, сиз буларни нимага асосан гапиряпсиз, дейди. Мен эса ҳеч нима дея олмайман.

Ҳақиқатан ҳам иккита ўхшаш жиноятни бир жиноятчи қилди, деган фикр фақат хаёл, холос. Буни исботлаш учун эса менда ҳеч қандай далил йўқ, топа олмаяпман! Нима қилишим керак? Албатта, каллани ишлатишим керак!

Шу икки оила учун ҳам яқин бўлган шахс ким? Иккита келиннинг ўлими нимани ўзгартиради? Албатта, эрларининг умрбод қамоқ ёки ўлим жазоси билан

жазоланишни, яъни уларнинг бутунлай шу уйдан йўқ бўлиб кетишини-да. Демак, қотил келинларнинг ўлимидан, эрларини йўқ қилиш учун фойдаланган. Лекин у бира тўла Ўлмасни ёки Қаҳрамонни ўлдириб қўя қолса бўлмасмиди? У жуда айёр бўлган кўринади, ахир ундай қилса, қотилни қидириб қолишларини билган, хотинини ўлдирса, эрининг қўлидаги пичоқни кўриб, тайёр қотил турганида, ҳеч ким бошқа қотилни қидирмайди, деб ўйлаган.

Хўш, уларнинг йўқ бўлиб кетишидан ким манфаатдор?

Улар иккаласи ҳам бой-бадавлат оиланинг ёлғиз ўғли бўлишган. Ўлмаснинг йўқ бўлишидан ким фойда кўрди? Қаҳрамон йўқ бўлса, чол-кампирнинг мероси кимга қолади?

Эй, Худо! Наҳотки бу...

– Собиржон ака мен кетяпман, соат 10 бўляпти, – деди Фарҳод Собиржоннинг хаёлини бўлиб.

– Қаерга кетасиз?

– Албатта уйга-да, алламаҳалда бошқа қаерга ҳам бўларди?

– Йўқ, балки бугун уйга умуман бормасмиз, кетишни ўйлаб ҳам юрманг.

– Бу нима деганингиз, ахир бугун уйда мен яхши кўрадиган овқатни пиширишган, қорним эса очликдан сурнай чаляпти. Ундан ташқари мени кутиб ўтиришибди...

Собиржон гўшакни кўтариб қўнғироқ қила бошлади:

– Бибинур опа, Шоқасим ака уйдамилар?

– Йўқ эдилар, мол олиб келгани кетган эдилар.

– Ўғилларингиз-чи?

– Катта ўғлимни келиним билан дадамларникига юборганман, бечоралар иккаласи сўппайиб ўтирмасин, дейман-да. Кичик ўғлим дадаси билан кетган эди. Тинчликми, ука?

– Ҳа, биз ҳозир сизларникига боришимиз лозим бўлиб қолди.

– Нима гап, Қаҳрамондан бирор янгилик борми?

– Ҳозир борганимизда гаплашамиз.

– Хўп, майли.

– Хўш, Бибинур опаникига ярим кечаси нима деб борамиз, у мени ҳадеб безовта қилаверишаркан-да, деб ўйламайдими? Ундан ташқари уйида эри, ўғиллари ҳам йўқ экан, эрталаб борсак-чи? – деди Фарҳод бир оз норози бўлиб.

– Йўқ, ҳозир боришимиз керак, кетдик! – деб Собиржон ўрнидан турди.

Фарҳоднинг унга эргашишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Бибинур опа терговчиларга эшик очаркан:

– Нима бўлди, ишқилиб Қаҳрамон соғ-саломатми? – деди хавотирланиб.

– Ҳаммаси жойида, фақат сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, сиз рози бўлсангиз уйингизга кирамиз, агар йўқ, десангиз қайтиб кетаверамиз. – деди Собиржон.

– Нима экан?

– Сиз укангизни айбсиз деб топишимизни истайсизми?

– Албатта, лекин у хотинини.

– Йўқ, у пичоқламаган.

– Бўлмаса ким?

– Сиз бизга ҳақиқий жиноятчини топишда ёрдам бера оласизми?

– Сиздан илтимос, менга тушунтириброқ гапиринг, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, бироқ укам учун қандай ёрдам десангиз беришга тайёрман.

– Ундай бўлса бизга ичкарига киришга рухсат беринг.

– Кираверинглар, ҳозир амакимни уйғотаман, – деди Бибинур опа нима гаплигини билмай.

– У кишини безовта қилманг, сиз бизга эрингизнинг хонасини кўрсатинг, – деди Собиржон.

– Мана бизнинг хонамиз, улар ортиқча лаш-лушларини мана бу хонага қўядилар, – деб Бибинур уларга хоналарни кўрсатди.

– Бибинур опа, сиз шу ердан чиқмай, ҳеч қандай телефон қўнғироғига жавоб бермай, бизни кузатиб ўтиринг, хўпми? – деди Собиржон ҳалиям неч нарсага тушунмай, кўзларини катта-катта очганича анқайиб турган Бибинурга қараб.

– Хўп... – деб Бибинур хонага кираверишда турган стулга ўтирди.

Собиржон кийим шкафидаги нарсаларнинг ичидан ниманидир қидира бошлади. Ана шундагина Фарҳод Собиржоннинг нима қилмоқчи эканини билиб, хавотирга тушди. У Собиржоннинг ёнига бориб:

– Собиржон ака, рухсатномасиз тинтув қилмоқчимисиз? – деди шивирлаб.

– Агар бир нима бўлса, сизни аралаштирмайман, хавотир олманг.

– Лекин мен ҳам шу ердаман-ку.

– Бошқа чорам йўқ эди.

Собиржон кейинги хонага ўтди. У излаган нарсасини топа олмаётганига асабайлаша бошлаган эди.

– Собиржон, сиз жим ўтиринг деганингизга ҳеч нарсани тушунмай, индамай ўтирибман. Ўзи нимани излаяпсизлар, балки менга айтсанглар, ёрдамим тегиши мумкин.

– Шоқосим ака қўлқоп киярмидилар?

– Нима?

– Қўлқоплари борми, деяпман?

– Ҳа, лекин яқинда у киши қўлқопларини кераксиз нарсалар билан ахлатга ташлаб юборибдилар.

Менимча, билмасдан аралашиб кетибди, шекилли. Ахлатларни ташқаридаги қутига ташламоқчи бўлиб жойлаштираётсам, кўзим қўлқопнинг чиқиб турган четига тушди. Қарасам, дадасининг тоза теридан ишланган қўлқоплари, увол бўлмасин деб тозалаб, ичкарига олиб кириб қўйган эдим.

– Шуни бизга олиб чиқиб бера оласизми?

– Нима учун? Сиз эримдан бирор нарсада шубҳаланяпсизми?!

– Ҳозирча бир нарса дея олмайман.

– Мана шу қўлқоп эди... – деб Бибинур опа Собиржонга жигарранг чармдан тикилган қўлқопни узатди.

– Сизлар дадасини..

– Бибинур опа, илтимос биздан ҳеч нарсани сўрамай туринг, яқинда ҳаммаси маълум бўлади, – деди Собиржон қўлқопни диққат билан кўздан кечираркан.

– Шўргинам қурсин... Наҳотки, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас... – деб Бибинур секин пичирларди.

– Собиржоннинг қўл телефонни жиринглаб қолди.

– Эшитаман, қачон, шунақами, ҳозир бораман! – деди Собиржон ва Фарҳодга қараб:

– Сиз шу ерда бўлиб туринг, мен касалхонага боришимга тўғри келади, – деди.

– Нима гап, тинчликми?

– Хуршидова ўзига келибди, гапираётган экан, ҳозир боришим керак, кейин нима бўлишини билмаймиз-ку, эрталаб борсак балки кеч қолармиз.

– Санам ўзига келибдими, минг шукр, мен ҳам борсам бўладими?

– Йўқ, мен ҳозир келаман!

Собиржон касалхонага бориб, Санам ётган хонага кирди. Зебо опа келининг қўлларини силаб ўтирарди. Нўъмон ака ҳам шу ерда эди.

– Келинг, ўғлим, – деди у Собиржоннинг саломига алик олиб. – Сизга буни айтиш керак деб ўйладим.

– Ҳа, жуда тўғри ўйлабсиз, келинингизга савол берсам бўладими?

– Ҳа, албатта.

– Хуршидова, сизга ким пичоқ урганини билasизми?

– Йўқ, мен кимлигини билмай қолдим, орқамга ўгирилиб ётган эдим, – деди Санам инқиллаб.

– Сизга пичоқ урган киши эрингиз Қаҳрамон бўлиши мумкинми?

– Йўқ, ҳеч қачон! Нима учун ахир?!

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, наҳотки жиноятчининг ҳеч қаерига кўзингиз тушмаган бўлса?

– Мен унинг қўлини кўра олдим, холос.

– Қўлини дейсизми, қўли қанақа эди?

– Қўлқопли қўл эди.

– Қўлқопининг рангини кўра олдингизми?

– Йўқ, ғира-шира қоронғи, ундан ташқари, кўзим бир зумгина тушган эди.

Даволовчи врач келиб, беморни чарчатиб қўймаслик лозимлигини айтиб, Собиржондан узр сўради.

Ягона гувоҳ бўлган Хуршидованинг ҳушига келишидан катта натижалар кутаётган Собиржон, унинг ҳеч нарсани билмаслигидан ҳафсаласи пир бўлди.

Собиржон хайрлашиб чиқиб кетди. У Бибинурларникига етиб борганида тонг ёришай деб қолган эди.

– Санамнинг аҳволи яхшими? – сўради Бибинур.

– Ҳа, анча яхши.

– Хўш, жиноятчи ким экан, айта олдими? – деди Фарҳод уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқалаб.

– Ҳа, энди ҳаммаси аниқланди. – деди Собиржон.

– Қаҳрамон пичоқ урмаганини айтиб бердими? Энди укамни озод қиласизларми? – деди Бибинур кўзларига ёш олиб.

– Мен олдиндан бир нарса дейишга ҳаққим йўқ, кечиринг, лекин ҳақиқат аниқланганлигини айтишим мумкин, – деди Собиржон.

– Кетамизми? – деб ўрнидан турди Фарҳод.

– Йўқ, Шоқосим акани кутамиз.

– Нима, унинг қачон келишини билмаймиз-ку!

– Бибинур опанинг айтишича, у эрталаб келаркан. Тўғрими? – деб Собиржон Бибинурга қаради.

– Ҳа, шундай деган эдилар...

– Кечаси бир пиёла чой билан бир бурда нон еган эдим, нима дейсиз яна бир бурда нон есам қандай бўларкан, – деди Фарҳод Собиржонга қараб.

– Буни мендан эмас, Бибинур опадан илтимос қилишингиз керак.

Бибинур опа ҳозир, деб ошхона томонга кетди. Собиржон қўлқопни олиб, деразанинг олдига келиб, синчиклаб текшириб, кейин чўнтагини солиб қўйди.

Фарҳод нонни совуб қолган чой билан еяркан, Собиржонни ҳам таклиф қилди. Собиржон у ёқдан-бу ёққа юраркан, Фарҳоднинг гапига эътибор бермади.

– Мен амакимга нонушта тайёрлашим керак, у киши барвақт овқатланадилар, ошхонага кетсам майлими? – деди Бибинур.

– Албатта, фақат Фарҳод ҳам сизга ёрдамлашиб юборади, – деди Собиржон.

– Тушунарли.

Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Эшикни очиш учун отланган Бибинурга терговчилар ҳам эргашдилар.

Хотинининг саломига алик олиб ичкарига кирган Шоқосим, йигитларга кўзи тушиб:

– Ие, сизлар бу ерда нима қиляпсизлар? – деди саросимага тушиб.

– Ичкарида гаплашамиз, – деди Собиржон.

Шоқосим уларни катта даҳлизга бошлади. У терговчиларни ўтиришга таклиф қилиб:

– Бибинур, йигитлар бир келиб қолибдилар, яхшилаб меҳмон қилайлик, дастурхонга у-бу олиб кел, – деди.

– Биз меҳмондорчиликка келганимиз йўқ, ўзингиз ҳам ўтириб олинг, кейин гаплашадиган гап бор, – деди Собиржон.

– Қандай гап экан? – деб Шоқосим креслога чўкди.

– Гап шундаки, биз Хуршидова Санамни ким ўлдирмоқчи бўлиб пичоқ урганини аниқладик.

– Ие, пичоқ урган киши аниқ эди-ку, – деди Шоқосим елкасини қисиб.

– Йўқ, унга Хуршидов Қаҳрамон эмас, бошқа биров пичоқ ургани маълум бўлди.

– Ким экан, у?

– Унга Маҳмудова Шабнамни ўлдирган қотил пичоқ урган экан

– Ким... ким ахир? – деди Шоқосим дудуқланиб.

– Бу сизсиз, Маҳмудов! – деди Собиржон унга бармоғини бигиз қилиб.

– Ё Парвардигор, бу нима деган гап?! – деган овозга Собиржон орқасига ўгирилиб қаради.

Эшикка суянганича Омон ота турарди.

– Келинг Омон ота, ўтиринг, буни сиз ҳам билишингиз керак, – деди Собиржон.

Фарҳод отага жойини бўшатиб бериб, ўзи Шоқосимнинг ёнига бориб ўтирди.

– Нима деётганингизни биласизми, менга туҳмат қилишга нима ҳаққингиз бор! – деб бақирди Шоқосим.

– Бу ҳақиқат, сиз қотилсиз!

– Тонг саҳарда менинг уйимга бостириб кириб, оғзингизга келган гап билан ҳақорат қилишга сизга ким рухсат берди?!

– Биринчидан, янглишмасам бу уй Омон отага тегишли, иккинчидан менинг гапим ҳақорат эмас, айблов ҳисобланади.

– Қуруқдан қуруқ бировни айблаш мумкин эканми ёки бирор далилингиз борми?!

– Албатта, далиларимиз бор, ҳозир ҳаммасини ўзингиз кўрасиз, эшитасиз.

– Фарҳод Собиржоннинг топшириғи билан тегишли жойларга қўнғироқ қилиб бўлди, шекилли, у ҳам жойига келиб ўтирди. Кўп ўтмай криминалист йигит келиб, Шоқосимнинг бармоқ изларидан нусха ола бошлади. У терговчиларнинг бу ҳаракатидан норози бўлиб:

– Мен шикоят қиламан, нима учун бегуноҳ фуқарони ҳеч қандай далилсиз жиноятчига чиқаришмоқчи бўлишяпти, менинг қонуний ҳуқуқларимни поймол қилганларингиз учун, ҳали жавоб берасизлар!

– Сиз яхшиси, қилган жиноятларингизни тан олиб, айбингизга иқрор бўлинг! – деди Собиржон Шоқосимнинг гапларига парво қилмасдан бамайлихотир оҳангда.

– Қанақа айб, мен сизларнинг саволларингизга жавоб беришга мажбур эмасман! – деб у ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган эди, Фарҳод унинг жойига ўтиришни талаб қилиб елкасидан ушлади. Шоқосим ўтиришга мажбур бўлди.

– Хўш, саволларга жавоб беришга тайёрмисиз? – деди Собиржон унга қараб.

– Мен сизнинг ҳеч қайси саволингизга жавоб бермайман, чунки саволларингиз жуда бемаъни!

– Сиз амакингизнинг келини Маҳмудова Шабнамни бундан 11 йил илгари пичоқ уриб ўлдиртганингизни тан оласизми?

Шоқосим Собиржоннинг саволига жавоб бермасдан юзини ўгирди.

– Шу йилнинг 18 март кунида, соат тахминан тунги 5-6 лар орасида қайнингизнинг хотини Хуршидова Санамга ўлдириш учун пичоқ урганингизни-чи, унинам тан оласизми?

Шоқосим индамади.

– Хўш, жим ўтирганингизни, иқрорлик аломати деб тушунсак бўладими? – деди Собиржон.

– Мен сиз билан гаплашадиган гапим йўқ! – деди Шоқосим.

– Ундай бўлса мени диққат билан эшитинг, сизнинг қилмишларингизни ўзим айтиб бераман, – деб Собиржон ўрнидан турди ва Шоқосимнинг рўпарасига бориб, гапира бошлади:

– Сиз амакингиз Омон отанинг уй-жойига, бойликлари кўз олайтирган ва буларни қандай қилиб ўзингизники қилиш йўлларини излагансиз. Янги келин-куёвлар орасида бўлиб турадиган рашк қилиб, келишмовчиликлар бўлиши, Ўлмаснинг ғирт маст бўлиб уйга келишидан фойдаланиб, Шабнамга пичоқ уриб, ўлдириб, пичоқни Ўлмаснинг қўлига тутқазиб, хотинини ўлдирган, деган айб билан уни йўқ қилиб юборишни режалаштиргансиз. Бу қабиҳ режангизни амалга оширганингиздан кейин, осонгина амакингизнинг уйига кўчиб келиб, унинг ҳамма бойликларига эга бўлгансиз!

– Бу туҳматга чидай олмайман!

– Турган гапки, сиздан ҳеч ким шубҳаланмаган, чунки сиз 2000 йил 18 ноябрь куни унинг энг яқин ўртоғи Шавкатнинг туғилган куни эканини билгансиз ва узоқ вилоятдаги холангизникига кетаётганингизни айтиб уйдан чиқиб кеттансиз ва кечаси билан Ўлмаснинг маст бўлиб кетишини пойлаб ўтиргансиз. Ўлмаснинг худди сиз ўйлагандек аҳволда келиши, сизнинг разил режангизни амалга оширишингизга ёрдам берган. 18 ноябрдан 19 ноябрга ўтар кечаси қора ниятингизни амалга ошириб, холангизникига кетгансиз.

– Мен сизнинг эртагингизни эшитишни хоҳламайман, кетдим! – деб Шоқосим ўрнидан турди.

– Эшитишга мажбурсиз, ўтиринг! – деди Собиржон қатъий қилиб. – Бу эртак эмас, одатда эртаклар яхшилик билан тугайди, буни эса катта трагедия деса бўлади. Чунки сизнинг очкўзлигингиз, ўта шафқатсизлигингиз ва одамийлик қиёфасини йўқотган, жирканчлигингиз оқибатида бир инсон

ҳаётдан кўз юмди, иккинчи аёл соғлигини йўқотди, бир йигит ҳаётининг энг гўзал вақти ҳисобланган ёшлигини қамоқда ўтказяпти. Иккинчи йигит эса виждон азобида қийналиб ҳибсда ўтирибди!

– Ёлғон!

Собиржоннинг ёнида криминалист йигит келиб бир варақ қоғоз бериб кетди.

– Раҳмат, Жалол, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, – деди Собиржон қоғозга тез кўз югуртириб чиқаркан.

– Сиз биринчи қотилликни қилганингиздан кейин, ўзингизга ишончингиз ортган ва 11 йилдан кейин иккинчисини режалаштиргансиз. Ахир сизда учта ўғил бўлган, иккитасини Омон отанинг уйида жойлаштириш имконияти бор, лекин учинчисига уй-жой қилиб юришим шартми, қайнотамнинг тайёргина данғиллама ҳовлиси бўлса, бошқа бойликларини айтмаса ҳам бўлади, деб ўйлагансиз.

17 март куни Қаҳрамон опасини кўриб кетиш учун кирганида сиз унга атайлаб келиндан суюнтирадиган янгилик борми, деб сўраб, хотинингизга мавзу топиб бергансиз. Чунки шу кунларда Қаҳрамонни ҳам ота-онаси, ҳам опаси қаттиқ қистовга олаётганини билиб, хотинининг туғмаслигини айтса, Қаҳрамон аламидан ичиши сизга маълум эди. Сиз бундан унумли фойдалангансиз!

– Ҳаммаси туҳмат! – деди Шоқосим хотинига қараб. Бибинур деворга суянганича Собиржоннинг гапларини эшитиб, худди деворнинг бир қисмига ўхшаб қотиб қолган, у ҳатто ўтириб олишга ҳам ўзида куч топа олмас эди.

– Сиз ўша куни мол олиб келаман деб уйдан чиқиб кетиб, худди илгари Омон отанинг уйига қандай кирган бўлсангиз шундай усулда қайнотангизнинг кўча эшигини ўзингиз нусха олган калит билан очиб, тонгга яқин уйга киргансиз. Сиз Хуршидовага пичоқ

урганингизда қўлингизга мана бу қўлқопни кийиб олгансиз! – деб Собиржон чўнтагидан Бибинур берган қўлқопни чиқариб кўрсатаркан.

– Мен у қўлқопни кўрмаганман, меники эмас!

– У сенинг қўлқопинг, мен уни ахлатдан топганман, мараз... – деди Бибинур деярли пичирлаган овозда.

– Нима, сен?!

– Сиз қўлқопнинг сизники эмаслигига ҳам, пичоқни сиз урмаганингизга ҳеч қандай эътироз билдира олмайсиз, – деди Собиржон бамайлихотир.

– Нимага экан, ўзингиз сабабини айта оласизми?

– Албатта, чунки Хуршидовага урилган пичоқда Қаҳрамоннинг бармоқ изларидан ташқари, яна кимнингдир бармоғининг ён томонидан тушиб қолган излар топилган эди. Мана ҳозиргина криминалистнинг олиб келган экспертиза натижаси бу бармоқ излари сизники эканлигини тасдиқлаяпти, – деб Собиржон қоғозни кўрсатди.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас, ахир... – деб Шоқосим гапини давомини айтмай тўхтаб қолди.

– Хўш, давом эттираверинг, ахир қўлимда қўлқоп бор эди, демоқчимисиз? Тўғри, қўлқоп бўлган, лекин у сизга панд берган, мана кўряпсизми, қўлқопнинг кўрсаткич бармоғининг учига яқин жойи тикишидан сўтилган экан. Сиз бунга унча катта йиртиқ бўлмагани учун эътибор бермагансиз, ёки пичоқ ураётганингизда зарбга дош беролмай сўтилиб кетган бўлиши мумкин.

– Бибинур, сен бу гапларга ишонма...

– Исмимни тилингга олма, ифлос! – деб Бибинур Шоқосимга қаради ва тезда ундан юзини ўгирди.

– Амаки, келинингизни мен ўлдирмаганман...

– Хоҳлаган кишингни амаки, дейишинг мумкин, фақат мени эмас, ҳароми! – деди Омон ота Шоқосимга қарамасдан кўз ёшларини артиб.

– Йўқ, ҳароми деманг!

– Менинг энг катта хатом бу – акамнинг хотини билан ажраламан, деган тўғри қарорига қарши чиққаним бўлган. Иккинчи хатоим эса, ортиқча бойлик кишига ҳеч қачон бахт келтирмаслигини англаб етмаганим эди, – деди Омон ота ўзига ўзи гапириб.

– Ҳа, мен қотилман, мен жиноятчиман! Менинг бундай бўлишимга дадамнинг ҳамиша менга айбдорга, жиноятчига қарагандек қарагани сабаб бўлган, ёшлигимда оилада мени ҳамманинг ёлғизлатиб қўйгани сабаб бўлган, мен ҳаммани ёмон кўраман, чунки мени ҳеч ким яхши кўрмаган! – деди Шоқосим ўрнидан туриб.

У шу туришида кўзлари қонга тўлган, қутурган махлуққа ўхшарди.

Собиржон пойгакда кутиб турган милиция ходимларига қараб:

– Олиб кетинглар! – деди.

* * *

– Собиржон ака, сиз ҳамма вақт кишини ҳайратга соладиган ишлар қиласиз. Агар сиз бу жиноятни очмаганингизда бир одам ноҳақ қамалиб кетарди, яна бир бегуноҳ инсоннинг умри эса қамоқда ўтарди, – деди Фарҳод йўлда кетаётиб.

– Мақтовингиз учун раҳмат, – деди Собиржон машинанинг тезлигини ошириб.

– Сиздан иккита тушунмаган нарсамни сўрасам майлими?

– Қачон сизнинг сермаъно саволларингизга жавоб беришдан бош тортганман, бемалол сўрайверинг.

– Ўша қўлқопда ҳеч қандай йиртиқ, пичоқда эса, бошқа кишининг бармоқ излари йўқ эди-ку, бу гапларни қаердан олдингиз? Иккинчи саволим, нимага бирдан машинанинг тезлигини оширдингиз?

– Ҳурматли ҳамкасбим, биринчи саволингизга жавобим, бу ерда гап қўлқопда йиртиқ бор-йўқлигида мас, гап жиноятчининг айбига иқрор бўлишдан ошқа чораси қолмаслигида эди.

Иккинчи саволингизга жавобим эса, ҳозиргина орним ҳаддан ташқари оч эканлигини сездим, унинг учун машинанинг тезлигини оширдим.

– Тушунарли.

СЎНГГИ СЎЗ

Тонг саҳарлаб узоқ жиринглаган телефон қўнғироғига жавоб бериш учун Азиза гўшакни кўтарди.

– Эшитаман... Ҳозир, – деб у донг қотиб ухлаб ётган эрини уйғотишга тушди.

– Туринг, дадаси, туринг, сизни сўрашяпти.

– Ким экан? – деди Собиржон кўзларини зўрға очиб.

– Гўшакни ушласангиз-чи, ким бўларди, ишингиздан-да!

– Эшитаман. Тушунарли, ҳозир етиб бораман, – деб Собиржон гўшакни қўйиб, ўрнидан турди ва апил-тапил кийина бошлади.

– Нима бўлибди? – деди Азиза.

– Бир кишини ўз машинасида ўлдириб кетишибди.

– Вой, бечора, ёмон бўлибди! Бир пиёла иссиқ чой ичиб кетасизми? – деди Азиза халатини киярқан.

– Йўқ, кеч қоламан, майли, яхши қол, – деб Собиржон чиқиб кетди.

Азиза деворда осиғлиқ турган соатга қаради. Бешдан ошяпти. Ўзлари кеча ўн икки яримларда ишдан чарчаб келиб, чала овқатланиб, ухлаб қолган эдилар. Ҳаммаси бўлиб беш соатча дам олибдилар-да. Бунақага қандай чидарканлар? – деб ўйлади Азиза эрига ачиниб

Собиржон жиноят содир бўлган жойга етиб борганида эндигина тонг ота бошлаган эди. Кечаси майдалаб бошлаган қор тонгга қараб пағa-пағa бўлиб ёға бошлади. Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланган. Собиржон шаҳар чеккасидаги катта йўл бошида, кўприк олдида, совуқдан қалпоғини бостириб кийиб, пўстинига ўралиб, у ёқдан-бу ёққа қалин ёққан қорда зўрға қадам ташлаётган милиция ходимини кўриб, машинани тўхтатди. Милиция ходими катта йўлдан пастга қараб канал бўйлаб кетган, илон изи

йўлни кўрсатиб, тўғри кетаверанг, деган маънода кўрсаткич бармоғини шу тарафга узатди.

Собиржон беш юз метрча юрганидан кейин, қандайдир машина атрофида юрган тергов бўлимининг бошлиғи Фозил ака, эксперт Шариф ака ва бошқаларни кўриб машинадан тушиб, улар билан саломлашди. У нима бўлганини билиш учун эшиклари очиқ турган машинани кўздан кечира бошлади "Ласетти" маркали машинанинг ҳайдовчиси ўриндиққа суянганича ўлиб ётарди. Унинг оёғи остида ароқдан бўшаган шишанинг думалаб ётганига кўзи тушган Собиржон:

– Ичиб, совуқда музлаб ўлган эканми? – деди Шариф акага қараб.

– Мурданинг бўйнидаги изларга қараганда, у бўғиб ўлдирилган кўринади. Мана бу шарф билан, – деди Шариф ака катак-катак шаклли кулранг шарфни кўрсатиб.

– Демак, марҳумни ўзининг шарфи билан бўғиб ўлдиришган экан-да, – деди ҳозиргина машинадан тушган шаҳар прокурори ИИБ бошлиғига қараб.

– Ҳа, бу ерда катта пул можароси бўлганга ўхшайди.

– Лекин, марҳум бир шиша ароқни битта ўзи ичганмикин? – деди Собиржон.

– Унинг қанча миқдорда спиртли ичимлик ичгани, мурдани ёриб кўрганимиздан кейин аниқ айта оламиз, – деди Шариф ака совуқдан титраб.

– Биттаям оёқ изини ололмаяпмиз, ҳамма ҳаракатларимиз бефойда бўляпти, кечаси билан ёққан қор изларни бекитиб ташлаган! – деди криминалистлардан бири жаҳл билан.

Январь ойининг ўрталари, айни қиш чилласи, унинг устига жиноят содир бўлган жой сув бўйидаги ялангликда эканлиги, ҳаммасидан ҳам кишининг вужудини музлатиб юборадигани, мурданинг тарашадек қотиб, кўкариб ётган кўриниши эди.

Ниҳоят, жиноят жойини текшириб, тегишли тергов ҳаракатларини бажариб бўлишди, шекилли, ҳамма ўз машиналарига чиқиб, орқага қайтишди.

* * *

Вилоят прокуратураси катта терговчиси Мирзаев Собиржон, тергов гуруҳига шу йилнинг 14 январь кечаси номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилган Шоаҳмедов Мирзоҳиднинг ўлими тафсилотларини гапирарди.

– Марҳум Шоаҳмедов Мирзоҳид 1975 йили 12 январда туғилган, оилали. Шаҳарнинг Гулистон кўчаси 24 уйда яшаб келган. У 3-қурилиш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган.

Суд-тиббий экспертизаси хулосаларига қараганда, марҳум бўйнидаги шарфи билан бўғиб ўлдирилган. Бу унинг бўйин соҳасида жунли шарф матосининг излари қолганидан маълум бўлади. Ўлим кечаси соат 24 лар атрофида содир бўлган... Марҳумнинг кўп миқдорда спиртли ичимлик ичгани аниқланган.

Ҳозирча бизга маълум бўлгани шу фактлар, холос. Биз тезлик билан қуйидаги тергов тахминларини аниқлашга киришишимиз лозим:

"Марҳум Шоаҳмедовнинг ўлимига оилавий ҳаётидаги келишмовчиликлар сабаб бўлмаганмикин?

Балки ишидага айрим муаммолар сабаб бўлгандир?

Марҳумнинг наркобизнесга аралашиб қолган-қолмаганлигини аниқлаш.

Унинг ўлдирилиши, балки аёл туфайлидир?"

Биз юқорида кўрсатилганларни аниқлай олсак, шулар орасидан қалаванинг учини топишимизга ёрдам берадиган бирор нарса топилиб қолар, деб умид қиламан.

Тергов гуруҳи аъзолари ҳар қайсиси ўзига топширилган вазифани бажаришга киришдилар.

Собиржон марҳумнинг хотинини сўроқ қилиш учун чақирди. У қаршисида ўтирган 28–30 ёшлардаги аёлга синчков назар ташларкан, ўйлади: бу аёл эрининг ўлимидан қаттиқ хафами ёки ўзи аслида ҳаётдан хафамикан? Саволларимга жавоб бераётганида ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган одамга ўхшаб жавоб беряпти. Қизиқ, қандайдир, ғалати?

– Айтингчи, Шоаҳмедова, марҳум эрингиз билан муносабатингиз яхшимиди?

– Ҳа, яхши эди.

– Нима учун шу пайтгача фарзанд кўрмадинглар ёки буни ўзларинг хоҳламадингларми?

– Мирзоҳид акамлар, ҳозирча бола тарбияси билан шуғуллана олмаймиз, деб унча хоҳламаётган эдилар.

– Сиз-чи?

– Мен... менга барибир эди.

– Тушунмадим.

– Мен фарзандимиз бўлса бемалол тарбиялашим мумкин эди, демоқчиман.

– Сиз эрингизнинг ўлимида кимдандир шубҳангиз борми?

– Йўқ...

– Эрингизнинг душманлари бормиди?

– Менга бу ҳақда гапирмаганлар.

– Ўзингиз ҳеч нарсани сезмаганмисиз?

– Сезмаганман.

– Эрингиз эрталаб шу шарфни ўраб чиқиб кетганмиди? – деб Собиржон Жамилага марҳумни бўғиб ўлдиришда жиноят қуроли бўлиб ҳисобланган шарфни кўрсатди.

– Йўқ, бу шарф Мирзоҳид акамники эмас.

– Демак, сиз бу шарфни кўрмагансиз, тўғрими?

– Ҳа...

– Марҳумнинг чўнтагида фақат телефони бор экан, унинг ёнида яна нималар бор эди?

– Улар ҳамма вақт қўл соатларини тақиб юрардилар.

– Ўша куни ҳам қўл соатини таққанмиди?

– Ҳа.

– Пул-чи, қанча пули бор эди?

– Озроқ пуллари бор эди, шекилли, ҳар доимдагидек, сонини билмайман.

Собиржон Жамилага бирор нарса эсига тушса, қўнғироқ қилишини айтиб телефон рақамини бериб, у билан хайрлашди.

Собиржонга марҳумнинг ота-онаси, яқинларини сўроқ қилганида, марҳумнинг оиласида жиддий муаммо йўқлигини айтган бўлсалар ҳам, улар нимanидир яшираётгандек бўлиб туюлди. Собиржон масаланинг тагига етиш учун қанча ҳаракат қилмасин бунинг иложи бўлмади.

Шоаҳмедовнинг оиласидагилар нимани айтишни истамаяптилар? Ахир, бу ерда гап уларнинг ягона ўғилларининг қотилини топиш устида кетяпти-ю, ёки уларга бунинг кераги йўқмикан? Марҳумнинг хотини Жамила-чи? Наҳотки, у 10 йил бирга яшаган кишисининг ўлимига бефарқ қараса?

Бу ерда қандай сир бўлиши мумкин? Дарвоқе, Шоаҳмедов нима учун ярим кечаси уйига бормасдан, овлоқ жойда битта ўзи кўп миқдорда ароқ ичишига сабаб нима бўлган? Марҳумнинг ота-онаси, хотини илгари унинг бундай одати бўлмаганлигини айтишяпти. Демак, ўша куни Шоаҳмедовнинг ҳаётида нимадир содир бўлган. Наҳотки, унинг яқинлари бу ҳақда ҳеч нарса билмасалар?

Собиржон шундай хаёллар билан компьютердан гувоҳларнинг кўрсатмаларини бирор нарса топиш илинжида қайта ўқиб кўраётганида Фарҳод кириб келди.

Собиржон компьютердан бошини кўтармай, Фарҳоднинг саломига алик олиб:

– Келинг, – деди.

– Бирор янгилик борми, Собиржон ака? – деди Фарҳод жойлашиб ўтираркан.

– Ҳозирча, йўқ. Ўзингизда-чи?

– Мен кеча мурданинг бўйин қисмининг катталаштирилиб кўрсатилган расмига диққат билан қараб, бир нарсани сезиб қолдим.

– Нимани?

– Унда худди хитой иероглифларига ўхшаган чизгилар бор экан.

– Йуғ-э.

– Ҳа, ишонмасангиз мана ўзингиз ҳам қаранг, – деб Фарҳод ўша расмни очиб кўрсатди.

Собиржон расмга диққат билан разм соларкан:

– Менимча бу чизиқлар, бўйиннинг қаттиқ сиқилишидан терида қолган излар, холос.

– Қотил бу иероглифларни унинг бўйнига чизиб, шу орқали марҳумнинг қандай одам эканлигига ишора қилмаганмикан. Нима бўлганида ҳам, ўша соҳа бўйича мутахассисни чақириб, билиб олсак, нима дейсиз?

– Майли, агар бўш вақт топа олсангиз, аниқлай қолинг. Шоаҳмедовнинг ишхонасида олиб борилаётган тафтиш қандай кетяпти?

Фарҳод Собиржоннинг у айтган фикрларига эътиборсиз қараганига бир оз хафа бўлиб:

– Тафтишчилар, ҳозиргача текширилган қисмида бошқармада ишлар ҳаммаси жойида, дейишяпти, яна ким билади, ҳали тафтиш тугагани йўқ-ку, балки камомад, ўзлаштиришлар аниқланиб қолар? – деди.

– Марҳумнинг гиёҳванд моддалар истеъмолига ва олди-сотдига алоқаси йўқлиги аниқланди. Демак, бу тергов тахминимиз ўз исботини топмади.

– Биласизми, Собиржон ака, менинг фикримча қотил катта пулдор киши бўлса керак?

– Бу теша тегмаган фикрингиз биринчисидан ҳам ўткирроқ-ку. Қизиқ, бундай дейишга бирор асосингиз борми?

– Албатта, мен ҳеч қачон асоссиз гапирмайман, – деди Фарҳод ўрнидан туриб, дераза одига келиб.

– Хўш, бадавлат қотил тўғрисидаги фикрингизни тўлиқ гапиринг-чи, – деди Собиржон кулиб.

– Собиржон ака, тўғри, сиз устозимизсиз, тажрибали терговчисиз, лекин бу дегани бошқа бировнинг фикр-мулоҳазаларини менсимаслик керак, дегани эмас-да! – деди Фарҳод бу сафар астойдил хафа бўлиб.

– Узр, Фарҳод, ҳозиргача қотил тўғрисида бирор тасаввурга эга бўла олмай, бошимиз қотиб турганида, уни дабдурустдан пулдор киши бўлиши керак, деганингиз қизиқ чиқди-да.

– Хўш, сиз марҳумни бўғиб ўлдириш қуроли бўлиб ҳисобланган шарфни оддий одам тақиши мумкин деб ўйлайсизми?

– Билмадим.

– Ахир, у шарф Англияда ишлаб чиқарилган, 100 фоиз асл жун матосидан ишланган қимматбаҳо шарф ҳисобланади. Мен шунга асосланиб қотил тўғрисидаги фикримни айтган эдим, сиз бўлсангиз...

– Нима, сиз қотил ўзининг бўйнидаги шарфни олиб, марҳумни бўғиб ўлдирган ва уни жиноят жойига ташлаб кетган демоқчимисиз?

– Ҳа, албатта, бошқача бўлган бўлиши мумкин ҳам эмас, ахир ярим кечаси у шарфни бошқа қаердан олган бўлиши мумкин?

– Гапингизда жон бор, лекин сиз айтгандек йўл тутган қотил, пулдор эмас, балки эси паст жинни ёки хаёли жойида бўлмаган бирор шахс бўлиши мумкин. Ёки... – деб тўхтаб қолди Собиржон. У негадир кейинги фикрини айтмади.

– Эътибор берган бўлсангиз, қотил бирор из қолдирмаган, агар у эси паст бўлса бундай қилишга унинг ақли етармиди, нима деб ўйлайсиз?

– Тўғри машинанинг орқа ўриндиғи пастидаги 44 ўлчамдаги этикнинг изларидан бошқа из қолмаган, агар у из қотилга тегишли бўлса... Балки у қолдирган изи ҳақида умуман қайғурмагандир, унинг излари-

нинг йўқолишига қалин ёққан қор ёрдам бергандир? – деди Собиржон ўйланиб.

– Мен барибир ўзимнинг фикримда қоламан.

– Фикрингизни ўзгартиришингизга тўғри келади.

– Нима учун?

– Агар қотил сиз ўйлагандек, бадавлат бўлса, марҳумнинг қўл соатини ечиб олган бўлармиди?

– Унинг қўлида соати бўлган эканми?

– Ҳа, хотини эрталаб соат тақиб чиқиб кетганини айтяпти.

– Қизиқ, ишхонасини кўздан кечирганда ҳам соат чиқмади, тушуна олмай қолдим.

– Биласизми, Фарҳод, муҳими бизнинг қотил тўғрисидаги фаразларимизда эмас, балки уни тезроқ топишимизда.

– Ҳа, тушунаман, амалий ишга ўтайлик, демоқчисиз-да?

Собиржон қўл телефонига жавоб бериш учун гўшакни кўтарди.

– Эшитаман, – деди Собиржон.

У телефонда гаплашаётиб стол устида турган қоғозга «Умар, 11 январь» деб ёзиб қўйди.

– Шунга ишончингиз комилми? – деди Собиржон телефондаги суҳбатдошига. У гўшакни қўйганидан кейин Фарҳод:

– Ким экан у, бирор янгилик борми? – деди.

– Марҳумнинг хотини қўнғироқ қилиб, нима деганини биласизми? У ўша сиз билан биз эгасини тополмаётган шарфнинг кимга тегишлилигини айтди!

– Ростданми?

– Ҳа, у эрининг ўлимидан 3 кун олдин туғилган куни муносабати билан ишхонасидагилар уйларига келганини, бир йигит бошқалардан сал олдинроқ кетиш учун чиққанини айтди. У тез кийиниб, кўча эшигини очганида, тасодифан марҳумнинг хотини Жамила чиқиб қолган ва ерга тушиб қолган шарфга кўзи тушган. У шарфни йигитни кузатиб қўйиш

учун чиққан эрининг жияни Жўрабекка берган. Жўрабек шарфни олиб:

– Умар, тўхтаб тур, мунча шошмасанг, шарф сеникими? – деб унинг орқасидан югурган.

– Марҳумнинг хотини Жамиланинг айтишича, Жўрабек шарфни ўша йигитга беришга зўрға улгурган экан.

– Нима учун шу гапни шарфни биринчи марта унга кўрсатганимизда айтмаган экан?

– Ўшанда у шарфни қаердадир кўрганга ўхшаган, фақат бугунгина қаерда кўрганини эслаган эмиш.

– Қизиқ.

– Ҳа, қандайдир ғалати, кетдик, Фарҳод, марҳумнинг ишхонасида сўроқ қилишни бошлаймиз.

* * *

Терговчилар бошқармада Умар исмли йигит ишлаш-ишламаслигини билиш учун кадрлар бўлимига киришди. Кадрлар бўлимининг бошлиғиман деб ўзини таништирган аёл:

– Бизда иккита Умар бор, менимча сизларга Бердиев Умар керак, тўғрими? – деди ҳозиржавоблик билан.

– Иккинчиси-чи?

– Йўқ, иккинчи Умарнинг бу ишларга алоқаси йўқ.

– Ўзи, сиз, биз нима учун бу ерга келганимизни биласизми? – деди Собиржон.

– Шоаҳмедовнинг ўлдирилиши бўйича-да, бошқа нима учун бўларди.

– Демак, сиз Бердиев Умар Шоаҳмедовнинг ўлимига алоқадор, демоқчисиз-да?

– Йўғ-э, ука, унақа демадим-ку, фақат иккинчи Умар оддий ишчи, катталарнинг ишига аралашмайди, демоқчи эдим, холос...

– Бердиев қандай вазифада ишлайди? – сўради Собиржон.

– Инженер, ишга ўтган йили келган, – деб аёл Умарнинг қайси хонада эканлиги уларга тушунтирди.

Улар аёлга раҳмат айтиб кадрлар бўлимидан чиқишаркан, Фарҳод:

– Энди марҳумнинг хотинини бу ерга чақириб, ўша Умар билан уни юзлаштирамизми?

– Йўқ.

– Унда қандай қилиб шарф эгаси Умарми ёки бошқами эканини билиб оламиз?

– Эҳ, Фарҳод, терговнинг нозик томонларини, билиб олиш сирларини қачон ўрганасиз?

– Секин-секин ўрганяпман-ку.

– Ўрганишни сал тезлаштирсангиз бўлармиди?

– Ўзим мустақил қанча ишларни тергов қилиб ташладим, менимча, ҳаммаси яхши.

– Ҳа, бу фақат ўзингизча, лекин... – деб Собиржон 17 рақамли эшик олдида тўхтади ва Фарҳодга қараб қўйиб, эшикни тақиллатиб, кейин очди. Ичкаридан ўрта бўйли, қизларникига ўхшаб кетадиган, оппоқ ёноқлари қизғиш юзли, 26-27 ёшлардаги йигит уларга пешвоз чиқиб саломлашди. Йигитнинг жигаррангга мойил қўй кўзларидаги қандайдир хавотирни сезган Собиржон, кадрлар бўлимидаги аёл уларнинг ташрифи тўғрисидаги хабарни йигитга етказганини билди. Умар уларни ўтиришга таклиф қилди.

– Сиз Бердиев Умарсиз, тўғрими? – деди Собиржон стулга ўтириб олганидан кейин.

– Ҳа, шундай, хизмат?

– Биз прокуратура терговчиларимиз, – деб Собиржон ўзларини таништирди.

– Эшитаман.

– Бизнинг бу ерга келганимиз боисини сезган бўлсангиз керак?

– Ҳа, бир оз.

– Сизга, ўзингиз ўйлаганингиздек, марҳум Шоаҳмедовнинг ўлими юзасидан бир неча саволларимиз бор эди.

– Лекин, нима учун менга, ахир бу ерда мендан бошқалар ҳам ишлайди-ку?

– Тўғри, бироқ у сизнинг шарфингиз билан бўғиб ўлдирилган-да!

Умар ўрнидан сакраб туриб кетди.

– Йўқ! Бўлиши мумкин эмас. Ахир... нима учун?! – деди у ранги гезариб, қўлларини ёйиб.

– Афсуски, шундай. Шарфни марҳумнинг хотини сизники эканлигини айтди.

– У қаердан биларкан, мени танимайди-ку?

– Эрининг туғилган кунида, шарфингизни тушириб қолдирганингизда, уни олиб эрининг жияни Жўрабек билан орқангиздан бериб юборган экан.

Умар шалвираб стулга ўтириб қолди.

– У меники эмас...

– Нима?

– Ўша, Мирзоҳид акани бўғиб ўлдиришган шарф меники эмас, чунки бундай бўлиши мумкин эмас!

– Хўш, ундай бўлса, шарфингизни бизга кўрсатинг-чи!

– Мен уни йўқотиб... ҳа, йўқотиб қўйганман, – деди Умар дудуқланиб, унинг лаблари титраб кетганини Собиржон сезди.

– Қаерда йўқотгансиз?

– Билмайман...

– Биласизми, жавобларингиз жуда ўлда-жўлда, ахир бўйнингизга ўралган шарфни қандай қилиб йўқотишингиз мумкин?

Умар бир оз ўйланиб қолди ва:

– Мен тушда овқатланиш учун ошхонага кирдим ва пальтоимни ечиб, илиб қўйдим, унинг устига шарфни ҳам илиб қўйдим. Кетаётганимда кийиниб шарфга эътибор қилмасдан шошилиб чиқиб кетибман. Ошхонага келиб қарасам, шарфим йўқ экан.

– Орқангизга қайтиб, шарфингизни олиб келмадингизми?

– Йўқ, борганим билан топа олмаслигимни билардим, чунки у ерда одам жуда кўп эди...

– Сиз шарфингизни қайси ошхонада йўқотгансиз?

– Бетон заводи олдидаги, «Баҳор» ошхонасида.

– Сиз айтаётган ошхона иш жойингизга узоқ-ку, тушлик қилиш учун шунча узоққа боришингизга нима сабаб бўлди?

– Менинг шу тарафда бошқа ишларим ҳам бор эди, йўл-йўлакай овқатланиб ҳам ўтмоқчи бўлган эдим-да.

– Қандай иш эди, билсам бўладими?

– Бу менинг шахсий ишларим эди, сизга ҳам, бошқага ҳам бунинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаса керак, деб ўйлайман.

– Сиз у шарфни қаердан сотиб олгансиз? – деди Фарҳод ўзи шарфни кўрибоқ қизиқтирган саволни бериб.

– Тоғам Англиядан келганларида совғага олиб келган эдилар.

– Тушунарли, – деб Фарҳод Собиржонга қараб қўйди.

– Сиз Шоаҳмедов билан қандай муносабатда эдингиз? – деди Собиржон.

– Ҳамма қатори... яхши.

– Ораларингизда қандайдир келишмовчиликлар йўқмиди?

– Йўқ.

Шу пайт хона эшиги очилиб, бир қиз ичкарига мўралади ва:

– Кечирасизлар, – деб яна эшикни бекитиб кетди.

– Ким у? – деди Собиржон Умарга қараб.

– Маҳбуба, у ҳам шу ерда ишлайди.

– Майли, сиз мана бу, шаҳардан ташқарга чиқмаслик тўғрисидаги тилхатга имзо чекинг, – деб Со-

биржон Умарга бир варақ қоғоз узатди ва:– Бизнинг рухсатимизсиз яшаётган шаҳрингиздан бошқа ҳеч қаёққа чиқишингиз мумкин эмас, – деди.

– Нима учун? Сизлар мендан Шоаҳмедовнинг ўлимида гумон қиляпсизларми?! – деди Умар.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, сизнинг шарф билан марҳум бўғиб ўлдирилган бўлса, сиз эса шарфингизни йўқотдим деганингизни исботлай олмаётган бўлсангиз, бизнинг сиздан шубҳаланишга ҳаққимиз борми, йўқми?

– Билмадим, лекин мен қотил эмасман!

– Хавотир олманг, ҳаммасини аниқлаймиз.

Улар Умарнинг хонасидан чиқиб кетаётганларида йўлакда турган Маҳбубага кўзлари тушиб, бир-бирларига қараб қўйишди. У қиз келишган қоматига ярашиб турган, йирик қилиб тўқилган матодан тикилган кўйлак кийган эди. У қўли билан бўйнини сиқиб турган кўйлагининг ёқасини пастга тортиб-тортиб қўяр ва атрофга олазарак бўлиб қарар эди.

Собиржон кадрлар бўлимига тушиб прокуратурага сўроқ қилиш учун чақирилган кишиларнинг чақирув қоғозларини бериб:

– Чақирилганлар ҳаммаси кўрсатилган соатларда боришлари лозим, – деб уқтириб қўйди

– Албатта, ўзим уларга яхшилаб тушунтираман, – деди чақирув қоғозларини қабул қилиб олган аёл, қошларини кериб, менинг ҳам қонундан унча-мунча хабарим бор дегандай қилиб.

– Раҳмат, опа, – деди Собиржон.

Улар йўлда кетаётганларида Фарҳод:

– Собиржон ака, Бердиевни ҳам прокуратурага чақириб сўроқ қилсак бўлмасмиди, ахир у жиноят қуролининг эгаси бўлиши мумкин, деб гумон қилинаётган шахс бўлса, балки уни қамоққа олганимиз маъқулмиди?

– Қамоққа олиш учун далилларимиз етарли эмас.

– Менимча, ўша шарф эпизоди жуда асосли далил бўла олади.

– Қамоққа олишга шошилмасак ҳам бўлади, ҳали бутун бошли қурилиш бошқармасининг ходимларини сўроқ қилишимиз лозим.

– Бердиев ҳақиқатан ҳам жиноятчи бўлиб чиқса, қочиб кетса-чи?

– Йўғ-э...

– Боя унинг қўрққанидан ранги қандай оқариб кетганини сездингизми?

– Сездим, аммо қочиб кетмаса керак.

– Ким билади, сиз менинг фикримни ҳеч қачон эътиборга олмаслигингизни биламан, барибир ҳар эҳтимолга қарши, деб гапиряпман-да.

– Кўрайлик-чи, Бердиев ўзини қандай тутаркан? – деди Собиржон ўйчан қиёфада.

Бошқарма ходимларини сўроқ қилиш давом этарди. Марҳум Шоаҳмедовнинг 50 ёшлардаги, озғин, қорачадан келган, кўримсизгина котибасини сўроқ қилаётиб, Собиржон сўради:

– Санобар опа, Бердиев Умар билан Махбубанинг муносабатлари жиддиймиди?

– Ҳа, улар бир йилдан ошди, юришади, энди қиз ўлгур чиройли-да. Қошини қоқиб, кўзини сузиб йигит бечоранинг бошини айлантириб олган!

– Нима учун тўйларини қилиб қўя қолишмайди?

– Э, чиройли қизларнинг хушторлари ҳам кўп бўлиши маълум-ку...

– Маҳбуба бошқалар билан ҳам ҳалигидақа, демоқчимисиз? Лекин менга у унақага қизга ўхшаб кўринмади.

– Энди, улар кимга қандай кўринишни биладилар-да. Бечора Мирзоҳид ҳам унинг тузоғига тушиб... Э, майли ўлганни гапирмайлик, арвоҳи чирқиллайди. Ёшгина эди-я, эсиз.

– Шоаҳмедов ҳам Маҳбуба билан юрармиди?

– Улар юришарди, дея олмайману, Мирзоҳид раҳматли унинг орқасидан югуриб юрарди. Ўзингиз айтинг, агар қиз ўлгур уни қатъий рад қилганда, балки бу гаплар бўлмасмиди?..

– Нимани назарда тутяпсиз, тушунмадим, Шоаҳмедов ўлмасмиди, демоқчимисиз?

– Йўқ, мен ўзим билмаган нарсани айтиб, бировга туҳмат қилмоқчи эмасман.

– Демак, барибир Шоаҳмедовни Умар ўлдирган бўлиши мумкин, демоқчисиз-да?

– Йўқ, ука, мен Умарга бунақа оғир айб юклашга ҳаққим йўқ, чунки уни ким ўлдирганини аниқ билмайман.

* * *

Прокуратурага сўроқ қилиш учун чақирилган гувоҳлар деярли ҳаммаси сўралганидан кейин Собиржон:

– Нима дейсиз Фарҳод, менинг назаримда, бошқармадагилар кўпчилиги марҳум Шоаҳмедовни ёқтиришмагандек бўлиб туюлди.

– Балки шундайдир, лекин кўпчилик марҳум билан Бердиев ўртасидаги ёмон муносабатни аниқ айтишяпти. Уни тезроқ ҳибсга олишимиз керакка ўхшайди.

– Нима учундир терговга Маҳбуба етиб келмади. Уни сўроқ қилсак кўп муаммоларнинг ечими топиларми-ди, деб ўйлаган эдим.

– Унинг бу ерга келишга юраги дов бермаган бўлса керак, ахир у бир кишининг ўлимига, иккинчи бир шаҳснинг қотилликка қўл уришига сабаб бўлган-ку.

Менимча, хулоса чиқаришга ҳали эрта, – деди Собиржон деразадан ташқарига қараб туриб.

– Нима, шунча гаплардан кейин ҳам, Умар айбсиз демоқчимисиз?

– Бу ҳақда ҳозир бир нима демоқчи эмасману, лекин Маҳбуба етиб келди, ҳозир уни сўроқ қиламиз, демоқчиман, – деди Собиржон иш стулига бориб ўтираркан.

Эшикдан кириб келган Маҳбубага Собиржон зимдан назар ташлади. Унинг шишган қовоғи ва қизарган кўзларидан узоқ йиғлаганлигини сезиш қийин эмас эди. Маҳбуба ҳеч қандай пардозсиз ҳам оддий кийимларда, жуда тушкун кайфиятда бўлса ҳам чиройли эди. Собиржон уни ўтиришга таклиф қилди. У берилаётган саволларга бир нуқтага тикилиб, овози титраб жавоб берар, унинг сўз оҳангидан ҳаммасига ўзини айбдор деб санаётганини пайқаб олиш мумкин эди.

Собиржон Маҳбубага навбатдаги саволини берди:

– Узр, бу сизнинг шахсий ишингиз, лекин ишга бевосита алоқадор бўлгани учун сўрашга мажбурман, айтингчи, сиз Умарни яхши кўрасизми?

– Ҳа...

– Ундай бўлса марҳум Шоаҳмедовга қандай муносабатда эдингиз?

– Мен... Мен уни... – деб Маҳбуба йиғлаб юборди.

Маҳбуба тинчлангунга Собиржон кутиб турди. Фарҳод компьютердан бошини кўтариб, Собиржонга қараб, қачон йиғлашни тугатади, дегандай қилиб, елкасини қисиб қўйди. Маҳбуба анча вақт ҳиқиллаб йиғлади. Ўзини бир оз босиб олганидан кейин, Маҳбуба сумкасидан рўмолча чиқариб кўз ёшларини артиб, бурнини тортиб қўйди. У Собиржоннинг саволга жавоб бериш учун, терговчилар томонга қараб:

– Мен унга ҳеч қачон бошқача муносабатда бўлмаганман, Шоаҳмедов ўзи менинг қаршилигимга қарамай, ҳамиша орқамдан юрган. Ахир унинг биласи бўлса, унинг ҳоли-жонимга қўймаслиги менга жуда оғир ботарди. Мен ҳатто ишдан бўшамоқчи бўлдим, лекин олдин бошқа иш топишим керак эди, чунки

оиламизда мендан бошқа ишлаши мумкин бўлган киши йўқ-да, – деб Маҳбубанинг кўзларида яна ёш айланди. Лекин энди у йиғламасдан гапира бошлади. – Дадам биз ёшлигимизда вафот этганлар, укам коллежда ўқийди, ойим касалмандлар. Мен коллежни тугатиб икки йилдан бери шу ерда ишлаяпман. Умар акам билан турмуш қурмоқчимиз.

– Умар Шоаҳмедовни рашк туфайли ўлдирган бўлиши мумкинми, сиз нима деб ўйлайсиз? – деди Собиржон.

– Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, Умар акам қотил эмаслар, мен бунга ишонмайман!

– Нима учун?

– Чунки, у киши жуда яхши одамлар... Тўғри, улар ўша куни Шоаҳмедовга қаттиқ гапирдилар, мен ҳам... лекин биз унинг ўлимини истамаган эдик, фақат мени тинч қўйишини хоҳлаб шундай дейишга мажбур бўлган эдик, холос.

– Шоаҳмедовни ўлдириб кетишган куни ўзи ўрталарингда нима бўлган эди?

– Ўша куни Шоаҳмедов мени хонасига чақириб, ишдан кейин бирга овқатланишга таклиф қилди. Мен рад қилдим. У бўлса, агар таклифимни рад қилсанг, сени ва Умарни шармандаларча ишдан бўшатаман, агар менинг айтганларимни қилсанг, сени маоши кўпроқ ишга ўтказаман ва хотиним билан узил-кесил ажрашганимдан кейин сенга уйланаман, Умарни унутишинг керак, деди. Мен Умар акамнинг ҳам мен туфайли зарар кўришидан қўрқиб, майли мен ўйлаб кўраман, деб жавоб бердим. Унинг билан бўлган суҳбатимизни Умар акамга айтганимда, у киши, Маҳбуба, бугун у аблаҳнинг сенга бундай муносабатда бўлишига чек қўйишимиз керак, дедилар.

Хўш, бунга қандай чек қўймоқчи эдингизлар?

Мен ҳам шуни сўрадим, қандай қилиб, дедим. Умар акам у қаерга таклиф қилса ҳам, хўп, дегин.

Кейин у ёғини менга қўйиб бер, дедилар. Мен улар айтгандек қилдим. Ишдан кейин Шоаҳмедов мени машинасига ўтқазиб энди юрмоқчи эди, Умар акам келиб, менинг олдимга машинага чиқиб ўтирдилар. Шоаҳмедов у кишини ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, машинадан тушишини талаб қилди. Умар акам унга бизнинг яқинда унаштирувимиз бўлишини, мени тинч қўйишини айтди. Мен ҳам ўзимни босолмадим, ёнимда Умар акам борлиги учун унга орқа қилибми, ишқилиб Шоаҳмедовни биринчи марта ҳақоратладим.

– Нима деб?

– Унга айтмоқчи бўлган ҳақоратларимнинг фақат бир қисмини айтдим, холос. Сиз одам қиёфасини йўқотган ифлос махлуқсиз, менинг ҳимоясизлигимдан фойдаланиб, жирканч ниятларингизни амалга оширмоқчи бўлясизми, энди мени ҳимоя қила оладиган йигитим бор, у билан яқинда турмуш қурамиз, дедим!

– Кейин нима бўлди?

– У индамай қолди ва бир оздан кейин тушинглар машинадан, деди ва машинасига кескин газ бериб, тез ҳайдаб кетди.

– Кейин-чи?

– Кейин мен ўзимнинг уйимга, Умар акам ўз уйларига кетдик. Эртаси куни эса Шоаҳмедовни ўлдириб кетишганини эшитдим.

* * *

Тергов бўлимининг бошлиғи Фозил ака қўнғироқ қилиб Собиржондан олдига чиқишини сўради. Қоғозларни тартибга келтираётган Фарҳод кулиб:

– Собиржон ака, менинг гапимга қулоқ солиб, Бердиевни ҳибсга олганингизда Фозил аканинг нордон гапларини эшитмаган бўлардингиз. Доно-лар айтган-ку, ё ўзингдан кичикнинг ёки ўзингдан каттанинг гапига киргин, деб, – деди.

– Биринчидан, Фозил аканинг менга айтмоқчи бўлган гапининг ширин-нордонлигини ҳозирча билмаймиз, иккинчидан, ўша донолар айтган ўзимдан кичикдан ёки каттадан бирор маънолироқ фикр чиқмаган бўлса-чи?

– Нима десангиз денг-у, қўлимиздаги ишнинг тергов муддати бугун тугаётган бўлишига қарамасдан, ҳалигача қотил қамоққа олинмаган бўлса, Фозил ака сизга миннатдорлик билдирмаслиги кундай равшан.

– Майли, бошга тушганни кўз кўрар, дейишади-ку, кетдим, – деб Собиржон Фозил аканинг хонасига чиқиб кетди.

Собиржон эшикдан кириши билан жаҳл отига миниб ўтирган Фозил ака уни ўтиришга таклиф қилишни хаёлига ҳам келтирмай, баланд-баланд гапира кетди:

– Сизни икки кун олдин огоҳлантирганмидим, айтинг, огоҳлантирганмидим?! – деди бармоғини бигиз қилиб.

– Ҳа...

– Марҳум Бердиевнинг шарфи билан бўғиб ўлдирилган бўлса, унинг яхши кўрадиган қизига марҳум тегажоқлик қилиб юрган бўлса, марҳумнинг туғилган кунида Бердиев билан ўрталарида жанжал чиққан бўлса, ўша қотиллик юз берган куни Бердиев марҳумни ҳақоратлаган бўлса, энг асосийси, машинадан 44 ўлчамли оёқ кийимининг излари топилган, Бердиев ҳам 44 ўлчамли этик кияркан. Хўш, бу қотилликда Бердиевдан бошқа яна кимдан гумон қилиш мумкин?! Ёки бошқа бировдан шубҳангиз борми?!

– Йўқ.

– Сизга жиноятчини ҳибсга олинг, икки кун вақтингиз қолди, деганмидим?!

– Ҳа.

– Нима, сиз ҳеч кимга қулоқ солмайдиган, тергов муддатини назар-писанд қилмайдиган бўлиб қол-

дингизми?! Мен бурнингизнинг тагидаги қотилни қамоққа олмаганингизни била-кўра туриб, тергов муддатини узайтиришга беради, деб ўйладингизми?!

– Ҳа.

– Бекорларни ўйлабсиз! Тергов муддатини чўзишга ҳеч қандай ҳожат йўқ, чунки қотилни ҳамма сизга қўли билан кўрсатяпти. Нима, сиз ўзингиздан бошқа терговни тушунмайди, фақат мен тажрибали терговчиман, ўзимнинг билганимдан қолмайман, деган фикрдамисиз?!

– Йўқ.

– Ундай бўлса ҳозироқ бориб қотилни ҳибсга олинг, тушунарлими?!

– Ҳа...

Собиржон хонасига кайфияти тушиб кирганини кўрган Фарҳод, ҳаммасини тушуниб, ундан нима гаплигини суриштириб ҳам ўтирмай, индамасдан ўрнидан туриб, ўз хонасига кириб кетди.

Собиржон жойига ўтирмасдан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унга хона совуқ туюлиб, аъзойи бадани қалтираб кетди, иситмам чиқяпти шекилли, деб ўйлаб, пешонасини ушлаб кўрди, кейин қўлларини чўнтагига тиқиб, юришда давом этди. Собиржон ўйларди: «Фозил аканинг гаплари тўғри, ахир Умардан бошқа яна ким қотил бўлиши мумкин? Марҳумнинг ундан бошқа душмани бўлмаган-ку. Нима учун уни қамоққа олишни чўзяпман. Тавба, гоҳида ўзимни тушуна олмай қоламан, нима учундир кўзимга Умар бегуноҳга ўхшаб кўринаверади. Шунча кундан бери уни қамоққа олишни пайсалга соляпман. Бугун тергов муддатининг тугашини билсам ҳам уни қамоққа олишни хаёлимга ҳам келтирмадим. Тергов муддатини чўзишни сўрашимга эса, афсуски, ҳеч қандай асосим йўқ! Марҳумнинг қўлидан ечиб олинган соат-чи? У соатни бошқа бирор жойда ечиб қолдирган бўлиши ҳам мумкин, дейишлари аниқ.

Нима қилишим керак? Наҳотки, бу сафар сезгиларимга қулоқ солмасам, ахир улар Умарнинг бегуноҳлигини қайта-қайта таъкидлашяпти-ку. Лекин ҳамма далиллар унга қарши. Аҳволим жуда ачинарли...»

Шу пайт хонага Фарҳод кириб келиб, унинг хаёлини бўлиб юборди.

– Собиржон ака, Фозил ака сизнинг Бердиевни қамоққа олиш ҳақида санкция сўраган-сўрамаганингизни билмоқчи экан, – деди Фарҳод.

– Ҳозир шунга кетмоқчи бўлиб турувдим, – деди Собиржон.

– Мен унга нима дейман?

– Кетди, денг, – деб Собиржон хонадан чиқиб кетди.

Кечаси Собиржон Умарни қамоққа олиш учун, милиция ходимлари билан бирга, унинг уйига борди. Уларга эшикни очган Маърифат опа:

– Тинчликми? – деди хавотирланиб.

– Ўғлингиз Бердиев Умар уйдами? – деди Собиржон.

– У эрталаб чиқиб кетганидан ҳозиргача дараги бўлмаяпти. Телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермаяпти. Ўзимам хавотирланиб ўтирибман.

– Қаерда бўлиши мумкин?

– Билмайман, бунақа одати йўқ эди, ишидагилар бугун ишга бормаганини айтишди, ишқилиб соғ-саломат кириб келсин-да, – деб Маърифат опа кўз ёшларини артди.

– Ие, қаерда бўлиши мумкин, бирор қариндошларингизникида ёки яқинларингизникида бўлиши мумкинми? – деди Собиржон Умарнинг кутилмаганда ғойиб бўлганига ажабланиб.

– Кун бўйи боламнинг бориши мумкин бўлган жойларига қўнғироқ қиламан, агар дарагини билсалар уларга қўнғироқ қилишни тайинлаб қўйганман.

Ростини айтсам, ука, ўша Мирзоҳидни ўлдириб кетганларидан бери болам бечоранинг тинчи йўқолган. Қамаб қўйишларингиздан қўрққанидан бирор ёққа кетиб қолганмикин, деб ўйлаяпман. Ахир, бунда унинг заррача айби йўқ бўлса, бечора болагинам!

– Ана холос, наҳотки, менинг ўйлаганим тўғри чиққан бўлса?! – деди Фарҳод Собиржонга қараб.

– Қочиб кетган, демоқчимисиз?

– Фақат мен эмас, унинг онаси ҳам шундай ўйлаяпти-ку.

– Йўғ-э, бу мумкин эмас...

– Ҳайронман, Собиржон ака, танимаган, синашмаган битта йигитга нимага асосан шунча ишонч билдиряпсиз?

Собиржон Фарҳоднинг гапига жавоб бермасдан Маърифат опага юзланди:

– Биз шу ерда, уйингизда ўтириб, ўғлингизни кутамиз, майлими?

– Сизлар уни қамоққа олиш учун келдингизларми?!

– Ҳа, – деди Собиржон.

– Йўқ, менинг ўғлим қотил эмас, бу нотўғри!

– Биз ҳаммасини аниқлаймиз, агар Умар айбсиз бўлса, уни қўйиб юборамиз. Лекин ҳозир ҳамма далиллар унга қарши бўлиб чиқяпти, шунинг учун бошқа иложимиз йўқ.

Маърифат опа йиғлаб ўтириб қолди. У анчадан кейин ўзини босиб олиб:

– Сизлар ҳам ўз вазифаларингизни бажаряпсизлар, нима ҳам дердим, тик оёқда турманглар, ўтиринглар, – деб уларга жой кўрсатди.

– Собиржон ака, менимча уни кутишимиздан фойда йўқ, аэропорт, вокзаллар, йўлларга хабар бериб, уни қидиришни бошлашимиз керак. Сезгандим шундай бўлишини, ахир қайси аҳмоқ қотил ўзини қамоққа олишларини кутиб жим ўтиради. Бошимиз балога қолади, шекилли, – деб Фарҳод жиғибийрони чиқиб, асабийлаша бошлади.

Собиржон Фарҳоднинг гапларига эътибор бермай деразадан ташқарига қараб, хаёл суриб қолди.

– Соат тунги 11 бўляпти, ҳалигача ундан дарак йўқ. Фозил акага нима деб жавоб беришингизни ўйлаб қўйдингизми? – деди Фарҳод Собиржоннинг ёнига бориб.

– Бунча куйиндингиз? – деди Собиржон мийиғида кулиб.

Собиржоннинг бамайлихотир гапиришидан ҳайрон бўлган Фарҳод:

– Тергов муддатининг тугашига бир соат қолганини худди эсингиздан чиқариб қўйгандек гапирасиз-а? Нима, фақат қамчи ўзимга тегади, деб ўйлайсизми, ахир унинг бир учи менга ҳам тегади-ку, шундан хавотирдаман, – деди Фарҳод.

– Ҳа, гап бу ёқда, денг

Собиржон қўл телефонидан Фозил акага қўнғироқ қила бошлади:

– Бердиев бир иш билан қариндошиникига кетган экан, унинг уйга келишини кутиб ўтирибмиз, – деди.

– Ишқилиб, қочиб кетмаган бўлсин-да. Ҳарҳолда эҳтиёт бўлинглар!

– Хўп.

– Собиржон, мен барибир сизга ишонаман, – деди Фозил ака.

– Раҳмат, – деб гўшакни қўйди Собиржон.

Маърифат опа иккита милиция ходими ва Фарҳод ўтирган столга чой олиб келиб қўйди ва:

– Овқат ҳам олиб келайми, ўғлим? – деди у Фарҳодга қараб.

– Йўқ, раҳмат, – деди Фарҳод ва ўғлини қамоққа олиш учун келган кишиларга бу аёлнинг нима учун мулозамат кўрсатаётганига тушунмай ҳайрон бўлиб унга қаради. Ўғлини қочириб юбориб, бизни чалғитмоқчи бўлаётганмикан, деб ўйлаб, бетоқатланиб, Собиржонга ҳам қараб қўйди.

Собиржон ҳамон деразанинг олдида турарди, унинг нимани ўйлаётганини ёки асабийлашаётганини, унинг энди нима қилмоқчи эканини билолмай Фарҳод гаранг бўлиб ўтирарди. Кутилмаганда Собиржон ошхонада кўймаланиб юрган Маърифат опанинг *олдига бориб:*

– Маърифат опа, сиздан бир нарсани сўрасам майлими? – деди.

– Бемалол, сўрайверинг.

– Сизни прокуратурага чақириб тергов қилганимизда, эрим билан ажралганимиздан кейин, уни кўрмаганман, деган эдингиз, тўғрими? – деди Собиржон ошхоналаги стулга ўтираркан.

– Ҳа.

– Маърифат опа, келинг, ўтиринг, сиздан яна бир нарсани сўрамоқчиман.

– Нимани? – деди Маърифат опа Собиржонга қараб.

– Айтинг-чи, сиз турмуш ўртоғингиз билан нима сабабдан ажралгансизлар, ахир иккита фарзандингиз бўлган экан?

Ошхонанинг очиқ турган эшигидан Фарҳод Собиржоннинг гапларини эшитиб, ўрнидан туриб у ҳам ошхонага кирди ва стулни бир чеккага суриб қўйиб ўтириб олди.

– Биз ажрашганимизда қизим Доно 4 ёшида, ўғлим эса 2 ёшида эди. Орадан 24 йил ўтибди...

– Маърифат опа, агар бу сиримгиз бўлса, майли айтмай қўя қолинг, мажбур қилмайман.

– Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, бунга фақат лаънати ичкилик сабаб бўлган.

– Агар мумкин бўлса ҳаммасини бир бошдан гапириб бера оласизми? – деб Собиржон Маърифат опага қаради.

– Собиржон ака, соат 12 бўляпти, эсингиздан чиқмадими? – деди Фарҳод Собиржоннинг бемалол ўтиришига ҳайрон бўлиб. Собиржон унинг гапига

эътибор бермай, Маърифат опадан жавоб кутиб, унга қаради.

Маърифат опа қўлидаги идиш-товоқ юваётган латтани жойига қўйиб, қўлини сочиққа артиб, секин стулга ўтирди. У бирдан гап бошлай олмай суҳбатдошига бир қараб қўйди. У қаршисида ўзидан чиққан ҳамма гапни ёзиб олиб, ҳужжатлаштирмоқчи билиб ўтирган прокуратура терговчиси эмас, балки унинг дардларини эшитишга, ҳатто ёрдам беришга тайёр турган самимий инсонни кўриб, кўнгли хотиржам бўлгандек бўлди. Маърифат опа орадан кўп йиллар ўтган бўлса ҳам ҳаётида тузалмас чандиқ бўлиб қолган аччиқ хотираларни гапиришга қийналаётган эди. Собиржон унинг руҳий аҳволини англаб, индамай кутиб ўтирарди. Марифат опа сўзлай бошлади.

* * *

Ўшанда Маърифат педогогика институтининг эндигина иккинчи курс талабаси эди. У ота-онасининг қизини узатиб, тўй-томоша қилишлари ҳақидаги гапларини иккита қила олмади. Ўзи яхши танимаган йигитга турмушга чиқишга рози бўлди. Чунки онаси оғир касал эди, унинг ҳар икки гапнинг бирида, кўзим очиқлигида сени жойингга топширсам, хотиржам кетардим, дейиши Маърифатнинг юрагини зирқиратиб юборарди. Шунинг учун ҳам Маърифат ота-онаси танлаган куёвни қанақалиги билан қизиқиб ҳам ўтирмади, фақат онам мени узатиб хотиржам бўлсалар бўлди, деб ўйлади. Маърифатнинг бўлажак турмуш ўртоғи ҳақидаги билгани, унинг юридик институтни битириб, бу йил қайсидир корхонага юрист бўлиб ишга тушгани эди.

Куёв бола тўйлари бўлиб ўтганидан кейин ўзининг қандайлигини аста-секин билдира бошлади. У деярли ҳар куни ичиб келарди. Тўғри, у ғирт маст бўлиб келмасди, лекин яқинидаги одамга ароқ ҳиди гу-

пиллаб урарди. Маърифат бунга тушуна олмай анча қийналди. Кимгадир буни айтиб, маслаҳат сўрасамми, деб ўйлади. Онамга айтсаммикан, ўйлади у. Онасининг оғир касаллигини ўйлаб, дарров фикридан қайтди. Ўзи оилада битта қиз бўлгани учун, опа-сингилиси ҳам йўқ, акамга айтсам-чи? Йўғ-э, кеннойим эшитса, тушганига ҳеч қанча бўлмасдан, уялмай дарров эрининг устидан шикоят қилиб қолибди, деб ҳаммага айтиши мумкин. Нима қилсам бўлади, деб, Маърифатнинг боши қотиб қолди.

Маърифат ўйлаб-ўйлаб бу ҳақда қайнонасига айтишга қарор қилди. Дам олиш куни қайнонаси узун қилиб ўстирилиб, қип-қизилга бўялган тирноғини мусиқа оҳангига монанд столнинг четига секин уриб, бир ўзи телевизорда концерт томоша қилиб ўтирганида, Маърифат унинг олдига чой дамлаб келиб, минг андиша билан гап бошлади:

– Ойижон, сизга бир нарсани айтмоқчи эдим, – деди қизариб.

– Нима бўлди, бўйингда бўлиб қолибдими? – деди қайнона ҳовликиб.

– Йўқ, ўғлингиз ҳақида...

– Авазбекка нима қилибди, тинчликми?

– Айтмоқчи эдимки, у киши ишдан кейин ичиб келадилар, шунга...

– Нима, маст бўлиб келиб, сени дўппосладими?

– Йўқ, лекин...

– Эринг урмаса, сўкмаса, ўртоқлари билан озгина ичса, бунинг нимаси ёмон. Эркак киши бўлганидан кейин ичади-да! Шунга айюҳаннос солиш керакми?! Бунча ношукр бўлмасанг, ундан кўра бола кўришнинг ҳаракатида бўлинглар. Биласан, Авазбек ягона ўғлимиз, унга ўғиллар туғиб бергин, ана шунда сен яхши хотин бўласан. Бор ишларингни қил! – деб қайнонаси Маърифатни жеркиб берди

Маърифат қилган ишига пушаймон бўлиб, қайнонасига бошқа ҳеч нарса демади. У қайнонасининг

нима учун эрининг ичишига бефарқ қарашини кеч йинчалик тушуниб етди. Чунки уларнинг оиласида ичиб келиш одатий ҳол экан! Қайнота ҳам, ҳатто қайнонанинг ўзи ҳам айрим пайтларда оёғида зўрға туриб, гирт маст бўлиб уйига келишаркан!

Маърифат оиладаги бу аҳволга кўника олмай қийналарди. Шу орада унинг онаси вафот этди. Маърифат ғамга ботиб, тушкунликка тушиб қолди. Лекин у ҳомиладор бўлиб қолганини билиб, сал-пал қалбида илиқлик пайдо бўлди.

Эри Авазбекка эса ичиш учун янги баҳона топилган эди. У туғилажак фарзандидан кўра кўпроқ, шунга хурсанд эди.

Эри ичиб келганида Маърифатнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кўринарди, наҳотки, энди бу одам ичкиликсиз тура олмаса? Ҳали ёш бўлса, эндигина оила қурган бўлсак, фарзандимизнинг тақдири нима бўлади? Маърифат ўйлаб ўйига ета олмасди.

Ойи-куни яқинлашган Маърифат бор дардини акасига тўкиб солди. Акаси унга ачиниб:

– Синглим, мен ҳам куёвимизнинг шунақароқ эканини сезиб юрган эдим, тақдир экан-да. Нима бўлса ҳам сен кўп қайғурма, сиқилсанг мен билан маслаҳатлаш, хўпми? – деди.

– Хўп...

Маърифатни тўлғоқ тута бошлади. У онасини эслади. Онам бўлганларида ёнимда бўлардилар. Кеннойимни тўлғоқ тутганида минг айланиб, ўргилиб, исириқ тутатиб, қорнини тўйғазишга ҳаракат қилиб, қанча сийлаб-сийпардилар. Бу аёл бўлса тўлғоқ тутаётганини эшитганига ярим соатча бўлди, ҳалиям хонамга кирмади, ўғли бўлса, ишда, ҳозир етиб бораман, деганича, дарак йўқ.

Маърифат ҳам қаттиқ оғриқдан, ҳам шундай пайтда ёнида ҳеч ким далда бўлиб турмаганидан

хўрлиги келиб, йиғлай бошлади. У кеннойисига қўнғироқ қилди. Улар акаси билан бирпасда етиб келишди. Шундан кейингина қайнона ҳам кириб келди.

– Ҳа, келинжон, бунча ваҳима қилдинг, сендан бошқалар ҳам туққан, чидаш керак! – деди қўлини белига қўйиб.

– Бора қолайлик, кеннойи, – деди Маърифат оғриқ зўрайганини айтиб.

– Майли, бора қолинглар, мен уйда у-бу ишларга қарашим керак, – деди қайнона бамайлихотир.

Маърифатнинг кеннойиси Насиба қайнонанинг бу гапига нима дейишини билмай анграйиб қолди. Ахир, бу хотиннинг биринчи невараси бўлса, келинни туғруқхонага олиб бориш, невараниng дунёга келишини интизорлик билан кутиб туриш, кўзи ёриган келинни авлоди давомчисини дунёга келтирганига миннатдорлик белгиси сифатида унинг пешонасидан ўпиб, неварасини ҳаммадан олдин кўриб, биринчи суюнчилаганга, суюнчи сиздан айлансин деб, суюнчи бериш ҳар бир аёлнинг энг эзгу тилаги ҳисобланади-ку!

Бу аёл бўлса, муздай совуқ, келини эмас, худди душмани яна бир душманни дунёга келтириш учун қетаётгандек гапиради-я! Астағфуруллоҳ! Ўзинг асра! – деб хаёлидан ўтказди у.

– Маърифатхон, айланай, кетдик. Яна озгина чидасангиз бўлди, чақалоқ туғилганидан кейин ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз, – деди у қайнсинглисига раҳми келиб, елкасидан қучоқлаб олиб чиқаркан.

Маърифат қиз туғди. Кеннойиси ҳар куни туғруқхонага қатнашга қийналмасди, лекин қайнонанинг бирон марта ҳам бормаганини эшитиб, унга қўнғироқ қилди.

– Тўти опа, Маърифат билан ораларингда гап ўтганмиди? – деди у салом-аликдан кейин.

– Йўқ, мен унақа ҳар кимлар билан жанжаллашиб юрадиган аёл эмасман, нимага сўраяпсиз? – деди у бидиллаб.

– Туғруқхонага неварангизни кўриш учун бормаганингизга шундай деб ўйладим-да.

– Ҳа, гап бу ёқда денг, нима қилса ҳам кеннойисиз-да, қийналиб қолдингизми ёки суюнчи пули берганингизни миннат қилмоқчимисиз?!

– Мени тўғри тушуниng, Маърифатнинг кўнгли ўксимасин деяпман, ахир у...

– Менга қаранг, жуда ақлли бўлсангиз, ақлингиз ўзингизга сийлов! Нима қилишни ўзим биламан. Уйга келган-кетганга ким қарайди, сиз келиб қарайсизми?! Менинг уйимнинг ички ишларига бегонанинг аралашишини хоҳламайман!

– Ҳеч ким аралашишини хоҳламасангиз, инсонга ўхшаб, одам қилиши керак бўлган ишни қилинг-да, шу гапларни айтишга мажбур қилмасдан!

– Нима деяпсан, ҳой ярамас?! Сен ким бўлибсан менга...

Насиба кеннойи қайнонанинг шанғиллашини охиригача эшитмай, гўшакни қўйди. Бу хотинга гапирганнинг фойдаси йўқ, шекилли. Бечора, Маърифат шунинг учун ҳам у кейинги пайтларда жуда тушкун кайфиятда юраркан-да. Уйда ҳамма ичади, қайнонам ҳам ичиб келади, деб сиқилиб ўтирарди. Бу аёлни ичкилик одамгарчиликдан чиқарганмикан ёки асли ўзида одамгарчилик бўлмаганидан кейин ича бошлаганми? Э, нима фарқи бор? Ичадиганлар, наркоманлар, қурумсоқ, одамгарчиликсиз бўлиб қоладилар, дейишади-ку, – деб ўйлади Насиба кеннойи.

Маърифат туғруқхонадан чиқиб, уйга келди. Унга янги туққан аёл деб, бир одам бир чойнак чой дамлаб олдига қўймади. Қайнона боланинг иштончаларига жирканиб қарар, биттасини ювиб, ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, қайнона Маъри-

фатга ўрнидан тезроқ туриб, кир-чирга, қозон-товоққа қараши лозимлигини уқтирди. Маърифат бу аёлнинг бағритош, шафқатсизлигидан ҳайратга тушарди. Эрининг эса парвойи палак, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлар, менга ҳеч ким индамаса мен ҳам ҳеч кимга тегмайман, қабилида иш кўрарди.

Кунлар шу тарзда ўтарди. Маърифатнинг ўқиши уйда ҳеч кимни қизиқтирмас, қайнонаси умуман ўқиш керак эмаслигини қўлини пахса қилиб, қайта-қайта таъкидларди. Маърифат бу ҳақда отасига айтганида, у ҳам майли қизим, уйингдагилар шуни исташаётган бўлишса, ўқимай қўя қол, деди.

Маърифат Доно туғилганидан кейин у билан овунадиган, тил очганида унинг сўзлашидан кувониб, жилмаядиган бўлиб қолди.

Қайнона одатдагидек, ҳеч нарса билан иши йўқ, фақат базмлар, қимматбаҳо кийимлар, гўзаллик салонлари ва уйдан чиқишга баҳона сифатида номигагина ишга бориш билан банд эди. Маърифат эса уйнинг ҳамма юмушларини қилар, унга бирор кимса раҳмат айтмас ёки битта рўмолча билан сийламас эди. У фарзанди учун ҳаммасига чидашга мажбурман, деб ўйларди.

Бир куни қайнона кутилмаганда Маърифатга:

– Келинжон, яна туғишни ўйламаяпсанми? – деб қолди.

– Биламадим, Доно энди бир ёшдан ошди-ку, – деди Маърифат унинг бу гапидан ажабланиб.

– Ие, нима деяпсан? Бу билан қачон туғишни ўзим биламан демоқчимисан?!

– Йуғ-э, майли агар сиз шуни хоҳлаётган бўлсангиз...

– Ҳа, бу бошқа гап, келинжон, балки иккинчи бола ўғил туғилса Авазбек ҳам қуйилиб, ота бўлиб қолганини сезармиди, дейман-да, – деди чеҳраси ёришиб.

Маърифат қайнонасининг чеҳраси ёришганини энди кўриши эди. У бундан кувониб кетди.

Маърифат иккинчи фарзанди Умаржон дунёга келганидан кейин, қайнонаси ва эри ўзгариб қолади, деб ўйлаб нотўғри фикрлаганини тушунди. Қайнонаси худди илгаригидек, бу сафар унинг орқасидан неварасини кўришга туғруқхонага бирор марта ҳам бормади, эри онда-сонда зўрға мажбурият юзасидангина судралиб борарди. У қовоғидан қор ёғиб, қачон чиқишини сўраганини ҳисобга олмаганда, бошқа бир оғиз сўз демасди. Маърифат бу оиладаги одамлар нима учун меҳр-оқибатсиз эканлигига тушуна олмай, ҳайрон қолар, ёки мендан хато ўтдимикан, деб ўйларди. Лекин ўзидан уларнинг бундай совуқ муносабатига сабаб бўладиган гуноҳини топа олмай, ўзини хўрланган, ҳақоратланган, қадри топталган деб ҳисоблай бошлади.

У уйга чиқиб борганида қайнонаси аввалгидан ҳам кўра бағритошлик қила бошлади. Қўлини ишга урмас, ҳатто уни едириб, ичириб ўтирганини миннат қила бошлади.

Оилада ота-она, ўғли учаласи бир-бири билан апоқ-чапоқ эдилар, Маърифат ва иккита фарзанди эса гўё уларнинг уйига бошпанасизликдан мажбурий яшаб турган бегоналардай эдилар. Маърифатнинг ва болаларининг кийимлари бир аҳволдалигини кўрган акаси ҳайит, байрамларда уларни кийинтирарди. Совға-саломлар кўтариб тез-тез уларникига келарди. Тўти қайнона эса бунга ўзи шундай қилиш керак, бу одатий ҳол, дегандек қарарди. У бировларнинг олдида ҳеч кимга гап бермай, ягона ўғлининг болаларини жуда яхши кўришини, улардан ҳеч нарсани аямаслигини айтиб, оғиз кўпиртириб мақтанарди. Маърифат бунга ёқасини ушлаб, тавба, дейишдан бошқа ҳеч нима дея олмасди.

Маърифат энди иккита фарзанди учун тишини-тишига қўйиб ҳаммасига чидашга қарор қилган эди. Кўп ўтмай унинг отаси оламдан ўтди. Маърифат ғирт етим бўлиб қолди.

Ниҳолдек нозик Маърифат, ғам-ғуссадан эгилиб қолди. У тез-тез касал бўлиб қоладиган, ҳатто болаларига ҳам қарай олмай, ётиб қоладиган бўлиб қолган эди. Бундай пайтларда болаларнинг йиғлаган овозини эшитиб, унинг хонасига кирган қайнона:

– Буларни туққандан кейин эплаб боқиш керак-да! Бунча лалайган келин бўлмасанг, ёлғондан касалман деб уззу кун чўзилиб ётасан! Хонани шамоллатиш керак, ҳамма ёқни қўланса ҳид тутиб кетган! – деб, ичикиб йиғлаётган Умарни қўлига ҳам олмасдан, эшикни бекитиб чиқиб кетарди.

Насиба кеннойи Маърифатнинг жонига оро кириб, унинг ўзига, болаларига қараб, тузалишига ёрдам берарди.

* * *

Авазбек тонгга яқин уйга кириб келадиган янги одат чиқарганига ҳам анча бўлиб қолди. Бир куни Маърифат тонгда келган эрига:

– Шу пайтгача қаерларда юрган эдингиз? – деди.

– Нима, мени тергаяпсанми?

– Хавотир олганимдан сўраяпман

– Бор, ишингни қил, мен билан ишинг бўлмасин! – деб Маърифатни итариб юборган Авзбек, унинг йиқилиб тушганига эътибор ҳам қилмади.

Маърифат қайнонасига Авазбекнинг уйга ичиб, жуда кеч қайтаётганини айтганида:

– Нима, бизни ўғли қачон уйга келиб, қачон кетганини билмайдилар, деб ўйладингми? – деди.

– Билсангизлар нима учун тартибга чақириб қўймаяпсизлар? – деди Маърифат ҳайрон бўлиб.

– Чунки ўғлимизнинг шундай аҳволга тушишига сен ношуд сабабчисан! Эрингнинг кўнглини топа олмаганингдан кейин уйга келгиси йўқ-да!

– Нима?

– Шунақа! – деб Тўти ясан-тусанни жойига қўйиб кўчага чиқиб кетди.

Маърифат бу аёлга ўғлининг қандай юришининг фарқи йўқлигини, у фақат битта ўзини ўйлашини тушуниб етди.

Маърифат эрининг телефонда қандайдир аёллар билан беҳаё гапларни гаплашиб ўтирганини эшитиб қолар, лекин журъат қилиб, ким билан гаплашяпсиз, деб сўрай олмас эди. Бир куни у юрак ютиб:

– Авазбек ака, сиз оилали бўлсангиз, иккита фарзандингиз бўлса, нима учун ҳаром ишлар қиляпсиз? Бунинг касри норасида фарзандларимизга урмаса, деб қўрқаман, – деди.

– Жуда ақлли бўлиб кетибсанми, овсар?!

– Ҳамма вақт ақлим жойида бўлган, фақат сизларнинг ҳурматларингизни жойига қўяман, деб гап қайтармаганман, сизлар эса, андишанинг отини қўрқоқ қўйиб олгансизлар.

– Эй, ярамас, сен менга гап қайтаряпсанми?! – деб Авазбек унинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

– Мен нима гуноҳ қилдим?!

Авазбек Маърифатнинг тўғри келган жойига уриб, тепиб, чиқиб кетди. Маърифат йиқилиб қолди. У чирқираб йиғлаётган ўғлини овутиш учун ўрнидан туришга мажбур бўлди.

Маърифат нима қилишини билмас, кимдан ёрдам сўрашни ўйлаб қолди ва уйда бор-йўғи билинмайдиган қайнотасига ҳаммасини тушунтириб айтса, балки ўғлини уришиб қўяр, балки унинг ҳеч нарсадан хабари йўқдир, деб ўйлади. У шундай хаёллар билан қайнотасининг хонаси томонга юрди, эшикни тақиллатмоқчи бўлиб, энди қўлини чўзганида қулоғига:

– ...Сиз шу ифлос келин тўғрисида умуман ўйламанг, қон босимингиз ошиб кетишини биласиз-ку. Яқинда у ўзи бу ердан йўқолади. Бошқа келин оламиз. Олинг, яхшиси манави 50 граммни ичиб қўйинг, ётиш олдидан фойдали, асабларингизни тинчлантиради...

Бу қайнотанинг гаплари эди. Маърифат қўлини тортиб йиғлаганича хонасига кириб кетди. Унинг охирги умиди ҳам пучга чиққан эди. Маърифат деразадан кўчага қараб, кўз ёшларини тўхта олмай йиғларди. Уйларининг олдида жойлашган «Юлдуз» кинотеатридан, охирги сеансдан чиқиб, тўда-тўда бўлиб ўтаётган одамларга ҳавас билан қарарди. Шу кинотеатрнинг олдида жойлашган уйда яшашларига қарамай, бирон марта ҳам кинога тушмаганига, эри билан қайнонаси уни ҳеч қачон инсон деб қарамаганига, қадр-қимматини ер билан тенг қилиб ташлаганига хафа бўлиб, ўзини босолмай, ҳўнграб йиғларди.

Авазбек бошқа бир қиз билан юрганини ўзи айтиб, Маърифатга хоҳласа уйдан кетиши мумкинлигини билдирди. Маърифат бу ҳақда акасига айтишга мажбур бўлди. Акаси Журъат уни болалари билан бирга олиб кетди.

Маърифат иккита фарзандини акасининг ёрдамида тарбиялаб, катта қилди. Улар ўзлари истаган олийгоҳларда ўқиб, олий маълумот олдилар. Қизини ўзи танлаган йигитига турмушга узатиб, невара кўрди. Умарни эса уйлантирмоқчи бўлиб, тўйга тайёргарлик кўраётган эди. Фарзандларининг отаси Авазбек бирон марта келиб, уларнинг ҳолидан хабар олмади, Маърифат ҳам у билан қизиқмади.

* * *

Маърифат опа гапини тугатиб, серажин пешонасини силаб, оқ оралаган сочини рўмоли тагига бостириб қўйди. Унинг ҳикоясини диққат билан тинглаб ўтирган Собиржон:

– Болаларингизни олиб уларнинг уйидан чиқиб кетганингиздан бери, наҳотки эрингиз тўғрисида ҳеч нарса эшитмаган бўлсангиз?

– Ўша пайтларда эшитганман. Судда никоҳимиз бекор қилинганидан кейин, у уйланган. Болалари

борми-йўқми билмайману, ичкиликка муккасидан кетиб, ишдан бўшаганини, ота-онасининг ўлимидан кейин, уйидаги нарсаларни сотиб ича бошлаганини ёмон аҳволга тушиб қолгани қулоғимга чалинган.

– Ҳозир-чи, у қаерда экан?

– Унисини билмайман, тирикми, йўқми, кейинги ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса билмайман.

– Болаларингиз дадалари ҳақида сўраганда нима деб жавоб берардингиз?

– Ҳақиқатни айтардим.

Телефон жиринглаб қолди. Маърифат опа тезда бориб гўшакни кўтарди.

– Ака, сизмидингиз? Сизга Умарни тополмаётганимни айтиб хавотирга солиб қўйдим, шекилли. Йўқ, ҳалигача дараги йўқ, келиб қолар, сиз бемалол дамингизни олаверинг, эртага маърузангиз бўлса, тағин чарчаб қолманг. Хайр, ака.

– Ким экан? – деди Собиржон.

– Боя акам Франциядан қўнғироқ қилган эдилар. Мен аҳмоқ унга ҳамиша дардимни айтиб ўрганиб қолганимданми, Умарнинг куни бўйи йўқ бўлиб кетганини айтиб қўйибман, акам бечора хавотир олиб, чет элдан қўнғироқ қилиб, унинг уйга келган-келмаганини суриштиряптилар.

– Францияга қандай юмуш билан кетганлар?

– Республикада таниқли олим, профессор Қодир Ҳамроевични эшитмаганмисиз, ўша киши менинг акам бўладилар. Улар чет давлатлардаги университетларда маърузалар ўқиб келадилар.

– Ҳа, у киши математика бўйича машҳур олим ҳисобланади, демак, у Умарга Англиядан шарф олиб келган тоғаси экан-да, – деди Фарҳод Собиржонга қараб.

Собиржон унинг гапини тасдиқлаб бошини қимирлатиб қўйди. Қўнғироқларнинг кети узилмай қолди. Маърифат опанинг қизи, жиянлари, бошқа

қариндошлари Умарнинг уйга келган-келмаганлигини билиш учун қўнғироқ қилишарди. Ҳар қайси қўнғироққа Маърифат опа жавоб бериш учун гўшакни кўтарганида, Фарҳод унга яқинроқ туриб, қўнғироқ қилаётган кимлигини аниқ билиш учун учун диққат билан эшитарди.

Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Маърифат опа эшикни очиб, ичкарига кирган Умарга қараб:

– Болагинам, эсон-омон келганингга шукр, хавотирдан ўлай дедим-ку, қаерларда, юрибсан?! – деб йиғлаб юборди.

– Нима гап, тинчликми? – деди у ичкарида уни кутиб турган терговчи ва милиция ходимларига қараб.

– Мен машиналарни кўзга ташланмайдиган жойда яшириб қўйишни тайинлаган эдим-да, ҳеч нарсани сезмаган, шунинг учун ҳам уйга кирган, – деди Фарҳод Собиржонга яқинроқ келиб.

– Нима учун бугун ишда бўлмадингиз, шу пайтгача қаерда эдингиз? – деди Собиржон.

– Мен Маҳбуба билан тўйимизни тезроқ ўтказишни ўйлаб, тўй ўтказиш учун тўйхоналарни суриштириб, бориб кўрдим. Хонандаларни шу кун учун банд қилиб қўйдим, кейин ўзим ёлғиз қолиб, фикрларимни жамлаб яна нима қилиш тўғрисида ўйлаб олдим.

– Бу гаплар онангизни тинчлантириш учун ўйлаб қўйганларингиз эди, бироқ бизга ҳақиқатан ҳам нима қилганингизни айтишингизга тўғри келади, – деди Собиржон.

– Ҳеч нарсани яшираётганим йўқ, ҳаммаси шу...

– Нима учун телефонингизни ўчириб қўйдингиз?

– Ҳеч ким халақит беришини хоҳламадим.

– Ахир сен айтган ишларни тоғанг билан маслаҳатлашмасдан, қандай қилиб амалга оширмоқчи бўлдинг, бунинг устига бу гаплардан Маҳбубанинг ҳам хабари бўлмаса, у бечора ҳам, кун бўйи сени қидириб, сиқилиб ўтирибди.

– Ойи, мен ёш бола эмасман-ку, ҳадеб тергайверасизми?!

– Тўғри, Маърифат опага ҳеч нарса демаслигингиз мумкин, лекин биз билан прокуратурага бориб, ҳақиқатни айтишингиз лозим бўлади.

– Тушунмадим?

– Сиз Шоаҳмедов Мирзоҳиднинг ўлимида гумон қилиниб, қамоққа олиндингиз, – деб Собиржон унга қонуний ҳуқуқларини тушунтирди.

– Йўқ, бу нотўғри, мен ҳеч кимни ўлдирмаганман!

Умарни олиб чиқиб кетишаётганларида, Маърифат опа:

– Вой, шўрим, энди мен нима қиламан! – деб йиғлаб қолди.

Умарнинг кўчада турган машинасини кўздан кечирганда, олдинги ўриндиғи остига тушиб ётган бир шиша ампуладаги дорини топишди. Собиржон уни кўрсатиб:

– Бу қанақа дори? – деб савол берди.

– Мен шамоллаб қолганимда шу доридан укол қилишган эди, биттаси машинага тушиб қолган бўлса керак, – деб жавоб берди Умар.

Собиржон у дорини аниқлаш учун экспертизага жўнатди.

* * *

Умар қамоққа олинганидан кейин ҳам ўзининг дастлабки кўрсатмасини ўзгартирмади. У ҳеч нарсани тан олмасдан, қотил эмаслигини қайта-қайта такрорларди.

Жиноят ишини эса Умарни қотиллиқда айбдор деб топиб, тезроқ судга ошириш лозим эди. Собиржоннинг боши қотиб қолди, наҳотки, Умар қотил бўлса, наҳотки?

– Собиржон ака, бу писмиқ Умарнинг очилмаган қирралари кўп экан-ку! – деди эшикдан ҳовлиқиб кириб келган Фарҳод, Собиржоннинг фикрини бўлиб.

– Нима гап?

– Мана қаранг, унинг машинасидан топилган дори қандай хусусиятларга эга экан? – деди у қўлидаги бир варақ қоғозни силкитиб.

– Қандай?

– Эксперизанинг хулосаларига қараганда, у дори кучли тинчлантирувчи экан, буни кўпинча қандайдир бошқа касалликлар билан оғриган наркоманларга, алкоголикларга тавсия қилишар экан.

– Беринг-чи, – деб Собиржон қоғозни олиб ўқий бошлади. Кейин у Фарҳодга қараб:

– Лекин, Умарнинг қон таҳлилида унинг гиёҳванд ёки спиртли ичимликка ружу қўйганлиги аниқланмаган эди-ку?

– Жуда тўғри, чунки у қотиллик қилганидан кейин, ундан шубҳа қила бошлаганимизда, ўзининг қачонлардир қони текширилишини олдиндан билиб, даволаниб олган-да, шунинг учун ҳам у топ-тоза чиққан. Қаранг, ярамас қандай пихини ёрган, айёр экан!

– Наҳотки, шунақамикан?

– Мен қасам ичиб айтаманки, у ўша куни бизнинг уйида кутиб ўтирганимизни билганида ичкарига кирмас эди, қочиб кетган бўларди. Кейин эса ҳолимизга вой бўларди. Менга раҳмат, деяверинг, машиналарни кўздан панага қўйишларини айтганим учун.

Собиржон бир қўлини пешонасига тираб ўйланиб ўтирарди, у Фарҳоднинг кейинги гапларини умуман эшитмади, шунинг учун ҳам, унинг нима деганига эътибор бермай:

– Демак, унинг машинасидан топилган дори спиртли ичимликка ружу қўйган кишилар касал бўлганида ишлатилар экан-да, – деб, ўрнидан туриб, хонанинг у бошидан-бу бошига қараб юра бошлади.

Фарҳод ўтирган жойида унга қайси тарафга юрса шу томонга қараб, бир нарса демоқчи бўлиб оғиз

жуфтлаган эди, Собиржон юришдан тўхтаб, ундан олдин сўради:

– Айтинг-чи, Фарҳод, «Юлдуз» кинотеатри бетон заводига яқин жойлашганми?

– Бетон заводининг жиноят ишига нима алоқаси бор? – деди Фарҳод елкасини қисиб.

– Сиз қачон саволга савол қайтаришни бас қиласиз?! Агар билмасангиз, билмайман, денг, лекин савол берманг! – деди Собиржон кутилмаганда тутақиб.

Фарҳод Собиржоннинг бу ҳолатига тушунмай, ҳайрон бўлиб:

– Нега жаҳлингиз чиқади, Собиржон ака, ахир бугун жиноят ишини тугатиб, судга оширишга тайёрлашимиз лозимлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку, ишни эртага судга оширишимиз керак, шундай тиғиз пайтда қандайдир кинотеатр, бетон заводлар ҳақида суриштирганингизга тушунмай қолдим-да. «Юлдуз» кинотеатри билан бетон заводи орасидаги масофага келсак, унча узоқ эмас, беш юз метрча келади.

– Шунақами, яқин экан-да.

– Ҳа, лекин илтимос, гумонсиз гапиринг. Нима гаплигини менга ҳам айтасизми?

– Жин урсин, нега илгарироқ шуни ўйламаган эканман?!

– Ким ҳақида гапиряпсиз?

– Кетдик, Фарҳод! – деб Собиржон эшик томонга қараб юра бошлади.

– Қаерга?

– Ўша «Юлдуз» кинотеатри тарафга.

– У ерда нима қиламиз?

– Боргунимиздан кейин ўзингиз билиб оласиз.

Йўл бўйи Собиржон чурқ этиб, ҳеч нарса ҳақида оғиз очмади. Фарҳод ҳам Собиржоннинг феълини билгани учун, барибир фойдаси йўқ, деб ҳеч нарса сўрамасдан, индамай ўтирарди.

Собиржон «Юлдуз» кинотеатридан сал нарида жойлашган маҳалланинг бошидаги уйнинг олдида машинани тўхтатди. У эшикнинг қўнғироғини босмоқчи бўлиб қўлини чўзди-ю, лекин нима учундир фикридан қайтиб, унинг қаршисидаги қаровсиз, харобага ўхшаб кўринган уйга қараб юрди. Фарҳод ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам, Собиржон машинадан тушганидан кейин у ҳам тушиб, Собиржонга эргашиб борарди.

Собиржон қўнғироқ тугмачасини босиб, кутиб турди, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Собиржон бориб, яна биринчи уйнинг қўнғироғи тугмачасини босди, ичкаридан бир аёл чиқди. Собиржон саломаликдан кейин ундан:

– Мана бу уйда Авазбек ака яшайдими? – деб сўради.

– Ҳа, лекин у уйида бўлмаса керак.

– Қаерга кетган?

– Кеча шўрликни кимдир келиб касалхонага олиб кетди. Оғир касалга чалинган экан.

– Уйида бошқа ҳеч ким йўқми?

– Битта ўзи яшарди...

– Қайси касалхонага олиб кетишди, билмадингизми?

– Йуғ-а, билолмадим.

– Раҳмат, опа, узр, – деди Собиржон ва машинага қайтиб:

– Фарҳод, Бердиев Авазбекни ҳамма касалхоналардан қўнғироқ қилиб, суриштира бошланг, кеча қабул қилинган бемор, денг, – деб машинани марказий шифохона томонга ҳайдади.

Улар марказий шифохонадан Бердиевни топа олмай, бошқа шифохоналарни суриштиришди.

– Менимча, ҳамма касалхонани қидириб кўрдик, сиз айтган бемор йўқ, Собиржон ака, – деди Фарҳод тоқати тоқ бўлиб.

– Сил касалликлари касалхонасидан излашимиз керак, ха, ўша жойга борамиз! – деди Собиржон.

– Эй, Худо, Собиржон ака, балки бекорга бориб, у ердан касал юқтириб олишимиз шарт эмасдир?! – деди Фарҳод пешонасини тириштириб.

– Боришимиз шарт!

Собиржон адашмаган экан, ҳақиқатан ҳам кеча Бердиев Авазбек исмли бемор уларнинг касалхонасига ётқизилган экан. Ўзларини таништирганидан кейин Собиржон, даволовчи врачдан, унинг олдига киришга рухсат сўради.

– Бемор жуда оғир аҳволда олиб келинди, қўлимиздан келган ҳамма ишни қиляпмиз, лекин унинг аҳволининг яхшиланишига кўзим етмаяпти, – деди.

– Гапира оладими?

– Биламадим, аранг овози чиқаётганди.

– Уни бу ерга ким олиб келди?

– Бир йигит, таниширман, деди. Ўша куни дори-дармонларини олиб келди, лекин кейин кўринмай қолди

Собиржон билан Фарҳод беморнинг олдига киргандарида у кўзлари юмуқ ҳолда ётарди. Собиржон индамасдан ётган кишини кузатди, унинг қаеридир Умарга ўхшаб кетарди. Бироқ бемор жуда озиб кетганидан, териси суягига ёпишиб қолган эди, у гоҳ-гоҳида афтини буриштириб, инграб қўймаганида, уни тириклигига ишониш қийин бўларди. Уни бемалол аллақачонлар ўлиб бўлган, фақат склети қолган, дейиш мумкин эди. Каравотда ётган бу одам нена ёшга кирган экан, Маърифат опанинг ёши билан таққосласак, тахминимча, у 55–56 ёшларда бўлиши керак эди, бироқ бу одам 80–90 ёшлардаги кекса, мункиллаган чолларга ўхшайди. Ёки бу ётган бошқа кишимикан? Собиржон иккиланиб қолди. Йўғ-э, исми, шарифи ўша-ку. Собиржон унинг сўраган саволига жавоб бера олишига унча ишонмаса

ҳам, барибир унга савол бериб, ўзи билиб олиши керак бўлган нарсаларни сўрашга жазм қилди.

– Авазбек ака, яхшимисиз? – деди у яқинроқ бориб.

Ётган киши кўзларини хиёл очиб:

– Раҳмат, – деди секингина.

Собиржон унинг гапириши мумкинлигини билганидан кейин:

– Биз вилоят прокуратурасидан терговчилармиз, ўғлингиз Умарнинг қилган жинояти бўйича сизга ҳам саволларимиз бор эди, жавоб бера оласизми? – деди.

– У қандай жиноят қилган экан? – деди Авазбек кўзларини каттароқ очиб.

– Ўғлингиз одам ўлдиришда айбланяпти.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас! – Авазбекнинг ҳамма ёғи қалтираб кетди, у қўлларини қимирлатиб, бошларини сарак-сарак қилиб, – Йўқ, ахир қандай қилиб?! – деб типирчилай бошлади.

– Аҳволи ёмонлашди, савол бермай турганингиз, маъқулмикан? – деди врач.

– Умар, ўзининг шарфи билан бошқарма бошлиғини муовинини машинасида бўғиб ўлдирган! – деди Собиржон ва Авазбекда қандай ўзгариш бўлишига разм солди.

Авазбек кўзларини юмиб, тинчиб қолди. Собиржон унинг энди бошқа гапирмаслигига ишонч ҳосил қилганидан кейин, Фарҳодга қараб:

– Кетдик, кечикибмиз, шекилли, энди фойдаси йўқ, – деб кетиш учун энди бир қадам ташлаганида, – Тўхта-а-нг, – деб инграганга ўхшаган овоз эшитилди.

Собиржон тўхтаб орқасига ўгирилди. Авазбек кўзларини яна очган эди.

– Менга бир нима демоқчимисиз? – деди Собиржон унга иложи борича яқинроқ бориб.

– Ҳа-а, мен... ме-ен қотилман, ме-ен ўлдирди-и-м, шарфни-и у-у менга... соати-и уйд-а-а... – деб Авазбек жим бўлиб қолди. Даволовчи врач унинг томирини ушлаб кўриб:

– Жони узилибди, – деди.

– Собиржон билан Фарҳод юзларига фотиҳа тортиб, хонадан чиқишди.

* * *

Собиржон Умарни сўроқ қиларкан:

– Хўш, Бердиев, шарфни кимга берганингизни ҳалиям айтмоқчи эмасмисиз? – деди.

– Мен уни йўқотиб қўйганимни неча марта такрорлашим керак?

– Сиз эндигина 26 ёшга кирган навқирон йигит бўлсангиз, олдам ўлдиришда айбланиб умрбод қамоқ жазосига ёки ундан ҳам оғир жазога тортилиб кетишингиздан қўрқмайсизми?

– Ахир мен ҳеч кимни ўлдирмаганман, нимага ишонмайсизлар?!

– Бироқ ҳамма далиллар сизнинг қотил эканлигингизни исботлаяпти-ку.

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

– Сиз фақат, марҳумни бўғиб ўлдирилган шарфни кимгадир берган бўлсангиз, айтинг, ҳамма айб ўша кишига ўтади. Нима учун, ҳақиқатни яширяпсиз?

– Мен ҳеч нарсани яширмаяпман.

– Бердиев Авазбек сизнинг отангизми?

– Мен у кишини танимайман, фақат ҳужжатларимда шундай ёзилган.

– Шундай экан ўзингиз танимаган, сизни бирор марта ҳам ўғлим, деб эркалатмаган, энг бахтли кунларингизда ёнингизда турмаган, сиқилганингизда далда бўла олмаган, қисқаси сизга оталик меҳрини бермаган бир кимсани шунчалик жон куйдириб, ҳатто ўзингизнинг келажагингизга нуқта қўйиб, ҳимоя қилишингизнинг сабаби нимада? – деди

Собиржон Умарнинг қаршисига бориб, унинг кўзларига қараб.

– Нима деётганингизни тушунмаяпман... – деди Умар Собиржондан кўзларини олиб қочиб.

– Жуда яхши тушуниб турибсиз. Эшитинг, кунлардан бир куни қаршингизда ўша сиз фақат ҳужжатларингиздагина номи қайд қилинган, лекин ўзини танимайдиган отангиз пайдо бўлиб қолди. У сизга йиғлаб аҳволи жуда ёмонлигини, ҳатто овқатланишга ҳам пули йўқлигини айтиб, раҳмингизни келтирди. Ўша куни ҳаво жуда совуқ эди, сиз унга бўйнингиздаги шарфингизни ечиб бериб, унинг бўйнига ўраб олишида ёрдам ҳам бердингиз, – деб Собиржон Умарнинг қаршисида тикка турганича унга қараб гапира бошлади.

Умар ўтирган жойида қимирламас, қотиб қолганича бутун вужуди қулоққа айлангандек, Собиржонни тинглар эди.

– Сиз унга пул бердингиз ва уйигача кузатиб қўйдингиз. У қорни оч эканини айтгани учун, уни бетон заводи ёнидаги ошхонага олиб кириб овқатлантирдингиз. Лекин у ерда сиз ўзингиз овқатланмадингиз, чунки отангизнинг танг аҳволини кўриб томоғингиздан овқат ўтмас эди. Фақат кўзингиздан ёш оқарди, – деди Собиржон Умарнинг кўзларидан оқаётган ёшни кўриб, кейин яна сўзини давом эттирди:

– Сиз уни уйига кузатиб қўйдингиз. Икки кундан кейин эса сиз кутилмаганда ўша сиз отангизга берган шарф билан Шоаҳмедовнинг бўғиб ўлдирилганини билиб қўрқувга тушдингиз. Ўйлаб-ўйлаб, бу қотилликни у қилган-қилмаганини аниқлаш учун отангизнинг олдига боргансиз. Сиз уни кузатиб қўйганингизда биринчи марта отангизнинг қаерда яшашини билиб олган эдингиз. Бориб ундан аниқламоқчи бўлган нарсангизни сўрай олмагансиз, чунки у жуда оғир касал бўлиб ётган, ҳатто ўзини билмаган. Сиз уни касалхона олиб бориб, дори-дармонларини

бериб, ўзига келишини кутиб ўтиргансиз, лекин у ўша куни сиз билан гаплаша олмаган. Биз эса сизни уйингизда қамоққа олиш учун кутиб ўтирганмиз.

– Мен фақат ундан Шоаҳмедовни ўлдирганмисиз, нима учун, деб сўрамоқчи эдим...

– Сиз буни сўраб овора бўлмасангиз ҳам бўларди, чунки у буни сизга барибир айтмасди. У қандай қилиб сизга бир шиша ароқ учун бир инсонни ўлдирганлигини айта оларди, уни қандай қилиб ўлдирганини мен биламан.

– Сиз?

– Ҳа, мен. Ўша куни сиз билан Маҳбубадан ҳақорат эшитиб, ўзини жуда бахтсиз ҳисоблаган, хотини билан ажрашиб, Маҳбубага уйланиш умиди пучга чиққан Шоаҳмедов, бир шиша ароқ олиб машинасида шаҳар четига, овлоқ жойга бориб қолган. У машинани тўхтатиб, ичиб, шишани бўшатган, шу ерда тентираб юрган отангиз унинг шишани кўтариб ичиб ўтирганини кўриб, ўзини тўхтата олмай унинг олдига келган ва озгина қолдириб беришни сўраган. Шоаҳмедов эса бу пайтда шишани бўшатиб қўйган эди. Лекин у яна ичишни хоҳлаётганди. У дайди Авазбекка чўнтагида бор пулини бериб ҳаммасига ароқ олиб келишни айтади. У анчадан кейин келганида, Шоаҳмедов машинанинг ўриндиғига суянганича пинакка кетганини кўриб, хаёли бузилади. У қўлидаги ароқларнинг ҳаммасининг ўзига қолишини ўйлайди, ҳамда унинг чўнтагида пуллари ҳам кўп бўлса керак, унинг пулларини олсам, ҳар куни ичиб юришимга етарди, деб ўйлайди.

Авазбек сиз берган шарфни ўзининг бўйнидан ечиб олиб, у билан Шоаҳмедовни осонгина бўғиб ўлдириб қўя қолган. Унинг чўнтагида пули йўқлигини кўриб нимани олишини билмай, фақат қўлидаги соатини ечиб олган, кейин қилган ишининг даҳшатидан қўрқиб, тезгина жуфтакни ростлаб қолган.

– Сиз уни қамоққа оласизми? Лекин у жуда оғир касал эди.

– Энди уни қамоққа олишнинг иложи йўқ.

– Тушунмадим.

– Бундан бир соат олдин Бердиев Авазбекнинг жони узилди.

– Эҳ! Барибир мен айбдорман, отамнинг қотиллик қилишида ҳам мен айбдорман! – деди куйиниб Умар.

– Бунда сизнинг қандай айбингиз бор? – деди Собиржон, нимани кўздан қочирганига ишонмай.

– Мен ўшанда унинг дир-дир титраётганига раҳмим келиб, шарфимни бермаганимда, балки Шоаҳмедов тирик қолармиди? Отам бу дунёда қилган сон-саноқсиз барча гуноҳларига қўшиб, қотил деган кечирилмас гуноҳни ҳам у дунёга олиб кетмаган бўлармиди...

– Биласизми, Умаржон инсонларнинг қилган эзгу ишлари ёки ёвузликлари, унинг ички дунёсидан келиб чиққан ҳолда қилинади. Бердиев Авазбек ичкиликни деб оиласидан воз кечган қунидаёқ, худди ички дунёси каби, қоп-қора, ифлос, қутқариш мумкин бўлмаган ботқоққа ўзини ташлаган. Бунда сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ, – деди Собиржон қўлини Умарнинг елкасига қўйиб.

* * *

– Собиржон ака, ўша "идиот" Авазбекнинг сўнгги сўзини эшитишга зўрға улгурдик-а! Агар сал кечикканимизда борми, бегуноҳ Умар бечора, ўзини оқлаш учун ҳеч нима қила олмасди.

– Ҳа, бир умр оқ-қорани ажрата олмаган кимсанинг сўнгги сўзи...

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Нимани?

– Сиз Маърифат опаникида, Умарни кутаетганимизда нимага асосланиб унинг қочиб кетмасдан, уйига келишига, умуман унинг қотил эмаслигига қатъий ишонганингизга ҳеч тушуна олмадим.

– Агар сал эътиборлироқ бўлсангиз, буни ўзингиз англаб етган бўлардингиз.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Маърифат опанинг уйидаги китобларнинг қанчалигига, ҳатто, ошхонада, Маърифат опа ўз ўтмишини гапираётганида, нақ рўпарангизда, совуткичнинг устида кўзойнак билан турган Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» китобига ҳам кўзингиз тушмаганига ҳайронман.

– Бўлди, тушундим, бу ёғини ўзим англаб олдим.

– Хайрият...

ХИЁНАТ

«Бахт» тўйхонасида катта тўй базми авжида. Қишлоқдаги деярли барча шу ерда тўпланган. Дастурхоннинг тўкин-сочинлигию, хонандалар куйлаётган шўх тароналар, тўйга келган меҳмонларнинг баҳри дилини ёритиб юборган. Ҳамма хурсанд, кенжа ўғли Бахтиёрни уйлантираётган Ботир ака ва Мунаввар опаларнинг шодлиги бир олам. Улар ўзлари шаҳарда яшасалар ҳам кичик ўғлининг тўйини қишлоқда қилишмоқда, чунки келинни қишлоқдаги уйига туширишмоқчи-да. Шокир ака укаси Ботирнинг ёнида туриб, мезбонликни жойига қўйиб, меҳмонларга қараш билан овора эди. Унинг кўзи бир чеккада турган хотини Бибигулга тушди. Намунча қовоғидан қор ёғмаса, ўзи 60 ёшга кирган бўлса ҳам, мункиллаган кампирга ўхшаб қолган, қорачадан келган бўлгани учунми ёки бошқа сабабданми, кўриниши жуда хунуклашиб қолган бўлмаса ҳам майли эди-я. Айримларнинг қариганидан кейин ҳам юзидан нур ёғилади, Бибигул эса... Нима бўлганида ҳам чеҳрасини очиб, тўйда кулиб юрса, овсини ҳам бошқа хаёлга бормасди, ўйлади Шокир ака.

Бу пайтда Бибигул опанинг эса кўнглига қил сиғмасди. У Назирбекдан хавотирда эди. Эрталаб уйдаги каттадан-кичик ҳамма овсининикига тўйга отланишди. У кичик ўғли Назирбекни уйда қолдириб, ерларни суғориб, молларга ўт-емини бериб бўлганингдан кейин кечикмасдан, тўй бошланишига етиб борарсан, деб тайинлаб келган эди. Тўй бошланганига ҳам мана бир соат бўляпти, лекин Назирбекдан ҳамон дарак йўқ. Қўл телефонии жавоб бермаяпти. Бибигул опанинг юраги ғаш бўлиб, бетоқатлана бошлади. У катта ўғли Қодирбекнинг олдига бориб, уни чеккага тортди:

– Назирбек нима учундир ҳаяллаб қолди, телефони ҳам жавоб бермаяпти, – деди. Қодирбек укасининг телефон рақамини териб, қулоғига тутиб:

– Ҳа, жавоб бермаяпти, мен уйга бориб келаман, – деб машинаси томонга юрди.

– Мен ҳам сен билан бирга бораман, – деб унга эргашди Бибигул опа.

– Ойи, иккаламиз ҳам кетиб қолсак, Мунаввар опоқим хафа бўлмасинлар, сиз қолинг, ўзим ғир этиб бориб, Назирни олиб қайтаман.

– Э, опоқингнинг опа-сингиллари бинойидек эплашяпти, мен бу ерда бир бегонага ўхшаб юрибман, бор-йўғимга эътибор ҳам қилишмайди. Ундан ташқари, нима учундир кўнглим ғаш, худди жуда ёмон бир иш бўлгандек туюляпти, – деб Бибигул машинага чиқиб олди.

– Ойи, қизиқмисиз, нима бўлиши мумкин, нари борса, Назир уйқучи ухлаб қолгандир. Шу ўғлингизга қойил эмасман-да, ойи, иккита фарзанднинг отаси бўла туриб, озгина бўлса ҳам масъулиятни ҳис қилмайди.

– Нима қилди?

– Яна нима қилди, дейсизми? Ухлаб қолиб, сизни қанча хавотирга қўйгани камми?

– Билмадим, ўғлим, билмадим.

Улар уйга етиб келишлари билан машинадан тушиб, Қодирбек укасини уйғотиш учун ичкарига кириб кетди, Бибигул опа Назирбек, Назирбек, деб чақирганича молхона томонга қараб юрди. У боғнинг ҳамма ёғига сув тошиб кетганига ҳайрон бўлиб:

– Бу боланинг кўзи қаерда экан, сув эгатнинг устигача чиқиб кетибди-ку! – деди ва яна, Назирбек, Назирбек, деб ўғлини чақира бошлади.

Шом пайти ўтиб, қоронғи туша бошлаган эди. Бибигул опа ҳеч қаердан ўғлининг овозини эшитмай, баттар хавотири ошди. У шариллаб оқаётган сувни тўхтатиш учун белкурак қидира бошлади.

Белкуракни молхонанинг орқасига қўйгани эсига тушиб, шу томонга ўтди.

Бибигул опанинг:

– Вой-й! Вой-й! – деб бақирган овозига Қодирбек югуриб келди.

– Ойи, нима бўлди, ўрнингиздан туринг! – деб лойда йиқилиб ётган Бибигул опани туришига ёрдамлашмоқчи бўлди.

Бибигул опа гапира олмай қўли билан молхонанинг орқасидаги тут дарахти ўсиб турган томонни кўрсатди.

Қодирбек тут дарахтининг остида қорнига паншаха санчилганича қонга беланиб ётган укасини кўриб, у томонга югурди.

– Ойи, Назир ўлиб қолибди! – деб бақирди Қодирбек.

* * *

Вилоят прокуратураси терговчилари Собиржон ва Фарҳодлар ишларини тугатиб уйга кетишни режалаштириб, столларининг устини тартибга келтиришарди.

– Собиржон ака, бугун жуда бахтли кун бўлди-да! – деди Фарҳод.

– Бир донишманд «Билиб қўйгинки, тинч ўтган ҳар бир кунинг энг бахтли кунингдир» деган. Хўш, сиз учун бугунги кун бошқа кунлардан қандай фарқ қиляпти экан?

– Худди ҳеч нарсани билмагандек гапирасиз-а, қойил! Ахир, қачон соат саккиз яримда уйга кетганмиз? Бугун уйда ҳамма билан бирга, бир дастурхон атрофида овқатланамиз.

– Уйдагилар сизнинг вақтли боришингизни билмасдан, овқатланиб олишса-чи?

– Нима деяпсиз, мен сиз ўйлаганингиздан кўра пишиқроқман. Уч соат олдин уларни огоҳлантирганман, ҳатто келинингизга қандай овқат пиширишини ҳам айтганман.

– Ўҳ-ҳў, қандай овқат?

– Ўзим яхши кўрган, ҳар хил кўкатлар солинган палов! Зираворларнинг хушбўй ҳиди, бай-бай-бай, – деди Фарҳод кўзларини юмиб. – Жуда егим келяпти, қорним ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди, кетдикми? – деб ўрнидан турди у.

– Ҳа, кетдик, – деб Собиржон ҳам ўрнидан энди турмоқчи бўлганида, телефон жиринглаб қолди.

– Эшитаман, Фозил ака, – деди Собиржон гўшакни кўтариб.

– Яхшиям уйларингга кетмаган экансизлар, Фарҳод ҳам шу ердами?

– У ҳам шу ерда.

– «Ёлчин» қишлоғида бир йигитни ўлдириб кетишибди, тезда чиқинглар, бирга кетамиз!

– Хўп.

– Нима гап? – деди Фарҳод.

– Ўша кўкатлар солиб пиширилган паловни уйингиздагилар сизсиз ейдиган бўлишди. Биз эса, ҳозир қотиллик содир қилинган жойга боришимиз лозим.

– Жин урсин! – деди Фарҳод тарвузи қўлтиғидан тушиб.

Улар қотиллик содир қилинган жойга етиб борганларида, анча одам тўпланиб туришарди. Мурда ётган жойда милиция ходимлари ҳеч кимни бу томонга яқинлаштирмай, тартиб сақлашни таъкидлаб турардилар. Эксперт Шариф ака криминалистлар билан бирга излардан нусха олишарди. Мурданинг ёнида қонга беланган паншаха ётарди.

– Қотилликни шу паншаха билан қилишганми? – сўради Собиржон Шариф акадан.

– Ҳа, биз келганимизда уни қорнидан тортиб олишган экан.

– Бошқа жароҳати йўқми?

– Йўқ, агар унга дарҳол ёрдам кўрсатилганида, балки тирик қолган бўларди. Мана кўриб турга-

нингиздек, жуда кўп қон йўқотган, – деди Шариф ака ерда анчагина жойгача оқиб борган қонни кўрсатиб.

Туман прокурори, ИИБ бошлиғи ва бошқалар жиноятга алоқадор бирор нарса топиш учун ўзлари муҳим деб билган саволларни беришардилар.

Собиржон нарироқда унсиз йиғлаб ўтирган аёлга кўзи тушди. У ўзини юпатмоқчи бўлиб қучоқлаб, овутаётган аёлларга беэътибор, ҳеч нарсага қарамасди. У фақат марҳумнинг жасадига тикилиб ўтирганича, юм-юм йиғларди. Марҳумнинг онаси бўлса керак, деб ўйлади Собиржон, аёлнинг аҳволига юраги эзилиб.

– Марҳумнинг яқинларидан кимлар бор, – деди Собиржон ҳудуд нозирига қараб.

– Отаси, акаси, – деди у ёнида йиғлаб турган кишиларни кўрсатиб.

– Кечирасиз, бошларингизга тушган мусибатдан афсусдаман, сиз марҳумнинг акасимисиз? – деди Собиржон кўзлари қизариб кетган йигитнинг ёнига келиб.

– Ҳа.

– Мен вилоят прокуратураси терговчиси Собиржон Мирзаевман. Сиздан бир-иккита нарсани сўрашим лозим бўлади.

Йигит, майли, деган маънода бошини қимирлатди.

– Бу қотилликни ким қилган бўлиши мумкин? Сизнинг кимдандир шубҳангиз борми?

– Менинг ҳеч кимдан шубҳам йўқ эди, лекин, қўшниларнинг айтишича, укамнинг энг яқин ўртоғи Элдор келиб, уришиб жанжаллашиб кетган экан, уларнинг айтишича шу йигит ўлдириб кетган бўлиши керак, дейишяпти.

Собиржон ИИБ бошлиғи билан гаплашганида у Элдорнинг уйига уни олиб келиш учун милиция ходимларини жўнатганини айтди. Собиржон унгача воқеадан хабардор қўшнилар билан гаплашиб олмоқчи бўлди.

Воқеадан фақат уларнинг энг яқин қўшниси Нурхон момо хабардор эканлигини айтишди. Собиржон момонинг олдига бориб:

– Сизни қўшнингизнинг ўғли Назирбекни ўлдириб кетишганидан хабардор, дейишяпти. Бу ҳақда нималарни биласиз? Илтимос, билганларингизни менга айтиб беринг, – деди.

– Невара келиним боласини менга ташлаб, тўйга кетди. Мен чеварамни ўйнатиб ўтирган эдим, яқинда чет элдан келган, Эҳсон баққолнинг ўғли Элдор ергина юткур, Шокирнинг уйига кириб кетди.

– Ўшанда соат нечалар эди?

– Энди, ўғлим, сўзимни тугатгунча, гап қўшмай тургин-да, бўлмаса, айтмоқчи бўлганларимни йўқотиб қўяман, қаричилик, ёшим яқинда саксонга тўлади. Ҳа, нима деётган эдим?

– Элдор Шокир аканикига соат тахминан нечаларда кириб кетганини айтмоқчи эдингиз.

– Соат нечалигини айта олмайману, лекин мен пешин намозини ўқиб чиққан эдим.

– Демак, соат кундузги икки-учлар орасида экан-да? – деди Собиржон Нурхон момога қараб.

– Ҳа, шунақа бўлса керак. Кейин Шокирнинг уйидан Элдорнинг бақириб-бақириб гаплашгани эшитилди.

– Унинг нима деб бақирганини эшитмадингизми?

– Болам, қулоғим оғирроқ, агар улар боғнинг бизга яқинроқ жойида туриб гаплашмаганларида умуман ҳеч нарсани эшитмасдим. Ҳайтовур, ўша Элдор қирчинингдан қийилгурнинг болохонадор қилиб сўкинганини эшитиб қолдим. Шундан кейин нима бўляпти экан, деб қулоқ сола бошладим-да.

– Кейин нима бўлди?

– Сени ўлдираман, яхшиликни билмаган, номард, деди Элдор. Буни ўзим аниқ эшитдим. Ўғлим, ўзи ўша чет элларда юрганларга-чи, одам ўлдириш ҳам ҳеч нима бўлмай қоларкан. Эҳсонга ҳам ҳайронман,

нима қиларди ёлғиз ўғлини бўлмағур жойларга юбориб, мана энди авлод-аждодларига уруғидан қотил чиққан деган тамға босилди. Ўзи аслида ўғил уйлантирганда ҳам, қиз чиқарганда ҳам, қуда томоннинг етти авлоди суриштирилади-да. Эҳсоннинг уруғидан энди ҳеч ким яхши ният билан қиз олмайди ҳам, бермайди ҳам!

Собиржон Нурхон момонинг гапини бўлмаса бу мавзуда ҳали узоқ гапиришини сезиб:

– Кечирасиз, Нурхон ая, айтганларингизга қўшиламан, лекин, гапингизни бўлишга мажбурман. Ўшанда Назирбекнинг ҳам бир нима деганини эшитдингизми?

– Раҳматли ўзи қўйдек юввош эди-я. У нимани-дир тушунтирмоқчи бўлди, шекилли, лекин бўйнинг узилгур, Элдор бечоранинг гапига қулоқ солмасдан, топасан, деб бақирди, иложим йўқ, деди Назирбек.

– Гап нима ҳақида бўлаётганини англай олмадингизми?

– Мен ҳам ўзи булар нимани талашяпти, деб яхшилаб эшитишга ҳаракат қилдим. Қулоқ қурғур панд берди-да. Аммо, лекин жувонмарг Элдор кўк, кўк, деб гапирди. Англашимча, гап кўк сомса устида эмас эди, чамамда улар кўк рангли бошқа бир нимани гапирдилар.

– Тушунарли, кейин нима бўлди?

– Салдан кейин боғнинг эшиги шарақлаб очилиб, Элдор чиқди, у сўкиниб, тез-тез юриб, олдгинамдан ўтиб кетаётганида:

– Нима гап, нимани талашяпсизлар? – деганимга қулоқ ҳам солмасдан, нима дейсан ҳам демасдан ўтиб кетди. У ярамас бола Назирбеккинанинг қорнига паншаха санчиб, ўлдириб кетаётганини мен қаёқданам билибман.

– Элдорнинг чиқиб кетганини сиздан бошқа яна кимдир кўрдими?

– Йўқ, мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди, чеварам ҳали уч ёшида, у бу гапларга тушунмайди.

– Раҳмат, Нурхон ая, – деди Собиржон.

Фарҳод ёзганларини унга тушунтириб:

– Имзо чека оласизми? – деди.

– Ҳа, болам, хат саводим бор. Имзо чекишни биламан, – деб имзо қўйди.

ИИБ бошлиғи Собиржоннинг олдига келиб:

– Элдорни ходимларимиз уйидан олиб кетиб, бўлимда суриштирув ўтказаётган эканлар, – деди.

– Ўртоғини ўлдирганининг сабабини айтибдими?

– Йўқ, Назирбекнинг ўлимидан бехабарман, ҳозиргина эшитдим, деётганмиш.

* * *

Элдорни иккинчи марта сўроқ қилиш учун олиб келишди.

– Хўш, Элдор, Назирбекнинг олдига, 4 июн, кундузи соат 14-15 лар орасида нима учун борган эдингиз? – савол берди Собиржон.

– Аввал ҳам айтганман, пулимни қайтариб олгани борганман.

– Қанақа пул, нима учун пулларингизни Назирбекка берган эдингиз? Ҳаммасини бир бошидан айтиб беринг-чи.

– Мен ҳаммасини айтиб бераман, лекин илтимос, менга ишонинглар, яна қайта-қайта сўрайверманглар, ахир менинг асабларим ҳам тошдан ясалган эмас!

– Майли, гапиринг, фақат ростини.

– Хўп. Мен ўзим ота-онамнинг ягона фарзандиман. Назирбек билан биз бир синфда ўқиб, мактабни тамомладик, орамиздан қил ўтмас ўртоқ эдик. Мен институтни тугатиб, шаҳарга қатнаб, заводда ишлай бошладим, у бўлса ўқишини давом эттирмади, бизнесни танлади. Мен ишимдан шартнома асосида 5 йилга Кореяга кетадиган бўлиб қолдим. Дадам машина ҳайдамайдилар. Машинамни сотдим,

ўзимнинг анчагина жамғармам бор эди, ҳаммаси бўлиб 20 000 АҚШ доллари йиққан эдим. Кореядан келганимдан кейин уйланиб, янги машина сотиб олмоқчи эдим. Назирбекка бу ҳақда айтганимда у, "Ўртоқ, шу пулларингни менга ташлаб кет, бекорга уйда ётганидан кўра, мен улардан фойдалансам, бизнесимни йўлга қўярдим. Биласан, ҳозир менда ҳеч вақо йўқ. Ахир мен ҳам уйланишим, уйли-жойли бўлишим керак. Яхшилигингни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, ўртоқ. Сен келишингга ҳаммасини жамлаб, қўлингга тутқазаман", деди. Мен унинг сўзини қайтара олмадим, "дўстим пулларимдан мен келгунимча фойдаланса яхши-ку, ҳақиқатан ҳам, у уйланиши, уй-жой қилиши керак, мен ёрдам бермасам унга ким ёрдам беради, деб ўйладим", – деб Элдор жим бўлиб қолди.

– Кейин-чи? – деди Собиржон.

– Мен бу ҳақда дадамга айтдим. Улар, ўғлим ўзинг биласан, агар дўстингга ишонсанг, майли, дедилар. Мен жамғармамни Назирбекка бериб чет элга кетиб қолдим. Беш йилдан кейин қайтиб келдим. Келганимга ҳам роса бир йил бўлиб қолди. Лекин Назирбек пулларимни қайтариб бермади.

– Нима учун?

Унинг айтишича менинг пулларим билан катта бизнес бошлаган экан. Ўзининг пуллари ва меникини ҳаммасини қўшиб, 30 000 долларлик юкни чегарадан ўтказмоқчи бўлганида, ҳужжатлари чатоқ чиқиб, ҳаммаси давлатга мусодара қилинган эмиш.

– Сиз буни тўғрилигини аниқладингизми?

– Ҳа, текшириб кўрдим, лекин, унинг гапи тасдиқланмади. Нимага ёлғон гапирдинг десам, у, мен ўзим қамалмаслик учун ҳам анча-мунча пул сарфладим, улар сенга тўғрисини айтишмаган, деди.

– Пулингизни қачон қайтариб беришини айтдими?

– Мен Кореядан келганимдан кейин у ерда ишлаб келган пулларимга уйимизни таъмирлатдим, кейин

тўйимни қилишди, уйландим, ўғилчалик бўлдим, бешик тўйи қилдик. Лекин машина олишга пулим етмади. Назирбекка ҳеч бўлмаса, оддий машинага етадиган пулимни қайтариб бер, дедим. У бўлса нуқул бир гапни қайтарарди, менда ҳеч нарса йўқ, ишлаганим зўрға еб-ичишимизга етади, дерди.

– Пулларимни қачон қайтармоқчисан, – десам, билмайман, ўртоқ, балки ҳеч қачон қайтара олмасман, ахир сен қанча долларлар ишлаб келдинг, менинг пулимга қараб қолмагансан-ку, деди. Яқинда билсам, Назирбек, мен Кореяга кетишим билан машина сотиб олган, уйланган. Ҳеч қандай катта бизнесга қўл урмаган экан. Машинани акасининг номига ҳужжатлаштирган. Унинг мақсади менинг пулларимни қайтармаслик экан.

– Шунинг учун уни ўлдирдингизми, судга даъво билан мурожаат қилсангиз бўларди-ку? – деди Собиржон.

– Мен унга охирги марта борганимда, агар пулларимни қайтармасанг, судга бераман, дедим. У бўлса, менга пул берганингни ҳеч қачон исботлай олмайсан, қаерга арз қилсанг, қилавер, деди. Ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам менда на ёзма тилхат, на нотариус орқали пулнинг берилганлиги ҳақида ҳужжат, на гувоҳларнинг иштирокида берилганлиги ҳақида ҳужжат бор эди. Мен Назирбекка дўстим, деб ишонган эдим, у бўлса...

– Шунинг учун уни ўлдириб қўя қолдингизми?

– Ўша куни борганимда ўзимни боса олмай, уни ҳақорат қилганим тўғри, лекин ўлдирмаганман, ўзингиз ўйлаб кўринг, уни ўлдиришимдан менга қандай наф бўлиши мумкин?!

– Экспертиза кулосаларига қараганда марҳумнинг жароҳат олиши сиз борган вақтга тўғри келяпти, буни қандай изоҳлайсиз? Сиз унга паншаха санчмаган бўлсангиз, ким унинг қорнига паншаха санчган бўлиши мумкин?

– Ўзим ҳам шунга ҳайронман, билмайман, ахир!

– Сиз марҳумни ҳақоратлаганингизни бўйнингизга оласиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Хўш, сиз Назирбекка сўкиниб, унга қўлингизни ҳам теккизмасдан орқангизга қайтдингизми?

– Ҳа, худди шундай қилдим. Мен кўчага чиқадиган эшикка яқинлашганимда, унинг «А-а-а! » деб қаттиқ бақириб юборганини эшитдим, лекин орқамга қайрилиб қарамадим. Унинг оёғи сирпаниб, йиқилиб тушди шекилли, деб ўйлаб, баттар бўл, номард, аблаҳ, деб йўлимда давом этдим.

– Сиз уни бошқа биров ўлдирган, демоқчимисиз?

– Мен ҳеч нарса демоқчи эмасман, фақат мен уни ўлдирмаганман, шуни айта оламан, холос!

Элдорни олиб кетишганидан кейин Фарҳод компьютердан бошини кўтариб:

– Собиржон ака, сиз қандай фикрдасиз, билмадиму, менимча Элдор бир йил давомида пулини қайтариб олишига ишониб юрган, чунки у қилган яхшилигига дўстидан ёмонлик қайтишини хаёлига ҳам келтирмаган-да. Кутилмаганда марҳумнинг «менга пул берганингни ҳеч қачон исботлай олмайсанг, қаерга арз қилсанг, қилавер!» деган гапидан кейин кучли руҳий ҳаяжонланишга тушган.

– Сиз уни кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида, ўзи билмаган ҳолда одам ўлдириб қўйган демоқчимисиз?

– Ҳа, сиз-чи, бошқача ўйлаяпсизми?

– Балки гапингиз тўғридир, лекин мен ҳозирча бир нима дея олмайман.

– Элдорнинг аҳволига тушган ҳар қандай киши кучли руҳий ҳаяжонланиши турган гап, албатта.

– Тўғри, аммо экспертиза натижаларига қараганда паншаҳанинг дастасида Элдорнинг бармоқ излари топилмаган.

– У ўзига келганидан кейин, қилган ишининг оқибатини тушуниб, қўл изларини артиб ташлаган бўлиши мумкин-ку.

– Лекин, паншаханинг дастасида марҳумнинг онаси Бибигул опанинг ва акасининг бармоқ излари бор, тозалаганда улар ҳам артилиб, йўқ бўлиб кетарди. Бунга нима дейсиз?

– Билмадим, балки у фақат ўзининг қўли теккан жойни артгандир, ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку.

– Ҳамма нарса бўлиши мумкин деганингизга қўшиламан. Бизнинг вазифамиз бир нарсага ёпишиб олмасдан, бошқа яна нималар бўлган бўлиши мумкин, деган саволга жавоб излашдан иборат. Тергов давомида яна янги ҳолатлар аниқланиши ҳам мумкин, – деди Собиржон.

Марҳум Назирбекнинг уйидагиларни сўроқ қилишдан айтарли ҳеч нарса аниқланмади. Улар Назирбекнинг Элдордан ҳақиқатан ҳам 20000 доллар олиб, у пулларни безнесдаги нотўғриликлар туфайли йўқ бўлиб кетганини, айтишди. Улар Назирбекнинг бир тийин пули қолмаганини таъкидлашди.

Собиржон Бибигул опадан ўғлининг ўлимига доир сўралиши лозим бўлган гапларни сўрамоқчи бўлганида, Қодирбек:

– Ойим, укамнинг ўлимидан кейин ҳозиргача ҳеч кимга ҳеч нима демадилар, улар гапирмай қўйганлар, – деди.

– Докторга олиб бордингларми? – деди Собиржон.

– Шифохонага олиб бормоқчи бўлиб кўрдик, бошларини сарак-сарак қилиб, боришни хоҳламаётганларини билдиряптилар.

– Ҳозир онангиз қаерда?

– Ишонасизми, ўша кундан бери ҳар куни эрталабдан кечгача, укам ўлиб ётган жойга, тутнинг тагига бориб ўтирадилар.

– У ерда нима қиладилар?

– Деярли қимирламасдан ўтирадилар, овозларини чиқармай, унсиз йиғлайдилар.

– У ерда қандай овқатланадилар?

– Овқатларини ҳам ўша ерга олиб боряпмиз, оғизларига овқатни тиқса озгина ейдилар, бўлмаса ҳеч нарса емайдилар. Ойимнинг аҳволи бизни хавотирга соляпти.

Бибигул опа ўғли Назирбек ўлиб ётганини кўрган жойга тикилганича ўтирар, атрофдагилар билан иши йўқ эди. У бу оламда гўёки битта ўзи қолгандек, ҳеч кимнинг гапи қулоғига кирмас, очлигини, чанқаганини ҳам сезмас эди. У чуқур ўйга толиб ўтирганга ўхшарди. Бибигул опа ҳақиқатан ҳам ўйга толган эди, у ўзининг шу кунгача кечирган ҳаётини, қилган ишларини ўйлаб, хаёлот дарёсига ғарқ бўлиб ўтирарди.

* * *

Бибигул отасидан эрта етим қолган эди. Укаси Нўъмонжон иккаласини онаси ва бувиси тарбиялаб вояга етказди. Онаси туман марказида жойлашган касалхонага қатнаб ишларди. У ерда фаррошлик қиларди. Болалар бувисининг ёнида қолардилар. Меҳри буви қизи Гулойим ишдан келгунича уйнинг ҳамма ишини саранжом-саришта қилиб қўяр, қизимга яна қандай қилиб ёрдам берсам экан, деб ўйларди.

Ўшанда Бибигул энди мактабга чиққан йили эди. Қўшнилари Алфия опа уларникига кириб:

– Меҳри буви, биз икки йилга қайнотамларникига Уфага кетяпмиз, қайним армия хизматига кетди, у келгунича биз қайнотам, қайнонамлар билан яшамоқчимиз. Чунки уларнинг биздан бошқа ҳеч кимлари йўқ, – деди.

– Улар ҳали унчалик қари эмаслар-ку, ўзларини ўзлари эплай олишмайдими? – деди Меҳри буви.

– Тўғри, улар қари эмаслар, лекин қайнотамнинг юраги касал, ишлай олмайди, қайнонам бечора ҳам

унчалик соғлом эмас, шунинг учун эрим Равкат болаларни олиб, укам келгунча уларнинг олдида бўламиз, деяпти.

– Майли, қизим, эсон-омон бориб келинглар, шунча йилдан бери қўшнимиз, сизларга қариндошдек бўлиб қолганмиз, сизларга ўрганиб қолган эдик.

– Ҳа, биз ҳам сизларни соғинамиз, болаларни айтмайсизми, у ёқда ким билан ўйнаймиз, ўртоқларимиз Нўъмонжон билан Бибигулни ҳам олиб кетайлик деб, хархаша қилишяпти.

– Ўғлингиз Шавкатнинг мактаби нима бўлади? – сўради Гулойим опа.

– Уфадаги мактабга берамиз, икки йил ўқиб турар.

– Бибигул билан бирга мактабга боришаётган эди-я, эсизгина, майли, қайтганидан кейин яна бирга ўқишар.

– Мен сизларга уйимизнинг калитини ташлаб кетмоқчи эдим, ҳарҳолда у ёқ-бу ёғига қараб турарсизлар.

– Қизим, сен бизга уй-жойингни, ишониб ташлаб кетсанг, биз қарамаймиз, дермидик? Ахир бу мусулмончиликка тўғри келадими? Сизлар ҳечам хавотир олмай, кетаверинглар.

– Раҳмат, Меҳри буви, Гулойим. Мен сизларни туғишганларимдан ҳам зиёда кўраман. Айтадилар-ку, уй олма, қўшни ол, деб. Сизларнинг яхшиликларингизни қандай қайтаришни билмайман.

– Қўйсанг-чи, қизим, савоб ишни қилган яхши-ку, майли, ой бориб, омон қайтинглар! Топшириб кетган омонатларингни сизлар қилгунингларча асрашда Худонинг ўзи мададкор бўлсин! – деб Меҳри буви қўлларини дуога очди. Шундай қилиб улар хайрлашдилар.

Ҳадемай орадан икки йил ҳам ўтай деб қолди. Қўшнилари Алфияларнинг келишига уч ойча қолган эди. Эрталаб Меҳри буви:

– Вақтнинг тез ўтишини қаранг, қўшниларимиз икки йил олдин қишда кетган адилар, куз бошланди, демак, икки ярим ойдан кейин қайтишади, – деди.

– Шавкатлар қайтишаркан, қайтишаркан! – деб Бибигул билан Нўъмонжон суюнганларидан чапак чалишди.

– Ҳа, эсон-омон қайтишсин, – деди Гулойим опа онасига қараб.

– Бугун ҳаммамиз бориб, уларнинг уйини тартибга келтирамиз, тозалаймиз, боққа қараймиз, хўпми? – деди Меҳри буви.

– Бугун дам олиш-ку, бизга мактаб йўқ, мен ҳам ёрдамлашсам майлими? – деди Бибигул.

– Ҳа, албатта, – деди Гулойим опа.

Улар Алфияларнинг уйига кўча томондаги эшикни очиб киришди. Киришлари билан, «Вой! » деб қичқириб юборишди. Чунки уйнинг бок тарафдаги эшиги ланг очиқ ётарди. Уйнинг ичи эса шип-шийдон, ҳеч нарса йўқ эди!

Хоналардаги гиламлардан тортиб, эски-туски наматларгача, кўрпачалар, идиш-товоқларгача супуриб-сидириб олиб кетиб қолишган эди.

– Вой, шўргинам қурсин, уйга ўғри тушибди-ку! – деди Меҳри буви тиззаларига уриб.

– Энди нима қиламиз? – деди Гулойим опа секингина.

Бу шум хабарни эшитган қўшнилар бирпасда йиғилиб қолишди. Дарров милиция ходимлари ҳам етиб келишди. Улар ўғриларни топиш учун, сўраб-суриштиришни бошладилар. Лекин уйга ким ўғирликка тушганини топа олишмади.

Алфияларга бу тўғрида телеграмма беришди. Улар қайниси армия хизматидан келишини кутмасдан, қайтиб келдилар.

Алфия йиғлади, Равқат танг аҳволга тушиб қолди.

Маҳалладагилар йиғилишиб, ҳар ким қўлидан келгунича пул йиғиб, уларга ёрдам бердилар.

Меҳри буви билан Гулойим опа ҳам бир дона эскирган намат билан, икки кўрпача кўтариб чиқишди.

– Қизим Алфия, ўғлим Равкатбой, ҳаммасига биз айбдормиз, уйларингга яхши қарай олмадик. Бизга ишониб кетган омонатларингизни сақлай омадик. Кечиринглар, янгисини олгунингларча мана буларни ишлатиб турарсизлар, – деб олиб келганларини узатдилар.

– Унақа деманглар, тақдиримизда шу бор экан, нима ҳам қила олардик? Худоё худовандо шу бизнинг нарсаларимиз, ўғирлаб кетган ярамасларнинг яхши кунига ярамасин! Болаларининг ёмон кунига буюрсин! – деб қақшаб, тўхтамай қарғанарди Алфия.

– Ўргилай, қарғаманг, гуноҳ бўлади-я! – деди Меҳри буви.

– Тўғри айтасиз, энди қарғамайман, майли, Худога солдим, – деб Алфия жим бўлиб қолди.

Эр-хотин тиним билмай ишлаб, рўзғорини қайта тиклаб олишди.

* * *

Бибигул тўртинчи синфда ўқирди. У онаси билан болохонага бирга нима қидиришга чиққанида кўзи бир бурчакда ўралиб ётган чиройли жойнамозга тушди. Бибигул жайномозни таниб, қўлига олиб:

– Ойи, бу Алфия опанинг жойнамози-ку! Бизнинг болохонага қандай қилиб келиб қолган экан? – деди.

– Йўғ-э, ўзимизники бўлса керак, – деди Гулойим опа бир оз довдираб.

– Мен буни аниқ биламан, Алфия опа жойнамозни онаси совға қилганини, кейинроқ шу жойнамозда намоз ўқиш нияти борлигини айтган эдилар. У ҳамиша уларнинг кичик хоналаридаги қозиққа илиб қўйилганини кўраганман! – деди Бибигул ишонч билан.

– Балки янглишаётгандирсан, кел, шу тўғрида гаплашмайлик, буни эсингдан чиқар, хўпми, қизим? – деди Гулойим опа қизига ялингудек бўлиб.

– Хўп... – деди Бибигул онасидаги бу ҳолатга тушунмай.

Бибигул кўчадан ўйнаб келиб, уйга кираётганида бехосдан онаси билан бувисининг гаплашиб ўтирганини эшитиб қолди.

– Бибигул болохонада Алфиянинг жойнамозини кўриб, уни таниб қолди. У буни ҳеч кимга айтмасмикан, ойи?

– Ўзи болохонага жойнамозни нима учун олиб чиққан эдинг?

– Ўшанда Алфиянинг уйидаги нарсаларни машинага ортаётганимизда шошганимиздан жойнамозни тушириб қолдирибмиз. Уни қаерга йўқотишимни билмай болохонага олиб чиқиб ташлаган эдим. Кейин эсимдан чиқиб кетибди.

– Жуда паришонхотирсан-да, қизим!

– Ойи, энди Бибигулни нима қилай?

– Нима қилардинг, у гўдак-ку, Алфиянинг уйидаги ўғирликни биз қилганимизни у ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмайди.

– Шунақамикин?

Бибигул ҳайратдан қотиб қолган эди.

– Алфия опанинг уйидаги нарсаларини сизлар ўғирлаганмидинглар? Нима учун?! – деди у онасига, кейин бувисига қараб.

Гулойим остонада қотиб турган қизига нима дейишини билмай, ўзини йўқотиб қўйди. Меҳри буви неварасига ҳозир буни тушунтирмаса кейин ҳеч қачон тушунтириб бўлмаслигини сезиб, унга қараб:

– Қизим, нимага у ерда турибсан, ичкарига кирмайсанми? Остонада туриш гуноҳ бўлади-я! – деди.

– Ўғирлик қилиш-чи, буви? – деди Бибигул кутилмаганда.

– Кел, ёнимга келиб ўтириб ол, болам, ундан кейин сенга ҳаммасини тушунтириб бераман. Бу сен ўйлагандек бўлмаган.

Бибигул бувисининг ёнига келиб ўтирди. Меҳри буви неварасининг бошини силаб, юзидан ўпиб қўйди.

– Биз ойинг иккаламиз сизларни жуда яхши кўришимизни биласанми? – деди у Бибигулнинг юзларини силаб кейин уни кафтлари орасига олиб секин ўзига қаратарқан.

– Ҳа...

– Билганинг учун, раҳмат қизим. Инсон яхши кўрган кишиси учун ҳамма нарса қилишга тайёр эканлигини ҳам биласанми?

Бибигул гап нима ҳақида бораётганини тушунмаган бўлса ҳам, бошини қимирлатиб қўйди.

– Баракалла, ақлли қизим. Сен 4-синфда, уканг 2-синфда ўқийсизлар, тўғрими?

– Ҳа.

– 7-8 йилдан кейин иккалангизнинг ҳам бўйингиз етиб, тўйларингизни қилишимиз, ўқишларингиз ҳақида ўйлашимиз лозим. Мен у пайтлар борманми, йўқманми Худо билади. Ҳамма оғирлик онангнинг зиммасига тушади. Хўш, онангнинг маоши зўрға еб-ичишимизга етяпти, сизлар учун пулни қаердан олиши мумкин?

– Билмайман? – деди Бибигул елкасини қисиб.

– Биз ҳам онанг билан шуларни қанча ўйласак ҳам, пул топишнинг бошқа йўлини билмадик-да. Шунинг учун сизларнинг келгусидаги ҳаётларингизни ўйлаб шу ишни қилишга мажбур бўлдик.

– Менинг ўшандаАлфия опага раҳмим келган эди... – деди Бибигул.

– Лекин ҳозир улар уй-жойини илгаригидан ҳам яхшироқ қилиб, тузатиб олишди, тўғрими?

– Ҳа.

– Ана, кўрдингми, улар ҳали ёш, ундин ташқари оиласида Равкат аканг, яъни эркаги бор. Эркаги бор уйда етишмовчилик бўлмайди. Сен менинг гапларимни тушундингми? Биз нима учун ойинг билан

қўшнимизнинг уйига ўғирлик уюштирганимизнинг сабабини билдингми, қизим?

– Ҳа, бувижон, бизни ўйлаб шундай қилган экансизлар.

– Ҳамма нарсага ақли етадиган қизимдан ўзим ўргилай, – деб Меҳри буви Бибигулни қучоқлаб эркалатди. Гулойим эса жилмайиб ойисининг гапларини маъқуллаб бошини қимирлатиб ўтирарди. У Бибигулга ўғирликни нима учун қилганларини тушунтириб беришдек оғир вазиятдан қутулганига енгил тортди.

Бибигул бу воқеа у ўйлагандек «ёмон иш» эмаслигини тушуниб, буни ҳеч кимга айтмасликка сўз берди.

Бибигул бешинчи синфни тугатиб, ёзги таътилга чиққан эди. У кечга яқин дугонаси Дилбар билан далада молларига ўт юлиб келаётганида, қўшнилари Адҳам велосипедда шошиб ўтиб кетаётиб:

– Бибигул, уйларинг ёняпти, тезроқ бор! Мен ёрдамга одамларни чақиргани кетяпман! – деди.

Бибигул орқасидаги ўт солинган халтани ерга ташлаб югуриб кетди. Уйларига яқинлашганида тутун ҳиди димоғини ачитиб, тезроқ югурди. Уйлари аланга ичида қолган эди. Онаси билан бувисини қўшнилар зўрға ушлаб турган эдилар. Улар йиғлаб, дод солишарди:

– Нўъмонжон ичкарида қолди, ёрдам беринглар, қутқаринглар!

Қаердандир пайдо бўлган қўшнилари Равкат пахталик чопонга ўралиб аланга ичига кириб кетди. Кўп ўтмай у Нўъмонжонни кўтариб чиқди. Нўъмонжоннинг тириклигига ишониш қийин эди. У ҳамма ёғи қорайиб куйганича, беҳуш ётарди. Етиб келган ўт ўчириш машинаси ва тез ёрдам ходимлари ишга киришдилар Нўъмонжонни касалхонага олиб кетишди. Оловни ҳам ўчиришди. Алфия эри Равкатнинг куйган жойларига дори сурар ва Меҳри буви билан Гулойимни овутишга ҳаракат қиларди.

– Гулойим, ўртоқжон, Меҳри буви куюнаверманг лар, Худо хоҳласа, Нўъмонжон тузалиб кетади, мани кўрасиз.

Нўъмонжон узоқ даволанди, у тузалиб, оёққа турди, лекин кўзлари кўр бўлиб қолган эди...

* * *

Кимнинг қачон бу дунёдан кўз юмуши фақат Яратгангагина аён бўларкан. Меҳри буви башорат қилганидек, Бибигул билан Нўъмонжон вояга етганларида Меҳри буви вафот этиб, ҳамма ташвиш Гулойим опага қолмади. Аксинча, оғир касалликка чалинган Гулойим опа вафот этиб, невараларининг ташвиши Меҳри бувининг ўзига қолди.

Маҳалла-кўйнинг ёрдамида Меҳри буви уйларини тузатиб олган эди. У Нўъмонжонни етаклаб юрарди.

Бибигулни ўғли Шокирга сўраб, қўшни қишлоқдан раҳматли дадасининг ўртоғи, совчиликка келди. Меҳри буви бунга дарров рози бўлиб қўя қолди, чунки у қариб қолган, энди ҳеч нарсага қарашга имконияти йўқ эди.

– Раҳматли куёвимнинг ўртоғи бўлганингиз учун сизга ишонаман, неварамни ҳеч кимга хафа қилдирманг, уни сизга, сизни Худога топширдим. Бибигулим Шокиржон билан қўша қариб, бахтли бўлсинлар, – деб Меҳри буви дуо қилди.

Бибигулни узатгандан кейин Меҳри буви оғирлашиб қолди. У бувисидан хабар олгани келган невараси Бибигулни олдига ўтқазиб:

– Қизим Алфия, сен уйингга боравер, шундоғам уззу кун менинг ёнимдан жилмай ўтирибсан, пиширган овқатингни Бибигулнинг ўзи едириб қўяди, илоё болаларингнинг тўй томошасидан бошинг чиқмасин, ҳеч қачон уларнинг ёмон кунини кўрмагин, – деб дуо қилиб, Алфияни уйига жўнатди, кейин Бибигулга қараб:

– Қизим, менинг кун-соатим битган кўринади, сенга айтадиган гапларим бор, – деди.

– Буви, унақа деб одамни қўрқитманг, ҳали узоқ яшайсиз, – деди Бибигул бувисининг бошини силаб.

– Қизим, 87 ёшга кирдим, бу умрни Худо менга сийлаганидан эмас, қарғаганидан берган бўлса керак, деб ўйлайман, – деди Меҳри буви инқиллаб.

– Нималар деяпсиз, бувижон? – деди Бибигул бувиси нима демоқчи эканини тушунмай.

– Ҳа, неварагинам, мен ҳеч ким билмаган, ўзимнинг гуноҳлар билан йўғрилган сирларимни нариги дунёга жимгина олиб кетмоқчи эдим. Кейин эса... мени диққат билан эшитгин, гуноҳкор бувингнинг хиёнатларга тўла ҳаёти сабоқ бўлсин, деб ҳаммасини сенга айтишга журъат қилдим.

– Бувижон, йиғлаб ўзингизни қийнаманг, терлаб кетдингиз! – деди Бибигул бувисининг терлари артиб.

Меҳри буви инқиллаб, секин сўзлай бошлади:

– Урушнинг сўнгги йиллари эди... Мен эндигина 17 ёшга кирганимда ўзим билан тенгдош бир йигитни ёқтириб қолдим. Ўзимнинг енгилтаклигим туфайли ундан ҳомиладор бўлиб қолдим. Шу орада менга урушдан эндигина қайтган бировдан совчи келди. Мен ота-онамга бошқа йигитни ёқтиришимни, ундан ҳомиладор бўлиб қолганимни айтмадим. Энг ёмони, мен буни ота-онамнинг қаҳридан қўрқиб эмас, балки совчи қўйган киши бой-бадавлат эканини билганимдан кейин шундай қилганман. Қорнимда бир ойлик ҳомилам билан мени бокира қиз, деб узатишди. Ҳамма ёлғонлар шундан кейин бошланди... – деб Меҳри буви жим бўлиб қолди. Унинг кўзларидан ёш оқарди.

– Бувижон, тузукмисиз? – деди Бибигул унинг юзини юваётган кўз ёшларини артиб.

– Хиёнатим ҳосиласи Гулойим туғилди. Уни вақтидан илгарироқ туғилган, деб ёлғон гапирдим

ва ҳаммани шунга ишонтира олдим, лекин ҳамма нарсани билгувчи ва кўргувчи яратган Эгам, ягона жигаргўшамни вақтидан илгари қайтариб олиб, мени қон қақшатди. Мен сўқир ярамас, қизимнинг вафотигача ҳам қанчадан-қанча ёмон ишлар қилмадим, дейсан. Гулойимгинамни ҳам гуноҳларимга шерик қилдим. Ҳар бир қилган ножўя ишимга одамлардан эмас, Худодан ёмонлик қайтаётганини билсам-да, мен ҳаромдан ҳазар қилмайдиган нокас, қилган ишимни ҳеч ким билмади-ку, деб ўйлаб, давом эттираверибман. Энг ачинарлиси, мен бир умр гуноҳкор бўлиб яшаганимни ўлимим яқинлашгандагина пайқадим. Энди эса ҳеч нарсани ўзгартиришнинг иложи қолмаган...

Шундан кейин кўп ўтмай Меҳри буви ҳам вафот этди. Ногирон Нўъмонжон уйда ёлғиз қолиб кетди. Бибигулнинг уйи узоқ бўлгани учун, унинг ҳолидан хабар оладиганлар – Алфия ва Равкат аканинг оиласи эди.

* * *

Бибигул иккита ўғил ва битта қизнинг онаси бўлди. У ўзига тўқ оилага келин бўлиб тушгани учун ҳеч нарсага муҳтожлик сезмасди. Эри Шокир ака ҳам жуда мўмин-қобил киши эди. Бибигулнинг ёшлигида бошидан кечирган қийинчиликлари эсидан чиққандай бўлди. Шокир аканинг укаси Ботир шаҳарда олийгоҳда ўқиб, ўзи билан бирга ўқиган қизга уйланиб, тўйлари бўлди. Улар шаҳарда ишлай бошладилар. Улар ҳам фарзандли бўлишган эдилар. Ботирнинг ишлари юришиб, у бошқармага бошлиқ бўлди. Хотини Мунаввара врач бўлиб ишларди.

Ботир шаҳарда яшаб, қишлоқдаги ота-онасига қарай олмаганига хижолат бўлиб, акасидан кечирим сўрар, нима зарур бўлса тортинмасдан айтишни илтимос қилар эди. У акасининг айтишини кутиб ўтирмай уларнинг каму кўстини ўзи билиб, тез-тез ҳамма нарсалар олиб борарди.

Бибигул нима учундир овсини Мунавварани ёқтирмас, уни ҳар қадамда ғийбат қилишдан чарчамас эди. Мунаввара эса бунга парво ҳам қилмас, қайнонасининг, овсинининг ҳурматларини жойига қўяр, совға-саломни канда қилмасди. Бу Бибигулнинг баттар ғазабини қайнатарди.

Ботир катта ўғлини уйлантириш тараддудига тушган пайтлар эди. У иккита бузоқ сотиб олиб:

– Ака, шу иккита бузоқни боқиб, новвос қилинг, чунки ерларингиз катта, ўт-чўп кўп, бир йилдан кейин бўладиган жиянингизнинг тўйига тўёнангиз шу бўлади, розимисиз? – деди.

– Ботир, қизиқсан-а, шу бузоқларни бозордан ўзим олиб боқардим, нима қилардинг олиб келиб, ахир жиянимнинг тўйига иккита новвос олиб бормасам, нима қилиб юрибман амаки бўлиб.

– Айтмоқчи, ака, бузоқларнинг фақат биттасини туёна қиласиз, биттаси эса ўзингизга, катта неварангизнинг суннат тўйига боқарсиз, деб ният қилгандим.

– Э, ука, одамни уялтирдинг-ку, раҳмат.

– Қўйсангиз-чи, ака, сизга раҳмат.

Бузоқлар бир йилдан кейин семириб, новвосларга айланди. Эрталаб нонуштада Бибигул:

– Дадаси, сиз ҳам укангизга ўхшаб, катта бир идорага раҳбар бўла олмай нафақага чиқиб кетадиган бўлдингиз-да, – деди.

– Бу нима деганинг, лабораторияда ишлашнинг нимаси ёмон? Бир нимадан камчилигимиз борми? – деди Шокир ака жаҳли чиқиб.

– Йўқ, ҳаммаси яхшию, овсинимнинг фалончининг хотиниман, деб гердайиб юриши ғашимга тегади.

– Мунаввара унақа аёл эмас, шекилли?

– Унинг қанақалигини сиз қаердан ҳам билардингиз? У кишининг ўзларига оро беришларини-чи, ордона қолгур! Шаҳарда шунақа-да, кўзини сузиб, гапирганда қошини учириб ғапиришни одат қилиб

олибдилар. Ким билади, катта шаҳарда унинг нима қилиб юрганини?!

– Эй, хотин, оғзингга қараб гапир, бировга туҳмат қилма!

– Вой-вой-вой! Анави кишини, ҳечам туҳмат эмас, укангиз хотинини ўз ихтиёрига қўйиб қўйган...

Уй телефонии жиринглаб, уларнинг ёқимсиз суҳбатлари бўлинди.

– Эшитаман, – деб одатдагидек гўшакни кўтарди Бибигул.

– Ҳа, яхшимисиз, овсинжон. Ботиржон яхши юрибдиларми? Менинг ўғилларим Бобуржон, Бахтиёржонлар яхши юришибдими? Ўзингизнинг соғлиқларингиз яхшими? Яқинда Ботиржон бир оз тоби йўқроқ деётувди, тузалиб қолдингизми. Унақа касал бўлиб мени қўрқитманг-да, сингилжоним, тўйда чопқиллаб юришингиз керак, ахир.

– Ҳа, ҳаммаси яхши, шукр, раҳмат, жоним! Ҳа, Мунаввархон, бузоқларни акангиз ўзлари айтмоқчи эдилар. Уларнинг биттаси бирдан ҳаром ўлиб қолса бўладими, қаранг! Иккинчиси зўрға пичоққа илиб қолди, лекин гўштини еб бўлмас экан, ғалати ҳиди борми-ей, касал мол-да. Чуқур қазиб, уни ҳам кўмиб ташладик. Энди, хафа бўлмайсиз, бизнинг ҳам шунча меҳнатимиз зое кетди-я. Эсизгина! Хўп, ўргилай, сўраб қўйинг!..

Хотинининг телефондаги гапларидан ҳайрон бўлиб, Шокир ака:

– Қайси бузоқлар ҳақида гапирдинг, тушунмадим? – деди.

– Нимасини тушунмайсиз, укангизнинг, боқарсизлар, деб олиб келган бузоқлари-да!

– Ахир улар бинойидек қавш қайтариб ётибдилар-ку!

– Мен уларни укангизга бергим йўқ, уларда ҳамма нарса керагидан ҳам ортиқ. Бизнинг шунча меҳнат

билан боққан новвосларимизга уларда зарурият бор, деб ўйлайсизми? – деди Бибигул ўрнидан туриб, қўлларини белига тутиб.

– Шундоғам, Ботир укам қўлим-қанотим бўлиб турибди-ку, ўғлимиз унинг уйида яшаб ўқияпти, шу ерда ишда қолдираман деяпти, тўйларимизнинг харажатини ўзи кўтаряпти. Қўлдан келганича ёрдамини аямаяпти. Ундан ташқари, бировнинг омонатига хиёнат қиламизми?

– Э-э, улар биров эмас, ўзимизнинг оиламиз аъзолари-ку, фақат сал узоқроқда яшашади. Бир оила бўлганидан кейин меники-сеники деган сўзлар бўлмайди, новвосларни ҳозироқ бозорга олиб бориб, сотинг, тушундингизми? Пул ҳамиша керак бўладиган нарса!

Шокир ака бошида хотининг гапига қарши чиққан бўлса ҳам, кейин унинг гаплари тўғрига ўхшаб кўринди. У ҳеч нарса демасдан новвосларни бозорга олиб кетди.

Шокир аканинг отаси ўтиб кетган эди, қариб қолган онаси бу воқеани эшитиб, жуда хафа бўлди, лекин ўғилларининг ораси бузилмаслиги учун бу ҳақда оғиз очмаслигини яхши биларди. Онаизор ҳар қадамда Шокиржон ўғлининг ёмон хотинга тушганини айтиб зорланиб қўярди.

Кейинчалик Бибигулдаги бировнинг ҳаққидан қўрқмаслик, омонатга хиёнат қилиш одати, Шокир акага ҳам ўтиб бўлган эди.

Бибигул ўғилларига гапирганда:

– Шуни билиб қўйинглар, агар бировда пул жуда кўп бўлиб, уни сен олганингдан кейин ҳам камбағал бўлиб қолмаса, ҳеч қўрқмасдан олавериш керак, буни Худо кечиради, – деб таъкидларди. Фарзандлар эса ҳамиша онанинг сўзларини ҳақ деб билишган.

Назирбек ўғлига Элдор ўртоғидан пул сўрашни унинг ўзи маслаҳат берган эди. Қайтариб бермаслик учун ҳар хил баҳоналар қилишни ҳам ўзи ўргатган

эди. Ўшанда Шокир ака ҳам хотинининг гапин маъқуллаган эди.

Бибигул опа тут дарахтининг тагида ўтириб шу ларнинг ҳаммасини бирма-бир хаёлидан ўтказар қилган гуноҳларини оқлаш учун ҳеч қандай ва топа олмай, қийналарди.

У ҳам, худди Меҳри бувисига ўхшаб умрини охиридагина қилган гуноҳларининг кечирилма эканлигини, энди уларни тўғрилашнинг иложи йўқ лигини жуда кеч англаб олган эди.

* * *

– Мана ниҳоят Воҳидов Назирбекнинг ўлим бўйича айб эълон қиладиган вақт ҳам етиб келди, деди Фарҳод эшикдан кира солиб.

Компьютерда нималарнидир ёзаётган Собиржо индамай ишини давом эттирди.

– Собиржон ака, жиноят иши бўйича кўзда ту тилган ҳаммани сўраб бўлдик, бундан хабаринги бор, деб ўйлайман, – деди Фарҳод.

– Марҳумнинг онасини-чи? – деди Собиржо компьютердан кўзини узмай.

– Қизиқмисиз, худди билмагандек гапирасиз-а? кампир икки ойдан бери миқ этиб оғиз очмаганин ҳамма билади-ку, шу жумладан, сиз ҳам.

– Ҳа, биламан.

– Ундай бўлса, Муродов Элдорни кучли руҳи ҳаяжонланиш натижасида одам ўлдиришда айбдо деб ҳисоблаймизми?

– Билмадим.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, кундай равшан бўли турган нарсага, наҳотки шубҳа билан қараётга бўлсангиз.

– Бугун марҳумнинг уйига борамиз.

– Нимага?

– Менимча, аниқланиши лозим бўлган айри нарсалар бор.

– Ўлай агар тушунмадим, шунча пайтдан бери аниқланмаган нарса қолдими?

– Ҳа, менимча, муҳим бир нарсага ҳеч қайсимиз эътибор бермаганмиз.

– Нима экан у?

– У ерга борганимиздан кейин маълум бўлади, кетдик, Фарҳод!

Собиржон индамай машина ҳайдаб бораради. Жимликни ёмон кўрадиган Фарҳод футбол янгиликларини оғзи тинмай гапирарди. У чарчади, шекилли, жим бўлиб қолди. Бирпасдан кейин у террористлар тўғрисида гапира бошлади. Террористларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида қайси мамлакатда қанча киши вафот этганини куюниб гапирарди.

У Собиржонга қараб:

– Нима деб ўйлайсиз, Усома Бин Ладиннинг ўлими бу сафар ҳақиқатмикан? – деди.

Собиржондан жавоб бўлмаганидан кейин:

– А, Собиржон ака, нима деб ўйлайсиз? – деб яна сўради Фарҳод.

– Кечирасиз, Фарҳод, нима дедингиз, эшитмай қолибман, – деди Собиржон.

Фарҳод Собиржоннинг хаёли бошқа жойда бўлгани учун унинг ҳеч бир гапини эшитмаганини сезиб:

– Йўқ, ҳеч нарса, мен умуман гапирмадим, – деб қўя қолди.

Улар воқеа жойига тушга яқин етиб боришди. Бибигул опа ҳамон ўша тут дарахтининг остида ўтирарди. У қуёшнинг куйдириб тушаётган нурларига бефарқ эди, тутнинг соясига сурилиб ўтиришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бибигул опа жазирама ёзнинг иссиғида ҳар куни офтобда ўтираверіб қорайиб, куйган юз териси пўст ташлаб, ола-була қиёфага кирган, унга бехосдан кўзи тушган одам, сесканиб кетиши тайин эди.

Собиржон унинг ёнига бориб:

– Ассалому алайкум, – деди ва кўрпачанинг чет касига чўккалаб ўтирди.

Қодирбек Собиржонга қараб:

– Айганман-ку, Собиржон ака, ойим ўша кунда бошлаб, гапирмай қўйганлар, савол бериб овор бўлиб юрманг, яхшиси биздан сўрайверинг, – деди

Собиржон унинг гапига эътибор бермай:

– Бибигул опа, сиздан илтимос, ўғлингизнинг ўлим билан боғлиқ бирор нарсани билсангиз, айтиб беринг, деб Бибигул опанинг юзида бирор ўзгариш бўлармика деган умидда унга диққат билан қаради.

Бибигул опа Собиржоннинг гапларига парво қил май ўзининг хаёллари билан банд бўлиб ўтирарди Собиржон гапини давом эттирди:

– Биласизми, Назирбекнинг ўртоғи Элдорни унин ўлимида айбли, деб топишга тўғри келяпти. Лекин, ўртоғини ўлдирмаганини айтяпти. Сиз нима дейсиз Балки у ҳақиқатан ҳам айбдор эмасдир?

Бибигул опа кўзларини юмуб олди, лекин ўз қимирламади, жим ўтирарди.

Қодирбек Собиржоннинг олдига келиб:

– Сиз қанақа терговчисиз ўзи? Гапира олмайди ган одамга савол берасиз, укамни ўлдиргани ани бўлиб турган қотилни, айбдор эмас, демоқчи бўла сиз. Бу қанақаси бўлди, тушунмаяпман?

Собиржоннинг кўзи тутнинг айрисига тиқиб қў йилган белкуракка тушди. У белкурака қараб, қоти қолди. Кўзларини тут дарахтидан узмай қолган Со биржоннинг ўтиришига ажабланган Фарҳод:

– Собиржон ака, нима бўлди? – деди.

Собиржон ўта жиддий қиёфада қошларини чи мирганича индамай ўтирарди.

– Собиржон ака, одамни қўрқитманг, наҳотки сиз ҳам... қалигидай, – деб Бибигул опани кўзи би лан кўрсатди.

Собиржон ўрнидан туриб, молхонанинг девори га жуда яқин ўсиб турган тут дарахтининг ёниг

борди. У синчиклаб деворни, дарахтнинг танасини текшира бошлади, ва:

– Қодиржон айтинг-чи, уйларингда паншаха борми? – деди.

– Ўшандан кейин биз ҳамма паншахани йўқотиб ташлаганмиз...

– Илтимос қўшниларникидан олиб келинг, бу жуда зарур!

Қодирбек олиб келган паншахани Собиржон тутнинг айрисига белкурак қандай турган бўлса шундай қилиб жойлаштириб қўйди ва Қодирбекка қараб:

– Паншаха ҳамиша шундай турармиди? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Қодирбек, ҳеч нарсани тушунмай.

Собиржоннинг ўзи эса нарироққа юриб паншаха томон кела бошлади ва унга жуда яқин келиб, нақ қорнига тўғриланганидан кейин, паншаханинг дастасини деворга бориб тақалганига ишонч ҳосил қилганидан кейингина:

– Сизлар паншахани тутнинг айрисига худди шундай қўярмидингиз? – деди яна Қодирбекка қараб.

– Ҳа, дедим-ку!

– Ўша куни ҳам шундай қўйилганмиди?

– Шунақа бўлса керак, аниқ билмайман. Бунинг нима даҳли бор?

– Шундай қўйилгани аниқ, чунки Назирбекнинг лой бўлган оёғи сирпаниб, беҳосдан бор оғирлиги билан паншаханинг устига йиқилган, паншаханинг дастаси деворга тиралиб тургани учун орқага кетмаган, бу эса паншаха учларининг Назирбекнинг қорнига кириб кетишига олиб келган. Мана бундай қилиб, – деб Собиржон паншахани ўзининг қорнига тўғрилаб кўрсатиб берди.

– Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, уни Элдор ўлдирган! – деди Қодирбек.

– Кейин у мувозанатини сақлай олмай, орқага йиқилган, паншаха эса қорнига тиқилганича қолган.

Мана, паншаханинг деворга куч билан урилиш излари, – деб Собиржон девордаги изларни кўрсатди.

– Нима учун шундай бўлиши мумкинлиги илгарироқ хаёлимизга келмаган экан?! – деди Фарход.

– Чунки ўша куни тутнинг айрисида ҳеч нима кўринмаган эди, бугун эса белкуракнинг турганини кўриб, ўйлаб қолдим. Ундан ташқари, ўша куни марҳумнинг оёғи сирпанган излари ҳам, биз келгунимизча йўқ бўлиб кетган эди. Ўнлаган оёқ излари марҳумнинг изини тепкилаб ташлаганганлиги учун, сирпаниш изини топиш имконияти бўлмаган.

Фарҳод деворга яқин бориб қараб:

– Тўғри, жуда тўғри! Бундан чиқди Элдорнинг, мен кетаётганимда Назирбек «А-а-а» деб бақириб юборди, дегани тўғри экан-да!

– Ҳа, агар у ўртоғидан жуда хафа бўлмаганида эди, орқасига қайрилиб қараган бўларди, балки шунда Назирбек тирик қолган бўлармиди?..

– Нима, сиз Элдорни айбсиз, демоқчимисиз?! Унда укамни ким ўлдирган?!

– Мен... – кутилмаганда эшитилган ҳазин овоздан ҳамма орқасига қайрилиб қаради.

– Жигарбандимни ўзим ўлдирдим, мен қотил онаман! – деди Бибигул опа кўзларидан ёшлари шашқатор бўлиб оқиб.

– Ойи, нималар деяпсиз, ахир иккаламиз тўйдан бирга қайтганмиз-ку, сиз қандай ўлдирган бўлишингиз мумкин?!

– Мен, жирканчман, Худонинг қаҳрига учраган онаман... – Бибигул опа жуда секин, лекин ўкинч билан гапирарди.

– Ойи сиз гапира олармидингиз? Нима учун шу пайтгача индамай ўтиргандингиз? – деди Қодирбек онасининг олдига бориб, уни қучоқлаб.

– Чунки, менинг шу пайтгача гапирганларим ҳаммаси нотўғри бўлган. Бундан кейин ҳеч ким мендай гуноҳкор аёлнинг овозини эшитмасин, ҳеч

ким бировнинг омонатига хиёнат қилмасин! Мен ҳатто, ўзимнинг овозимдан ҳам ҳазар қиламан...

– Ойи, сиз ҳам Элдорни укамнинг қотили эмас, демоқчимисиз?

– Мен фақат шу Элдорнинг бегуноҳлигини айтиш учун гапиришга қарор қилдим, токи бу, менинг бу дунёга келиб қилган ягона тўғри ишим бўлиб қолсин.

– Терговчининг укам қандай қилиб ўлганлиги ҳақида айтаётганлари тўғрими, ойи?

– Ҳа, терговчи ҳозиргина билган нарсани мен ўша куниёқ билганман, чунки паншахани тутнинг айрисига ўзим жойлаштириб қўйиб, боламнинг ўлимига ўзим сабабчи бўлганман!

– Ойи, йиғламанг, бунда сизнинг айбингиз йўқ, бу бир фалокат, холос!

– Ўғлим, ҳеч қандай фалокат ўз-ўзидан бўлмайди, бу қилган гуноҳларим учун Тангри томонидан менга берилган жазодир!

* * *

Собиржон билан Фарҳод машинада жим боришарди. Одатдагидек Фарҳод жимликни бузиб:

– Собиржон ака, сиз Элдорнинг айбсизлигини, Бибигул опанинг гапира олишини қандай сезган эдингиз? – деб сўради.

– Ҳар доимгидек.

– Демак, бу сафар ҳам сезгиларим алдамади, демоқчисиз-да?

– Ҳа, шунақа.

– Бибигул опа ўғилининг ўлимини ўзининг гуноҳлари учун, Тангридан берилган жазо, деб ҳисоблаяпти. У аёл қандай оғир гуноҳ қилган бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз?

– Билмадим, лекин, бировнинг омонатига хиёнат қилган ўғилнинг онасини бегуноҳ дейиш мумкинми?

– Йўқ, албатта...

Собиржон одатдагидек, эрталаб ўз хонасига кириб, ишга шўнғиб кетди. У шу бугун судга оширмоқчи бўлган жиноят ишининг камчиликларини тезроқ тузатиб, топширишни ўйларди.

– Хайрли тонг, Собиржон ака! – деди Фарҳод эшикдан кираркан.

Собиржон Фарҳоднинг ҳар доимгидек бир-бирига мос тушган охирги русумдаги курткаси ва шимига бўйнига ўраб қўйган кузги шарфи, оёғидаги туфлисига бошдан оёқ разм солиб:

– Қанақа тонгни айтяпсиз, хайрли кун, десангиз-чи, тушга яқинлашиб қолди-ку? Куртканингизнинг ҳўллигига қараганда, янглишмасам ишга ҳозир келдингиз, уни ҳозиргача ечмаганингиз эса, ҳали хонангизга кирмаганингизни билдиради, – деди Собиржон.

– Гоҳида сизга ҳайрон қоламан, ишга ҳамма сизга ўхшаб саҳарлаб келиб олиши керак, деб ўйлайсиз шекилли. Лекин, ундай қилсам мен, қонунда белгиланган иш вақтига ҳурматсизлик қиляпман, деб ҳисоблайман.

– Иш кўп пайтларда эртароқ уйғонишга ҳаракат қилинг, деб маслаҳат берардим.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат. Лекин, биласизми, куз келди дегунча, айниқса ёмғирли кунларда, уйқучи бўлиб қоламан.

– Менимча, сизнинг уйқунгизга тўртта фаслнинг ҳам, қору ёмғирларнинг ҳам фарқи бўлмаса керак, – деди Собиржон мийиғида кулиб.

– Менинг спорт мактабида ўқиганимни эсингиздан чиқарманг-да, Собиржон ака, – деди Фарҳод норози оҳангда.

– Буни уйқунгизга нима алоқаси бор?

Аҳир ишдан борганимдан кейин камида бир соат спорт билан шуғулланмасам бўлмайди. Шунинг учун

ҳам мана, кўриб турганингиздек, ҳамма вақт бир хил кийимдаман, – деб Фарҳод икки қўлини белига қўйиб, спорт билан шуғулланиши шундоғ кўриниб турган гавдасини Собиржонга намойиш қилди.

– Шуғулланганда кейин чарчаб ухлаб қоламан, денг, худди бошқалар спортдан узоқлашиб кетгандек гапирасиз-а, – деди Собиржон унинг одатдагидек мақтанчоқлигига унча аҳамият бермасдан, ўз ишини давом эттириб.

– Тўғри, мен сизга ўхшаб ҳаммасини бирдек қойиллата олмаслигимни бўйнимга оламан. Лекин, нима бўлгандаям, мен ишга ўз вақтида келдим-ку, соат роппа роса 9. Мана кўринг, – деб Фарҳод телефоннинг соатини Собиржонга кўрсатди.

– Ҳа, ростданам соат энди 9 бўлибди. Мен бўлсам яқинда тушликка чиқамиз, деб ўтирибман. Нима кўтариб юрибсиз? – деди Собиржон Фарҳоднинг столга қўйган пакетига ишора қилиб.

– Ҳа, буми? Ростини айтсам, Собиржон ака, бугун ухлаб қолибман. Ойимнинг айтишича, уйдагилар уйғотишга ҳаракат қилишган, лекин уйғонмабман. Ҳамма нонушта қилиб ишга отланиб турганини кўриб, мен ҳам апил-тапил кийиниб йўлга чиқдим. Ойим шу пакетни қўлимга тутқазиб, ишда тамадди қилиб оларсан, дедилар, ичида нима борлигини ҳам билмайман, – деб Фарҳод пакетни очиб кўрди.

– Нима экан?

– Бутерброд экан, ойижоним мени ҳалиям ёш боладай кўрадилар. Келинингиз бўлса, ойимнинг берган пакетдан бехабар, вақтида уйғонмаганингиз учун бугун ишга оч кетиб жазоланасиз, деди.

– Ҳа, оналаримиз, ўзларидан кўра кўпроқ бизни ўйлайдилар.

– Мана, Собиржон ака сизнинг ҳам «ланч» пайтингиз бўлиб қолгандир, – деб Фарҳод Собиржоннинг столига қайноқ қаҳва билан қоғозга ўралган бутерброд қўйди.

– Раҳмат, Фарҳод. Боя ойингизнинг қўлингизга пакет тутқазганини айтганингизда, бир афсона эсимга тушиб кетди. Буни балки сиз ҳам эшитгандирсиз?

– Қандай афсона?

– Сал бўшроқ пайтимда айтиб берарман, ҳозир қўлимдаги ишимни тугатиб қўйишим керак.

– Бошлагандан кейин айтинг-да, одамни қизиқтириб қўйиб, кейин айтиб бераман, деганингиз нимаси?

– Ҳа, майли, қаҳвани ичиб тугатгунча айтиб бера қолай, эшитинг, – деб Собиржон афсонани сўзлай бошлади:

– Қадим замонда бир йигит гўзалликда тенги йўқ шоҳ қизини яхши кўриб, у қизнинг ишқида девонага ўхшаб қолади. Ўғлининг аҳволини кўрган онаси унга ёрдам бергиси келиб, сен у қизга дилингдагиларни айт, қандай шарти бўлса ҳам рози бўлишингни билдириб, қўлини сўра, ахир у малика бўлса ҳам инсон-ку, дебди. Йигит онаси айтгандек қилибди. Қиз, мен розиман, лекин бунинг учун бир шартимни бажаришинг лозим, деганида, йигит "Мен сизнинг ҳар қандай шартингизга розиман", депти. – Жуда соз, ундай бўлса, менга онангнинг юрагини суғуриб олиб келасан, ана шундагина мен сенга тегишга рози бўламан! – деган. Йигит уйига келиб кўкрагини захга бериб ётиб олибди, лекин у маликанинг шартини онасига айтмабди. Онаси ўғлининг илгаригидан ҳам ёмон аҳволга тушганини кўриб, уни қўярда-қўймай, шартни айтишга мажбур қилибди. Йигит онасига маликанинг шартини айтибди. Онанзор ўғлини севги азобидан қутқариб, уни бахтли қилиш учун кўксини ёриб, юрагини суғуриб олиб, боласига берибди ва ҳалок бўлибди.

Номард ўғил эса юракни олиб, маликанинг ҳузурига шошилибди. Малика буни кўриб, каҳ-каҳ отиб кулиб:

– Ўз волидасининг юрагини олиб келган бу ярамасни, кўзимдан йўқотинглар! – дебди.

– Малика жуда бешафқат экан-да, – деди Фарҳод афсонани эшитиб, қаҳрининг охирини ичиб қўяркан.

– Йигит-чи? Битта аёлни деб, ўз онасининг ўлимига йўл қўйиб берган қотил, бешафқат эмасми?!

– Собиржон ака, бу бир афсона, ҳаётда бунақаси бўлмайди-ку, – деди Фарҳод стол устидаги идишларни тез-тез йиғиштириб, ўз хонасига кетиб, ишларини бошлашга шошилиб.

– Биласизми, Фарҳод, менга ҳамиша афсоналарда катта бир ҳақиқат яширингандек туюлади, – деди Собиржон ўйланиб.

Хизмат телефони жиринглаб қолди. Фарҳод гўшакни кўтариб:

– Ассалому алайкум, эшитаман, Фозил ака, – деди.

– Нимага ўз жойингизда эмассиз, Фарҳод?!

– Нима фарқи бор, муҳими ишдаман-ку.

– Маҳмаданалик қилмасдан, хўп, деб белгиланган тартиб-қоидага амал қилинг! Гўшакни Собиржонга беринг-чи!

Фарҳод индамай гўшакни Собиржонга узатиб:

– Педант, эрталабдан кайфиятингни расво қилади, – деди.

– Эшитаман.

– Собиржон, «Гузар» маҳалласида бир аёл ўзини осиб қўйибди. Тезда отланинглар, бирга борамиз, – деб Фозил ака гўшакни қўйди.

– Нима деди? – деб сўради Фарҳод чиқиб кетаётиб.

– Бир аёл ўзини осиб қўйибди, тез бўлинг, ҳаммамиз бирга кетарканмиз, – деди Собиржон керакли буюмларини папкасига жойлаштираркан.

– Э, ёмон бўлибди... Мен, ҳозир чиқаман.

* * *

Ҳурматой опанинг кичик келинидан кўнгли тўлмасди. Уруш-жанжални, шовқин солишни ёмон кўрадиган, табиатан босиқ бўлган бу аёлнинг фик-

ри-зикри келини Ҳаётни қандай қилиб йўлга солиб олишда эди.

Улар Сафарали ака билан турмушлари давомида бирор марта ҳам уйларидан бақириқ-чақириқ овози чиқиб кўрмаганидан, ўғлининг хонасидан чиқадиган ўғлининг бақириб, келининг йиғи аралаш қичқириши, шовқин қилишидан ҳайрон қоларди.

– Хотин, ўғлинг Восид келин билан кўп жанжаллашадиган бўлиб қолганми? – деди Сафарали ака ҳам улар ўртасидаги муносабатни сезиб.

– Дадаси, мен ҳам шуни ўйлаяпман. Улар яқиндагина турмуш қурган бўлсалар, ҳамма нарса етарли бўлса, нимани талашади, билмайман.

– Нимага билмайсан, ахир онасан-ку, уларга ёрдам беришинг керак!

– Тўғри, ўғлингиздан жанжалнинг сабабини сўрасам, у сиз аралашманг, ўзимиз келишиб оламиз, деди.

– Келин-чи?

– Ҳаётхоннинг эса умуман бу саволга жавоб бергиси йўқ.

– Ие, бу ёғи қандай бўлди?

– Ўзим ҳам нуқул уларни ўйлайман. Ахир камгап, мўмин-қобил ўғлимиз қандай қилиб бақироқ бўлиб қолди экан, келинимиз ҳам эрига тап тортмасдан овозини кўтаради.

– Сен ҳадеб бичиш-тикишингни қилавермасдан уларга нима бўлаётганини аниқла. Ёшлар арзимаган нарсанинг устида ит-мушук бўлиб юрмасин, тағин.

– Хўп, дадаси.

Ниҳоят, Ҳурматой опа ўғли билан келини ўртасидани келишмовчиликнинг тагига етди. Ўғлининг айтишича келини уйда зерикаётган экан.

Ҳурматой опа ўғлининг бу гапига ажабланиб, – Нима қилишни хоҳларкан? – деди.

– Ойи, унинг асли мақсади кўчада юриш, уйда ўтиришни ёмон кўрар эмиш.

– Йўғ-э, жуда унақа эмасдир?

– Тўйимиздан олдин институтга киролмаганини биласиз. Бу йил яна ҳаракат қилмоқчилигини айтяпти, мен эса бунга қаршиман.

– Ўғлим, нима учун қаршисан, ахир ўзинг олий маълумотли бўлсанг? – деди Ҳурматой опа.

– У мабодо ўқишга кириб кетса, йиллик тўлов пулларига қийналиб қоламизми, дейман-да, ундан ташқари, уй юмушлари ўзингизга қолиб кетадими, деб ўйлаб...

– Э, нима экан, дебман-а, шу ҳам муаммоми? Сен мени ўйлама, агар Ҳаётхон ўқишга кириб кетса, тўлов пулларини ўзим эплайман.

– Қандай қилиб?

– Худога шукр, қўлимда ҳунарим бор. Ҳозирги пайтларга анча ялқов бўлиб қолганман, кам ишлаяпман. Бундан кейин ҳеч кимни қайтармасдан ҳамма мижознинг тикиш ишларини қабул қилаверараман.

– Энди ёшингиз ҳам 60 га яқинлашиб қолган бўлса, ойи, қийналиб қолмайсизми?

– Қўйсанг-чи ўғлим, бинойидек эплайман. Ундан ташқари даданг ишлаяптилар, сенинг маошинг, ҳаммасини йиғсак анча пул бўлади. Жуда етиштира олмасак, иккита аканг ҳам қараб турмишмас, ёрдам беришар.

– Тўғри, лекин мен унинг уй ишлари билан шуғулланиб ўтиришини истаган эдим.

– Йўқ, ўғлим, хотиннинг кўнглига ҳам қараш керак, у бечоранинг ҳам орзу-умидлари бордир, – деб Ҳурматой опа ўғлини келиннинг райига қарашга кўндирди.

Ана шундан кейингина уйда хотиржамлик бошланди.

Ёзда Ҳаёт тест синовларидан ўтиб, олийгоҳга ўқишга кирди. Ҳаёт энди бутунлай бошқа одамга айланган эди. У терс, одамови, жанжалкаш Ҳаёт эмас, гапирганда тилидан бол томадиган, жилмайиб эрининг атрофида гирдикапалак хотин эди.

Восид ҳам хурсанд. Нимага илгарироқ унинг гапларига «хўп» деб қўя қолмаган эканман? Ўзи хотиннинг айтганини икки қилсанг, аҳволингга маймунлар йиғларкан-да, деб ўйларди. Ҳаёт битта фарзандли бўлганидан кейин, уларнинг оиласидаги осойишталик яна бузилди. Чунки келин чақалоқ билан кўчага, ўқишга чиқолмай уйда ўтириб қолди-да.

Келинининг феълини тушуна бошлаган Ҳурматой опа ўғлинини уруш-жанжалдан қутқариш учун, эндигина икки ойлик бўлган неварасини олиб қолиб, келинини ўқишга юборишга мажбур бўлди. Ниҳоят, Ҳаёт олийгоҳни тугатиб, ишга жойлашди. У ўз ишидан мамнун эди, лекин ўғилчаси туғма юрак пароги билан оғригани учун, вақти-вақти билан шайтонлаб қоларди.

Ҳурматой опа неварасини даволатиш кераклигини айтиб, зорланарди, Ҳаёт эса парво қилмай, ойижон, ўзимиз вақти келганда даволатиб оламиз, сиз хавотир олманг, дерди. Ҳаёт иккинчи фарзандини туғди. Уни ҳам туғилганига икки ой тўлмасдан қайнонасига ташлаб, ишга тушиб кетди. Чунки у уйда ўтирса юраги тарс ёрилиб кетиши айтиб, баҳона қиларди. Эри эса, Ҳаёт жимгина юрса бўлди, нима қилса ҳам майли, деб қарайдиган бўлиб қолган эди.

Ҳаётнинг қизчаси ҳам она сути билан катта бўлмагани учунми, тез-тез касал бўладиган бўларди. Ҳурматой опа келинининг, кўча хандон — уй зиндон, дейдиган аёллар тоифасига киришини билиб, ўғлига ачинарди.

– Ҳаётхон қизим, ишингизда ўз ҳисобингиздан таътил олиб, қизчангизни яхшилаб шифокор кўригидан ўтказиб, зарур бўлса, даволатиб олмасангиз, касалванд бўлиб қолмаса, деб қўрқаман, – деди Ҳурматой опа ишдан келиб, чой ичмоқчи бўлиб турган келинига.

– Вой, оғзингиздан шамол учирсин, бунча нафасингиз совуқ, ойи. Нима, касал бўлмайдиган бола бор эканми? – деди Ҳаёт бидиллаб.

– Мен неварамга ёмонлик тилармидим, эҳтиёт бўлинг деяпман-да, болам.

– Э, гапирманг, бир қултум чойни ҳам заҳар қилдингиз, падарига минг лаънат бунақа яшашнинг! Уйга келсанг бир дақиқа тинчлик бўлмаса-я!

– Қизим ношукр бўлманг, гуноҳ бўлади.

– Ўргилдим, сиздақа гуноҳ-савобни биладиган қайнонадан! Менга айтинг-чи, шу келин ҳам итдай чарчаб ишдан келди, озроқ дам олсин демасдан, кириши билан унга чанг солиш, гуноҳ бўлмайдими? – деди Ҳаёт жангга тайёрланган хўроздек, ўрнидан туриб, бўйнини чўзиб.

– Майли қизим, ўзингиз биласиз, фақат секинроқ гапиринг, қўни-қўшнилар олдида уят бўлади, – деб Ҳурматой опа ўрнидан туриб кетаркан.

– Ўзларича жуда донолар, бошқа ҳамма аҳмоқ, – деб тўнғиллади Ҳаёт қайнонасининг орқасидан.

У хонасига кириб, инжиқланиб ўтирган қизчасининг қўлига упадонни бериб, тинчлантирган бўлди, кейин катта тошойна қаршисида туриб, ўзини ойнага сола бошлади.

Ўзи, бу шум кампир мени кўролмаганидан жиғимга тегади, у қариб, чириб боряпти, мен эса ёшман, қадди-қоматимга гап йўқ, деди ичида ва жилмайиб қўйди. Унга кўзгудан пардоз-андозни жойига қўйган, бели сиқиқ, калта, охирги русумдаги кўйлаги қоматига ёпишиб турган, буғдойранг, қисиқроқ кўзларида қандайдирдир совуқлик яширинган бўлса ҳам, келишган аёл қараб турарди.

Ҳаёт ўзининг кўринишидан кўнгли тўлди, шекилли, кайфияти анча кўтарилиб, бу кампирнинг гапига бекорга хуноб бўлибман, шундай гўзал қиз бўлсам, эримни ҳамма гапимга ишонтира олсам, чизиғимдан чиқармасам, нимага хафа бўлишим

керак? Бунақада бекордан-бекорга қариб қолишим ҳеч гапмас-ку! – деб хаёлидан ўтказди.

Бир куни Ҳурматой опа келининг қилиғидан сиқилиб:

– Дадаси, бу келинимиз билан умуман гаплашишнинг иложи бўлмай қолди-ку, Восид ҳам хотини билан иши йўқ, қулоғи тинч бўлишини ўйлайди, нима қилсам экан, – деди чойхонадан келган Сафарали акага ёрилиб.

– Нима демоқчисан?

– Ахир невараларимизнинг иккаласи ҳам соғлом болалар эмас, ўғлимиз билан келинимиз ёшлик қилибми ёки вақтлари йўқлигиданми, эътиборсизлик қилишяпти.

– Болаларни ўзимиз врачга олиб борсак-чи?

– Мен ҳам шундай қиламиз, деб ўйлаб келинга айтган эдим, балога қолдим.

– Ие, нимага?

– Туққан болаларимни ўзим эплай оламан, улар етимчаларга ўхшатиб, бошқа бировнинг етаклаб юришини истамайман, деб йиғлаб, роса шовқин кўтарди.

– Ҳадеб, ҳар нарсага шовқин кўтариб, йиғлайверар экан-да, майли, Восид билан ўзим гаплашиб кўраман.

– Хўп, дадаси, фақат эҳтиёт бўлинг, бу янги жанжалга сабаб бўлмасин, – деди секингина.

Ҳурматой опа бир умр тикув машинасига эгилиб ўтириб кийим тиккани учун, гавдасини букчайтириброқ, бўйнини сал олдинга ташлаб юрарди. Ёшлигида ўрта бўйли кўҳликкина қиз эди, илгариям нозиккина эди-ю, бечора ҳозир жуда озиб кетибди, уй юмушлари, бир томонда кичик келиннинг хурмача қилиқлари уни адойи тамом қилибди, деб ўйлади Сафарали ака хотинининг орқасидан қараб, унга раҳми келиб.

* * *

Ҳаёт қайнона, қайнотаси билан бир уйда яшаса ҳам, уларнинг болалар тарбиясига ёки бошқа ишларига аралашишларини истамас, ҳатто улар болаларни эркалатсалар ҳам жаҳли чиқарди, тап тортмай, узиб-юлиб оларди.

Бир куни у ишда дугонаси Ҳосила билан гаплашиб ўтириб:

– Биласанми, қайнонам жуда жонимга тегиб кетди-да, унинг дастидан дод, деб юборай, дейман.

– Қайнонанг яхшигина аёлга ўхшаб кўринади-ку, сени хўрлайдими?

– Мулойим супургини ҳамма яхши деб ўйлайди, лекин унинг ҳар бир оддий гапи ҳам ғашимга тегади. Ўзимга қолса, нима қилишни билардим-а.

– Эрингдан қўрқасанми?

– Гап қўрқишда эмас, уни мулла минган эшакдай қилиб қўйибман, лекин барибир, ота-онасини ҳурматсиз қилишимга қараб турмайди-да. Шунинг учун унинг олдида онасига ёлғондан ялтоқланишимга тўғри келади.

– Ҳаёт, дугонажон, мен барибир-чи, ўша қайнонангни ёмон хотин деб билмайман, чунки сен уларнинг уйига яшаб олий маълумотли бўлдинг, ўзинг хоҳлаган ишингда ишлаяпсан, агар бошидан қайнонанг қарши бўлса, у сенга ёрдам бермаса, ўзинг ҳеч нарса қила олмасдинг.

– Ана шуниси менга алам қилади-да! У жодугар ҳаммасига ўзи ёрдамлашган, агар у мен томонда турмаганида, сен айтганингдек, ҳеч нарса қила олмасдим. У қилган ишларини менга миннат қилгандай туюлаверади, ишқилиб, ундан тўйиб кетдим, – деди Ҳаёт қўлидаги кўзгусини столи тортмасига ташлаб.

– Масалан, сен менинг қайнонам тўғрисида бирор марта гапирганимни эшитганмисан?

– Йўқ, чунки сенинг қайнонанг рисоладагидек бўлса керак-да.

– Унақа эмас, ойимларнинг айтишича, қайнона ёмонми-яхшими у нима деса ҳам келинига фақат яхшилик истаб, ўғлининг оиласининг мустаҳкамлигини ўйлаб, гапираркан. Шунинг учун ҳам мен уларнинг ҳар бир аччиқ гапларини ўзимга алоҳида берилган қимматли маслаҳат деб қабул қиламан.

– Менинг ойим бўлса, қайнонангни эринг йўқ пайтида адабини бергин, эрингнинг олдида у билан жуда яхши гаплашгин, ўзингни ундан қўрқадигандек қилиб кўрсат, ана шунда эринг сенга ишониб, онасини ёлғончи деб ўйлайди, деб маслаҳат берадилар. Албатта онамнинг айтганлари тўғри-да, улар ҳам ёшлигида шундай қилган эканлар, натижада уй-жой қилиб берган қайнона-қайнотасини уйга йўламайдиган қилганлар. Мен ҳам худди улар айтгандек йўл тутяпман, шунинг учун ҳам, ҳаммаси яхши, ўзим истаган мақсадимга осонгина эришяпман, деб ўйлаб, жим бўлиб қолди.

– Ҳа, ўртоқжон, индамай қолдинг, барибир қайноналаримиз соғ-саломат бўлишсин, қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин, дейишади-ку. Ҳақиқатан ҳам улар каму кўстимизни, хато-камчиликларимизни тўғрилашади, бизни ўзларидай оиланинг обрўси учун курашадиган аёл қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишади, тўғри эмасми? – деди Ҳосила Ҳаётнинг ўйланиб қолганини ўзининг гаплари нотўғри эканлагини тушунганга йўйиб.

– Ким билади? Балки... – деди Ҳаёт мужмал қилиб ва ўйлади:

Ўргилдим сендақа файласуфдан, бу қисқагина ҳаётда мен оила обрўси деб, ўзимнинг шахсий манфаатларимдан воз кечишим керакми? Балки қайнонамга ўхшаб сен ҳам, аёлнинг тириклиги, унинг бутун истак-тилаклари, ташвишу қувончлари оиладан ташқарида эмас, оиласи ичида бўлиши керак, дерсан. Бекорларнинг бештасини айтибсан! Мен бутунлай бошқача деб биламан, чунки инсон

ҳаётга бир марта келади, иккинчи марта бошқатдан туғилмайди, шу бир марта яшайдиган ҳаётимда қандайдир бир кампирнинг тўхтовсиз асабимга тегишига ҳеч қачон йўл қўймайман!

* * *

Ҳурматой опанинг дадаси 84 ёшида вафот этди. Унинг ўлимидан кейин укасининг мазаси қочиб қолди. У касалини текширтирганида бедаво дардга йўлиққани аниқланди. Бунга ҳам бир йил бўлди. Ҳурматой опа укасидан тез-тез хабар оларди.

Эндигина 50 ёшга тўлган укасининг шамдек эриб бораётганига сиқилиб, йиғлаб чиқиб кетган қайнопасининг орқасидан Санобар:

– Қамбар, ўғлим, аммангни кузатиб келдингми? – деди.

– Ҳа, ойи.

– Биласан, уйимиз ҳалиям, катта дадангнинг номидалигича турибди. Унинг вафотидан кейин даданг касалланиб қолиб, уй-жойни ўзининг номига ўтказиб олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, – деди Санобар нимадандир ташвишланиб.

Қамбар онаси нима демоқчи эканлигини тушунмай:

– Аста-секин ҳужжатлаштираверамиз, нимага безовта бўляпсиз? – деди.

– Ўғлим, мен аммангдан қўрқяпман!

– Аммамдан?

– Ҳа, ахир биз яшаётган уй-жой унга ҳам худди даданг билан баб-баравар тегишли ҳисобланади. Чунки улар иккаласи ҳам катта дадангнинг фарзандлари, демак, мерос улар ўртасида теппа-тенг тақсимланиши лозим бўлади.

– Нималар деяпсиз ойи, наҳотки аммам биздан уйимизнинг ярмини тортиб олса?

– Нафақат уйнинг, балки ҳамма мол-мулкнинг ярмини тортиб олишга ҳаққи бор.

– Менимча, аммам унақа иш қилмайди, ўзларининг уй-жойлари етарли-ку!

– Жуда ғўрсан-да ўғлим, унинг иккала ўғлиям кўп қаватли уйда туришади, фақат ўзи кичик ўғли билан ҳовлида яшаяпти. Бизнинг кенггина ҳовлимизнинг ярмини тортиб олиб, ўғилларининг бирига ўртадан девор тортиб берса, биз ҳеч нарса дейишга ҳаққимиз йўқ.

– Ойи, шуларни нимага илгарироқ ўйламаганингизга ҳайронман! – деди Қамбар худди аммаси эртагаёқ келиб, уйнинг ярмига девор тортиб олаётгандек туюлиб.

– Ўғлим, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандалармиз, дадангнинг бирдан оғирлашиб қолишини қаерданам билибман.

– Энди нима қилсак бўлади? – деди Қамбар хавотирланиб.

– Менимча, қайнопамнинг мақсадини билиш учун, унинг кўнглига қўл солиб кўришим керак, – деди Санобар ўйга толиб.

– Қандай қилиб?

– Сен хавотирланма, опоқинг нималарни режалаштираётганини эртага билиб оламиз, – деди Санобар хаёлида ниманидир ўзича режалаштириб.

* * *

Восиднинг хизмат сафарига кетганига ҳам 10 кун бўлди.

Ишдан келганидан кейин эрининг қулоқ-миясини қоқиб, қўлига беришга ўрганиб қолган Ҳаёт, зерикканидан қайнонаси билан жанжал чиқаришга ҳаракат қилиб кўрарди, Ҳурматой опа келинининг феълини жуда яхши билгани учун, индамай кетиб қоларди. Кейин болаларига бақир-чақир қилиб бошларди. Ҳурматой опа, ишқилиб Восид тезроқ, эсон-омон келсин-да, келинимиз сал бўлса ҳам тинчирди, деб ўйлади.

Сафарали ака ишдан келиб ошхонада куймаланаётган Ҳурматой опага:

– Мен бирга ишлайдиган Халилнинг ўғил тўйига кетяпман, – деди.

– Бир пиёла чойдан ичинг, сиз учун дамлаган эдим, – деб Ҳурматой опа унга бир пиёла чой қўйиб узатди.

Сафарали ака хотинининг қўлидан пиёлани оларкан, бўйим аввалари ҳам ундан анча баланд эди-ю, лекин ҳозир бечора янада кичрайиб қолибди, деб хаёлидан ўтказди.

Сафарали ака тикка турганича чойдан хўплаётганида, уй телефони жиринглаб қолди. Ҳурматой опа гўшакни кўтариб:

– Эшитаман, – деди, гапираётган кишининг гапини эшитиб, бошини қимирлатиб, – Ҳа, албатта, Санобар, ўзи укам яхшими? – деди ва, – Майли, хўп келинглар, кутиб ўтираман, – деб гўшакни қўйди.

– Тинчликми? – деди Сафарали ака пиёлани столга қўйиб.

– Ҳа, тинчлик, Санобар келиним тушмагур, нималарни режа қилди экан? – деди кулимсираб.

– Нима деди?

– Укангиз ҳовли-жойни дадангизнинг номидан ўз номига ўтказишни хоҳлаяпти, дейди. Воҳиджон укам бечора шуларни ўйлайдиган аҳволда эмаслигини кеча кўриб келдим-ку, ёлғонниям ямламай ютади-я, бу хотин.

– Кимнинг номига ўтказса ўтказавермайдими, бунинг сенга нима фарқи бор?

– Менинг, отамнинг мулкидаги ўз ҳиссамдан укамнинг фойдасига воз кечдим, деган мазмундаги тилхатим керак бўларкан.

– Ҳа, шунақа эканми, ёзиб бера қол, – деди Сафарали ака туфлисини кияркан.

– Уйга келинглар, гаплашамиз, дедим.

– Қачон келишаркан?

– Ҳозир борамиз, дейишди.

– Майли, яхши қолинглар, – деб Сафарали ака чиқиб кетди.

Ҳурматой опа:

– Ҳаётхон, болаларни олиб чиқа қолинг, овқатланамиз, деб келинининг хонасига қараб чақирди.

Бир оз дан кейин болаларини кийинтириб чиққан Ҳаёт:

– Ойи, биз дадамларникига кетяпмиз, ойимнинг иситмалари чиқиб, касалланиб қолибдилар, – деди.

– Вой, қудамга нима бўлган экан, шамоллаган бўлсалар керак-да? Куз ҳавоси, анча салқин бўлиб қолди. Дадангиз ҳозиргина чиқиб кетган эдилар, эсизгина, сал илгари билганимизда, дадангиз қудамникига ташлаб ўтирдилар. Ёмғир ёға бошлабди-ку, невараларим ивиб кетишса керак, – деди қайғуриб.

Ҳурматой опа, улар касал бўлиб қолмаслиги учун ўзингиз бориб кела қолинг, болалар қола қолсин, дея олмади. Чунки келини Ҳаёт ҳеч қачон бировни, айниқса қайнонасини тўғри тушунмаган. Фақат йиғлаб, шанғиллашни қойиллатади.

– Майли ойи, ўзимиз бир амаллаб етиб олармиз. Агар бизга ёрдам беришни жуда истаётган бўлсангиз, дадамларга қўнғироқ қилиб, тўйдан қайтаётганларида бизни ҳам олиб ўтишларини айтиб қўярсиз! – деб кесатди Ҳаёт ва ўғлининг қўлидан етаклаб, қизчасини кўтариб чиқиб кетди.

Ҳурматой опа келинига, ҳеч бўлмаса, Нозимжонни қолдириб кета қолинг, ўзим ёлғиз қоляпман, демоқчи бўлди-ю, лекин бу гапи келинига ёқмай, бирор дилхираликни бошламаслиги учун, яна индамади. Фақат:

– Хўп, яхши боринглар, сўраб қўйинг... – деди холос.

Ҳурматой опа келини невaралари билан чиқиб кетганидан кейин кўча эшигини бекитмасдан остонада туриб қолди. Унинг юзига келиб тушаётган

ёмғир томчилари, кўз ёшлари билан қўшилиб кетган эди. Ҳурматой опа келинидан қилган яхшиликларига ёмонлик қайтаётганига эмас, ўғлининг шу аёл билан умрининг охиригача яшаб, қийналишига ачиниб йиғлаётган эди. Биз ўтиб кетсак Восид бечорани бу аёл қай куйларга соларкан, соддагина ўғлим, унинг тўхтамай ёлғонни бидиллашига ишониб, ҳатто менга ҳам овозини баландлатиб гапирадиган бўлиб қолди.

Тавба, нима сабабдан мени ўғлимга ёмонлаб, ўртамизда жанжал чиқаришга ҳаракат қиларкан, ахир ўзининг ҳам қайнона бўлишини кўз олдига келтириб кўрмасмикан. Бечора болагинамнинг келишига яна қанча фисқу-фасод йиғиб қўйган бўлса? Ишқилиб, ўғлим ҳам бора-бора қаёқдаги майдакаш эркакларга ўхшаб қолмасайди... Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин, деб бекорга айтишмаган экан.

Ҳурматой опа ўғлини соғинганини сезиб, майли, эсон-омон қайтиб келсин, Яратганнинг ўзи унга ақлу фаросат берсин, деди пичирлаб.

* * *

– Суд-тиббий экспертиза хулосаларига қараганда марҳума Салимова Ҳурматой ўзини ўзи осмаган экан, уни чилвир билан бўғиб ўлдириб, кейин жиноятни яшириш учун осишган экан! – деди Собиржон экспертиза хулосалари билан танишаркан.

– Ростданми, ўша куни эксперт Шариф аканинг "бу ҳодиса биз ўйлагандек содир бўлмаган, шекилли"– дегани бежизга эмас экан-да, – деди Фарҳод.

– Ҳа, мен "нимага ундай деяпсиз?" десам "бунинг аниғини ўликни ёриб кўрганимиздан кейин, ўз хулосаларимизда батафсил ёзиб берамиз"– деган эди. Шариф ака ҳеч қачон олдиндан ўз фикрини айтмаган, – деди Собиржон.

– Собиржон ака, марҳуманинг қўлига ушлаб олган қоғоз бўлакчасига нима дейсиз?

– Экспертиза хулосаларида айтилишича бу қоғоз бўлаги, аллақандай дорининг йўриқномасидан йиртилиб олинган экан.

– Қандай дорининг?

– Буни мутахасисларнинг аниқлашича, ёш болаларда учрайдиган астма касаллигига учраган беморларга тавсия қилишаркан.

– Ҳа, балки бу қоғоз марҳуманинг қўлига қандай тушганлиги тергов пайтида аниқланиб қолар.

– Бу қоғоз парчаси, қотилни топишимиз учун ягона далил бўлиши мумкин, – деди Собиржон ўйланиб.

– Тўғри.

– Қаранг, Фарҳод, жиноятчи ҳеч қандай бармоқ излари қолдирмаган экан. Жуда пихини ёрган кўринади.

– Ўзи марҳуманинг ўғиллари, онамизнинг ўзини осиб қўйишига ҳеч қандай сабаб йўқ эди, ақл-ҳушлари жойида эди, деганларида, ўзимам ажабланган эдим-а. Бечора аёлнинг ўлими кимга керак бўлиб қолди экан-а? Ана жумбоғ-у, мана жумбоқ.

– Ҳа, ечимини топгунча анча тер тўкишимизга тўғри келади, шекилли, – деди Собиржон, қўлидаги ручкасини айлантириб.

– Хорун, менга ўша экспертиза хулосалари ёзилган қоғозни олиб бер-чи, – деди Фарҳод янги ишга келган иш ўрганувчи йигитга қараб.

Йигит ишни нимадан бошлашини билмай, уларнинг суҳбатини тинглаб, сўз навбати кимга ўтса шунга қараб ўтирарди. У:

– Хўп, – деб Собиржоннинг столида турган икки варақ қоғозни Фарҳодга олиб бориб берди ва яна жойига бориб ўтирди.

Фарҳод суд-тиббий экспертизаси хулосаларини диққат билан ўқиб чиқиб, қоғоздан бошини кўтариб:

– Хорун, хонамда телефоним қолиб кетибди, ғиз этиб бориб олиб келгин, – деди.

– Хўп, – деб Хорун хонадан чиқиб кетди.

Собиржон қўлидаги айлантираётган ручкани столга қўйиб:

– Биласизми, Фарҳод, бир донишманд нима деган, – деди.

– Билмадим, донишмандлар бўғиб ўлдириш тўғрисида нима деганини эслай олмайман.

– Бунга бўғиб ўлдиришнинг ҳеч қандай даҳли йўқ, гап сиз ҳақингизда.

– Мен ҳақимда?

– Донишманд айтганки, буюк кишиларнинг буюклиги уларнинг кичик одамларга нисбатан қандай муомалада бўлишига қараб белгиланади, деган.

– Доноларнинг бу гапларидан менга тааллуқли жойини тополмаяпман, Собиржон ака.

– Сизнинг ёшингиз, лавозимингиз ишга эндигина келган Хорундан анча катталигини ҳамда унинг сизга югурдак бўлиб ишга кирмаганини эсласангиз доноларнинг бу гапининг сизга тааллуқли жойини осонгина топган бўлардингиз.

– Э, шунақа демайсизми?! Хорун-ар-Рашид ҳазрати олийларига муносабатингни ўзгартир, демоқчисиз-да-а? – деб кулди Фарҳод.

– Сиз ишга янги келганингизда кимдир сизга шундай муносабатда бўлганлигини эслайсизми?

– Албатта эслайман, ундан ҳам баттари бўлмаса керак. Ахир ўзингиз менга казуслар бериб, ечимини топмагунча, уйингизга *кетмайсиз*, деб мажбурлаганингиз-чи?

– Сиз ҳам шундай қилсангиз, жуда яхши бўларди.

– Тушундим.

Фарҳоднинг қўл телефонини олиб келиб берган Хорунга раҳмат айтиб:

– Биласанми, Хорун, хонамда иш столимнинг иккинчи тортмасида казуслар ёзилган папка бор. Шуни олиб келсанг... – деб Фарҳод гапидан тўхтаб қолди ва фикрини ўзгартириб, – Йўқ, яхшиси ўзим бориб, ола қолай, ундан кейин сенга жиноят ишини

қандай очиш тўғрисида казуслар бераман, билиб қўй, шуларни ечмагунингча уйга кетиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрма! – деди.

– Хўп, Фарҳод ака, – деди Хорун унга эргашиб хонадан чиқаркан.

Салимованинг қасддан ўлдирилиши бўйича қотилнинг кимлигини топиш учун тергов ишлари бошланиб кетди.

Ҳурматой опанинг қасддан кимдир уни ўлдириб, кейин уни осиб қўйганини эшитиб, Сафарали ака ақлдан озаёзди.

. – Мен бошида Ҳурматойнинг ўзини осиб қўйишига ишонмай, жинни бўлай, деган эдим! Энди эса уни биров ўлдирганига ишонгим келмаяпти. Ахир унинг ҳеч кимга ёмонлиги йўқ, оқила аёл эди! – деди Сафарали ака куюниб.

– Ўша кечаси Ҳурматой опа уйда ёлғиз қолган эдими? – сўради Собиржон.

– Ҳа, ўғлим 15 кунга хизмат сафарига кетган эди, мен ишдан кейин тўйга бордим. Келинимиз болалари билан онасиникига кетишган экан. Ҳурматой ёлғиз қолган эди. Мен тўйдан қайтишда келиним ва невараларимни қудамникидан олиб қайтдим. Уйга келсам эшиклар очиқ, уйда ҳеч ким йўқ. Ҳурматойнинг бунақа қилиб қўшниларникига чиқиб кетадиган одати йўқ эди-ку, деб ўйлаб, келинни қўшниларникига юбордим. Ўзим эса уни уйдан қидира бошладим. Ҳеч қаердан топа олмай, болохонага чиқсам, қай кўз билан кўрайки, Ҳурматой осилиб турибди! – деб Сафарали ака ўзини босолмай ўкириб йиғлай бошлади.

Собиржон унга сув узатиб:

– Ичиб, ўзингизни босиб олинг, кўргулик-да, Сафарали ака, – деди.

– Раҳмат, ука, – деди Сафарали ака, рўмолчасини чиқариб, кўз ёшларини артаркан.

– Сиз хотинингизнинг ўлимидан манфаатдор бўлган кимдир бўлиши мумкинлигини эслашга ҳаракат қилинг, балки хотинингизгами ёки оила аъзоларингизгами душманлик истаётган бирор кимса эсингизга тушар, – деди Собиржон.

– Ўзим ҳам нуқул шуни ўйлаяпман, лекин ўйлаб, ўйимга етолмаяпман.

– Демак, сиз хотинингизнинг ўлимида ҳеч кимдан шубҳам йўқ, демоқчимисиз?

– Ҳа, шубҳам йўқ.

– Майли, Сафарали ака, агар бирор нарсани эслаб қолсангиз, бу ҳақда бизга албатта айтинг, хўпми?

– Хўп.

Собиржон хонадан чиқиб кетаётган Сафарали акани тўхтатиб:

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, айтинг-чи, невараларингизнинг ҳеч бири астма касаллиги билан оғримаганми? – деди.

– Кичик ўғлимнинг бир боласида туғма юрак пароги борлигини биламан, лекин невараларимдан бирортаси астма касали билан оғригани эшитмаганман, – деди Сафарали ака Собиржонга қараб.

– Майли, улар бу касал билан оғримасинлар ҳам, – деди Собиржон.

– Фарҳод, марҳуманинг ўғилларини, келинларини сўроқ қилганингизда бирор нима аниқландими? – деди Собиржон Фарҳоднинг хонасига кириб.

– Йўқ, улар ҳам чуқур қайғуда. Ўғиллари нима ҳам дейишарди, улар фақат онасининг жуда яхши аёл бўлганлигини, унга ҳеч ким ёмонлик қилиши мумкин эмаслигини айтишяпти.

– Лекин, уни ўлдиришган-ку, бунга нима дейишяпти?

– Уларнинг ҳеч кимдан шубҳаси йўқ.

– Келинлари-чи?

– Келинлари ҳам қайнонасини бири олиб, бири қўйиб, роса мақташди. Кичик келини қайнонасини жуда яхши кўрган, шекилли, кўзидан ёши оқишдан тўхтамади. У қайнонаси кўп яхшиликлар қилганини гапираётганида, ўзини ғалати тутди.

– Улардан болаларида астма касаллиги бор-йўқлигини сўрадингизми?

– Э, шуни сўраш эсимга келмабди-да, менимча, буни сўрашнинг ҳожати бўлмаса керак, чунки Сафарали ака невараларида бундай касаллик йўқлигини айтган эди-ку.

– Фарҳод, сизга кўп марта такрорлаганман, терговда кичкина, аҳамиятсиздек туюлган бир нарса, бутун бошли бир ишнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин, деб.

– Ҳа, тўғри, лекин эсимдан чиқибди.

– Онасининг ўлимида уларнинг ҳеч кимдан шубҳаси йўқ эканми?

– Ҳа, улар ҳам ҳеч кимдан шубҳамиз йўқ, дейишди, фақат ўша марҳума билан бирга яшайдиган келин кетаётганида:

– Мен ойимларникига кетмоқчи бўлиб болаларимни кийинтириб юрганимда, ойимнинг телефонда укасининг хотини Санобар опа билан гаплашгани қулоғимга чалинди. Улар қандайдир уй-жой, деб бир нима дейишаётган эди, мен тушунмадим. Буни балки қайнотам билардар, чунки у киши ҳам шу пайтда тўйга кетмоқчи бўлиб турувдилар, – деди.

– Аммо Сафарали ака бу ҳақда менга ҳеч нима демаганди, – деди Собиржон ўйланиб.

– Балки эсидан чиққандир, бирдан бошига тушган кулфат уни гангитиб қўйган бўлиши мумкин-ку.

– Ҳа, тўғри айтасиз, мен уни бошқадан сўроқ қилиб кўришим керак, – деди Собиржон ва хонасига чиқиб кетди.

Эртаси куни Сафарали акани сўроқ қилаётиб Собиржон:

– Сафарали ака, сиз ўша хотинингиз ўлдирилган куни тўйга кетаётганингизда унинг ким биландир телефонда гаплашганини кўрганмидингиз? – деб сўради.

– Ҳа, у укасининг хотини Санобар билан гаплашганди, – деди у Собиржонга сиз буни қаердай биласиз, дегандек қараб.

– Улар нима ҳақида гаплашгандилар?

– Сизга айтсам, Ҳурматой билан укаси Воҳид ота-онадан иккита опа-ука эдилар. Уларнинг оналари ўтиб кетган, яқинда оталари ҳам вафот этди. Келини Санобар қайнотасининг номидаги уй-жойни эри номига ўтказмоқчи эканини, шунга озгина расмиятчилик учун айрим нарсалар кераклигини айтиб, қўнғироқ қилган экан.

– Нима учун марҳуманинг укаси ўзи қўнғироқ қилмасдан хотини қўнғироқ қилган.

– Укаси оғир касал-да, ўрнидан тура олмайди.

– Шунақами? Ҳурматой опа келинининг қўнғироғига қандай жавоб қайтарган эди?

– Раҳматли, келининидан сал ранжигандек бўлган эди.

– Нимага?

– У, укам бечоранинг дардини ўйламасдан, Санобар нималарни ўйлаб юрибди, деганди.

– Кейин нима бўлди?

– Билмадим, Санобар ўғли билан ҳозир келишади, гаплашамиз деган эди. Мен кетиб қолдим, кейин ўзингизга маълум бўлган машъум воқеанинг устидан чиқдим.

– Санобардан келган-келмаганини сўрамадингизми?

– Йўқ, бу менинг хаёлимга келмади.

– Бу ҳақда менга нима учун айтмаган эдингиз?

– Тушунмаяпман, бунинг хотиним ўлимига нима алоқаси бор?

– Ахир Санобарнинг ўғли билан сизларникига келишидан мақсади, Ҳурматой опадан отамнинг

менга тегадиган меросидан воз кечиб, ўз ҳаққимни укамга ўтказаман, деган тилхатни олишмиди?

– Ҳа, бироқ буни сиз қаердан биласиз? – деди Сафарали ака ажабланиб.

– Қонунни билган ҳар қандай киши буни билади.

– Ҳурматой раҳматли, келинининг бу гапидан кейин асабийлашган эди.

– Майли, менга марҳуманинг укасининг манзилини, унинг хотинининг исми шарифини айтиб, кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон.

Сафарали ака чиқиб кетганидан кейин, Фарҳод:

– Собиржон ака, ниҳоят жумбоқнинг калити топилди, шекилли, – деди.

– Кетдик, уларнинг гапларини эшитайлик-чи, ундан кейин калит тўғрисида гаплашиш мумкин.

– Нима, сизга ҳамиша зийрак ва олдиндан билувчи сезгиларингиз Санобар билан ўғли Ҳурматой опанинг қотили эканлигини шипшитмаяптиларми? Ёки улар бу сафар сизга ёрдам беришдан бош тортишяптими? – деди ҳазиллашиб.

– Ҳазилларингизни бас қилиб, керакли нарсаларни олишни унутиб қўйманг! – деди Собиржон тез-тез юриб хонадан чиқаркан.

– Хўп, – деди Фарҳод ҳам жиддий тортиб.

* * *

Санобар Собиржоннинг илтимосига асосан Ҳурматой опанинг ёзиб берган тилхатини олиб чиқиб берди. Тилхатни ўқиб чиққанидан кейин:

– Сиз ўғлингиз билан марҳуманинг уйига соат нечаларда борган эдингиз? – деди Собиржон.

– Тахминан, кечки саккиз ярим-тўққизларда эди.

– Марҳума бу тилхатни ўз ихтиёри билан ёзиб бердими? – деб сўради Собиржон.

– Ҳа, албатта, уни мажбур қилармидик, – деди Санобар.

– Нима учун бирдан ҳовлини эрингизнинг номига ўтказмоқчи бўлиб қолдингиз?

– Энди, бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши дедим-да. Ахир қилган ишим жиноят эмас-ку, тўғрими?

– Тўғри, ўғлингиз уйланганми, невараларингиз борми? – деди Собиржон.

– Худо хоҳласа, тўйга тайёргарлик қиляпмиз, насиб қилса, невaралар ҳам бўлиб қолар.

– Ўғлингиз билан иккалангиз шаҳардан ташқарига чиқмаслик тўғрисида тилхатга имзо чекишингиз лозим бўлади.

– Тушунмадим, бу нима дегани?

– Бу бизнинг рухсатимизсиз ҳеч қаёққа чиқмайсиз, дегани.

– Вой, мен ўлиб қўя қолай! – деди Санобар рангги ўчиб.

Собиржон билан Фарҳод Ҳурматой опа ўлимидан олдин Санобарга ёзиб берган тилхатни олиб чиқиб кетишди.

Марҳуманинг тилхатини мутахассислар унинг ўз қўли билан ёзилган эканлиги аниқлашди.

– Санобар опанинг ўғли билан марҳуманинг олдига борган вақти, унинг ўлдирилиш вақтига ҳеч хатосиз тўғри келяпти, – деди Фарҳод.

– Ҳа...

– Демак, улар марҳумага тилхатни мажбурлаб ёздириб, кейин ўлдиришган кўринади.

– Балки шундайдир.

– Сиз она-боланинг қотиллар эканига шубҳа қиляпсизми, Собиржон ака?

– Билмадим, лекин марҳуманинг қўлидаги дори қоғозининг бўлакчаси қаердан келиб қолган бўлиши мумкин?

– Қоғоз парчалари унинг қўлида илгаридан бўлган бўлиши ҳам мумкин-ку.

– Йўқ, ўша қоғоз парчалари унинг қўлига қаердан тушганлигини аниқласаккина, қотилни топишимиз мумкин!

– Собиржон ака, мени ҳайрон қолдиряпсиз, ахир, Санобар ва унинг ўғлидан бошқа марҳуманинг ўлимидан манфаатдор кишилар бўлмаганлиги аниқ-ку, бошқа яна ким қотил бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз? Уларни иккаласини ҳам тезда қамоққа олишимиз керак!

– Нимага асосан?

– Марҳуманинг мулкдан воз кечиш тўғрисидаги тилхати далил бўла олмайдими? Ундан ташқари, уларнинг марҳуманинг олдига борган вақти унинг ўлдирилган вақтига тўғри келяпти, буни эса улар инкор қила олишмайди. Шу иккита асос етарли эмасми?

– Билмадим, ўйлаб кўришимиз керак.

Собиржон марҳуманинг ўғиллари, келинларини бошқадан ўзи сўроқ қилишга қарор қилди. Бундан ранжиган Фарҳод:

– Собиржон ака, ҳар доимгидек менга ишонмай, сўраганларимдан қайта ўзингиз сўраркансиз-да, – деди.

– Биласиз-ку, мен ўзим сўроқ қилган бўлсам ҳам, то ишонч ҳосил қилгунча, икки мартами, уч мартами, қайта-қайта сўрайвераман. Сўроқ қилишни марҳума билан бирга яшаган кичик ўғлидан бошламоқчиман, – деди Собиржон.

– Эртага соат тўққизга чақирайми?

– Ҳа, – деди Собиржон, компьютердан кўзини узмай.

* * *

Собиржон Ҳурматой опанинг кичик ўғли Восидни сўроқ қиларкан, унинг ҳаддан ташқари асбийлашаётганини, ҳатто титроғини босолмай қийналаётганини сезди.

– Онангизнинг қандай аёл бўлганлигини айтиб беринг-чи? – деди Собиржон.

– Ойим... Ойим раҳматли жуда бағрикенг эдилар... Мен уларнинг бировга ёмонлик қилганини билмайман. Лекин, ойимни ким ўлдирганини билолмай гарангман... Ким ахир, нима учун?! – Восид ўзини босолмай йиғлаб юборди.

– Илтимос ўзингизни босиб олинг, сиздан сўрайдиган муҳим нарсаларим бор, – деди Собиржон Восидни қачон йиғидан тўхтаркан деб анча кутганидан кейин.

– Мен бир умр ўзимни босолмасам керак, – деди Восид ҳиқиллаб.

– Нимага, ҳамма нарсанинг давоси вақт дейишади, вақт ўтган сари ўзингизни босиб оласиз, – деди Собиржон Восидга тасалли бериб.

– Йўқ, ака мен ундай қила олмайман, чунки ойим мендан норози бўлиб кетдилар, мен аҳмоқ ойимни кўп хафа қилганман.

– Нима учун?

– Биласизми, одам турмуш қурганидан кейин, ўзи хоҳласа-хоҳламаса хотинининг томонида бўлиб қоларкан. У хотини нима деса шунга ишонадиган аҳмоқ бўлиб қолар экан...

– Йўғ-э, унчалик бўлмас?

– Тўғри, балки айрим эркаклар, хотинининг гапини тарозига солиб кўриб, кейин хулоса қилишар, лекин мен хотинимнинг тўхтовсиз бидиллашларига тўғри деб баҳо бериб қўя қолганман. Ўйлаб қарасам, ич-ичимдан ойимнинг ҳақ эканлигини билардим, лекин барибир хотинимнинг кайфияти кўтарилиб, менга кулиб қараши учун кейинги пайтларда ойимга бақириб берадиган одат чиқарган эдим.

– Ойингиз билан хотинингиз нимани келиша олмас эдилар?

– Ойимнинг ҳар бир гапи, хоҳ ёмон-хоҳ яхши бўлишидан қатъи назар Ҳаётга ёқмас эди. У ойим-

ни умуман кўришни истамас эди. Ойимни кўриши билан унда асабийлашиш бошланарди, бегуноҳ болаларни уриб сўкиб, аламини улардан оларди. Мен уни тинчлантиришга ҳаракат қилганман, лекин у фақат мен ойимга бақирганимдан кейингина тинчирди.

– Йўғ-э, ўзи хотинингизнинг эси жойидами?

– Мен ҳам айрим пайтлари унинг ҳаракатларидан, мабодо бу руҳий касал эмасмикин, деб ўйлаб қолардим. Унинг кўчада бинойидек юришига, ишда ҳамма қатори ишлашига қараб, фикримдан қайтардим. Ойимнинг фожиали ўлимидан кейин уни уйига ҳайдаб юбордим.

– Нима учун?

– У ўзини худди ойимнинг ўлимидан хурсанд одамга ўхшаб тута бошлади.

– Қандай қилиб?

– У бир марта ўзидан ўзи «ҳар ким феълига яраша жазосини олиши керак эди-да», деб юборганини ўзи билмай қолди. Шундан билдимки у ойимнинг ўлимидан хурсанд. Қарасам, у кейинги пайтларда жуда кўтаринки кайфиятда юрибди. Шундан кейин уни иккинчи қорангни кўрмай деб, дадасининг уйига олиб бориб ташладим.

– Болалар-чи?

– Болалар унинг ёнида. Кеча қизчамизнинг касали хуруж қилган экан, бориб кўрдим, дори-дармонини олиб бердим, бундан кейин у аёл билан яшаб кетишимга кўзим етмайди, боларни ўз тарбиямга олишнинг иложи бормикин, деб юридик маслаҳатхонага бормоқчи эдим.

– Қизчангиз қандай касал билан оғриган эди?

– Унинг касали оғир, астма дейишади.

– Нима?!

– Ҳа, норасида гўдак астма билан касалланган.

– У қандай дорилар истеъмол қилади? – деди Собиржон шошилиб.

Восид дорининг номини айтиши билан, Собиржон ўрнидан туриб:

– Бизни ўша хотинингиз яшаётган уйга олиб боринг, кетдик Фарҳод! – деди у компьютерда уларнинг суҳбатларини ёзаётган Фарҳодга қараб.

– Хўп, лекин нима гап? – деди ҳеч нарсага тушунмай Восид.

– Юринг, ҳозир билиб оласиз, – деди Фарҳод Собиржонга етиб олишга ҳаракат қилиб тез-тез қадам ташларкан.

Собиржон йўл бўйи чурқ этиб оғиз очмади. Фарҳод айрим тушунмаган нарсаларига аниқлик киритиш учун, Собиржонга саволлар берарди, лекин унинг қулоғига гап кирмас, хаёли Ҳурматой опанинг қандай ўлдирганини таҳлил қилиш билан банд эди. У хато қилиб қўймаслик учун ақлу фаросатини имконият даражасида ишга солган, шу жиноят ишини бошидан то ҳозиргача бўлган ҳар бир тергов ҳаракатини бирма бир хаёлидан ўтказарди.

У ҳамма бўлган воқеани жой-жойига қўйиб, нима бўлганлигини аниқ ҳис қилди, шекилли:

– Ҳа, ҳаммаси ўзим ўйлаганимдек юз берган! – деди ва Фарҳодга қараб:

– Илтимос, тегишли жойларга қўнғироқ қилинг, Восиднинг хотини яшаётган манзилга етиб келишсин деди.

– Хўп.

Улар Ҳаёт яшаётган жойга етиб борганларида туш пайти бўлиб қолган эди. Ҳаётнинг отасидан ташқари ҳамма оила аъзолари стол атрофида жамул жам, тушлик қилишарди. Уларнинг кайфиятлари зўрлигидан, оила аъзоларининг қий-чуви, қулги овозларидан очиқ турган эшикдан кириб келган терговчиларни ҳеч ким пайқамай қолишди.

– Ҳаммангизга ёқимли иштаҳа! – деган овозга ўтирганлар ўгирилиб эшик томонга қарашди.

– Восид ака, тинчликми? – деди Ҳаёт ўрнидан туриб.

– Йўқ, тинчлик эмас, Восид онасининг қотилини қамоққа тиқмагунча, тинчимайман, деяпти, – деди Собиржон.

– Келинглар, биз билан овқатланинглар, марҳамат, ўтиринглар, – деди Ҳаётнинг онаси Тамара опа, Собиржоннинг гапини эшитмаганга ўхшаб.

– Раҳмат, биз қизингиз Ҳаётни олиб кетишимизга тўғри келади, шунинг учун устингизга бир нима кийиб олинг, ҳарҳолда кўча совуқ, – деди Собиржон Ҳаётга қараб.

– Қаёққа? – деди Тамара опа.

– Прокуратурага, сиз қизингизга устки кийимини беринг ёки шундай юбормоқчимисиз? – деди Собиржон.

– Мен у ерда нима қиламан, ҳамма билганларимни айтиб берганман-ку? – деди Ҳаёт стулини суриб улар томонга бир қадам ташлаб.

– Бошқадан сўроқ қиламиз, айтилмай қолган гапларни ҳам ўша ерда гаплашамиз.

– Мен тайёрман, кетдик, – деди Ҳаёт илгичдан қора, иссиқ, йирик қилиб тўқилган, тиззадан тепада турадиган жемферини олиб кияркан.

– Қизимни нима учун бирдан келиб, олиб кетишларингизнинг сабабини билсам бўладими? – деди хавотирланиб Тамара опа.

– Ҳа, бўлади, уни қайнонаси Салимова Ҳурматойни ўлдиришда гумон қилиниб, қамоққа олишимиз лозим.

– Нималар деяпсиз, мен уни ўлдирмаганман, ойи, айтсангиз-чи! – деб чинқира бошлади Ҳаёт.

– Нима бўлганини ойингиз эмас, мен айтиб бераман, яхшилаб эшитинг! – деди Собиржон.

– Сиз?!

– Сиз ўша, 15 ноябрь соат тахминан кечки 7-8 лар чамасида қайнонангизнинг Санобар келини билан

гаплашганини эшитганингиздан кейин, гап нима ҳақидалигини билиб, бирдан хаёлингизга кўпдан бери ўйлаб юрган режангизни амалга ошириш учун қулай пайт эканлиги келган. Сиз қайнотангиз тўйга кетишини пойлаб туриб, ундан кейин ойингизнинг тоби қочиб қолганини баҳона қилиб уйдан чиқиб кетгансиз, кетаётганингизда қайнотангиз тўйдан қайтаётиб, сизларни ойингизникидан олиб ўтишини айтиб қўйишни қайнонангизга қистириб қўйгансиз.

Ойингизникига келиб, болаларни унга ташлаб, бир баҳона топиб, яна орқангизга қайтгансиз.

– Йўқ! – деб қичқирди Ҳаёт.

– Сиз уйга қайтиб келганингизда қайнонангиз ҳалиям уйга кирмасдан, касалванд невараларидан хавотир олиб, ёмғирда шалаббо бўлиб кетганини ҳам сезмай, ташқарида турган, чунки у бечора ёмғирли ҳавода қизчангизнинг астма касали хуруж қилиб, у бўғилиб қолиб азобланишини ўйлаб, эзилган-да. Сиз уни кўриб:

– Ойижон, ойимнинг мазалари қочиб ётган экан, қаттиқ йўталяптилар, болохонада қуритиб қўйган гиёҳларингиздан олиш учун келган эдим, – дегансиз.

– Шўрлик Ҳурматой опа гапингизга ишониб, сиз билан болохонага чиққан. Сиз уни ўзингиз билан олиб келган чилвир билан бўға бошлагансиз, у бечора қутулиш учун типирчилаб, қўли сизнинг чап томондаги чўнтагингизга илади ва пастга тортади. Шунда тасодифан унинг қўли, чўнтагингиздаги қоғоз парчаларини олиб чиқади ва ўлганидан кейин қўлида уларни ушлаганича қотиб қолади.

– Йўқ, мумкин эмас... – деб Ҳаёт стулга ўтириб қолди.

– Қайнонангиз ўлганлигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин, ўша чилвирни шифтдаги қулай жойга бойлаб, уни осиб қўйгансиз. Сизга жуссаси кичкинагина, тахминан сизнинг ярмингизча

келадиган қайнонангизни бир ўзингиз чилвирга илишингиз ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаган. Кейин эса, энди қайнонамдан қутулдим, менинг қотил эканимни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди, деб ўйлаб орқангизга қайтгансиз.

Собиржоннинг ҳамма бўлган воқеани худди ўзи кўриб тургандек, қайнонасининг у қайтиб келганида ёмғир остида шалаббо бўлиб турганини-ю, болохонадаги қуритиб қўйилган гиёҳлардан беринг, деганигача айтиб берганига, Ҳаёт, терговчи ўша пайтда у мени пойлаб юрган, шекилли, деб ўйлади.

Собиржон жиноят содир бўлган куни марҳумнинг кийимлари жиққа ҳўл эканига эътибор берганлигини ва болохонада қуритилган гиёҳларга кўзи тушгани учун буларни бемалол айтаётганини Ҳаёт хаёлига ҳам келтирмасди.

– Йўқ, сиз у пайтда йўқ эдингиз, кўрмагансиз! Буларни билишингиз мумкин эмас! – деди Ҳаёт бошини чангаллаб. – Сиз бу айтганларингизни ҳеч қачон исбот қила олмайсиз! – деди Ҳаёт Собиржонга нафрат билан қараб.

– Сиз ҳамма изларни йўқотган бўлишингизга қарамай, раҳматли Ҳурматой опа қўлида биз учун сиз ҳеч қачон инкор қила олмайдиган далилни сақлаб қўйганлигини ҳозиргина эшитдингиз-ку, – деб Собиржон гапиришдан тўхтаб, Ҳаётга қаради.

Ҳаёт Собиржонга қараб бақрайиб қолган эди, унинг гапиришга тили айланмай зўрға:

– Ним... нимани?.. – дея олди, холос.

– Бу қизчангизнинг астма касали хуруж қилганида бериладиган дорисининг йўриқнома қоғозидан парчаси ва қора жемперингиз матосининг жунлари қолдиқлари эди, – деди Собиржон.

Собиржоннинг гапларидан кейин кираверишда худди ҳайқалга ўхшаб қотиб қолган Восид, бирдан ўзига келиб:

– Онамни сен ўлдирганмидинг, ифлос, ҳозир сени ҳам бўғиб ўлдираман! – деб Ҳаётга ташланмоқчи бўлганида, уни Фарҳод ушлаб:

– Ўзингизни босинг! – деди.

Ҳаёт бирдан жазавага тушиб бошини муштлай бошлади. У:

– Мен у ялмоғизни ўлдирдим, ажаб қилдим, чунки мен уни ёмон кўрардим! Лекин мени қамашга ҳақларинг йўқ, ахир мен энди эркин яшамоқчиман, ундан зўрға қутулдим деганда, бу ноҳақлик бўлади-ку! – деб Ҳаёт жимиб қолди ва бирпасдан сўнг қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади: аҳмоқ ўғли ва жодугар онаси... ажаб қилдим!

Тамара опа қандайдир дорини олиб, қизини мажбурлаб ичира бошлади. Шундан кейин Ҳаёт индамай қолди ва:

– Ойи... уйқум келяпти, жуда... – деганича ўтирган жойида ухлаб қолди.

– Қандай дори ичирдингиз? – деди Собиржон.

– У ёшлигида шизофрения касаллиги билан оғриган, яхшилаб даволатганимиздан кейин у тузалиб кетган эди. Фақат дориларини ўз вақтида ичиб турса, соғлом кишидан фарқи йўқ эди, унга ҳаяжонланиш мумкин эмас-да, шунинг учун...

– Ахир бу касаллик ҳеч қачон бутунлай тузалиб кетмайди-ку! Сиз руҳий касал қизингизнинг касалини яшириб, оқибатини ўйламай, турмушга узатганмидингиз?! – деди Собиржон Тамара опага бармоғини бигиз қилиб.

– Мен аҳмоқ бўлса руҳий касал хотиннинг гапларига ишониб, унинг тинчиши учун, бегуноҳ онамни ҳақоратлашгача бордим, ҳатто қип-қизил жинни хотиннинг бесабаб йиғлашларига раҳмим келиб, онажонимнинг менга ачиниб айтган ҳақ сўзларини эшитгим келмай, «Иложи бўлса менга, хотинимга, болаларимга умуман гапирманг, овозингизни эшитмайлик!» – деган сўзларни ҳам айтганман! Мен

сўқир, у аёл онамни ўлдирганидан кейингина кўзим очилди, энди менингдек кимсанинг бу ёруғ оламда яшашга ҳаққи йўқ...

Восид турган жойида шилқ этиб қулаб тушди. Собиржон Ҳаётнинг айбини бўйнига қўяётганида қўнғироқ қилган Фарҳод, етиб келган тез ёрдам ходимларига Восиднинг аҳволига қарашни айтди.

– Беморнинг қон босими ошиб кетиши натижасида миясига қон қўйилган бўлиши мумкин, тезда касалхонага олиб кетишимиз лозим, – деди врач.

– Майли, олиб кета қолинглар, – деди Собиржон.

Етиб келган милиция ходимларига қараб:

– Бу аёлни ҳам замбилда олиб кетишларингиз мумкин, – деди ҳуррак отиб ухлаётган Ҳаётни кўрсатиб.

– Онасини-чи? – деди Фарҳод.

– Албатта онасини ҳам, қотилликда унинг ҳам қўли бўлганлиги аниқ-ку, – деди Собиржон.

* * *

Навбатдаги жиноят ишига якун ясалганидан кейин, Фарҳод дамлаб келган кўк чойдан Собиржонга қўйиб узатар экан:

– Саккиз йил бирга яшаб, на ўғли, на оиладаги бошқалар келиннинг руҳий касал эканини сезишмаганига ишонгинг келмайди, – деди.

– Менимча, келинининг касаллигини Ҳурматой опа пайқаган бўлса керак, фақат ўғлига буни ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлган, ўғли эса онасининг гапларини эшитгиси келмаган, – деди Собиржон чойни бир ҳўплаб столга қўйиб.

– У ўзининг гапида қаттиқ туриб, ҳамма ўғилларини йиғиб, аҳволни тушунтирганида, балки бу мудҳиш воқеа содир бўлмаган бўлармиди?

– Тўғри, аммо Ҳурматой опа жуда босиқ, яхши аёл бўлган бўлса керак-да. У ўғлини ўйлаган, унинг бошқа ака-укалари олдида изза бўлишини истама-

ган бўлиши мумкин, – деб Собиржон ўйланиб қолди ва бир оз дан кейин:

– Биласизми, яхши одам билан ёмон одамнинг фарқи нимада?

– Нимада бўларди, уларнинг бири яхши, яна бири ёмон эканлигида-да, – деди Фарҳод Собиржоннинг нима демоқчи бўлганини тушунмай.

– Менинг назаримда яхши инсонлар худди Ҳурматой опа сингари, ўзига нисбатан қилинган барча ёмонликларнинг ичидан кичик бир яхшиликни топиб олиб, шу бир парча яхшилик билан, барча ёмонликларни ҳеч кимга кўрсатмасдан ёпиб ташламоқчи бўладилар.

Ёмонлар эса бутун дунё унга яхшилик қилаётган бўлса ҳам, у шуларнинг ичидан арзимаган кичик бир кўнгилсизликка ёпишиб олиб, улкан эзгуликларнинг ҳаммасини осонгина ёмонликка йўядилар.

Собиржоннинг гапларини диққат билан эшитиб ўтирган Фарҳод:

– Ҳар доимгидек гапларингиз жуда тўғри, фалсафий, буни тан оламан, лекин ўша дори қоғозининг парчаси қотилнинг чап чўнтагида бўлганлигини қаердан билганлигингизга ҳечам ақлим етмаяпти-да, – деди.

– Агар эътибор берган бўлсангиз, мен бу гапни қотил қора жемферини эгнига кийганидан кейин айтдим. Кўриниб турибдики, у бу кийимини қулай бўлгани учун ҳар доим кўчага кияди. Сиз ҳам сал эътиборлироқ бўлганингизда эди, унинг чап чўнтагининг озгина қисми, сўтилиб, пастга қайрилиб қолганини сезган бўлардингиз.

– Шунақамиди? – деди Фарҳод ҳар доимгидек, ичида кейинги сафар майда деталларгача кўздан қочирмай, ҳаммасига эътиборли бўламан, деб ўзига ўзи сўз бериб.

Собиржон ўрнидан туриб, деразанинг олдига келди ва кўчага қараб туриб қолди.

Фарҳод устозининг, кучлилиги бир қарағандаёқ билиниб турадиган барваста гавдасига ҳавас билан қараб, у нафақат жисмонан, балки сабр-тоқатда ҳам, ақл-заковатда ҳам кучли инсон, ўрнак олса арзийди, деб ўйлади ва унинг ёнига бориб:

– Биринчи қор ёғаяпти, энди бу ёғи қиш-да, Собиржон ака, – деди деразадан паға-паға бўлиб ёғаётган қорга қараб.

Сал олдин катта-катта бўлиб ёға бошлаган қор бирпасда ҳамма ёқни оппоқ рангга киритган эди. У ер-бу ерда тўпланиб қолган кузги хазонлар қор остига кўмилиб, бутун олам оқ либосга бурканганга ўхшаб, ажиб манзара кашф қилган эди.

– Ҳа, янги йилга ҳам саноқли кунлар қолди, – деди Собиржон ташқардаги гўзалликдан кўзини узмай.

Бирдан Фарҳод кулиб юборди ва:

– Собиржон ака ўтган йили янги йилни қандай кутиб олганимиз эсингиздами? – деди кулгудан ўзини зўрға тўхтатиб.

Собиржоннинг ҳам қорачадан келган, ҳамиша жиддий юзига кулгу югурди.

– Унутиб бўларканми, шундай воқеани, – деди жилмайиб.

– Ишқилиб, бу йилги янги йилимиз тинчгина, оила даврасида ўтсин-да.

– Ҳа, айтганингиз келсин.

НОТИНЧ ЎТГАН ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ

31 декабрь куни, соат кечки 11га яқинлашмоқда. Ходимларнинг деярли ҳаммаси ишларини барвақтроқ тугатиб, янги йилни кутиш учун уйларига кетишган. Вилоят прокуратураси биносининг иккинчи қаватида икки хонанинг ва биринчи қаватида бир хонанинг деразасидан чироқ ёниқлиги кўриниб турганидан, кимларнингдир уйига кетмасдан ишлаб ўтирганини билиш мумкин. Биринчи қаватдаги навбатчининг хонаси, иккинчи қаватдаги хоналар эса терговчиларники эди.

Катта терговчи Собиржон Мирзаев ва Фарҳод Ботировлар тергов қилинаётган ишнинг тергов муддатининг охирги куни бўлгани учун асосий ишлари бажарилган жиноят ишини йиғиштириб, тикиб топширишга шошилишарди. Улар ҳатто бир-бирлари билан ҳам гаплашмасдан, ҳар ким ўз ишини тезроқ тугатишга ҳаракат қилишарди.

Собиржон қўл телефонининг соатига назар ташлади, йигирмата кам ўн бир, бемалол улгурамиз, деб ўйлади у.

Шу пайт кутилмаганда хонага прокурор ёрдамчиси вазифасида ишловчи, ёши улуғ прокуратура ходими Наби ака кириб келди.

– Кириб келаётган янги йилларингиз билан, йигитлар! – деди у ва илтифот кутмасдан Фарҳоднинг қаршисидаги сулга ўтириб олди.

– Сизни ҳам, Наби ака, – деди улар бараварига ва бир-бирларига қараб олишди.

– Наби ака, келинг, – деди Собиржон.

– Алламаҳалда бу ерда нима қиляпти, яна янги йил оқшоми бўлса, деб ўйладингларми? – деди у Собиржонга қараб.

– Ҳа, лекин сўрашга тортинаётган эдим.

– Ҳамма ишларимни тугатиб, уйга кетаётган эдим, энди уйга яқинлашганимда, хонамда невара-

ларимга олган совғаларим қолиб кетгани эсимга тушса бўладими? Яна қайтиб келдим. Биласизлар, уйимиз унча яқин эмас. Ишхонага қайтиб келганимни ўғлимга қўнғироқ қилиб айтган эдим, у, ярим соатдан кейин олиб ўтаман, деди. Қарасам, сизларнинг хоналарингда чироқ ёниб турибди, ўғлим келгунча гурунглашиб ўтирай, деб олдларингизга киравердим.

– Ҳа, яхши, яхши, – деди Собиржон нима дейишини билмай.

Фарҳод унга бир қараб қўйиб индамай ишини давом эттирди.

Наби ака ўзининг ёшлигини, у даврларда прокуратурада иш қандайлигини гапира кетди. У кимга қараб гапирса, жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди, чунки у яқинда нафақага чиқадиган ҳурматли ходим эди.

– Биз ҳам ёшлигимизда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлардик, одам йигитлик пайтида чарчоқ нималигини билмайди-да, тўғри эмасми, Фарҳод? – деди у.

– Ҳа, шундай...

– Собиржон, сизга айтсам, ишларингиз менга ёқади, ахир терговда ишлагандан кейин, сизга ўхшаб қойиллатиб ишлаш керак-да, нима дейсиз, – деб Собиржонга қаради Наби ака.

– Ҳа, албатта, раҳмат, Наби ака...

– Бор, ўғлим, бир чойнак аччиққина кўк чой дамлаб кел, учаламиз ўтириб бир чойхўрлик қилайлик, – деди у Фарҳодга қараб.

Фарҳод ноилож чойнакни қўлига олиб чиқиб кетди.

Собиржон Наби акадан қандай қутулиш чорасини излай бошлади, акс ҳолда янги йилни шу ерда кутишга тўғри келарди. У Фарҳоднинг хонасининг эшиги очиқ турганлигини билгани учун, қўл телефонидан сездирмай унинг хонасига қўнғироқ қилди.

Чой олиб келиб, Наби акага чой узатаётган Фарҳод:

– Менинг хонамдаги телефон жиринглаяптими? – деди Собиржонга қараб.

– Шунақа, шекилли, – деди Собиржон.

Фарҳод хонасига бориб, қайтиб келди.

– Гўшакни олишим билан қўйиб қўйишди, – деб жойига ўтирди.

– Янглишиб тушган бўлса керак, – деди Наби ака.

Собиржон телефоннинг такрорий тугмачасини босиб қўйди. Фарҳод яна хонасига югурди, келиб:

– Яна гўшакни қўйиб қўйишди, – деди.

Унинг ҳеч нарсани тушунмаётгани Собиржонга алам қилганидан, телефоннинг такрорий тугмачасини бошқадан босиб:

– Эътиборлироқ бўлсангиз-чи, шошилмасдан гўшакни кўтариб, кутиб туринг, Фозил аканинг қўлимиздаги иш бўйича бирор кўрсатмаси бўлиши мумкин! – деди Собиржон овозини баландлатиб.

Гўшакни олиб, кейин қайтиб келган Фарҳод:

– Собиржон ака, тўғри айтган экансиз, Фозил ака ҳозир йўлдаман, сизларнинг олдларингга боряпман, ишни тайёр қилган бўлсанглар, менга топшириб кетаверасизлар, лекин шошиб турибман, кутиб туришга вақтим йўқ, деяпти, – деди, бу Собиржоннинг иши эканини эндигина тушуниб.

– Э, ундай бўлса, тезроқ қимирланг-да, Фарҳод, мен ҳам тезлашмасам бўлмайди, – деб Собиржон столининг устидаги қоғозларни йиғиштира бошлади.

– Мен сизларнинг ишларингизга халақит бердим, шекилли, яхшиси навбатчининг олдига туша қолай, – деб Наби ака ўрнидан турди.

– Йуғ-э, сиз бизга эътибор берманг, бемалол чой ичиб ўтираверсангиз бўларди, – деди Собиржон.

– Майли, йигитлар чой учун, раҳмат. Янги йилни яхши кутиб олинглар!

– Сиз ҳам, Наби ака.

– Шунчалик ҳам гўл бўласизми?! – деди Собиржон Наби ака чиқиб кетганидан кейин, Фарҳоддан жаҳли чиқиб.

– Мен қаердан билай, илгари ҳеч қачон бундай ўйинлар қилмаган бўлсангиз?

– Мен Наби акага тўғрисини айтишим мумкин эди, лекин байрамда хафа бўлиб қолишидан қўрқдим, лекин буни кейинроқ унинг ўзига албатта латифа қилиб айтиб бераман. Қарасам, қийин вазиятдан чиқиш йўлини излаш хаёлингизга ҳам келмаяпти, кейин мажбур бўлдим-да, шундай қилишга.

– Излаган имкон топади, демоқчисиз-да, – деди Фарҳод кулиб.

– Ҳа, тезроқ қимирланг, соат роппа роса ўн бир, ярим соатдан кейин бу ердан чиқиб кетишимиз керак.

– Хўп!

Ниҳоят улар ҳамма ишларни тугатишди, соатга қарадилар.

– Йигирма бешта кам ўн икки! – дейишди бараварига.

* * *

Собиржон уйига кириб келганида янги йил кириб келишига беш дақиқа қолган эди. Уйдагилар уни кўриб қувонганларидан қарсак чалиб юборишди.

– Янги йилни сизсиз кутиб оламизми, деб қўрққан эдим, хайрият, улгурдингиз! – деди Азиза хурсанд бўлиб.

– Оила даврасида бўлиш қандай яхши, эртага кунни сизлар билан ўтказаман, чунки бошқа ишим йўқ, ишхонадаги ҳамма ишларимни тугатиб, кириб келаётган йилга иш қолдирмадим! – деди Собиржон қизи билан ўғлининг елкаларига қўлларини ташлаб.

Ниҳоят, кутилган дақиқалар етиб келди, улар кириб келган янги йил билан бир-бирларини табрикладилар. Собиржон ликопчадаги овқатдан эндигина ея бошлаган ҳам эдики, телефони жиринглаб қолди.

– Ҳар доимгидек, Фарҳод бўлса керак, биринчи бўлиб табриклашни яхши кўради, – деб Собиржон гўшакни кўтарди:

– Фарҳод, янги йилингиз билан... – деётган Собиржон гўшакдан навбатчининг овозини эшитиб, юзи бирдан жиддийлашиб, – Ҳа, сизмисиз, сизни ҳам янги йилингиз билан табриклайман, – деди.

– Собиржон ака, «Гулистон» маҳалласида босқинчилик содир қилинган, ўша ерга боришингиз лозимлигини айтишди, – деди навбатчи

– Ҳеч кимга зиён етказилмаганми?

– Одам ўлдиришга суиқасд қилинган, дейишди, бошқа нарса билмайман.

– Хўп, ҳозир етиб бораман, – деди Собиржон манзилни ёзиб олар экан.

Собиржон воқеа содир бўлган жойга етиб борганида, кўчада, жабрланганларнинг ҳовлисининг олдида қўни-қўшни йиғилиб туришарди. Милиция ходими Собиржонни ичкарига бошлади.

Етиб келишган экспертлар, криминалистлар ошхонада жиноят изларидан нусха олишга ҳаракат қилишарди. Жабрланган оила аъзоларига тиббий ёрдам кўрсатилаётганини кўриб Собиржон:

– Ўзи нима бўлган, Фозил ака, – деди.

– Мен ҳам ҳозир келиб, ҳудуд нозиридан энди сўраган эдим, босқинчилар, қимматбаҳо буюмларни, пулларини олиб кетишган кўринади.

– Фарҳод, сиз ҳам келдингизми? – деди Собиржон, хонага кириб келган Фарҳодга қараб.

– Ҳа, Фозил ака босқинчилар тўдаси бир ҳовлига бостириб киришган, деганидан кейин, ҳовлиқиб дарров етиб келдим-да.

– Оила аъзоларидан бирининг айтишича, улар тўда эмас, фақат қорбобо кийимидаги икки киши бўлган, – деди ҳудуд нозири уларнинг гапига аралашиб.

– Жабрланганлар гапира олишмайди, тиббий ёрдам кўрсатиляпти, дейишди-ку, – деди Собиржон.

– Ҳа, тўғри, лекин улардан бири яшириниб қолган экан, шу бола хабар бермаганида оила аъзолари-

нинг ҳаммаси газ портлашидан нобуд бўлиб кетган бўларди, – деди ИИБ бошлиғи.

– Қани у бола, гаплашиб кўрайлик-чи, – деди шаҳар прокурори.

Ҳудуд нозири 12-13 ёшлардаги болани етаклаб келиб:

– Мана ўша қаҳрамон, – деди.

– Исминг нима? – деди Собиржон.

– Бола қўрқиб кетганиданми, у ҳалигача ҳаяжонини босиб олмагани унинг титраб турган қўлларидан билиниб турарди.

– Фарҳод, – деди бола бир қўли билан юзини ушлаб туриб.

– Юзингга нима қилган, адаш? – деб Фарҳод унинг бекитаётган қўлини олиб юзига қаради. Боланинг юзи шилиниб, мўматалоқ бўлиб кетган эди.

– Нимага оқсаяпсан, оёғинг оғрияптими? – деди Собиржон.

– Тепадан ертўлага сакраганимда йиқилиб тушдим, юзим ҳам, оёғим ҳам қаттиқ оғриди, – деди Фарҳод.

– Менимча, Фарҳодга тезда тиббий ёрдам бериш керак, – деди прокурор шу ердаги ҳамширалардан бирига қараб.

– Нима?! Шубҳали бўлиб кўринганларнинг ҳаммасини текширинг, дедим-ку! – деди ИИБ бошлиғи рацияда ходимлари билан гаплашаркан.

– Янгилик борми? – деди прокурор.

– Кўчада юрганларнинг кўпчилиги қорбобо ва қорқизлар, уларнинг ҳаммасини текширайликми, дейишяпти, – деди ИИБ бошлиғи асабийлашиб.

Эрталаб ишга келган Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилди:

– Фарҳод, янги йилни яхши кутиб олдингизми? – деди.

– Ҳа, жуда яхши, ҳатто кутганимдан ҳам зиёда!

– Ундай бўлса, ишга келсангиз бўларди, чўзилиб ётмасдан! – деб Собиржон гўшакни қўйди.

– Ким экан у, чўзилиб ётган, билсак бўладими? – деди Фарҳод очиқ турган эшикдан кира солиб.

– Янги йилдан янгича ишлашга қарор қилганингиздан хурсандман! – деди Собиржон кулиб.

– Қанақа янгича ишлашни айтяпсиз, тушунмадим?

– Мана, дам олиш куни бўлсаям, вақтлигина ишга келганингизни айтяпман-да.

– Ҳа, тонгга яқин уйга борганим учун, ухлаб қолсам, уйғотишда муаммолар чиқиши мумкин деб ўйлаб, ухламадим. Бўридай оч эканман, яхшилаб овқатландим. Кейин секин-аста ишга қараб йўл олдим, чунки бугун адашим Фарҳоддан босқинчилар нима қилганликларини сўраб олишимиз керак-да. Менсиз бу ишни ёлғиз ўзингиз қилиб қўйишингиз мумкинлигини билиб, шундай қилдим.

– Ҳозиргина даволовчи врачга қўнғироқ қилган эдим, Фарҳоднинг соғлиғи жойидалигини, унинг ота-онаси ва синглисининг ҳам соғлиғи яхшилигини айтди.

– Ундай бўлса, терговни бошларканмиз-да?

– Ҳа, сизни кутиб ўтирган эдим.

Терговчилар Ҳасанов Амирбекнинг хонадонига бориб, улардан кеча бўлиб ўтган воқеани сўраб-суриштира бошладилар. Уларнинг айтишларича, воқеа қуйидагича бўлган экан.

...Амирбек янги қурган иморатига тезроқ кўчиб ўтиб, янги йилни шу уйда нишонлашни мақсад қилиб қўйган эди. У ниятига етганидан бениҳоя бахтиёр бўлиб, байрамни фақат ўз оиласи билан, рафиқаси Руқия, ўғли Фарҳод, қизи Зуҳралар билан нишонламоқчи бўлди.

Улар байрам дастурхони атрофида шоду хуррам ўтирган эдилар. Янги йил киришига 20 дақиқа қолганида кўча эшигининг қўнғироғи жиринглади. Амирбек домафон экранига қаради, қорбобонинг турганини кўриб:

– Акам, ҳар доимгидек, қорбобо таклиф қилибдилар, болаларни хурсанд қилиш учун бизникига ҳам юборибдилар! – деди ва пультни босиб эшикни очди.

Болалар, қорбобо келяпти, қорбобо келяпти, деб севинишди. Фарҳод қорбобони қўл телефонидан расмга тушириб олишни мўлжаллаб, чўнтагини кавлаб телефонини қидира бошлади. У телефонини қаерда қўйганини унутиб, хонасидан излаш учун югурди.

Эшикдан битта эмас, иккита қорбобо кириб келди. Улардан бири ҳаммани ҳайратга солиб, индамасдан дарров қопларини очиб, ичидан пичоқ чиқарди ва пичоқни Амирбекнинг бўйнига тираб:

– Овозингни чиқарма, акс ҳолда ҳаммангни ўлдираман! – деди.

– Ўзи сизларга нима керак? – деди Амирбек.

– Ҳамма пулларингни ва тилла буюмларингни олиб чиқ! – деди Қорбобо ва шеригига:

– Буларнинг қўл-оёқларини боғла! – деди. Иккинчи Қорбобо қопидан олдиндан тайёрлаб қўйилган чилвир чиқариб, Руқиянинг ва Зуҳранинг қўл-оёқларини боғлади. Қорбобо Амирбекнинг бўйнига пичоқ тираб турган ҳолда:

– Бунинг ҳам қўлини бойла! – деди.

Хонасидан қўл телефонини топиб, олиб чиққан Фарҳод, даҳлиздан чиқаётган ғалати овоздан ажабланиб тўхтаб қолди. У эшикни очмасдан эшик тирқишидан ичкарига мўралади. Ичкарида бўлаётган воқеани кўриб қўрқиб кетди ва секин орқага тисралиб, ташқарига чиқиб, қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин эшикдан чиқиш учун улар турган жойдан ўтишим керак, ундай қилсам орқамдан қувлаб осонгина тутиб олишади, деб ўйлаб, шу кичик хонада туриб қолди.

– Ўғлинг қаерда, тезроқ айт! – деб бақирди Қорбобо.

– У амакисиникида, ҳозир Қорбобо билан келишини кутиб ўтирган эдик, – деди Амирбек.

– Ҳозир ҳамма ёқни қидираман, агар ёлғон айтаётган бўлсанг, топсам, уни ўлдираман, тушундингми?!

– Рост айтяпман...

Ўзи ҳақидаги бу гапини эшитган Фарҳод қандай қилиб бу ердан чиқиб кетишни ўйлай бошлади. У бирдан ўзи турган хонада гиламнинг тагида ертўлага тушиши учун кичкина туйнукча борлигини эслади ва тезда гиламни тортиб, туйнукчани очди. Туйнукнинг қопқоғи очилганидан кейин ўзи яна бекилиб қоларди. Фарҳод қопқоқни очиб, пастга қаради, тушадиган зинапоя қўйилмаганини кўриб, капалаги учиб кетди. Қоп-қоронғи, қандай сакрайман, деб ўйлади. У ўзи учун бошқа йўл йўқлигини ўйлаб, туйнук очилганини билдирмаслик учун гиламни тўғрилаб қўйиб, пастга сакради ва ерга ўнг томони билан тушиб, оғриқдан инграб юборди.

У ертўланинг ҳовлига чиқадиган эшиги тирқишидан тушиб турган ғира-шира ёруғликка томон юрди. Бориб эшикни итарди, қулф! Ташқаридан қулфланган экан! Чиқиб қочиб кетиш мақсади амалга ошмаган Фарҳод, аламидан икки муштини икки сонига қаттиқ урди. Ана шунда унинг қўли чўнтагидаги нимагадир тегиб, оғриди.

У бундан севиниб кетди, чунки у қўрқанидан, чўнтагидаги қўл телефонини буткул унутган экан. У қўнғироқ қила бошлади, лекин телефони ертўлада ишламади. У эшик томонга иложи борича яқин бориб, амакисига қўнғироқ қилди, ниҳоят амакисининг телефони жавоб берди, у воқеани тушунтирди. Кейин телага қулоқ сола бошлади.

Босқинчилар уйдаги пулларни, Руқиянинг тилла тақинчоқларини олиб, улардан бири:

– Ғани, болалар хонасига кириб қара-чи! – деди ва исмини айтиб хато қилиб қўйганини билиб: – Эҳ, жин урсин! – деди чирт этиб тупуриб.

– Ҳамма жойни қарадим, уйда учаловидан бошқа ҳеч ким йўқ, – деди шериги.

– Болалар хонасининг олдидаги хонада ертўлага тушадиган туйнукча бор эди, шуни очиб кўришимиз керак, – деди биринчи Қорбобо шивирлаб шеригига. Буни Амирбек эшитиб қолди.

– Ростини айтинглар, сизлар бизнинг оилани яхши биладиган кўринасизлар, майли, нима бўлган бўлса ҳам кечирдим, олган нарсаларингизга ҳам розиман, фақат байрам куни, ҳаммасини расво қилманглар, қўлларимизни ечиб кетинглар! – деди.

– Овозингни ўчир, ярамас! – деди биринчиси ва Амирбекни ошхона томонга судради. Қўл-оёғи боғлиқ учаласини ҳам ошхонага олиб кириб ташлаб, эшикни бекитиб қўйишди.

Улардан бири туйнукни очиб бошини пастга осилтириб телефони ёруғидан фойдаланиб, ҳамма ёқни кўздан кечириб, бир ўрам гиламнинг орқасига беркиниб ўтирган Фарҳодни кўрмасдан, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач:

– Зинапоя ҳам йўқ экан-ку, ҳеч ким йўқ, шекилли, – деди.

Шериги унинг гапини маъқуллади ва:

– Кетдикми, ўғли ҳақиқий қорбобо билан келиб қолмасин, тағин, – деди шивирлаб.

Босқинчилардан бири идишлар турган шишали шкафдан, ўзи алоҳида турган нозик зарҳал нақшлар билан безатилган, чиройли ичимлик ичадиган идишни қўлига олди.

– Унақа нарсаларни олма, сотиб олган кишини тезда аниқлашади, – деди иккинчиси.

– Мен буни сотмайман, уйда сақлайман, – деб чўнтагига солиб қўйди биринчи босқинчи.

Улар кетиш учун шошилиб эшик тарафга юра бошладилар. Иккинчи босқинчи юзидаги қорбобо ниқобини олиб:

– Шу матаҳни олиб қўяман, нафасим қайтиб кетди, – деди ва орқасига ўгрилиб қаради. Ошхона эшигини ярим очиб, қараб турган Зуҳрани кўриб:

– Падарига минг лаънат, оёғидаги чилвирни ечибди! – деди.

Биринчи босқинчи ҳам орқасига қараб:

– Ҳаммасини бир пул қилдинг, чилвирни маҳкамроқ боғласанг бўларди-ку! Худди ниқобни олмасанг жонинг чиқаётгандек, олиб ташладинг, озгина чидасанг, ўлармидинг?! – деди шеригига ғазаб билан.

– Кетдик, ҳеч нарса қилмайди, ҳозир келиб қолишлари мумкин! – деди Ғани исмлиси.

– Йўқ, энди уларни йўқ қилишимиз керак, бўлмаса бошимизга бало бўлишади!

Улар орқасига қайтиб, ялиниб-ёлвораётган хонадон аъзоларининг нолаларига қарамай, ҳар бирини бир стулга маҳкамлаб боғлаб, бир-бирларидан анча узоқ масофаларда қўйиб, қимирлаш имкониятидан маҳрум қилиб қўйишди. Уларнинг овозлари чиқмайдиган қилиб, скоч ёпиштиришди. Биринчи босқинчи газ плитасининг тўрттала мурватини ҳам тўлиқ очиб, деразанинг ёпиқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин эшикни бекитиб чиқиб кетди.

Улар югуриб ташқарига чиқишаркан:

– Ўлдиришга келишмаган эдик-ку! – деди иккинчиси.

– Ўзинг ниқобингни ечиб, таниб қолишига сабаб бўлдинг, галварс!

– Ўзинг исмимни айтиб чақирганинг-чи?!

– Майли, ҳозир хона газ билан тўлганидан кейин портлаб уй аланга ичида қолади. Ҳамма хатоларимиз ўз-ўзидан тузалади, кейин бизнинг бу ерга келганимизни ҳеч ким ҳеч қачон била олмайди! Тезроқ югур, кўчага чиқиб олганимиздан кейин, бемалол юришимиз мумкин! – деди.

– Эгнимиздаги рўдапо кийимларни ечайлик, кейин нима қилсак ҳам майли, – деб у қорбобо кийимларини еча бошлади.

Шериги ҳам кийимларини ечиб қўлига олган эди, улар бу кийимларни биринчи дуч келган ахлат қутисига улоқтиришди.

Амирбекнинг акаси Нурбек етиб келганида, бос-қинчи қорбоболар кетиб бўлишган эди. У аҳдар-тўнтар бўлиб ётган ҳамма хоналарга кириб, Амирбек, деб чақирар, у билан келганлар ҳам, Зуҳра, Руқия, деб чақиришиб, хавотирланиб хоналарни тез-тез қидиришарди.

Нурбек ошхона эшигини очиб, газ ҳидидан беихтиёр орқага тисарилди ва яна бошини ичкарига суқиб қаради. Жигарларининг аҳволини кўриб:

– Э, Худо, аблаҳлар сизларни ўлдирмоқчи бўлишибди-ку! – деб, вишиллаб чиқаётган газни тўхтатиб, деразаларни очиб юборди.

Шу пайт милиция ходимлари, тез ёрдам ходимлари ҳам етиб келишди. Нурбекнинг эсига қўнғироқ қилиб, воқеадан хабардор қилган жияни Фарҳод тушиб, уни ертўладан олиб чиқди.

* * *

– Бутун бир оиланинг ёниб, олов ичида қолиб кетишига бир баҳя қолган экан-да, – деди Собиржон.

– Ҳа, ярамаслар, арзимаган пулни, тақинчоқларни деб, ҳаммамизни ўлдирмоқчи бўлдилар, ўйласам, ваҳима босади, – деди Амирбек.

– Улар фақат шу юқорида кўрсатган миқдордаги пул ва тилла тақинчоқларни олиб, бошқа ҳеч нарсага тегишмадими? – деди Собиржон.

– Ҳа, айтмоқчи, бобомдан қолган эсдалик «антиквар» идиш бор эди, кичкинагина, ичимлик ичиш учун мўлжалланган, улардан бири шуни ҳам олиб кетди. Яна бири унинг олишига қаршилик қилган

эди чоғи, у, мен буни сотмайман, уйимда сақлайман, дегани қулоғимга чалинди.

– Ўша "Ғани" исмлисими?

– Йўқ, билмасдан шеригининг исмини "Ғани" деб айтиб қўйгани эди.

– Улардан бири хонангизда қўйилган ертўланинг кичик туйнугини билишдан ташқари, яна ўша босқинчилар ҳақида нималарни айта оласизлар, – деди Собиржон.

– Бошқа нарса билмаймиз.

– Туйнук қаердалигини "Ғани" биларканми?

– Йўқ, бизнинг оиламиз ҳақида яхши биладигани "Ғани" эмас, менимча, биринчи босқинчи.

– Хўш, Зуҳра, қизим, ёшинг нечада? – сўради Собиржон, бир чеккада ойисининг пинжига тиқилиб ўтирган қиздан.

– Тўққиз ёшдаман.

– Сен ниқобини олган иккинчи босқинчининг юзи қанақа эканлигини кўрдингми?

– Мен қўрқиб кетганимдан, унинг юзи қанақалигини эслай олмайман.

– Лекин сен унинг ўгирилиб қараганини кўргансан-ку.

– У бутунлай ўгирилмади, лекин унинг юзи қўрқинчли эканини кўрдим, барибир қандайлигини айтиб бера олмайман. Мен жуда қўрққан эдим! – деб Зуҳра йиғлаб юборди.

– Майли, хафа бўлма, биз уларни албатта топамиз! – деди Собиржон.

– Уларнинг бўйлари қандай эди? – сўради Собиржон Амирбекдан.

– Ўша Ғани исмлиси сал пастроқ, биринчи кирганининг бўйи баланд эди.

Собиржон уларга мабодо кейинроқ босқинчилар тўғрисида бирор нарсани эсласанглар, қўнғироқ қилинглар, деб тайинлади.

* * *

Собиржон бир ойдан бери натижа чиқмаган жиноят иши тўғрисида ўйларди. У хонасида у ёқдан бу ёққа юраверганидан чарчаб кетди. Жойига ўтириб олиб, шу пайтгача кимларни тергов қилганини компьютердан аниқлай бошлади. Жабрланганларнинг қариндошлари, узоқ қариндошлари, қўшнилари, яқин танишлари, шубҳаланиш мумкин бўлган унча яқин бўлмаган танишлари...

«Яна кимлар қолди?» – Собиржон ўйлаб қолди. Шу пайт эшик очилиб Фарҳод кириб келди.

– Собиржон ака мен тезда уйга боришим лозим бўлиб қолди, – деди

– Тинчликми?

– Келинингиз қўнғироқ қилди, ошхонада совуқ сув трубаси ёрилиб кетибди, ҳамма ёқни сув босиб кетганмиш, тезда уста олиб боришим керак!

– Майли, бора қолинг... Уста дедингизми?!

– Ҳа, ўзим тузата олмасам, нима қилай, уста обораман-да, кетдим!

– Раҳмат сизга, Фарҳод!

– Нима? – деб Фарҳод Собиржоннинг нима учун раҳмат деганини тушуна олмай ва шошилиб чиқиб кетди.

Собиржон нима учун илгарироқ шуни ўйламаганида ҳайрон бўлди. Фарҳоддан уста, деган сўзни эшитганидан кейингина эсига келгани, қизиқ бўлди. Ахир Амирбек янги иморатига яқиндагина кўчиб ўтган бўлса... Босқинчиликни Амирбекнинг уйида ишлаган усталардан бири уюштирган бўлиши мумкин-ку! Албатта-да, шунинг учун ҳам, улар полда ертўлага тушиш учун қўйилган туйнукнинг қаердалигини билишади!

Собиржон ўзидан хафа бўлиб кетди, шунча вақтини бекорга ўтказди-я, яна тажрибали терговчи эмиш, қойил!

У Амирбекка қўнғироқ қилиб, прокуратурага етиб келишини илтимос қилди.

Амирбек салом-аликдан кейин:

– Тезда етиб келинг, деганингизга, босқинчилар топилдими, деб югуриб келавердим, – деди.

– Ҳозирча топилмади, лекин топилиш арафасида. Айтинг-чи, уйингизда ишлаган усталарни яхши танийсизми?

– Қайси усталарни айтяпсиз?

– Масалан, полини тузатган усталар ёки бўёқчи усталар.

– Ҳа, полни акамларнинг қўшниси Нормат ака бошлиқ учта уста тузатган.

– Бўлди, терговни шулардан бошлаймиз, манзилини айтинг! – деди Собиржон ва манзилини ёзиб олди.

Собиржон уста Нормат акани сўроқ қилиб шуни аниқладики, улар учаласи ҳам янги йил арафасида узоқ вилоятларда бўлишган ва ҳатто янги йил куни ҳам уйларига келмаганлар. Собиржон устанинг гапларини тўғри-нотўғрилигини билиш учун, усталар ишлаган жойга бориб, аниқлаб келди.

– Ҳамма ишлаган усталарни сўроқ қилишимизга тўғри келади, шекилли, – деди Собиржон Фарҳодга.

– Мен Амирбекдан янги иморатни қуришда иштирок қилган усталарнинг рўйхатини олдим, – деди Фарҳод.

– Манзилларини-чи?

– Албатта манзилларини ҳам.

– Ундай бўлса, терговни бир бошдан бошлайверамиз.

– Буёқчи усталарни эртага эрталаб соат 9 га чақириб қўйганман.

Терговда усталардан бири илгари ўғирлик жинояти учун судланганлиги аниқланди. Фарҳод буни Собиржонга тезроқ етказиш учун ҳовлиқиб келди.

– Мана, ниҳоят, меҳнатларимиз самарасиз кетмади, ўша ярамасни қўлга туширдик! – деди.

– У уй қурилишида нима иш қилган экан?

– Деворни сувоқ қилишган, унинг уй ичкарисида ишлаганини аниқладим.

– Ахир сувоқ ишлари полдан олдин қилинади-ку!

– Нима фарқи бор, у шу уйга кириб-чиқиб юрганида, ҳаммасидан хабардор бўлган бўлиши мумкин. Бунақалар фақат қинғир ишнинг устида юришади.

Собиржон ўша сувоқчи устани ўзи бошқадан тергов қила бошлади. Сўроқ натижасида Собиржон ундан шубҳа қилишга арзигулик ҳеч нарса топа олмай, хуноб бўлди. Амирбекнинг айтишича, сувоқчилар ишлаганида ўша туйнук умуман бўлмаган. Ертўланинг бу туйнуги пол тузатувчи усталарнинг таклифи билан бетонни тешиб, янгидан қўйилган экан.

Шу уй қурилишида ишлаган усталарнинг ҳаммасини бирма-бир сўроқ қилиш албатта осон кечмади. Лекин терговчиларнинг шунча кунлик меҳнати бесамар кетди.

Собиржон шуларни ўйлаб ўтирганида Фарҳод компьютердан бошини кўтариб:

– Дунёда хотинлардан кўра ваҳимачироқ одам бўлмаса керак, – деди.

– Нимага ундай деяпсиз?

– Эсингиздами, бир неча кун олдин келинингиз совуқ сувнинг трубаси ёрилиб, ошхонани сув босиб кетди, деб қўнғироқ қилган эди?

– Ҳа, эсимда.

– Ишонасизми, ўшанда, трубадан сув сал-пал томчилаб турган экан!

– Йўғ-э?

– Ҳа, шунақа, лекин у ўзининг беўрин ваҳимасидан, бизга қанча зарар етказганини билмайди-да, – деди Фарҳод бошини чайқаб.

– Бундан оилангиз қандай зарар кўриши мумкин? – деди Собиржон ажабланиб.

– Оиламни назарда тутаётганим йўқ, Собиржон ака, ўзимизни, терговни назарда тутяпман.

– Терговни?

– Ҳа-да, ахир сиз менинг «уста» деган сўзимни эшитишингиз билан, ўша иморатни қурган усталарни тергов қилиш лозимлигини эсладингиз. Агар келинингиз томчилаётган сувга эътибор бермай жимгина ўтирганида, балки биз сони мингта усталарни тинч қўйиб, ўзимиз ҳам терговни бошқа йўналишда олиб борган бўлармидик. Балки, шунда ўзимиз истаган натижага эришармидик?

– Масалан, сиз терговни қайси йўналишда олиб боришни маслаҳат берардингиз? – деди Собиржон қўлидаги ручкани столга ташлаб, Фарҳодга қараб.

– Энди нима фойдаси бор, шунча меҳнатимиз бир чақага қиммат бўлиб қолди-ку!

– Ҳалиям кеч эмас, ахир жиноятни очишимиз керак, таклифингиз бўлса айтинг, бу сафар худди сиз айтган йўналишда борамиз! – деди Собиржон ўрнидан туриб қўлларини икки тарафга ёйиб.

– Кесатмай қўя қолинг, менинг ҳеч қандай таклифим йўқ!

– Таклифингиз бўлмаса, нимага бошимни қотирасиз? – деди Собиржон жаҳл билан ва Фарҳодга қараб:– Тўхтанг, Амирбек ўша ертўланинг туйнугини полни тузатган усталарнинг таклифи билан очганмиз, дедими?

– Ҳа, шунақа деган.

– Нормат устани қайтадан сўроқ қилишимиз лозим! – деди Собиржон қатъий қилиб.

Собиржон Нормат устани сўроқ қиларди. У саволларга жавоб бераркан норози бўлиб:

– Биласизми ука, шу сўраганларингизни илгари ўзингиз ҳам, анави ёшироқ йигит ҳам сўрагансизлар. Ахир мен шу айтганларимдан ташқари ҳеч нарса билмайман.

– Узр, Нормат ака, мен ҳам сизни безовта қилишни хоҳламасдим, лекин...

– Бир нарсани тушунинглар-да, бизга фақат ишласаккина пул беришади, ҳадеб мени ишдан қўяверсанглар, бошлаган ишимизни қачон тугатамиз, бу ёғи тирикчилик, укам! – деди Нормат ака Собиржоннинг гапини бўлиб.

– Тўғри айтасиз, лекин бутун бир оиланини йўқ қилишга уринган босқинчилар ялло қилиб юришибди. Уларнинг яна кимнингдир бошига Амирбекнинг кунини солмаслигига ким кафолат беради? Жабрланганлар ҳалиям ўзларига келганлари йўқ. Босқинчиларнинг изини топишга уриняпмиз-да.

– Майли, уларни топинг, бу сизнинг ишингиз, лекин бизни тинч қўйинг-да, энди!

– Менга сиз ёрдам бермасангиз, бошқа ёрдам бермаса, қандай қилиб жиноятчини топаман. Ахир бу битта ўзим қила оладиган иш эмас. Балки ўша жиноятчи сизнинг танишингиздир, яхшироқ эсласангиз эсингизга тушар. Ўша Амирбекнинг уйида ишлаганингизда, ертўлага тепадан туйнук қўйишни сиз маслаҳат берган экансиз, шу бебаҳо маслаҳатингиз туфайли бир оила ўлимдан қолган.

– Унчалик эмас... – деди уста мақтов ёққандан, мўйловини бураб қўйиб.

– Сизнинг яхши уста эканлигингиз маълум, шунинг учун кўпчилик сиздан маслаҳат сўрайди-да. Сиз бирга ишлайдиган шогирдларингиздан ташқари, Амирбекнинг уйига бошқа бировни ҳам олиб борганингизни эслайсизми?

– Йўқ, мен у ерга ҳеч кимни олиб бормаганман, – деди Нормат уста ўйланиб.

– Яна бир марта узр сўрайман, агар мен сўраган масалада бир нимани эслаб қолсангиз, илтимос, менга қўнғироқ қилинг, – деди Собиржон у билан хайрлашаркан.

Нормат уста чиқиб кеганидан кейин Фарҳод:

– Устанинг иддаолари ҳаммасидан ошиб тушди, – деди жаҳли чиқиб.

– Унинг норозилигига тўлиқ қўшиламан, уни ҳам тушуниш керак, ҳақиқатан ҳам усталар қилган меҳнати ҳисобига оила боқишади. Биз эса уларни ишдан қўйяпмиз.

– Ўзлари ҳам бир куни ўша босқинчилардан жабр кўриши мумкинлигини ўйлашмайдими? Нима, уларни бу ерга биз бекорга чақиряпмизми?!

– Ҳа, бу бизнинг ношудлигимиздандир, балки? Ҳаммасига мен айбдорман, ўзи менга нима бўляпти?! – деб Собиржон ўрнидан туриб уёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Фарҳод, Собиржон ҳар доим кайфияти бўлмаса, заҳрини унга сочишини билгани учун хонасига бормоқчи бўлиб, секин ўрнидан турди.

– Нима, сиз бу ишнинг тергови фақат менга юклатилган, деб ўйлайсизми?! – деди у Фарҳодга қараб.

– Йўқ, албатта, шунинг учун хонамга бориб мен ҳам фикримни жамлаб кўрмоқчи эдим, – деб чиқиб кета бошлади.

– Майли, бора қолинг, бирдан мия ҳужайраларингиз ишлаб кетиб, агар бирор жўялироқ фикр чиқиб қолса, ажаб эмас!

Фарҳод хонасига бориб ўйлаб қолди, қанчадан-қанча жумбоқли жиноятларини ҳеч қийналмасдан очиб ташлаган, бу борада устаси фаранг устозига нима бўляпти? Наҳотки, бу жиноят очилмай қолса? Тергов гуруҳи тинмай ишлаётган бўлса, ярамас жиноятчилар қаерга гумдон бўлишди, экан? Аблаҳлар, бирорта из қолдиришмаган!

Собиржон ҳам худди шуларни ўйлаб, боши қотиб ўтирарди. У нима қилишини билмай, бугун уйга барвақтроқ кетаман, бошим ёрилай деяпти, деб ўйлади.

Шу пайт қўл телефони жиринглаб қолди. Собиржон нотаниш рақамларни кўриб, ким бўлди экан, деб гўшакни олди:

– Эшитаман, – деди Собиржон.

– Бу мен, уста Норматман.

– Тинчликми, Нормат ака?

– Тинчлик, тинчлик, ука, боя бирор нарса эсингизга тушса қўнғироқ қилинг, деган эдингиз, шунга қўнғироқ қилаётган эдим.

– Ниманидир эсладингизми? – деди Собиржон.

– Балки бунинг сизга ҳеч қандай ёрдами тегмас, лекин бирибир айтиб қўйишим керак, деб ўйладим.

– Хўш, нимани айтмоқчи эдингиз?

– Биласизми, биз Амирбекникида ишлаб юрганимизда бир йигит келиб, уста, агар рухсат берсангиз, ишларингизни кўрмоқчи эдим, деди. Мен унга, бемалол кўравер, ука, дедим. Йигит ҳамма хоналарга кириб, бизнинг ишимизни қўздан кечириб чиқди. У кетаётганида болалар хонасининг олдида жойлашган кичик хонага қўйилган ертўланинг туйнукчасини кўриб: – Бу ертўлага яширин кириладиган эшикчами? – деди. – Ҳар эҳтимолга қарши, туйнукча, – дедим. У бизнинг ишимиз ёққанини айтиб кетиб қолди.

– У яна қайтиб келдими? – деди Собиржон.

– Ҳа, у бизни тоғасининг уйидаги ёғоч-тахта билан ишланадиган ишларни қилиш учун олиб кетмоқчи эканини айтиб келди, лекин мен Амирбекнинг уйининг полини бўлганимиздан кейин бошқа бировга ваъда бериб қўйганимизни айтдим. Унинг тоғасиникига ундан кейин боришимиз мумкинлигини айтганимда: – Майли, сизлар тоғамникига бориб у ердаги ишларнинг кўламини кўриб, ундан кейин бир нима дерсиз, – деди. Мен у йигитнинг тоғасиникига бориб, нималар қилиш кераклигини кўрганимдан кейин, у ерда бизнинг қўлимиздан келмайдиган ишлар ҳам борлигини кўриб, узр сўраб, қайтиб келдим.

– Кейин-чи?

– Ҳеч нарса, шу Жўрадан бошқа ҳеч ким ертўланинг туйнугига қизиқмаган, шуни айтмоқчи эдим.

– У сиздан бошқа ҳеч нарсани сўрамаганмиди?

– У яна бу уйда ўзи қанча киши яшайди, хоналарининг сони кўп экан, деб сўради. Мен икки фарзандлари ва ота-оналари, ҳаммаси тўртта, дедим.

Собиржон уста Норматдан йигитнинг тоғасининг манзилини ёзиб олди ва:

– Нормат ака, сиз айтаётган йигитнинг кўриниши қандай эди? – деб сўради.

– У анчагина новча эди, сариқ юзида билинар-билинмас сепкили бор эди.

Собиржон Нормат акага раҳмат айтиб хайрлашди.

Эрталаб ишга келган Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилди:

– Қачон ишга келасиз? – деди у гўшакни кўтариши билан.

– Мен хонамдаман, ҳозир олдингизга кираман, – деди Фарҳод.

Хонага кирган Фарҳод билан саломлашаркан:

– Наҳотки, ўзгарганингиз рост бўлса, ишқилиб кўзим тегиб қолмасин-да, ўтган йилда биров менга, келгуси йили Фарҳод ишга вақтида келади, деса ишонмасдим, – деди.

– Ҳа энди, улғайяпман, шекилли.

– Бу кеча ухламаган бўлсангиз ҳам, ўзингизга қарашга вақт топибсиз, баракалла! – деди Собиржон унинг ҳар доимгидек соқоли олинган юзига ва бежирим кийимларига қараб.

Фарҳод Собиржоннинг мақтовларидан кейин, кайфияти кечагининг бутунлай тескариси эканини сезиб, демак, яхши янгиликлар бор, деб ўйлади.

– Собиржон ака, янгиликлардан эшитайлик, – деди.

– Фикримни жамлаб, нима қилишни ўзим айтаман, деб кетган сиз эдиңгиз-ку, энди сиздан эшитамиз!

– Менда фикр йўқ, келмади, ўзингиз айта қолинг.

– Унда кетдик, йўлда гаплашамиз, – деди Собиржон.

Собиржон уста Нормат айтган Жўранинг тоғаси қураётган иморат олдида машинасини тўхтатиб, бинони томоша қила бошлади. Уйнинг қурилиш ишлари деярли тугаган эди. Бино ертўласи билан ҳисоблаганда, 4 қаватдан иборат бўлиб, шоҳона қасрга ўхшарди.

– Монсардаси жуда чиройли чиқибди, – деди Фарҳод.

– Ҳа, жуда кўркам бино бўлибди, гап йўқ! – деди Собиржон ва эшик қўнғироғи тугмачасини босди.

Ичкаридан новча, сариқдан келган, юзига сепкил тошган йигит чиқди. Унинг сочи рангсиз, тароқ кўрмаганиданми ёки ифлослигиданми пўстакка ўхшаб кўринарди. Йигит салом-аликдан кейин:

– Сизларга ким керак, – деди кўзлари хунук чақнаб.

Собиржон уни дарров таниди, бу йигит уста Нормат тасвирлаган йигитнинг ўзгинаси эди.

– Тоғангиз бормилар? – деди Собиржон ундан кўзини узмай.

– Тоғам йўқ эдилар, у кишида нима ишларинг бор?

– Шу ерда ишлаётган усталарнинг ишини бизга мақташди, агар менга уларнинг иши ёқса, мен ҳам уларни уйимга олиб кетмоқчи эдим, – деди Собиржон.

– Мен тоғамнинг рухсатисиз уйга бегоналарни қўймайман, узр, – деб у эшикни бекитмоқчи бўлди.

Собиржон уни тўхтатиб:

– Ўзингиз рухсатсиз бировларнинг уйига кириб, усталарнинг ишига баҳо берасизу, бошқаларга буни тақиқлайсизми?

– Тушунмадим? – деди йигитнинг юзи буришиб.

– Исмингиз Жўра, тўғрими?

– Ҳа...

– Уста Норматнинг ишини Амирбекнинг уйига кириб кўрганингиз ҳам тўғрими?

– Ҳа...

– Ундай бўлса, кетдик, прокуратурада масалага ойдинлик киритамиз! – деди Собиржон йигитга қараб.

– Менимча, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор, шунинг учун мен тоғам келишини кутаман, кейин ўзим у ерга борарман, – деб Жўра орқасига қайтиб кетмоқчи бўлди. Фарҳод уни ушлаб олиб:

– Менга қаранг, сиз тушунмадингиз, шекилли, ҳужжатларимизни сизга кўрсатдик, тўғрими?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, нимага тоғангизни кутишимиз керак? Агар англашилмовчилик бўлса, сиздан кечирим сўраб олиб келиб қўямиз, ҳозир эса биз билан юришингиз лозим! – деб Фарҳод уни машинага чиқарди.

Собиржон эса, Жўрадан тоғасининг исм-шарифини сўраб, унинг номига чақирув қоғози ёзиб, ишлаётган усталардан бирига қолдирди.

Собиржон Жўрани сўроқ қила бошлади.

– Сиз янги йил кечаси соат 11-12 лар орасида қаерда эдингиз?

– Қаерда бўларди, уйда, дадам билан бирга эдим! Ўзи менинг бўйнимга қандай жиноятни юкламоқчи бўляпсизлар? – деди Жўра бўғилиб.

– Мен сизга ҳеч қандай жиноятни юкламоқчи эмасман, фақат боя айтганимдек, айрим тушунмовчиликларни аниқлаб, ойдинлик киритамиз. Шунинг учун ўзингизни босиб олиб, саволларимга тўғри жавоб беринг, тушунарлими?

– Ҳа, лекин тоғамни ҳам бу ерга чақиришингизни талаб қиламан!

– Сиз талаб қилмасангиз ҳам тоғангиз бу ерга келади, хавотир олманг.

Собиржон Жўрани сўроқ қилишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини билди. У янги йилни отаси билан бирга ўтказганини, тоғасининг илтимоси билан Амирбекнинг уйида ишлаётган усталарнинг ишини кўриш учун борганини айтарди, бошқа ҳеч нарса билмаслигини айтиб, уйга кетишга рухсат беришни, уни ушлаб туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтиб даъвогарлик қила бошлади.

Собиржоннинг қўлида эса унга қарши бирор далил йўқ эди. Собиржон Амирбекнинг оила аъзоларини чақирди ва Жўрани кўриб, унда ўша босқинчилардан бирини эслатувчи бирор белги бор-йўқлигини айтиб беришларини илтимос қилди.

Жўра жаҳли чиққанидан хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб юрарди. Очиқ турган эшикдан биринчи Амирбек қарайди. У қанчалик диққат билан қарамасин, ундан ўша босқинчига ўхшаш ҳеч нарса топа олмади.

Кейин Руқия бориб, секин Жўрага бошдан оёқ разм солди, у ҳам:

– Фақат бўйининг баландлигини ҳисобга олмаганда, ўхшаш томонларини топа олмадим, – деди.

Фарҳод эса, босқинчиларни эшикнинг тирқишидан чала кўрганлигини, кўрса таний олмаслигини айтди. Улар овозини йўғон қилиб, қорбобо овозида гапирганини, ҳатто овозидан ҳам таний олмаслигини айтиб, ўзи хафа бўлди.

– Кичкина Зуҳрага Жўрани кўрсатиб, уни овора қилиб ҳам юрмайлик, – деди Фарҳод Собиржонга.

– Зуҳра ўзи шу ердами?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, онасининг иштирокида, кўра қолсин, балки у бирор нима деб қолар...

– Майли.

Жўрани сал узоқроқдан кўрган Зуҳра, Собиржоннинг ёнига бориб:

– Унга яқинроқ борсам, майлими? – деди.

– Ҳа, бемалол, боравер, – деди Собиржон.

Зуҳра унинг олдига бориб қўлига қараб қолди. Жўра қўлларини орқасига яширди. Зуҳра ойисига қараб:

– Ойи, унинг тирноғи ўхшаркан, – деди.

– Нимага ўхшайди? – деди Собиржон, Зуҳра жавоб бермасдан, Жўрага қараб:

– Менга иккала қўлингизни кўрсатинг, илтимос, – деди.

– Нима, мен сенларга томошақовоқманми! – деди бақириб.

– Марҳамат қилиб қизчага қўлларингизни кўрсатинг! – деди Собиржон.

– Мана! – деди Жўра иккала кафтини ёзиб Зуҳрага.

– Йўқ, қўлингизни эмас, тирноқларингизни, демоқчи эдим.

– Мана, тирноқларимга нима қилибди?!

– Мана, ҳа, худди ўзи, ахир унинг ҳам худди шу тирноғида қора доғи бор эди. Мен уни газнинг мурватини бураётганида, қўлқопининг бош бармоғининг учи йиртилган жойидан кўрганман! Ойи, у ўша ёмон қорбобонинг ўзи-ку! – деди Зуҳра.

– Эй, қиз, нима деяпсан, қанақа қорбобони айтяпсан! – деди Жўра ўшқириб.

Собиржон Амирбекнинг оиласига раҳмат айтиб, хайрлашди.

Ҳамма кетганидан кейин, Жўрага:

– Хўш, қизчанинг гапига нима дейсиз, у сизни ўша, янги йил кечаси уйимизга кириб босқинчилик қилган ёмон қорбобонинг худди ўзи, деяпти? – деди.

– Нималар деяпсиз, битта гўдакнинг гапи деб, мени жиноятда айбламоқчимиз, ахир ундан каттароқ ота-онаси, ҳеч нарса демаяпти-ку!

– Шеригингиз Фани қаерда? – деди Собиржон.

Жўра бир оз довдираб қолди, лекин дарров ўзини ўнглаб олиб:

– Қанақа шерик ҳақида гапиряпсиз, тушунмаяпман, индамайди деб ҳар нарсани гапираверасизми?! Мени бир нимада айбламоқчи бўлсангиз, далил, исботлар билан айтинг, агар қўлингизда мени айблаш учун ҳеч нарса бўлмаса, нима ҳаққингиз бор мени бу ерда ушлаб туришга? – деди Жўра.

– Сиз хавотир олманг, сизни бир сония ҳам бекорга ушлаб туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мен ҳар бир қилган ҳаракатим учун жавоб бера оламан, – деди Собиржон ва жиринглаётган хизмат телефонининг гўшагини кўтариб, – Хўп, ҳозир, – деди ва Фарҳодга:

– Сиз гумонланувчидан жиноят иши бўйича сўраб туринг, мен ҳозир келаман, – деб чиқиб кетди.

Фарҳод Собиржоннинг нима қилмоқчи эканлигига тушунмаса ҳам:

– Хўп, – деди ва Жўрага қараб:– Нимага тикка турибсиз, қани жойингизга ўтириб олинг-чи! – деди.

Собиржон Фарҳоднинг хонаси эшиги олдида кутиб турган Жўранинг тоғасини ичкарига таклиф қилди. У хонага кирар-кирмас:

– Жияним бирор номаъқулчилик қилибдими? – деди.

– Марҳамат қилиб, ўтиринг, ўзингизни таништиринг, – деди Собиржон ўзи ҳам ўтирганидан кейин.

– Мен Умаров Маннонман.

– Нима иш қиласиз?

– Мен бизнес қиламан.

– Қанақа бизнес.

– Россиядан ёғоч-тахта олиб келаман, сотаман.

– Жиянингиз Аҳмедов Жўра, ўзининг айтишига қараганда сиз билан яшаркан, айрим вақтлари отасининг олдига бориб тураркан, шу тўғрими? – деди.

– Ҳа, мен опам раҳматлидан қолган биттаю битта ёдгорлик шу бола деб, уни асрашга ҳаракат қиламан.

– Уни нимадан асрайсиз?

– Эҳ, сўраманг, ука, Жўра опамнинг вафотидан кейин наркотикка ўрганиб қолди, отасининг у билан иши йўқ, шунинг учун ўзим уни уйда, кўз олдимда юрсин деб майда-чуйда юмушлар билан банд қилиб қўяман.

– Отасига нима қилган, нима учун ўғлига қарамайди?

– Опамнинг бу дунёдан эрта кўз юмушига ҳам ўша лаънати сабаб бўлган-да, у эрининг тўхтовсиз ичишлари, уй-рўзғорга қарамай, маст-аласт юришларидан сиқилавериб, қон босими ошиб кетиб, бирдан вафот этди. Энди унинг ўғлининг ташвиши менинг зиммамда. У бир балони бошлабдими, айта қолинг, – деди Маннон ака Собиржонга қараб.

– Жўра янги йил оқшомида соат тахминан 11-12 лар орасида қаерда эди? – деди Собиржон.

– Демак у, менинг қаршилигимга қарамай чиқиб кетган пайтида бирор ёмон иш қилиб қўйибди-да! Мен у ярамасга, шу маҳалда нима қиласан, биламан, отанг ҳозир ичиб ўзини билмай ётибди, сен унинг ёнига бормайсан, буни жуда яхши биламан, дегандим-а!

– Мен айтган пайтда у кўчага чиқиб кетганмиди? – такрорий сўради Собиржон.

– Ҳа, ҳеч бўлмаса янги йил куни бир соатгина ўз ҳолимга қўйинг, уйга дадамнинг олдига бораман, ойим билан бирга ўтган чоғларимни эсламоқчиман, деб мени ҳоли-жонимга қўймай, чиқиб кетган эди.

– У отасининг олдига борган-бормаганини аниқламадингизми?

– Қўнғироқ қилдим, ярамас маст эди, тили зўрға айланиб, олдига ҳеч ким бормаганини айтди. Ўзининг телефони ўчирилган эди. Ўша куни янги йил байрами ҳам менга татимади.

– Ўша куни у уйга қайтиб келдими?

– Соат тунги 1-2 лар чамасида уйга келди.

– Қаерда эдинг, деб сўрадингизми?

– Ҳа, у ўртоқлари билан ўтирганини айтди.

– Тушунарли, сизнинг жиянингиз, ўша уйингиздан чиқиб кетган пайтида шериги билан бир хонадонга қорбобо кийимида кириб, босқинчилик қилишда ва шу ерда яшовчи тўртта кишини ўлдиришга суиқасд қилиш жиноятида гумон қилиняпти.

– Ярамас, уни одам бўлсин деб, қилган шунча меҳнатларим... – деб Маннон ака бошини чангаллаб қолди.

Собиржон Маннон акага кетишга рухсат берганидан кейин, шу ерда ўтириб ўйларди. Жўранинг жиноятчи эканлигига ишонаман, бу кўриниб турибди, лекин уни 9 яшар Зуҳранинг тирноғидаги қора доғи жиноятчиникига ўхшар экан, деган кўрсатмаси билан қамоққа олиб бўлмайди. Уйидан чиқиб кетгани ҳам маълум, лекин бу ҳам далил бўла олмайди.

Инкор қилиб бўлмайдиган шундай далил топишим лозимки, унинг ўзи айбига иқрор бўлишидан бошқа чораси қолмасин! Лекин бу нима бўлиши мумкин. Собиржон ўйларди, у одати бўйича у ёқдан-бу ёққа юрарди, жиринглаган телефонига жавоб бермасдан, ўчириб қўйди. Бир оздан кейин Фарҳод келиб:

– Собиржон ака, ҳеч бўлмаса телефонингизни ўчириб қўймасангиз бўларди! – деди.

– Илтимос, халақит қилманг!

– Нимага?

– Ўйлашимга, тушундингизми, чиқиб кетинг!

– Майли, лекин Жўрани қачонгача сўроқ қилишим мумкин, ундан сўрайдиган нарсанинг ўзи қолмади, энди уни уйига қўйиб юборверайми?

– Йўқ, уни қўйиб юборсак, қочиб кетиб, ҳаммани овора қилади, яна озгина ушлаб ўтиринг!

– Хўп, қайта-қайта бир нарсани сўрайвериш жонга тегиб кетаркан! Эрталаб келганидан ҳозиргача хонангизга қўйилган экспонатга ўхшаб ўтирибди, – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Собиржон юришдан тўхтаб, экспонат, экспонат, деб такрорлади, кейин нима учундир антиквар, деб қўйди ва Амирбекка қўнғироқ қилди.

– Амирбек, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди.

– Нима гап, айбини бўйнига олдими?

– Сиз ўша босқинчилардан баланд бўйлиси антиквар идишни олиб кетди, деганмидингиз?

– Ҳа.

– Ўша идишдан бир донамиди?

– Ҳа, менда бир дона эди.

– Афсус, яна биттаси бўлса яхши бўларди...

– Нима, яна биттаси бўлса нима қилардингиз?

– Керак эди-да...

– Агар жуда зарур бўлса, акамда ҳам биттаси бор. Дадам раҳматли ҳар биримизга биттадан берганлар.

– Ундай бўлса ўша идишни олиб кела оласизми?

– Қачон етказишим керак?

– Агар иложи бўлса, ҳозирнинг ўзида!

– Хўп.

Собиржон Амирбек олиб келган идишни диққат билан кўздан кечираркан:

– Иккала идишнинг ҳеч ўзгаришсиз бир хил эканилигига аминмисиз? – деди.

– Ҳа, лекин меники яхши сақланган эди, бунда эса билинар-билинмас дарз кетган жойи бор экан, мана кўряпсизми? – деди Амирбек қўли билан айтарли сезиларсиз чизиқчани кўрсатиб.

– Ҳа, майли раҳмат, кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон ва қўлидаги қадимий ноёб санъат асарига яна бир марта назар ташлади.

* * *

Собиржон хонага кирганида Жўра Фарҳодга:

– Билиб қўйинг, шу ерда мени ушлаб ўтирган ҳар бир дақиқангиз учун жавоб берасиз! – деб бақириётган эди.

– Албатта жавоб берамиз Аҳмедов, лекин сиз ҳам қилган жиноий ҳаракатингизга жавоб беришингиз лозим, – деди Собиржон хотиржам оҳангда.

– Мен жиноят қилмаганлигимни неча марта айтишим керак!

– Буни неча марта айтганингизнинг фойдаси йўқ, фақат бир мартагина қилмишингизни бўйнингизга олишингиз қолиб турибди, холос!

– Менга далиллар билан гапиринг, қуруқ қошиқ оғиз йиртади, дейишади-ку.

– Мана бу ноёб идиш сизга таниш кўринмаяптими? – деди Собиржон қоғозга ўраб олиб кирган идишни олиб столнинг устига қўяркан.

Жўра турган жойида қотиб қолди ва:

– Мен у идишни кўрмаганман, – деб тескари қаради.

– Бироқ буни биз сиз яшириб қўйган жойингиздан, гувоҳлар иштирокида топиб олдик, энди сиз бу идишни мен Амирбекнинг уйидан олиб чиқмаганман, сотиб олганман, дейишга ҳеч қандай важ топа олмайсиз. Чунки, бу идиш фақат бир нусха бўлиб, бундан 300 йил олдин ясалган ноёб буюм ҳисобланади, бошқа ҳеч қаерда топилмайди. Ўшанда сиз шеригингизнинг гапига кириб, уни олиб кетмаганингизда, балки мен сизни қамоққа олиш учун ҳеч қандай далил тополмаган бўлармидим, яна ким билади? Хўш, Фани исмли шеригингиз қаерда? – деди Собиржон.

– Билмайман, – деди Жўра овози зўрға чиқиб.

– Босқинчиликка кириш фикри қайси биринглардан чиққан эди?

– У ўзи ўғирлик билан шуғулланади, мени йўлдан урган ҳам Фани!

– Тоғангиз бизнесмен экан, нимага босқинчилик қилиб юрибсиз, унинг ёнида ишласангиз бўлмасмиди?

– У менга пул бермасди.

– Нима учун?

– Героин олади, деб.

– Сиз гиёҳвандмисиз?

– Ҳа, шу касалга чалинганман, ака, менга раҳмингиз келсин! – деб йиғлади Жўра.

– Одам гиёҳвандлик касалига чалинмайди, аксинча уни пул бериб ўзига сотиб олади. Сизга раҳмим келади, лекин начора, ҳар ким қилган жиноятига яраша жазосини олиши керак!

– Ўша уйдан олган ҳамма нарсани қайтараман, ахир у ерда ҳеч ким ўлмади-ку, мени қўйиб юборинг, ёлбораман, илтимос! – деб Жўра тиз чўкиб ялина бошлади.

– Аҳмедов, туринг ўрнингиздан, жойингизга ўтиринг! Сизнинг мақсадингиз гувоҳлардан қутулиш учун, бир оилани ёндириб, йўқотиб юбориш эди, лекин бахтли тасодиф туфайлигина улар омон қолди. Сиз ўша қабиҳ мақсадингиз учун жазога тортиласиз! – деди Собиржон асабийлашиб.

– Лекин, мен бу жиноятни қилмоқчи эмас эдим, мени ўша ифлос Ғани йўлдан урган!

– Унинг манзилини айтинг, – деди Собиржон.

Милиция ходимлари Жўранинг шериги Ғанини олиб келишди. У хонага кириб Жўрага кўзи тушиши билан:

– Минг лаънат сенга, лапашанг, сотқин, мени сотдингми? Ўзим сенга у ёқда кўрсатаман сотиш қанақа бўлишини!

– Ўтир жойингга "монстр", фақат берилган саволга жавоб берасан, шунгача жим ўтир! – деди Фарҳод.

* * *

Жиноятчиларни олиб чиқиб кетишганларидан кейин Собиржон:

– Сўроқ қилинаётган киши, у ким бўлишидан қатъи назар, исми шарифи билан айтилади, иккинчи марта уларга нисбатан бегона сўзлар ишлатманг, тушундингизми? – деди Фарҳодга танбеҳ бериб.

– "Монстр" деганимга айтяпсизми? Бечора Зуҳранинг қўрққанича бор экан. Ғанининг афтини биринчи марта кўрганимда, ҳатто мен ҳам сесканиб кетдим. Унинг исми эсимдан чиқиб, шу сўзни ишлатиб юборибман, бошқа такрорланмайди, – деди Фарҳод кулиб.

– Шу жиноят ишининг терговини муддатидан илгари тугатганимиз яхши бўлди-да, – деди Собиржон қилган ишидан мамнунлигини билдириб.

– Ҳа, тўғри айтасиз. Айтмоқчи, Жўрага кўрсатган ўша антиквар идишни қаердан топдингиз, ҳарҳолда, Жўранинг яширган жойидан топдим, демассиз?

– Сизга бир нарсани айтиб қўяй, агар инсон бир мақсадга эришиш учун қаттиқ интилса, шунга албатта эришади. Мен ҳам шундай қилдим.

– Излаган имкон топади, демоқчисиз-да, тўғрими? – деб кулди Фарҳод.

– Тўғри, лекин ҳадеб бир мақолни такрорлайверишш, яхши эмас! Агар билсангиз энг кўп мақол ва ҳикматли сўзларнинг кони ўзимизда.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат, ҳозироқ компьютерни титкилаб ўзбек халқ мақолларини кўриб чиқаман! Жиноятни очиб қўйган бўлсак, ҳозирча бошқа ишимиз ҳам қолмади, – деди Фарҳод елкасидан тоғ ағдарилгандек қувониб.

Хизмат телефони жиринглаб қолди. Собиржон гўшакни кўтариб:

– Эшитаман, Фозил ака, – деди ва, – Хўп, ҳозир чиқамиз, – деб гўшакни қўйди.

– Нима гап? – деди Фарҳод.

– Биттаси қўшнисини ов милтиғида отиб қўйибди. Жиноят содир бўлган жойга борарканмиз.

ҚАДИМИЙ ҚОЗОНЧА

Қурбонбой меҳмонга келган ўртоғи Умар билан ўтириб, яхшигина ичиб кайф қилиб олди. У ота-боболарининг бой-бадавлат яшаганларини айтиб мақтана бошлади.

– Қўйсанг-чи, ўртоқ, уларнинг қандай яшаганларини сен қаёқдан биласан? Балки улар бир бурда нонни деб, кимларнингдир эшигида ишлашга мажбур бўлишгандир? – деди Умар Қурбонбойнинг гапларига ишонқирамай.

– Мени хафа қиляпсан, сен ҳали менинг боболаримни қул бўлишган, демоқчимисан?! – деди Қурбон қалин қошларини чимириб.

– Йўқ, ундай демоқчи эмасман, фақат, қадим замонларда яхши яшаган кишилар кам бўлган демоқчиман, холос, – деди Умар ўртоғини хафа қилмаслик учун.

– Сен ўша яҳши яшаганлар нечта деб ўйлайсан?

– Ҳарҳолда, озчиликни ташкил қилган-да! – деди Умар жиққаккина гавдасига ярашмаган йўғон овозда.

– Ўша озчиликнинг ичида менинг боболаримнинг боболари ҳам бўлган, тушундингми? – деди Қурбонбой бармоғини Умарга бигиз қилиб.

– Балки... – деб қўйди Умар бошини чайқаб.

Қурбонбойга Умарнинг ишонқирмай бош чайқаши ёмон таъсир қилди. Бу худди унга паст табақадан чиққансан, дегандек туюлиб, нафсониятига тегиб кетди.

– Ишонмаяпсан-а, ҳозир сенга бир нарса кўрсатаман, кейин ўзинг ҳам бизнинг аждодларимизнинг шоҳона ҳаёт кечирганларига амин бўласан! – деди Қурбонбой ўрнидан туриб. У чайқалиб, бесунақай гавдасининг мавозанатини йўқотиб қўймаслик учун секин юриб кетди.

– Қаёққа? – деди Умар.

– Ҳозир қайтаман, ўтириб тур! – деди Қурбонбой қўли билан дўстига ишора қилиб.

У лаш-лушлар сақланадиган кичкина омборхонага кириб, қидирган нарсанинг турган жойида йўқлигини кўриб, хотинига бақирди:

– Фотима, Фотима деяпман!

– Тинчликми, дадаси? – деди ҳаллослаб югуриб келган Фотима.

– Бурчакдаги катта дошқозон қани?! – деди Қурбонбой қўли билан бурчакни кўрсатиб.

– Нима экан дебман, дошқозонни қўшнимиз Сунбулой сўраб чиққан эди, унга берганман, – деди Фотима.

– Ичидаги қадимий қозончани олиб қолганмидинг?

– Қанақа қозонча? Мен қозоннинг қопқоғини очиб кўрмадим, Сунбулой ўғли билан кўтариб чиқиб кетди.

– Қачон бергандинг?!

– Бир ҳафтача бўлди, сизга нима бўлди, дадаси? – деди эрининг важоҳатидан қўрқиб кетган Фотима.

– Мендан бир оғиз сўрамасдан, бериб юбораверасанми, аҳмоқ хотин?!

– Қўшнилар сўрагандан кейин, сиз ҳам уларга берма, демайсизу, бир жойи ейилиб қолармиди? – деди Фотима ҳам жаҳл билан.

– Мен унинг ичидаги кичик қозончани назарда тутяпман, катта қозоннинг ичидаги кичик қозончани билмай кўтариб кетишган бўлса, нимага уни ҳалигача олиб чиқиб беришмаяпти? Ахир уларга фақат дошқозон керак-ку!

– Билмадим, чиқаришар...

– Нима, чиқаришини кутиб ўтирасанми?! Бор, олиб чиқ! – деди Қурбонбой бақириб.

Қўрқиб кетган Фотима қўшнисиникига қараб югурди. Қурбонбой Умарнинг олдига қозончасиз бормаслик учун, хотинини кутиб турди.

Февраль ойининг охири бўлишига қарамасдан ҳаво анча совуқ эди. Шошганидан енгилгина уй кийимида юргани бўйича чиқиб кетган Фотима, бир оздан кейин дағ-дағ титраганича қайтиб келди ва:

– Дадаси, Сунбулой дошқозоннинг ичида ҳеч нарса йўқ эди, деяпти, – деди қўрқа-писа.

– Вой, аблаҳ, Маъруф, ҳали қозончани олиб кетганидан тоняптими?! – деб Қурбонбой тез-тез юриб қўшнисиникига ўтди.

Унинг авзойини кўриб, ажабланган қўшниси Маъруф:

– Кел, Қурбон, тинчликми? – деди.

– Қадимий қозончамни бер! – деди Қурбонбой салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйиб.

– Тушунмаяпман, жўра, дошқозонингни ҳозир олиб чиқиб бераман, лекин қадимий қозон деганинг нимаси?

– Мени аҳмоқ деб ўйлаяпсанми, Маъруф?! Ўша дошқозоннинг ичидаги қимматбаҳо металдан ясалган кичик қозончани бер, деяпман! – деб бақирди Қурбонбой.

– Дошқозонинг ичида ҳеч нарса йўқ эди, ўлай агар, ишонавер!

– Маъруф, агар ҳозир яхшиликча қозончамни олиб чиқиб бермасанг, ўлишинг тайин!

Эрининг қўшниларга қаттиқ гапира бошлаганидан хижолат бўлган Фотима:

– Ҳай-ҳай дадаси, ўзингизни босинг! – деди.

– Сен кўзимдан йўқол, аҳмоқ хотин! Сенга айтяпман, Маъруф, қозончани олиб чиқасанми, йўқми?!

– Қурбон, жинни бўлиб қолганмисан, ахир менга сенинг қозончангнинг нима кераги бор, олган бўлсам, берардим, йўқ нарсани қандай бераман?!

– Энди ўзингдан кўр! – деб Қурбон уйига қараб кетди.

Фотима эрининг бир балони бошлашини билиб унинг орқасидан югурди. Кўп ўтмай у ов милтиғини кўтариб чиқди ва Маъруфга милтиқни ўқталиб:

– Ҳозирнинг ўзида боболаримдан қолган қозончани олиб чиқмасанг, куним битди, деявер! – деди.

– Қурбон, мен сен айтаётган қозончани кўрмадим, ахир биз шунча йиллик қўшни бўлсак, милтиғингни тушир, ҳаммасини гаплашиб оламиз.

– Менинг сендай ўғри, муттаҳам билан гапим йўқ, қозончамни бермасанг, отиб ташлайман, вассалом!

– Қурбон, тушун, илтимос, озгина ичибсан, шекилли? Лекин милтиқ билан ўйнашма, айтаётган нарсанг одамдан ҳам азизми?

– Олган нарсангдан тонаётган сен, одаммисан?!

– Ўзинг биласан, шу ҳовлида ота-боболаримиз ҳам қўшни бўлиб яшаганлар, лекин бир-бирларига зарар етказмаганлар. Қўй, шу гапингни, қандайдир тушунмовчиликни деб, мени отиб қўйма, ўзинг ҳам қамалиб кетишингни ўйлаяпсанми?!

– Ҳа, у тўғри айтяпти, дадаси, бир умрга қамоқда ётишни истаяпсизми?! – деган хотинига:

– Ҳаммаси сен овсарни деб бўлди, йўқол бу ердан, ким менга яқинлашса отиб ташлайман! – деб бақирди Қурбон. У худди қутурган айиқдай ҳамлага тайёр турган эди.

Фотиманинг йиғлаб, ёлворишларига қулоқ солмас, Сунбуланинг қўрқиб кетганидан ҳушидан кетиб қолганига парво қилмас эди. У фақат бир гапни такрорлар эди:

– Қозончамни қайтариб бермасанг, отаман!

– Қозончанг бошингда қолсин, Қурбон! Хотинимнинг юраги касаллигини биласан-ку! Наҳотки, раҳминг келмаса, унинг олдига боришим керак! – деб ўрнидан турган Маъруфга қараб, Қурбон тепкини босди.

Ўқ овозидан ҳамма ёқ ларзага келди. Фотима югуриб келиб эрининг қўлидаги милтиққа ёпишди.

– Нима қилиб қўйдингиз, у ўлиб қолди-ку?! Энди нима қиламиз?! – деб милтиқни олиб, ўзи юролмай ўтириб қолди.

Маъруф қонга беланиб ётарди...

* * *

Вилоят прокуратураси катта терговчиси Мирзаев Собиржон Сафаров Қурбоннинг қўшниси Фатхуллаев Маъруфни қасддан ўлдириш мақсадида ов милтиғида отганлиги бўйича жиноят иши ҳужжатлари билан танишаркан:

– Битта қозончани деб бир одамни ўлдирмоқчи бўлган-а! – деди ҳамкасби Фарҳодга қараб.

– Ҳа, мен ҳам бундан ҳайратдаман. Суд-психатрия экспертизасининг хулосасига қараганда, ақли норасо эмас экан.

– Тўғри, ақли-ҳуши жойида, лекин спиртли ичимлик ичиб олганлиги аниқланган.

– Собиржон ака, ўзи улар айтаётган қозонча қандай қимматга эга экан, буни аниқладингизми?

– Сафаровнинг хотинининг айтишича, эри қандайдир ялтироқ металдан ясалган қозончани ҳамиша асраб келган, лекин ҳозир қозонча ҳеч қаерда йўқ эмиш.

Уларнинг суҳбатини навбатчининг қўнғироғи бузди.

– Сафаров Қурбонни олиб келишибди, киравериришсинми?

– Ҳа, кутиб ўтирибмиз, – деди Собиржон.

Эшикдан иккита соқчининг назоратида бесунақай гавдали, қўллари худди жонсиздай шалвираб осилиб турган, қилмишидан пушаймонлигиданми ёки ўзи аслида шундаймми, бўйини олдинга қараб букчайган, бошини хам қилганича турган киши кириб келди. Кўринишидан 30–35 ёшлардаги бу кишининг қалин қошлари кичик кўзига яқин

жойлашганидан, шекилли, бир қараган одам уни баджаҳл экан, деган фикрга бориши аниқ эди.

Собиржон унга бошдан оёқ разм соларкан, ўтириши учун стул кўрсатди. Унинг ҳимоячисиман, деб ҳужжат кўрсатган йигитни ҳам ўтиришга таклиф қилди. Сафаровнинг шахсига доир саволларига жавоб олганидан кейин:

– Хўш, Сафаров, айтинг-чи, қўшнингиз Маъруфни нимага отиб қўйдингиз? – деди.

– Ўзи, ҳозир унинг аҳволи яхшими? – деди Қурбон чайналиб.

– Ҳарҳолда, тасодифан тирик қолган. Кўп қон йўқотган, аҳволи оғир, дейишяпти, лекин сиз уни ўлдириш учун отгансиз, тўғрими?

– Энди, командир, эркакчилик-да... Маст бўлмасам шу ишни қилармидим? – деди Қурбон ерга қараганча.

– Энг ёмони ҳам шунда, спиртли ичимлик ичиб қилинган жиноят, айбни янада оғирлаштиради.

– Йўғ-э? – деб Қурбон ишонқирамай адвокатга қаради. Адвокат йигит, ҳа, шундай, дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

– Саволимга жавоб бермадингиз-ку, қўшнингизни нима учун отиб қўйдингиз? – деб саволини такрорлади Собиржон.

– У, ота-боболаримдан қолган қозончани олганидан тониб, уни қайтариб беришни истамади, шунга, кайф устида отиб қўйибман.

– Ўша сиз айтаётган қозончанинг қимматини аниқ билармидингиз?

– Йўқ, уни баҳолатмаганман, фақат ялтироқ, чиройли бўлгани ҳамда қадимийлиги учун уни қимматбаҳо деб ўйлайман, шунинг учун уни асраб қўйгандим.

– Ўша қозонча қаерда бўлиши мумкин?

– Ўзим ҳам ҳайронман, катта дошқозоннинг ичига қўювдим, Маъруф кўрмадим, деяпти, яна ким билади?

– Демак, ўзингиз ҳам унинг қаердалигини билмайсиз, қўшнингиз яшириб қўйган деб, гумон қилгансиз, холос, тўғрими?

– Ҳа, шундай, лекин, уни бошқа ким ҳам оларди, дошқозоннинг ичида турганини ҳеч ким кўрмаган бўлса?

Қурбонни олиб чиқиб кетганларидан кейин Собиржон ўйланиб қолди. Шунча ғалвага сабаб бўлган қозонча қаерда бўлиши мумкин? Маъруфнинг уйида эмаслиги аниқ, чунки унинг хотини дошқозонни ўзим қопқоғини очиб кўрганман, ичида ҳеч нарса йўқ эди, деб йиғлаб қасам ичяпти. Ундан ташқари, агар бўлса, Қурбон милтиқ ўқталганида, Маъруф берган бўларди.

Собиржон қозончани топишга қизиқиши орта бошлади.

– Фарҳод, сизнингча ўша қадимий қозонча қаерда бўлиши мумкин? Ахир уни кимдир олганлиги маълум-ку, – деди Собиржон.

– Билмайман, қозонча тўғрисида ўйлашни ҳам хоҳламайман, чунки, энг муҳими, гумондор шахс айбини бўйнига олиб ўтирибди. Жиноятни очиш учун ҳеч қандай қийналганимиз йўқ, шунисигаям шукр, – деди Фарҳод компьютерда бир нималарни ёзаётиб.

– Наҳотки, сизда эгаси уни деб одам ўлдиришгача борган қозончани кўриш истаги умуман бўлмаса?..

– Биласизми, Собиржон ака, ҳозир менда фақат уйга бориб, маза килиб овқатланиб, ундан кейин эса ухлаш истаги бор, ҳеч қандай қозон мени қизиқтирмайди, – деб Фарҳод компьютерни ўчира бошлади.

– Мен эса, ишни судга оширгунча ўша қозончани топишга ҳаракат қиламан.

– Унинг бор-йўқлигининг ишга ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса ҳам-а?

– Ҳа, чунки қадимдан аҳил қўшни бўлиб келган иккита оиланинг бекорга ёв бўлиб қолишларига йўл қўймаслигимиз керак.

– Албатта, бу сизнинг ишингиз, ҳарҳолда мени бунга аралаштирмассиз, деб умид қиламан.

– Қайси маънода? – деди Собиржон тушунмай.

– Қайси бўларди, тўғри маънода-да. Масалан, мен бугун уйга ишдан ўз вақтида кетиб, оилам даврасида бўлмоқчиман. Аллақандай қадимий қозончани деб ўтириб, бошимни қотиришни истамайман, – деб Фарҳод кетиш учун ўрнидан турди.

– Ҳа, гап бу ёқда денг, бемалол, кетаверишингиз мумкин, лекин мен ўша қозончанинг қаерга йўқолганини топмагунча тинчимайдиганга ўхшайман.

– Майли, хайр, яхши қолинг, – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Фарҳод кетганидан кейин Собиржон ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У қанча ўйламасин, қозончани ким олиши мумкинлигини топа олмай боши қотди. Ўтириб шу жиноят ищи бўйича сўроқ қилинган ҳар бир кишининг кўрсатмаларини бошқадан ўқиб чиқди, натижа чиқмади. Соатига қаради, вақт аллмаҳал бўлиб қолибди, кейин столини йиғиштириб, уйига кетди.

* * *

Сафаровнинг одам ўлдиришга суиқасд килиш жинояти бўйича тергов ишининг майда-чуйда ишларни, расмиятчиликларини бажариб, судга ошириш вақти ҳам етиб келди. Собиржон қоғозларни тахлаб тикишга ҳозирлаётганида, Фарҳод кириб келди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, менга ҳам иш қолдирдингизми, ёки ҳаммасини ўзингиз бажариб бўлдингизми? – деди кира солиб ҳазиллашиб.

– Бугун судга ошириб юборамиз, – деди Собиржон.

– Маъруф аканинг аҳволи яхши эканлигини кеча сизга айтганмидим? – деди Фарҳод.

– Ҳа, ўзим ҳам касалхонага қўнғироқ қилиб, сўрадим, икки-уч кундан кейин рухсат беришларини айтишди.

– Қаранг, битта эски қозонни деб ўлиб кетишига сал қолди-я!

– Қурбон ўзининг аслзодалардан бўлганлигини дўстига исботлаш учун қотилликкача бориши мумкин бўлган.

– Қизиқ, буни исботлашнинг нима кераги бор эди? – деди Фарҳод елкасини қисиб.

– Бир донишманд, инсонлардаги бойликка ва аслзодаликка интилиш ҳаваси фақат қабр ичидагина барҳам топади, деганда ўзининг қанчалар ҳақлигини билганмикан? – деди Собиржон қўлидаги қоғозларни столга қўяркан.

– Албатта, билмаса айтармиди? Биласизми, Собиржон ака, ҳозир лимонли чой ичамиз, – деб ўзининг хонасига кириб кетди.

Қўлида бир дона лимон ушлаб кириб келган Фарҳодга қараб:

– Ҳозиргина узилган лимонни қаердан олдингиз? – деди Собиржон.

– Ўзимизнинг қишки боғимиздан ўғирлаб чиқдим.

– Нимага, ўғирлаб деяпсиз, шунчаки, узиб чиқишингиз ҳам мумкин-ку?

– Қишки боққа фақат дадам қарайдилар, у ердаги ўсимликларга тегишга ҳеч кимга рухсат бермайдилар. Мен ҳам томоша қилишга онда-сонда кириб тураман. Эрталаб дадам лимонда ўн тўртта мева ҳосили борлигини, ҳеч ким бир донасиниям узмаслигини тайинладилар. Мен кўпдан бери у ерга кирмаганлигим эсимга тушиб, кирсам, лимон дарахти бечора меваларини кўтара олмай, эгилиб турибди. Шартта биттасини узиб, чўнтагимга солиб чиқдим.

– Ҳа, ундай бўлса менинг лимонли чойимга шакар ҳам солинг, – деди Собиржон кулиб.

– Ҳа, албатта, шакарсиз бўларканми? – деб Фарҳод икки кичик қошиқ шакар солди.

Собиржон чойдан бир ҳўплаб:

– Раҳмат, Фарҳод, зўр чой бўлибди-да, сизга айтсам, қишки боққа кириб шунақа ўғирлик қилиб турсангиз ёмон бўлмас экан, – деди ва ўйланиб қолди.

Фарҳод кечаги футбол ўйини тўғрисида тинмай гапирарди.

– Барибир мен айтгандек бўлди, Реал Мадрид ютди. Барселонанинг ютишига умид қилган укам гаровда ютқазди!

Собиржон қўлидаги чой ичиб ўтирган идишни столга қўйиб:

– Наҳотки, мен ўйлагандек бўлса, ҳа, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас!

– Сиз ҳам шундай ўйлаганмидингиз? – деди Фарҳод.

Собиржон унинг гапига эътибор қилмасдан, қўнғироқ қила бошлади. Фарҳод ана шундагина Собиржон унинг гапларини эшитмаётганини, миясини бошқа фикрлар билан банд эканини пайқаб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

– Алло, бу Сафаров Қурбоннинг хонадоними?

– Ҳа, сизга ким керак? – деган овоз эшитилди гўшакдан.

– Сиз Сафаровнинг хотинимисиз?

– Ҳа.

– Мен терговчи Мирзаевман.

– Вой ўлай, дадасига нима қилди?!

– Хавотир олманг, ҳаммаси жойида, мен ўғилларингиз ҳақида сўрамоқчи эдим.

– Нимани?

– Иккита ўғлингиз борлигини айтгандингиз, айтинг-чи, ўғилларингиз нечанчи синфда ўқишади?

– Бири мактабда олтинчи синфда, иккинчиси туман марказидаги лицейда иккинчи курсда...

– Катта ўғлингиз қайси фанларга ихтисослашган лицейда ўқийди?

– Тарих фанига, нимага сўраяпсиз?

– Тарихга денг...

– Ҳа, Султон бирор ёмон иш қилиб қўйибдими, айтсангиз-чи?!

– Йўқ, лекин ундан кичкина бир нарсани сўраб олишим керак эди.

– Ҳозир у дарсда бўлиши керак. Уйимиз анча узоқ бўлгани учун ўша ернинг ётоқхонасида қолиб ўқийди. Айтмоқчи, эртага дам олиш-ку, бугун уйга келади. Худо хоҳласа, пешинда уйда бўлади.

– Майли, унга ҳеч нима демай қўя қолинг, кейинроқ қўнғироқ қиларман, – деб Собиржон гўшакни қўйди.

– Тушунмаяпман, Сафаровнинг вояга етмаган ўғлидан нимани сўраш керак? Ахир жиноят ишини деярли тикиб тамомладик-ку, – деди Фарҳод.

– Мен ўша қадимий қозончани ким олганлигини топмагунча тинчимайман, деганман-ку.

– Собиржон ака, ортиқча оворагарчиликнинг нима кераги бор, биринчидан, у бола вояга етмаган, педагог иштирокида сўралиши керак, ўқитувчи излаш эса, албатта, менинг зиммамда бўлади, иккинчидан, жиноят иши ҳужжатлари тикилиб, тайёр бўлиб турибди, уни бузиб, ўша боланинг сўроқ қилганлик ҳужжатини қайтадан тикишимизга тўғри келади, – деди норози бўлиб Фарҳод

– Ҳеч қандай оворагарчиликнинг кераги йўқ, мен сўрамоқчи бўлган нарса, Сафаровнинг оиласига тааллуқли, холос.

– Кечирасиз-у, Собиржон ака, баъзида сизни умуман тушунмай қоламан.

– Масалан, нимани?

– Тўғри, мураккаб, жумбоқли ишларни ҳал қилишга устасиз, лекин оддий, ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳал қилиб юборадиган ишларни мураккаблаштириш сизга зарурми?

– Лекин, кўп йиллардан бери қўшни бўлиб яшаётган икки оила ўртасидаги тушунмовчиликни ҳал қилиш, менимча ҳеч қандай мураккаблаштириш эмас.

– Сафаровнинг ўзи буни ҳал қилиб бўлгану, Собиржон ака, энди улар юзкўрмас бўлиб кетишлари аниқ.

– Балки шундайдир, бироқ, Маъруфнинг оиласига ўғри, деган тамғанинг *нотўғри босилиши-чи?*

– Билмадим, билмадим, мен қолган ишимни тугатиб қўйишим керак, – деб Фарҳод ўрнидан турди.

Тушдан кейин Собиржон Сафаровнинг уйига қўнғироқ қилишни ўйлаб турганида хизмат телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, – деди Собиржон гўшакни кўтариб.

– Бир аёл ўғли билан сизнинг олдингизга кирмоқчи, чақирганмидингиз? – деди навбатчи.

– Қайси иш бўйича экан?

– Сафароваман, деяпти. Эрининг иши бўйича келибди.

– Майли, киришсин.

Эшикдан кирган аёл салом-аликдан кейин:

– Мен Султонга сизнинг қўнғироқ қилганингизни айтишим билан, ўзим терговчининг олдига боришим керак эди, ҳаммасини ўша ерда айтаман, деб йўлга тушди, мен ҳам қўшилиб келавердим.

– Хўш, Султон, менга нимани айтмоқчи эдинг? – деди Собиржон худди дадасига ўхшаган бесунақай гавдали, ўзини айбдор сезиб, ерга қараб турган 15-16 ёшлардаги болага қараб.

– Ҳаммаси мени деб бўлди... – дея гап бошлади.

– Аввал яхшилаб ўтириб ол-чи, – деб Собиржон унга стулни кўрсатди.

Султон ўтирганидан кейин, Собиржонга қаради.

– Энди тошилмасдан, бир бошидан бошла, ўша қозончани нега олган эдинг, ҳаммасини айтиб бер.

– Сиз буни билармидингиз?! – деди Султон Собиржонга ҳайрат билан қараб.

– Ҳа, сезгандим.

– Бизнинг лицейимизда тарих музейи ташкил килинган. Устозимиз бизга уйларингда боболарингиздан қолган эски нарсалар бўлса олиб келинглар, музейга қўйиб, унинг қайси асрга тааллуқли эканлигини ёзиб қўямиз, деди, – деб Султон жим бўлиб қолди.

– Кейин-чи? – деди Собиржон.

– Мен омборхонада ётган эски ялтироқ қозончани кўрган эдим. Дадам уни боболаримиздан қолган эсдалик, деб юришларини билардим. Шуни дадамдан сўраб, кейин лицейга олиб кетмоқчи бўлдим, лекин дадам уни олиб кетишимга рухсат бермаслигидан қўрқиб, ҳеч кимдан сўрамасдан олиб кетдим.

– Қозонча қаерда турган эди?

– У ҳар доим катта дошқозоннинг ичида турарди, ўша ердан олдим. Уни устозимиз бундан икки аср илгари ясалган қадимий қозонча эканлигини аниқладилар.

– Сен бу ҳақда ота-онангга айтмоқчи эмасмидинг?

– Мен ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари уйга келаман, шунинг учун бир ҳафтадан кейин келганимда ҳаммасини дадамга айтмоқчи эдим, лекин келсам...

– Келсанг, даданг қозончани деб қўшнингизни отиб қўйганини эшитиб ҳам ҳеч нарса демадингми?

– Мен қўрқиб кетдим, шунинг учун... – деб Султон кўз ёшларини яширишга ҳаракат қилди.

– Шуни менга айтсанг бўларди-ку, ўғлим, ҳеч бўлмаса телефонда ёрилганингда бу ишлар бўлмасди! – деди Фотима йиғлаб.

– Ҳаммасига мен айбдорман, шунинг учун дадамнинг ўрнига мени қаманглар! – деди Султон ва энди яширмасдан ўкириб йиғлаб.

– Бунинг иложи йўқ, лекин бу гапларингни Маъруф акангга айтиб кечирим сўрасанг, бечора бир оз енгил тортармиди, чунки у ҳам жисмонан, ҳам маънан жабрланиб ётибди.

– Барака топкур қўшниларимиз Маъруф ҳам, хотини Сунбулой ҳам жуда яхши одамлар. Маъруф бир ўлимдан қолган бўлса ҳам, қўшнимиз Қурбонга ҳеч қандай даъво-жанжалимиз йўқ, деб ўтирибди-я!

– Ҳа, яхши одам экан.

– Аввал қозончани олиб қўйганидан кейин, айб ўзимда бўлди, деб ўйлаб шунақа деётган бўлса керак, деб гумон қилган эдим, лекин кейин билсам, у бечорада мутлақо айб йўқ экан.

– Сен-чи, Султон, ўша қозончани устозинг билан бирга бу ерга олиб келгин, хўпми? – деди Собиржон.

– Хўп, лекин дадамга енгиллик қилишингиз учун мен нима қилишим лозим?

– Мен ҳеч нарса қила олмайман, унга қандай жазо беришни фақат суд ҳал қилади, – деди Собиржон улар билан хайрлашаркан.

Икки кундан кейин устози билан қозончани кўтариб келган Султон Собиржоннинг хонасига кирди. Қозончани қўлига олиб томоша қиларкан:

– Сиз бу қозончани мутахассисга кўрсатганмисиз? – сўради Собиржон Султоннинг устозидан.

– Йўқ, мен ўзим қозончага солинган расмларга, унинг нақшларига, ишланишига қараб, тахминан икки аср илгари ясалган қозон деб ёзиб қўя қолдим. Лекин уни барибир бирор темирчи устага кўрсатиш ниятим бор эди, – деди аёл ўзини оқлаб.

– Эътибор бердингизми, бу кичик қозончада ҳеч қачон овқат пиширилмаганига қараганда, менимча *буни оддий қозонча, деб бўлмайди.*

– Собиржон ака, чақирилган мутахассис келди, машҳур қозончанинг нимадан ясалганлигини ўша киши аниқ айта олади, айтишади-ку, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб, – деди Фарҳод.

Собиржон қозончани мутахассисга узатаркан:

– Қозонга ишлатилган метал таркибини тезроқ аниқлаб, натижасини билдиринг, – деб бир варақ қоғоз узатди.

Мутахассис варақҳа имзо чекиб:

– Ҳа, албатта, лекин олдиндан айтишим мумкинки, қозонча асосан қимматбаҳо металлдан ясалган.

– Бундан чиқди, дадамнинг гапи тўғри экан-да, – деди Султон.

– Даданг нима деганди? – деди Собиржон Султоннинг нима демоқчи эканини тушунмай.

– Улар ҳар доим, менинг ота-боболарим аслзода бўлганлар, шундай қимматбаҳо қозончада овқат пиширганлар, дердилар.

– Биласанми, Султон, ота-боболарингнинг аслзода бўлганликларини қанчалик айтсанг ҳам исботлай олмайсан, менимча, бунинг кераги ҳам йўқ. Сенинг ҳар бир ҳаракатинг, жамиятда тутган ўрнинг, сенга одамларнинг берган баҳоси, бу – сенинг авлод-аждодингга ҳам тааллуқли ҳисобланади, – деди Собиржон.

– Жуда тўғри, Собиржон ака, ҳаммага рухсатми? – деди Фарҳод.

– Ҳа, рухсат.

Собиржон билан Фарҳод янги тайинланган тергов бўлимининг бошлиғи тўғрисида гаплашиб:

– Сизга айтсам, Собиржон ака, Фозил акадан қутулганимга битта зиёфат қилиб бераман, ахир у роса жонимдан тўйдириб юборган эди-да! Ҳар бир қадамимни текширарди-я, ҳайронман, қаерда ўтиришимнинг унга нима фарқи бор, ишимни вақтида бажарсам бўлди эмасми?! – деди Фарҳод.

– Лекин эсингиздан чиқмасин, Фозил ака прокуратура системасидан кетгани йўқ, унинг мансаби кўтарилди, холос. Бу деган гап, барибир унинг назоратида бўласиз, дегани, – деди кулиб Собиржон.

– Йўғ-э, мансаби каттароқ бўлгандан кейин ишиям кўпаяди, ҳарҳолда мени эсидан чиқариб, ўз ҳолимга қўйса керак, деб ўйлайман, – деди Фарҳод.

Шу пайт кутилмаганда эшикдан Фозил ака кириб келди. Фарҳод билан Собиржон бир-бирларига қараб олиб, унга салом беришди. Фозил ака қўлидаги бир варақ қоғозни Собиржонга узатаркан:

– Баракалла, Собиржон, мана кўринг, сизнинг қизиқувчанлигингиз туфайли мутахассисларнинг аниқлашича, ўша эски қозонча соф платинадан ясалганлиги аниқланибди! Биласизми, бу дегани, давлатимиз хазинасига нақ уч ярим кило қиммат-баҳо металл қўшилди, дегани-да!

– Шунақа эканми? – деди Собиржон қоғозга кўз югуртириб.

Фозил аканинг Фарҳодга кўзи тушиб:

– Эй, сен бола, ўз жойингда ўтирасанми ёки фақат ҳамманинг бошини қотириб, маҳмаданалик қилиб юраверасанми? Тезда хонангга бор-чи! – деди.

– Оббо... – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Адабий-бадиий нашр

ЗУЛАЙҲО МАШАРИПОВА

ХАТО

Детектив қиссалар ва ҳикоялар

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ


Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: AI № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 12.11.2018 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 11,5. Шартли босма тобоғи 19.32.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb».
Адади 10000 (I завод 3000.) нусха. Буюртма № 154.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – (78) 147-00-14, (78) 129-09-72.
Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43; (93) 397-10-37.
факс – (71) 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



Хиёнатим ҳосиласи Гулойим туғилди. Уни вақтидан илгарироқ туғилган, деб ёлғон гапирдим ва ҳаммани шунга ишонтира олдим, лекин ҳамма нарсани билгувчи ва кўргувчи Яратган Эгам, ягона жигаргўшамни вақтидан илгари қайтариб олиб, мени қон қақшатди.

Мен сўқир ярамас, қизимнинг вафотигача ҳам қанчадан-қанча ёмон ишлар қилмадим, дейсан. Гулойимгинамни ҳам гуноҳларимга шерик қилдим. Ҳар бир қилган ножўя ишимга одамлардан эмас, Худодан ёмонлик қайтаётганини билсам-да, мен ҳаромдан ҳазар қилмайдиган нокас, қилган ишимни ҳеч ким билмади-ку, деб ўйлаб, давом эттираверибман.

Энг ачинарлиси, мен бир умр гуноҳкор бўлиб яшаганимни ўлимим яқинлашгандагина пайқадим. Энди эса ҳеч нарсани ўзгартиришнинг иложи қолмаган…

– Ойи, сиз ҳам Элдорни укамнинг қотили эмас, демоқчимисиз?

– Мен фақат шу Элдорнинг бегуноҳлигини айтиш учун гапиришга қарор қилдим, токи бу менинг бу дунёга келиб қилган ягона тўғри ишим бўлиб қолсин...

–Бибигул опа ўғлининг ўлимини ўзининг гуноҳлари учун, Тангридан берилган жазо, деб ҳисоблаяпти. У аёл қандай оғир гуноҳ қилган бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз?

– Билмадим, лекин бировнинг омонатига хиёнат қилган ўғилнинг онасини бегуноҳ дейиш мумкинми?

– Йўқ, албатта…

ЯНГИ АСР АВЛОДИ

www.book.uz
Онлайн китоб дўкони

ISBN 978-9943-27-938-4